

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ: КЕЧА ВА БУГУН

Абриев Р.Б. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистонда собиқ иттифоқ даврида тарихий-меморий обидаларга бўлган муносабат ва мустақиллик йилларида тарихий-меморий обидаларни таъмирлаш, ҳамда қайта тиклаш соҳасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, шаҳарсозликнинг ривожланиш босқичлари атрофлича ёритилган. Шунингдек, мақолада тарихий меморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш соҳасидаги мустақиллик йилларида амалга оширилган қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар, янги қабул қилинган қонунлар ҳам келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: маданий мерос, меъморчилик, реставрация, мадраса, масжид, конструкция, техник, мақбара, обида.

2012 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашини тузиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Қарорда Кенгашга “тарихийлик ва холислик тамойиллари асосида Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли равишда ўрганишни ташкил этиш, шунингдек, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган ҳамда бой тарихий-маданий меросга эга бўлган ўзбек халқининг ўтмиши ва ҳозирги даврини баҳолашда бир ёклама ёндошув, догмаларга йўл қўймастик”[1] каби муҳим дастурий вазифалар юклатилди.

Шу билан бирга, тарихан қисқа аммо асрларга татигулик мустақиллик йилларида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий соҳаларда эришилган ютуқларни, орттирилган тажрибани сарҳисоб қилиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш энг янги тарихнинг долзарб вазифалари қаторидан ўрин олди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон энг янги тарихининг илмий жиҳатдан ечимини кутаётган кўпгина масалалари орасида – мустақиллик йилларида маънавий ва маданий меросини қайта тиклаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишларни тадқиқ этиш ва уни халққа етказиш масаласи турибди.

Маълумки, Ўзбекистон дунёнинг энг қадимги маданий минтақаларидан бири бўлиб, унинг ҳудудида бир неча минг йиллар давомида давлатчилик анъаналари шаклланиб келган. Бу ерда қадимги Бақтрия, қадимги Хоразм, Суғд ва Фарғона каби давлатларининг шаклланиши ҳамда Шарқ ва Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўли ҳам айнан шу ҳудуддан ўтганлиги тасодикий ҳол эмас. Асрлар давомида цивилизациявий мулоқот марказларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон ҳудудида илм-фан ва бошқа соҳалар билан бирга, шаҳарлар қуриш маданияти ҳам қадимдан ривожланиб, такомиллашиб келган. Ҳатто турли тарихий даврларда вайронагарчиликлар келтирган истилолар ҳам минтақанинг олға қараб динамик ривожланишига тўсқинлик қила олмади.

Вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқлар ўрнида барпо этилган янгилари аввалгиларига қараганда янада кўркам ва каттароқ қилиб барпо этиларди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Шахрисабз, Тошкент, Термиз каби шаҳарлар шулар жумласи-

дандир. Бу шаҳарларнинг энг гуллаб-яшнаган даври Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврига тўғри келди. Номлари юқорида тилга олинган шаҳарлар буюк салтанатнинг маъмурий-сиёсий ва маънавий марказлари эди. Уларда кўплаб гўзал бинолар ва иншоотлар барпо этилдики, бу обидалар кейинчалик архитектура ёдгорликлари бўлиб қолди ва жаҳоннинг ноёб меъморий обидалари қаторидан муносиб ўрин эгаллади.

Биргина Самарқанд шаҳрида Соҳибқирон Амир Темурнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида 20 дан ортиқ маҳобатли меъморий иншоотлар барпо қилинган. Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий каби ўрта аср тарихчилари, ҳар бир бинонинг лойиҳаларини мукамал ҳолатга келишида шахсан Соҳибқироннинг роли салмоқли бўлганлигини қайд этишган[2]. Ушбу ёдгорликлар бугунги кунда ҳам биз учун фақат Ўзбекистон эмас, балки бутун Марказий Осиё халқларининг ўтмишдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, маданиятлари, фанини юксак даражада эканлигини тасдиқловчи манба ҳисобланади.

Маълумки, сақланиб қолган архитектура ёдгорликларни ўз даврининг етук усталари, ўша давр ютуқлари ва илғор технологиялари асосида барпо этган. Ёдгорликларнинг кўпчилиги йирик меъморлар ижоди маҳсули ҳисобланади ва дунё меъморчилигининг ноёб асарларига айланди. Бироқ, вақт ва табиий-иқлим мухити ёдгорликнинг жисмоний (моддий) эскиришига, инсоннинг жадал фаолияти (ерларни ўзлаштириши ва суғориши, каналлар ва сув ҳавзалари қуриши, ёдгорликлар атрофидаги ҳудуднинг режалаштирилиши, унда бинолар қуриши ва ободонлаштириши ва ҳ.к. таъсирида ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиши, тупроқ ва ёдгорлик конструкциялари шўр босиши, шунингдек, асосидаги тупроқ намлиги ошганлиги[3]) эса ундан фойдаланиш шароитларининг ўзгариши ва ёмонлашувига олиб келди. Булар натижасида ёдгорликларнинг нураш жараёни доимий равишда кечади ва уларни сақлаб қолиш вазифаси уларнинг техник ҳолатини мунтазам назорат қилишни ва консервация-таъмирлаш ишларининг илмий асосланган усулларида фойдаланишни талаб этади.

Агар ушбу омиллар амалда муқаррар бўлган бўлса, XX аср бошига қадар конструкцияларнинг техник ҳолатини паспортлаштиришнинг бўлмагани

* Абриев Р.Б. – СамДУ катта ўқитувчиси.

[4], шунингдек профилактик кўздан кечириш ва ўз вақтида таъмирлашнинг етишмаслиги, баъзан эса реставрация-таъмирлаш ишлари чоғида асосиз ва ўйланмаган ҳаракатлар қилиниши ёдгорликларнинг сақланишига салбий таъсир кўрсатган. Ушбу хулосани архив ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Уларда ёдгорликларнинг техник ҳолати қониқарсиз эканлигига асосий урғу берилади. Масалан, 1990-йиллар бошига келиб, Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонидаги монументал иншоотлардан Тилла Қори мадрасасининг асослари, ер ости ва ер усти таянч конструкцияларининг техник жиҳатдан авария ҳолатида бўлган[5]. Архив материалларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, таянч конструкцияларнинг бузилиши ва деформацияси бино мавжуд бўлган бутун муддат (400 йил) мобайнида, асосан турли даражадаги зилзилалар, шунингдек асоснинг чўкиши оқибатида юз берган. Танлаб амалга оширилган реставрация ва таъмирлаш ишлари, уларнинг тартибсизлиги (комплекс эмаслиги) иншоотнинг айрим қисмлари аста-секин ишдан чиқишига олиб келган[6].

Деярли тўққиз аср (XI-XIX асрлар) давомида шаклланган ва 44 иншоотни ўзида мужассамлаштирган Шоҳи Зинда меъморий комплекси ҳам охириги 200 йил давомида Марказий Осиё ҳудудида юз берган кучли зилзилалар мажмуадаги меъморий ёдгорликларнинг техник ҳолатига салбий таъсир қилган, натижада кўплари бузилиб кетган[7]. Боз устига, бир неча асрлардан буён Шоҳи-Зинда мажмуасининг меъморий ёдгорликларида комплекс консервация-таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган. Улар фақат тарихий, меъморий, бадийи ва археологик тадқиқотлар маркази вазифасини бажарган, холос. Бинобарин, XX аср бошида Эрмитаждан келган Археологик комиссия вакиллари, мажмуани сақлаб қолиш имконияти йўқлигини таъкидлашган эди. Оқибатда, Шоҳи-Зинданинг ҳар бир ёдгорлиги ташки нақшинкор қопламаларидан намуна олиниб, Санкт-Петербургга жўнатишган эди. Улар ҳозирга қадар ушбу музейнинг ноёб экспонатлари сифатида кўргазма қилинади[8].

Бундан ташқари собиқ Иттифоқ даврида маданий меросга бўлган ғоявий-мафкуравий ёндошувнинг зарарли таъсири кўпроқ бўлди. Минглаб тарихий обидалар “революцион” ўзгаришлар янги ва эски шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқ қилиш ҳамда уларни тенглаштиришга, шунингдек, дин ва кадриятларга қарши қаратилган зарарли ғояларнинг, айниқса совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йилликларида ҳукмронлиги натижасида кўплаб қадимий шаҳарсозлик намуналарининг бузилиши ва таҳқирланишига олиб келди. Радикал характер ва синфийлик тамойилига асосланган ғоялар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива ва Ўзбекистоннинг бошқа тарихий шаҳарларига ўнглаб бўлмас зарар етказди[9]. Кўпгина масжиду-мадрасалар ёпилди, айримлари молхона ва омборхоналарга айлантирилди, нуради ва вайрона ҳолга келди. Қарийб XI аср гувоҳи бўлган ноёб обида Исмоил Сомоний макбараси чўкиб кетиш хавфи остида қолган эди, масжиди Калон эса тўрт

томони нураб, омборхона сифатида фойдаланилди, ичига кириб бўлмас аҳволга тушиб қолган эди.

Биргина Навоий вилоятининг Кармана туманида халқимизнинг неча асрлик тарихига гувоҳ бўлган нодир меъморий обидаларнинг катта қисми совет даврида изсиз йўқ бўлиб кетди. Хусусан, Кармана арки, “Чорминор” мадраса-масжиди, Абдуллахон уйи ва масжиди, Ҳиндлар саройи, Эгамсарой, Тўракул бобо саройи каби ўнлаб обидалар шулар жумласидандир[10]. 1920 йилда Қизил армиянинг Бухорога қилган хуружининг оқибатлари ўта аянчли бўлди. Шаҳарни қамал қилиб уни тўпга тутилиши ва бомбардимон қилиниши оқибатида кўплаб меъморий обидалар бузиб ташланди. Тарихий ҳужжатлар берган маълумотларига қараганда, Бухоро амирининг “тахтдан ағдариш” жараёнининг оқибатлари қуйидагича бўлди: шаҳардаги 47 таноб майдонни эгаллаган 27 та гузар ҳудудида, 9 масжид, 582 та турар жой, 850 дўкон ва устахона 38 та карвонсарой ва 38 нонвойхоналар бузиб ташланган, соғ қолган (тик ҳолатдаги) биноларнинг аксарияти ўқ ва осколалар таъсирида “бағри илма-тешик” бўлиб кетган[11]. Кейинчалик эса ўз ҳолига ташлаб қўйилди ёки кўплаб масжид ва мадрасалар омборхоналарга айлантирилди. Мутахассисларнинг ёзишларича, юқорида қайд этилган амалиёт натижасида Ўзбекистон ҳудудида меъморий-тарихий обидаларнинг сони кескин қисқариб кетди. Агар XX аср бошидаги 40 мингдан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд бўлган бўлса, 1990 йилларга 10 мингтаси етиб келди, холос.

Шу билан бирга, XX асрнинг 20-нчи йилларидан бошланган маҳаллий халқлар маданиятини нивелирлаш узвий ривожланиб келган таълим жараёни янги, Европача тартиб билан алмаштириш оқибатлари ҳам аянчли бўлди. Уста Бако (Бухородаги Минораи Калон меъмори), Меъмор Абдул Жаббор (Самарқанддаги Шердор мадрасаси муаллифи) сингари меъморларни етиштирган таълим тизими таг-туғи билан йўқотилди. Тамоман янги маданият юзага кела бошлади. Бинобарин, Ўрта Осиёда ҳам Европадаги сингари ўздан олдинги даврда ва услубда қурилган иморатларни таъмирлаш учун махсус ўрганиш эхтиёжи келиб чикди. Бошқача қилиб айтганда, XX аср ўрталарида Ўзбекистонда ҳам ота-боболари бунёд этган иморатларни тиклаш учун махсус таъмирчиларни етиштириш зарурияти пайдо бўлди[12].

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов истиқлолнинг илк йилларидаёқ ушбу масалага алоҳида тўхталиб, “Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади. Бу миллий бойлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни кўз қорачиғидай асраб-авайлашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак”[13], деб таъкидлаган эди.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистонда мустақиллик даврига

етиб келган маданий мерос объектларини сақлаш, таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёни бошланиб кетди. Ўтиш даврининг дастлабки йилларидаги иқтисодий-молиявий қийинчиликларга қарамасдан республика раҳбарияти маданият соҳасини ўз холига ташлаб қўймади. Бор куч ва имкониятдан келиб чиқиб, қадимий шаҳарларнинг тарихий ҳудудларини муҳофазалаш ва тарихий қиёфасини сақлашга қаратилган бунёдкорлик ишларини йўлга қўйиш, меъморий обидалар бўйича таъмир ишларини олиб бориш учун зарур маблағлар топилди. Бу ишларнинг ташаббускори ва раҳнамоси бўлиб мамлакат Биринчи Президенти И.Каримов майдонга чиқди. Шундай қилиб, 1990-йиллар бошларидан комплекс тадбирларни назарда тутган бунёдкорлик ишлари қандай йўналишларда амалга оширилди ва улардан кўзланган асосий мақсад нимада эканлиги, деган ўринли саволлар туғилади.

Биринчи йўналиш – бу бевосита маданий мерос объектларини таъмирлаш ва қайта тиклаш билан боғлиқ жараёнлардир. Вақт масофасидан қараганда, Ўзбекистонда мавжуд маданий мерос объектларини сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш ишлари икки босқичда (1991-2000 ҳамда 2001-йилдан кейинги давр) амалга оширилганини кўриш мумкин. Ҳар бир босқич кўлами ва хусусиятлари билан бир биридан фарқ қилади, албатта.

Биринчи босқич – 1990-йилларда аянчли ҳолатда бўлган кўплаб маданий мерос объектлари таъмирлаш ва консервациялашга қаратилган дастлабки тадбирлар айнан шу йилларга тўғри келди. Улар, аввало халқаро ва республика аҳамиятига эга бўлган бир қатор дастлабки тадбирлар доирасида амалга оширилиб, республикадаги қатор тарихий-меъморий иншоотларда таъмирлаш, қайтадан тиклаш жараёни бевосита давлат ва жамоатчилик ёрдамида олиб борилди. Дарҳақиқат, биринчи босқич дастлабки тадбирлари ва мавжуд меъморий обидаларни таъмирлаш ишлари асосан турли юбилейлар, яъни тарихий шахслар ёки қадимий шаҳарларнинг тўйлари билан боғлиқ тайёргарлик доирасида амалга оширилди.

Жумладан, 1990-йиллар бошларида биринкетин ўтказилган улуғ аллома Баҳоуддин Нақшбандий 675 йиллиги, буюк мутафаккир олим, давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг – 600, давлат арбоби, буюк саркарда Амир Темур таваллудининг – 660, ҳадис илмининг Султони – Имом ал-Бухорий таваллудининг – 1225 йиллиги ҳамда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейлари шулар жумласидандир. Халқаро миқёсда нишонланган ушбу тадбирлардан бош мақсад, биринчидан, узоқ йиллар давомида таҳқирланиб келган тарихимизга нисбатан муносабатни ўзгартириш ҳамда улар халқимизнинг ўз маданий мероси ва улуғ аждодларига бўлган бекиёс хурмати рамзи бўлди; иккинчидан, обидалар орқали ёш авлодни ота-боболар мероси билан танишишга, умуман, уларни миллий ўзликни англаш руҳида тарбиялашга хизмат қилишга қаратилди; учинчидан, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистоннинг бой маданий меросини жаҳонга танитиш, ўзбек маданияти, маънавияти ва тарихи-

нинг инсоният цивилизациясида тутган муносиб ўрнини яққол кўрсатиш эди.

Биргина Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини ўтказиш муносабати билан шаҳардаги 52 тарихий обида таъмирланди. Жумладан, Регистон майдони қайтадан ободонлаштирилди. Пойи калон Меморий мажмуаси, Тоқи Саррафон, Тоқи Телпак – фурушон, Тоқи Заргарон, савдо ва хунармандчиликга мўлжалланган **тоқи** қайта таъмирланиб ҳозирги пайтда Бухоро шаҳрининг энг гавжум ҳудудларидан бирига айланди.

Шу билан бирга, дастлабки босқичда ўтиш даврининг иқтисодий-молиявий муаммолари соҳада кенг камровли таъмир ишларини йўлга қўйилиши, шунингдек, қонунчилик базаси такомиллашмаганлиги бир қатор объектив қийинчиликларни вужудга келишига сабаб бўлди.

Иккинчи босқич – халқаро андозалар талабларига жавоб берувчи 2001 йил 30 августда “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинишидан бошланди. Миллий қонунчилик тизимидаги ушбу ижобий ўзгариш соҳада жадал суръатлар билан иш юритиш ва республикада мавжуд маданий мерос объектларини ҳисобга олиш, уларнинг техник ҳолатидан келиб чиққан ҳолда барча имкониятларни ишга солиб қурилиш-таъмирлаш ва бунёдкорликни амалга оширишга кенг имкониятлар яратди.

Истиқлол йилларида республиканинг барча минтақаларида меъморий ёдгорликларнинг техник ҳолати, улардан тўғри фойдаланиш, реставрация-консервация ишларининг амалга оширилиши устидан назорат қилувчи давлат инспекцияларнинг иши тизимли асосда йўлга қўйилди. Реставрация ишларининг кенг миқёси Ўзбекистоннинг деярли барча минтақаларини, шу жумладан, Қорақалпоғистоннинг узоқ туманларини ҳам камраб олди. Айрим ёдгорликларни реставрация қилишдан бутун-бутун меъморий ансамблларни, қадимги шаҳарларнинг тарихан таркиб топган марказий қисмларини қайта тиклашга ўтилди. Бунда соҳага масъул бўлган идоралар ва уларнинг фаолиятида ташкилий ва тузилмавий ўзгаришлар алоҳида аҳамият касб этди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги № 269-сонли “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори[14] билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасига айлантирилди. Шу билан бирга, ушбу қарор остида “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича идораларо комиссия тўғрисида”[15], шунингдек, Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари Давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”[16] ҳамда “Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизаси тўғрисида”[17] Низомлар тасдиқланди ва амалиётга жорий этилди.

Бу босқичда ҳам халқаро миқёсда нишонланган юбилейлар, хусусан, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, Шаҳрисабзнинг – 2700, Қаршининг – 2700, Самарқанд шаҳрининг – 2750, Марғилоннинг – 2000, ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонланиши, шунингдек, Абдухолик Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, Хоразмдаги Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейлари ўтказилиши қадимий шаҳарларимиз ва муқаддас зиёратгоҳларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Шу билан бирга, алоҳида объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларини ташкил қилиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. Хуллас, тарихий обидаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган қайта тиклаш ва таъмирлаш соҳасидаги ишлар янада чуқурлашди.

Иккинчи йўналиш – Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаҳарсозлик амалиётидаги туб ўзгаришлар жараёни билан боғлиқдир. Замонавий урбанизациянинг шиддатли равишда кучайиши сабабли Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарлари учун батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Шундай қилиб, шаҳарлар илгариги (совет), қаттиқ чекланган ва ҳаддан ташқари батафсиллаштирилган ишланмалардан фарқли ўларок, шаҳарсозликнинг аҳоли ҳаёти ва фаолияти учун қулай шароитлар билан боғлиқ асосий муаммолари ҳал этила бошланди. Муҳими шундаки, шаҳарларнинг бош режаларида эски шаҳар инфратузилмасини зудлик билан ҳал қилиш, маданий меросни сақлаб қолиш, боғ-парк санъатини тиклаш ва экологияни яхшилаш чора-тадбирлари кўрилди [18]. Мустақил ривожланиш йилларида шаҳарсозликка янги инновацион технологиялар жорий этилиши билан бир қаторда меъморий-монументал меросни сақлаб қолиш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш устувор аҳамият касб этди.

Бунда 2000 йилларда Ўзбекистон шаҳарларини жаҳон андозалари даражасида тараккий эттириш, шаҳарсозликни тартибга солиш, шунингдек, қадимий шаҳарлар тарихий ҳудудлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган яна қўшимча қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар алоҳида аҳамият касб этди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 7-апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси тўғрисида”ги қарори, [19] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 2-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларнинг чегараларини белгилаш тартиби тўғриси”даги низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, [20] муҳим аҳамиятга эга бўлди [21]. Бу меъёрий ҳужжатлар тарихий шаҳарларни тиклашда тарихий-маданий мероснинг индивидуаллик ва меъморий-

бадий ўзига хосликни таъминловчи асосий таркибий қисми сифатида тарихий шаҳар муҳитини сақлаб қолиш ва тиклаш, ушбу муҳитда жойлашган ижтимоий-маданий ва шаҳарсозлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тарихий бинолар жойлашган ҳудудларда яшаш ва фаолият кўрсатиш учун қулай шароитлар яратиш, аynи вақтда меъморий-фазовий композиция, тарихий-бадий қадрият ва унинг функционал аҳамияти бирлигини таъминлашга хизмат қила бошлади

Бинобарин, махсус таянч режалар ишлаб чиқиш имконияти ҳам пайдо бўлди. Уларга мувофиқ фақат қадимий шаҳарларнинг эмас, балки айрим аҳолини пунктларнинг Бош режаларини ишлаб чиқишда ҳам тарихий ва маданий ёдгорликлар асосий ўринни эгалловчи объектлар бўлиб қолди. Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари учун шундай лойиҳалар ишлаб чиқилди. Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар, тартибга солинадиган қурилишлар ҳамда ландшафтни сақлаб қолиш ҳудудларининг чегаралари аниқ белгиланди.

Учинчи йўналиш – соҳада халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши. Истиқлолнинг илк йилларидан Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти тизимининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида унда кечаётган маданий жараёнларга ҳам фаол кириб борди. Мамлакат раҳбарияти маданий ёдгорликларини сақлаш ва муҳофаза этишда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш жараёнига алоҳида эътибор қаратди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида устувор ҳисобланган иқтисодий интеграция жараёни билан баробар маданий соҳага ҳам кириб бориши ҳамда жаҳоннинг бошқа халқлари билан маданий мулоқотни кучайтиришга мустаҳкам пойдеворни яралишига сабаб бўлди.

Маданий мерос объектларини сақлаш ва таъмирлашга қаратилган жараёнлар мамлакатимизнинг халқаро нуфузли ташкилотларга аъзо бўлиши ва улар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйилиши, яъни 1992 йилда БМТга, сўнгра 1993 йилда фан, маданият ва маорифнинг миллий тизимларини ўзида бирлаштирувчи, аynи пайтда, халқларни бутун инсониятнинг бой маънавий мероси билан таништириш орқали уларни дунё интеллектуал таракқиётининг тажрибаси билан бойитадиган универсал халқаро ташкилот – ЮНЕСКОга аъзо бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатнинг ушбу ташкилотлар аъзолигига қабул қилиниши ва ўзаро ҳамкорлик жараёни республиканинг жаҳон маданий ҳамжамиятига интеграциялашувининг ҳуқуқий асоси ҳисобланган бир қатор халқаро конвенция ва декларацияларига қўшилиши билан ҳамоҳанг борди. Жумладан, билимлар тарқатиш, истеъдодларни қамол топтириш ва турли маданиятларни бойитишга ёрдам бериш; халқлар ўртасидаги тинч-тотув муносабатлар ва дўстликни ривожлантириш ҳамда улардан ҳар бирининг турмуш тарзини яхши тушунишга қўмаклашишни мақсад қилиб олган халқаро маданий ҳамкорлик принциплари “Декларацияси”га қўшилиши фикримизнинг ёрқин далилидир [22].

АДАБИЁТЛАР

1. Бердимуродов А. Соҳибқирон севган юрт унинг фидойилиги туфайли ер юзининг сайқалига айланди // Зарафшон. – 2008. – 5 апрель. – Б.3.
2. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси Жорий архиви (Бундан кейин ЎМСИВ ММОМҚФИИЧББ ЖА). АООТ “Таъмиршунослик”: Программа комплексного ... – С. 5.
3. Ушбу тамойил 2001 йил 30 августда “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинганидан сўнг тизимли хусусиятга эга бўлди.
4. ЎМСИВ ММОМҚФИИЧББ ЖА. Предварительное заключение о техническом состоянии оснований, подземных и наземных несущих конструкций медресе Тилля Кари в г.Самарканде. 1995 г.
5. Ўша жойда Протокол заседания комиссии по устранению аварийного состояния северозападного участка медресе Тилля Кари г. Самарканде. 17 марта 1993 г. – С. 10-14.;
6. Ўша жойда. Предварительное заключение о техническом состоянии оснований, подземных и наземных несущих конструкций медресе Тилля Кари в г. Самарканде. 1995 г.
7. ЎМСИВ ММОМҚФИИЧББ ЖА “Шохи-Зинда” мажмуасидаги кириш биноси маданий мерос объекти кадастр иши. – Самарқанд 2011. – Б. 4-5.
8. ЎМСИВ ММОМҚФИИЧББ ЖА “Шохи-Зинда” мажмуасидаги кириш биноси маданий мерос объекти кадастр иши. – Самарқанд 2011. – Б. 6-7.
9. Қаранг:Крюков К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920-1990 гг.) // Строительство и архитектура Узбекистана. – 1990. – № 8. – С. 35.
10. Қаранг: Ҳотамов А., Бекниёзов Н. Кармана қадимги диёр. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – Б. 15-35.
11. Ремпель Л.И. Вернуть дух “Благородной Бухары” // Маскан. 1992. – № 3-4. С. 2.
12. Ахмедов М.К., Рафиқов С.А. Ўзбекистонда меъморини ёдгорликларни таъмирлаш муаммолари // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. – 2005 й. - № 1 – 18-19 бетлар.
13. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.38-39.
14. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Қарорлари тўплами. 2002, № 7. – Б. 63-65.
15. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Қарорлари тўплами. 2002, № 7. – Б. 66-68.
16. Ўша жойда – Б. 69-82.
17. Ўша жойда – Б. 82-87.
18. Кадырова Т. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX - начала XXI вв. (традиции и современность). – Т., 2007. – С. 97.
19. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори// Халқ сўзи. 2002-йил, 7-май.;
20. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси 2002 й., 4 апрел. (Ахб. № 4-5, 63-м.)
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. Тошкент. -№12. 2009, 18-март, – Б.148.
22. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, Тошкент Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг Аппарати нашриёти, №-2,3 .207, –Б.87.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается состояние исторических и архитектурных памятников во времена бывшего Советского Союза и в годы независимости. Кроме того, в статье раскрываются работы по реставрации и восстановлению памятников эпохи Темура и Темуридов.

Ключевые слова: культурное наследие, архитектура, реставрация, стекло, строительство, техническое обслуживание, надгробные памятники.

RESUME

In article it is showed the state of historical and architectural monuments in the Sovietunion and during the years of independence. In addition, the article discusses the historical and architectural monuments protection, maintenance and restoration which carried out in the years of independence in the field of legislative changes, the new laws.

Key words: cultural heritage, architecture, restoration, glass, glass, construction, maintenance, tomb monuments.

ЗНАЧЕНИЕ ИСТОРИЧЕСКОГО И КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ ЭПОХИ АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ В ИСТОРИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И МИРОВОЙ ИСТОРИИ

Акбарова С.М. *

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены возможности системного анализа при решении проблемы повышения целостности системы «Значение исторического и культурного наследия эпохи Амира Темура и Темуридов в истории Республики Узбекистан и мировой истории». Выбрана рабочая модель для проведения системного анализа. Разработаны критерии повышения целостности исследуемой системы.

Ключевые слова: система, модель, эвристика, проблема, развитие системы, эпоха, памятники, наследие, наставления (уроки), память поколений.

В жизни средневековой Центральной Азии и ее соседних регионов самые высокие культурные, познавательные, интеллектуальные творческие и художественные достижения осуществились, во многих отношениях, благодаря деяниям и покровительству Амира Темура и Темуридов в сферах общественной жизни, науки, медицины, литературы, строительства, архитектуры, миниатюрной живописи, музыкального, зрелищного и прикладного искусства. Простое перечисление многочисленных фактов, свидетельствующих о богатстве этого наследия, не может полностью раскрыть его место, роль и значение в истории Республики Узбекистан и в мировой истории с помощью подобного индуктивного (от частного к общему) подхода. В силу этой ситуации возникает важная и актуальная проблема применения дедуктивного (от общего к частному) подхода для целостного охвата всего всестороннего значения места и роли культурного наследия эпохи Амира Темура и Темуридов в истории.

Целью данного подхода является решение комплексной проблемы целостного охвата значения исторического и культурного наследия эпохи Амира Темура и Темуридов. В ходе решения таких проблем широко используются понятия «система», «системный подход», «системный анализ».

Системный анализ является одним из направлений системных исследований.

Система – это набор объектов, имеющих данные свойства и набор связей между объектами и их свойствами [1].

За объект проводимого системного анализа принята система «Значение исторического и культурного наследия эпохи Амира Темура и Темуридов в истории Республики Узбекистан и в мировой истории», или аббревиатура «ЗИКНЭАТТИРУМИ», состоящая из 13 букв и обозначаемая для краткости буквой S. Очерчивание или выявление системы есть разделение некоторой области материального или информационного мира на две части, одна из которых рассматривается как система - объект анализа или синтеза, а другая – как внешняя среда.

Системный анализ – это междисциплинарный курс исследований, обобщающий методологию исследований сложных технических, природных и социальных систем.

Перед исследованием выбранного объекта системного анализа – системы S возникает проблема

повышения целостности данной системы, полноты сведений, фактов и материалов о значении этого объекта, т.е. исторического и культурного наследия эпохи Амира Темура и Темуридов в истории.

Системный анализ занимается:

- изучением проблемной ситуации;
- выяснением ее причин;

- выработкой вариантов ее устранения на начальном этапе изучения объекта анализа с последующей его формализацией;

- принятием решений и организацией дальнейшего функционирования системы, разрешающего проблемную ситуацию[2].

При рассмотрении взаимодействий исследуемой системы с системами более высокого уровня, т.е. с надсистемой предусматривается создание и разработка частных моделей отдельных систем.

Любая система – это сложное целое, представляющее собой комплекс взаимосвязанных элементов, т.е. неделимых частей, обладающих самостоятельностью по отношению к данной системе и характеризующихся только их внешними проявлениями.

Перечисление элементов определяет состав системы. Кроме состава система характеризуется своей структурой.

Структура системы S – это совокупность элементов системы и связей между ними.

Структура является статической моделью системы и характеризует только строение системы, учитывая множество свойств (состояний) ее элементов. Состояние системы – совокупность состояний ее элементов и связей между ними.

Задание конкретной исследуемой системы S сводится к заданию ее состояний, начиная с зарождения, развития и кончая гибелью или переходом в другую систему.

Если система способна переходить из одного состояния в другое ($S_+ S'_+ S''...$), это означает, что она обладает поведением.

Исследуемая система S обладает поведением в том смысле, что значение эпохи Амира Темура и Темуридов переходит из одного состояния, из одной системы оценок и рассмотрения в другую, по мере изменения исторических ситуаций и различных общественных, политических и индивидуальных подходов в различные исторические периоды. Понятие развития помогает объяснять сложные термодинамические и информационные процессы в природе и обществе.

* Акбарова С.М. – преподаватель ТХТИ.

В силу этого системный анализ процесса развития исследуемой системы S является одной из актуальных задач повышения целостности «Значения исторического и культурного наследия эпохи Амира Темура и Темуридов в истории».

Целесообразно выделять особый класс развивающихся (самоорганизующихся) систем, обладающих особыми свойствами и требующих специальных подходов к их моделированию.

Системный анализ является синтетической дисциплиной. В нем выделяют три главных направления, три этапа исследования сложных систем:

1. постановка задачи исследования;
2. построение модели исследуемого объекта;
3. решение задачи с помощью формальных и неформальных методов анализа моделей систем.

При проведении системного анализа необходимо исследовать динамическое поведение системы, его существенные и несущественные параметры.

Любые методы системного анализа опираются на математическое описание тех или иных фактов, явлений, процессов. Несмотря на то, что формальные описания и методы моделирования являются основой системного анализа, при отсутствии или недостатке исходной информации для определения параметров модели, особенно в социальных науках, применяются неформальные «эвристические» методы исследования.

Кроме моделей состава элементов система может быть представлена в виде моделей структуры в зависимости от стадии познания объектов или процессов, от аспекта их рассмотрения и цели создания. При этом по мере развития исследований, или в ходе процесса, структура системы может изменяться.

Структуры могут быть представлены в форме теоретико-множественных описаний, с помощью алгебры, логических схем, сетевых, графовых, матричных, табличных, иерархических, древовидных, смешанных и других средств моделирования.

Для раскрытия неопределенности сложных систем применяются различные иерархические структуры.

От вида структуры зависит важнейшая характеристика любой системы – степень ее целостности.

Моделирование и исследование анализируемой системы S : «Значение исторического и культурного наследия эпохи Амира Темура и Темуридов в истории Республики Узбекистан и мировой истории» можно разбить на отдельные исследования ее отдельных подсистем [3]. Для проведения системного анализа целесообразно рассмотреть пять подсистем ($S_1 \dots S_5$) значения исторического и культурного наследия эпохи Амира Темура и Темуридов и пяти аспектов оценки (критериев) повышения целостности ($K_{ПЦ} - 1 \div K_{ПЦ} - 5$) этих подсистем.

В качестве подсистем ($S_1 \div S_5$) системы S можно выбрать следующие.

S_1 – значение исторического наследия и его следов в истории Республики Узбекистан;

S_2 – значение культурного наследия и его следов в оценках ЮНЕСКО и других сфер мировой истории;

S_3 – значение научного, познавательного и полезного культурно-исторического наследия [4];

S_4 – значение поэтического наследия эпохи;

S_5 – значение архитектурно-строительного наследия;

В качестве критериев оценки повышения целостности [(K-1) – (K-10)] подсистем системы S можно выбрать следующие:

K-1 – полнота сведений и материалов об историческом и культурном наследии эпохи Амира Темура и Темуридов;

K-2 – полнота материалов для освещения следов исторического и культурного наследия эпохи;

K-3 – полнота материалов для освещения памяти об историческом и культурном наследии эпохи;

K-4 – отражение исторического и культурного наследия эпохи в исторических документах и литературе;

K-5 – отражение исторического и культурного наследия эпохи Амира Темура и Темуридов в социальной, культурной и духовной жизни народов Республики Узбекистан.

Для системного анализа взаимосвязей и отношений подсистем ($S_1 \dots S_5$) системы S и критериев повышения её целостности строим рабочую модель в виде бинарной, двоичной, матрицы [5], в которой строками являются подсистемы ($S_1 \dots S_5$), а столбцами – подсистемы критериев повышения целостности [(K-1) – (K-5)]. Путем сопоставления каждого элемента строк и столбцов матрицы в клетках их пересечения определяются новые качественные элементы целостности подсистем, которые в сумме определяют целостность всей системы S .

Следы эпохи, связанные с освещением значения архитектурного наследия этой эпохи, прослеживаются во многих работах и публикациях республиканских и зарубежных авторов. Многие памятники этого наследия признаны как объекты исторического, культурного, туристического, научно-образовательного и духовного достояния нашего народа.

Во второй половине XIV в после разрушительного монгольского нашествия наблюдается новый экономический подъем, постепенное возрождение городов, поступательное развитие архитектуры и искусства, связанное с деятельностью Амира Темура и Темуридов.

Достаточно привести краткий перечень памятников архитектуры этой эпохи³:

- дворец Ак-сарай в Шахрисябзе;
- дворец Кук-сарай в Самарканде;
- Масжид-и джами (Биби Ханум) в Самарканде;
- Мавзолей Гур-и Амир;
- Хонака и мавзолей Ахмада Яссави в

Туркестане;

- Архитектурный мемориал и мавзолей Занги Ата под Ташкентом;
- Медресе Улугбека;
- Медресе в Бухаре и Гиждуване;
- Обсерватория (расадхона) Улугбека;

Перечисленный, далеко не полный список объектов исторического наследия эпохи Амира Темура и Темуридов, представляет собой неиссякаемый источник изучения, исследования и использования следов, уроков и памяти этой эпохи в истории Республики Узбекистан и мировой истории.

Представители эпохи Амира Темура и Темуридов оставили значительный и незабываемый след в истории, философии, математике, астрономии, медицине, литературе, искусстве, музыке и поэзии.

Во время правления Амира Темура и Темуридов в тюркоязычной литературе особо популярны были имена поэтов, таких как Сайид Насими, Сайф Сарайи, Лутфи, Атаи, Юсуф Амари, Якини, Гадаи, Латифи, Сайид Хасан Ардашер, Ахмади, Хайдар Хорезми, Юсуф Хорезми, Саккаки, Алишер Навои, Абдурахмон Джами, Мухаммад Фузули, персидские поэты, упомянутые в антологии Алишера Навои: Хафиз Шерози, Камал Худжанди,

Салман Саванджи, а также поэты из числа Темуридов – Халил Султан, Сайид Ахмад Мирза, Хусайн Байкара, Султан Масъуд, Байсункар Мирза, Улугбек, Шайх Ахмад Тарази, Бади-аз Заман Мирза, Захириддин Бабур, Шах Гариб Мирза и многие другие³.

Произведения поэтов Лутфи, Насими, Алишера Навои, Фузули, Бабура никогда не перестанут служить источником культурного наследия эпохи Амира Темура и Темуридов.

Представители эпохи Амира Темура и Темуридов оставили глубокий, ещё до конца не изученный след в исторической, культурной и духовной жизни и истории Республики Узбекистан и мировой истории.

Из анализа рабочих моделей взаимно-однозначных отношений их элементов синтезируются выводы о бесконечном приближении и открытии все новых элементов целостности системы S, о её самоорганизации и саморазвитии. При этом оказывается, что значения целостности отдельных подсистем могут быть исчерпаны, аннулированы и исключены из процедуры системного анализа, а некоторые значения будут появляться сколь угодно долго, вплоть до ближайшего и далекого прогнозируемого будущего.

ЛИТЕРАТУРА

1. Перегудов Ф.И., Тарасенко Ф.П. Введение в системный анализ. М., Высшая школа. 1989. – С. 13.
2. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. Учебник для вузов. СПб. Изд-во СПбГТУ. 2003. – С. 21.
3. Амир Темур в мировой истории. Ташкент Изд.во “Шарк” 1996. – С. 33, 64, 72.
4. Юсупова Д.Ю. Жизнь и труды Хандамира. Ташкент. Изд-во “Фан” АН Республики Узбекистан. 2006. – С.93-110, 119, 145.
5. Бурибай Ахмедов. Улугбек. Историческая повесть.(Перевод с узбекского М. Салиева). Ташкент. “Камалак”. 1994. – С. 23.

РЕЗЮМЕ

Мақолада “Амир Темур ва Темурийлар даврининг тарихий ва маданий меросининг Ўзбекистон Республикаси ва жаҳон тарихидаги аҳамияти” тизимининг бутунликлигини ошириш муаммоларини бартараф этишда тизимли таҳлил имкониятлари кўриб чиқилган. Тизимли таҳлил олиб бориш учун ишчи модел танлаб олинган. Таҳлилланаётган тизимнинг бутунликлигини ошириш критерийлари (тамойиллари) ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тизим, модел, эвристика, муаммо, тизим ривожланиши, давр, ёдгорликлар, меърос, ўғитлар, авлодлар хотираси.

RESUME

The article considers the possibilities of systems analysis in the solution of problems of increasing integrity system: “The importance of historical and cultural heritage of the epoch of Amir Temur and Temurids in the history of Uzbekistan and world history”. The working model is chosen for the systematic analysis. The criteria for improving the integrity of the analyzed system.

Key words: system, model, heuristic, problem, system development, epoch, monuments, heritage, edifications, memory of generations.

ХИВА-ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДАН

(Нодиршоҳ босқини даврида Хива)

Акромов Ж.Дж. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада Хива хонлигидаги халқлар: ўзбеклар, қорақалпоқлар ва қozoқларнинг XVIII аср 40 йилларида Нодиршоҳ Афшорий босқинига қарши мустақиллик учун кураши ва ҳамжиҳатлиги таҳлил қилинган. Муаллиф турли характердаги манбавий материаллар асосида ўрганиш жараёнида Хоразмда минтақа халқларининг миллий-озодлик ҳаракати, хонлик ҳукмдорларининг марказлашган ҳокимият йўлидаги интилишлари ва буларга қарши Нодиршоҳнинг юритган сиёсати даврининг сиёсий иқлимни белгиланган муҳим тенденциялар ва омилларни тавсифлайди.

Калит сўзлар: Хива хонлиги, Кичик Жуз, “Хонлар ўйини”, иноқ, Афшорийлар, марказлашган ҳокимият, миллий-озодлик ҳаракати.

Мустақиллик ҳар бир миллатнинг энг олий неъматидир. Ўзбек халқи, шунингдек, қардош Марказий Осиё халқлари буни доимо кадрлаб келишган. Айниқса, юртга ажнабий давлат бостириб кирган паллада минтақа халқларининг бирдамлиги миллий-озодлик йўлидаги асосий кучли омилдир. Бунга Марказий Осиё халқлари тарихидан кўплаб воқеаларни, жумладан, Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Хива хонлигига қарши босқинчилик юришини мисол қилиб олишимиз мумкин. Мавзунини ёритишдан олдин Нодиршоҳ босқини арафасида Хива хонлиги ва Эронда, шунингдек Кичик Жуз қozoқларида ҳамда қорақалпоқларда бўлган сиёсий жараёнларни қисман ёритиб беришни лозим деб ҳисобладик.

Хива хонлигида Шерғозихон (1714—1728) тахтга ўтирганидан сўнг XVII аср охири – XVIII аср бошларида авж олган “хонлар ўйини” барҳам топиб, хонлик сиёсий жиҳатдан нисбатан барқарорлик даврига кирган эди. Бунга мисол сифатида Россия империяси томонидан Бекович-Черкасский бошчилигида юборилган экспедиция ҳамда Оролбўйидаги исёнларнинг тор-мор келтирилишини кўрсатишимиз мумкин. 1728 йилда Шерғозихон ҳалок бўлганидан сўнг тахтга бир вақтлар Хивада ҳукмдорлик қилган Шохниёзхон (1699—1702) нинг ўғли Элбарсхон ўтказилади. Мунис уни қozoқ султонлари орасидан қақриб келтирганлар деб ёзади.[1] Ушбу факт ўз ўрнида Хива хонлиги ва Қozoқ жузлари ўртасида яқин муносабатлар ўрнатилганидан дарак беради. Элбарсхон даврида Хива хонлигида Шердоли бошлиқ Орол муҳолифатига барҳам берилиб, хонлик ҳатто Хуросонга ҳарбий юриш ҳам уюштиради. Нодиршоҳ босқини арафасида Хива хонлиги қўшни Бухорога нисбатан марказлашган давлат эди.

Хива хонлигига Эрон босқини арафасида Кичик Жузда Абулхайрхон ҳукмронлик қиларди. У 1731 йили Жунғор хонлиги таҳдиди остида Россия империяси тобелигига ўтади. Ушбу даврда қорақалпоқлар Сирдарёнинг Оролга қўйилишига яқин ҳар икки томонида ва Қувондарё бўйида яшар эдилар. Улар бу даврда Абулхайрхонга тобе эдилар.

XVIII аср биринчи чорагида Эронда юз берган ижтимоий-иқтисодий инқироз Сафавийлар давлатининг сиёсий жиҳатдан ҳам тушкунликка учрашига сабаб бўлди. Натижада 1722 йили афғонларнинг гилзой қабиласи Эронни осонлик

билан эгаллайди ва ўзларининг 7 йил давом этган ҳукмронликларини ўрнатади. Шу вақтда сиёсий майдонга туркманларнинг афшор қабиласидан чиққан Нодиркули кириб келади. У 1726 йили Сафавий Таҳмасп II нинг хизматидаги киради ва 1729 йили афғонларнинг Эрондаги ҳукмронлигига барҳам беради. 1732 йили Таҳмасп II ни тахтдан тушириб, ўрнига олти ойлик Аббос III ни ўтказди ва амалда ҳокимиятни ўз қўлига олади.[2] Шундан сўнг 1736 йили ўзини шоҳ деб эълон қилади.

Нодиршоҳ Усмонли турклар империяси, Ҳиндистондаги Бобурийлар салтанатига қарши ғалабали юришларидан ҳамда Афғонистон ва Кавказортининг катта қисмини эгаллаганидан сўнг хонликлар устига юриш бошлайди. Дастлаб 1738 йили Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқули мирза Балхни эгаллаб, Мовароуннахрга юриш бошлаган. Бухоро хони Абулфайзхон Хоразм ҳукмдори Элбарсхондан кўмак сўраган. Элбарсхон катта қўшин билан Бухорога отланган, бироқ йўлда Абулфайзхоннинг қизилбошлилар билан сулҳ тузганидан воқиф бўлгач, орқага қайтган.[3] Ушбу маълумотдан шундай хулосага келиш мумкинки, демак, Хива хони Элбарсхон элат ва ҳудуд ажратмасдан, ажнабий душманга қарши яқдил курашишга тайёр бўлган экан.

1740 йили Нодиршоҳ бошчилигида катта қўшин Ўрта Осиёга бостириб киради. Ўзаро ички низолардан ўта кучсизланиб қолган Бухоро хонлиги деярли қаршиликсиз Нодиршоҳга бўйсунди. 1740 йили Нодиршоҳ босқини вақтида Бухородан фарқ қилиб, Хива форс истилочисига қаршилиқ кўрсатади.[4] Элбарсхон ўзбек ва туркманлардан йиғилган лашкар билан Тевабўйин, Питнак ва Ҳазорасп ёнидаги жангларда эронликларга зарба беришга ҳаракат қилади. Лекин қўшин сони ва артиллерия жиҳатидан анча устун бўлган Нодиршоҳ қўшини зафар кучади ҳамда Хонқадаги 7 кунлик қамалдан сўнг Элбарсхонни қўлга туширади. Нодиршоҳ Элбарсхонни ва у билан бирга 20 нафар хивалик амирзодаларни қатл эттиради ва Хива шаҳрига юриш қилади.

Элбарсхон ҳалок бўлганидан сўнг Хива ва Оролбўйининг етакчи намояндалари голиб истилочи олдига бош эгиб боришни эмас, балки унга қарши курашни кучайтириш ҳамда юрт хавфсизлигини таъминлаш учун минтақадаги бошқа халқларни ҳам бу озодлик курашига жалб этишга интиланлар.

* Акромов Ж.Дж – НамМТИ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси.

Шу боисдан улар Кичик Жуз хукмдори Абулхайрхонни Хива тахтига таклиф қилишган. Тўғри, Хива хонлиги тахтига Дашти Қипчоқдан чингизий султонларни бундан олдин ва кейин ҳам кўп бора таклиф қилишган эди. Лекин айтилган пайтдаги хукмдорни чақириш бу кучларни бирлаштириш йўлидаги муҳим қадам эди.

Абулхайрхон 1740 йили 3 ноябр куни Хивага етиб келади ва хон деб эълон қилинади. Бундан олдин Абулхайрхон 1739 йили Россия ҳукуматига мактуб йўллаб, Сирдарё бўйида қадимги Янгикент харобалари яқинида қалъа қуриш мақсадини баён қилганди. Унга бу борада ёрдам бериш ва, ўз навбатида, разведка мақсадида чор ҳукумати поручик Дмитрий Гладышев ҳамда геодезист Муравинни 1740 йили қозоқ хони ҳузурига юборади. Ушбу элчилар Абулхайрхон ҳузурига у Оролбўйида Хивага хон сифатида кетаётганида етиб боришади ва беихтиёр равишда тарихий жараёнлар марказига тушиб қолишади. Бунга мисол тариқасида Хивага етиб келишганидан сўнг Абулхайрхоннинг Хонқада турган Нодиршоҳ ҳузурига геодезист Муравинни вакил сифатида юборганлигини кўрсатишимиз мумкин. Геодезист Муравин ва поручик Гладышевнинг Оренбург генерал-губернаторига берган ҳисоботи мавзунини ёритишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. Ҳисоботда келтирилишича, хон Муравин билан биргаликда Оролбўйи ўзбекларидан 4 кишини, қозоқлардан 1 кишини ва қорақалпоқлардан 1 кишини Нодиршоҳ ҳузурига элчи қилиб юборади.[5] Ушбу фактдан яққол кўзга ташланадиган жиҳат шундаки, минтақадаги 3 миллат – ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ халқи вакиллари биргаликда босқинчи ёвга қарши бирлашиб, юртни вайрон бўлишининг олдини олишга биргаликда интиланлар.

Абулхайрхон Нодиршоҳ ҳузурига рус ҳукумати вакиллари юбориб, улар орқали шоҳга ўзининг Россия империяси тобелигида эканлигини, шундан келиб чиқиб, агарда шоҳ Хива ҳамда Оролбўйига қўшин тортса, бу ўз навбатида, рус ҳукумати билан муносабатларнинг бузилишига олиб келишини билдирган. Лекин ўз даврининг кучли сиёсатчиси ва ҳарбий саркардаси бўлган Нодиршоҳ Россия империясининг Хива хонлигини, шунингдек, Оролбўйини Эрондан ҳимоя қилиш учун катта қўшин юбора олмаслигини жуда яхши биларди. Бунинг устига, 1736 йили Эрон ва Туркия ўртасида тузилган Эрзирум тинчлик шартномаси тузилганидан сўнг Россия Эроннинг Туркия томонида Россияга ҳужум қилишдан чўчий бошлаган эди.[6] Шу каби халқаро дипломатик ва ҳарбий омиллар туфайли ҳамда ўз кучига ишониб Нодиршоҳ гарчанд Абулхайрхон элчилари Россия хукмдори Анна Иоанновна номидан гапиришса ҳам ва Абулхайрхон томонидан юборилган мактубда у ўзининг Россия империяси тобелигида эканлигини бир неча марта таъкидлаб ўтган бўлса ҳам, вакиллари ўта босиқлик билан кутиб олади ҳамда уларга ва хонга юборилган жавоб мактубида Абулхайрхоннинг зудлик билан унинг ҳузурига келишини сўрайди. Шунингдек, у Хива аҳлига асирга олинган хоразмлик етакчи беклар номидан махфий равишда мактуб

йўллади, унда то Нодиршоҳ етиб боргунча Абулхайрхонни Хивадан чиқармаслик буюрилган эди. Демак, Нодиршоҳ Абулхайрхонни Хива тахтидан кулатмоқчи бўлган ва, шунингдек, Эронга қарши ўзбеклар, қозоқлар ва қорақалпоқларнинг тобора шаклланиб бораётган иттифоқига барҳам бермоқчи бўлган.

Хива аҳлига юборилган мактуб Абулхайрхоннинг қўлига тушади ва у бундан хавфсиз, ўз одамлари билан биргаликда Хивадан Нодиршоҳ ҳузурига кетяпман деб чиқади ҳамда тескари томонга – Оролбўйига йўл олади. Тез орада Хивага Нодиршоҳ катта қўшин билан етиб келади. Хива аҳолиси дарвозаларни истилочиларга қарши беркитиб олди ва охиригача курашишга қатъий аҳд қилади.[7] Гарчанд шаҳарда бирор шижоаткор хукмдор ва етарлича қўшин бўлмаса ҳам, Хива халқи уч кун давомида босқинчиларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатади. Фақат энг замонавий тўп ва замбараклардан фойдаланиш ёрдамидагина шаҳар куч билан олинади ва Нодиршоҳ буйруғи билан уч кунгача талон-торож қилинади. Жуда кўплаб эркак-у аёллар кул қилинади, 20 мингга яқин Хоразм аҳолисини Хуросонга Обивард яқинига кўчиртиради, шунингдек, 4 минг кишини навкарликка олади ҳамда ҳар бир оиладан қўшиндаги аскарлар ва от-улов таъминоти учун озиқ-овқатни мажбуран йиғдиради. Шундан сўнг Нодиршоҳ Бухоро хони Абулфайзхоннинг қариндоши бўлган Тохирхонни Хива тахтига ўтказиши ва унга Эрон аскарларидан бир қисмини қолдиради.

Бу даврда Абулхайрхоннинг ўғли Нуралини Оролбўйида хон қилиб кўтаришади. Бунда қорақалпоқларнинг ўрни катта бўлади. Умуман олганда, XVIII аср биринчи ярмидаги Хивадаги сиёсий воқеаларда ушбу вақтга келиб Хива хонлигининг шимоли-шарқий ҳудудларини қисман эгаллаб бўлган қорақалпоқлар анча сезиларли рол ўйнашарди.[8] Нуралихон Хивани эронийлардан озод қилиш учун куч тўплаш бошлайди.

Нодиршоҳнинг Хоразмда қолдириб кетган ноиб Тохирхон аҳолига жабр-зулм ўтказиши ва шу билан бирга шиа мазҳабини мамлакатда ёйишга ҳаракат қилади. Бунга қарши Муҳаммад мироб нукуз бошлиқ бир қисм хоразмликлар мустақиллик учун Кот қалъасида қўзғолон кўтаришади. Улар Нуралихон ва Оролбўйидан чиққан машхур иноқ – Шердоли манғитнинг ўғиллари Ортук, Саййидали ва Хўрозбек иноқларни озодлик учун умумий курашга чорлашади. Тез орада Оролбўйи ўзбеклари, қорақалпоқлар ва қозоқлардан иборат қўшин билан Нуралихон ҳамда иноқлар етиб келишади ва Хива учун кечган уч ойлик жанглардан сўнг шаҳарни эгаллашади ва Нодиршоҳ гумаштаси Тохирхон ҳамда эронлик қизилбошлар қўшинини яқсон қилишади. Ушбу ғалабани биз ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва, шунингдек, туркман халқининг биргаликдаги қахрамонона курашининг натижаси эди деб ҳисобласак бўлади.

1741 йили содир бўлган ушбу озодлик қўзғолони туфайли Хива хонлигининг мустақиллиги тикланган бўлса-да, Нодиршоҳ босқинининг яна такрорланиши эҳтимоли мавжуд эди. Бунинг олдини

олиш учун кўзғолоннинг етакчи намоёндаларидан бири Ортуқ иноқ ўша вақтда Марвда турган Нодиршоҳнинг ўғли шахзода Насруллонинг олдига бориб, Хивадаги жараёнларга Эроннинг бетараф туришини дипломатик йўл билан таъминлашга ҳаракат қилади. Аммо Афшорийлар Хивадаги таъсирлари йўқолишини асло исташмайди. Шу билан бирга, улар ушбу озодлик кўзғолонида манғит қабилаи беклари – ака-ука Ортуқ, Саййидали ва Хўрозбек иноқларнинг етакчи ўрин тутишини тўғри баҳолаб, улар билан келишиш йўлини тутишади. Минтақа устидан келажакдаги назоратни сақлаб қолиш йўлида Нодиршоҳ маҳаллий қабила намоёндаларидан ўзига содиқ бўлганларини қўллаб-қувватлаш тактикасидан фойдаланади.[9] Бундан ташқари, Нодиршоҳ Эронга қарши минтақа халқларининг ўзаро жипслашувига чек қўйиб, уларни бўлиб юбориш учун Нуралихоннинг ҳукмдорлигини тан олмайди ва Ортуқ иноққа уни тахтдан туширишни ҳамда марҳум хон Элбарсхоннинг ўғли Абулғози (Абулмуҳаммад) ни Хивада хон қилиб кўтаришни буюради. Шоҳнинг амри билан шахзода Насрулло Абулғозини Ортуқ иноқ билан бирга қўшиб юборади. Шундан ҳам билиш мумкинки, Нодиршоҳ маҳаллий халқларни бири-биридан узоқлаштириш орқали ўзининг хонликдаги ҳукмронлигини сақлаб қолишга интилган, зероки у агар иноқлар Кичик Жуз шахзодаси Нуралини Хива тахтидан туширишса, қорақалпоқ ва қозоқларнинг Орол ўзбеклари ҳамда хиваликлар билан муносабатларига совуқчилик тутишини жуда яхши билган. Нодиршоҳ ўзининг бу ҳаракатида мустамлакачиликнинг “бўлиб ташла, ҳукмронлик қил” классик тамойилини асос қилиб олганини кўрамиз. Нодиршоҳнинг мақсади қисман амалга ошади.

1741 йили Марвдан Хивага қайтган Ортуқ иноқ инилари Саййидали ва Хўрозбек иноқлар билан биргаликда Нуралихонни ҳокимиятдан тушириб, уни Дашти Қипчоққа қайтариб юборишади ва тахтга Нодиршоҳ томонидан юборилган Абулғозини ўтказишади. Бу, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, озодлик ҳаракати сафларининг парчаланишига ҳамда ушбу ҳолат ўз навбатида, хонликда Эрон таъсирининг сақланиб қолишига олиб келади. Бундан ташқари, Хива хонлигида манғит иноқлари ҳокимиятининг амалда ўрнатилиши бошқа уруғ-қабила ва элатларнинг норозилигига сабаб бўлади. Бу айнан Нодиршоҳ манфаатларига мос келарди. Шунингдек, Эрон шоҳи буйруғи билан ака-ука иноқларнинг кичиги Хўрозбек маълум миқдордаги қўшин билан Нодиршоҳ ҳузурига бориб, унинг хизматида бўлади. Хўрозбекни гаровда сақлаб туриш сиёсати билан Эрон ҳукмдори манғитларнинг мустақилликка интилишининг олдини олишни кўзлаган эди.

1743 йили Алибой ва Ўрозбой бошчилигидаги туркманларнинг човдур қабиласи Хоразмга юриш қилганида Абулғозихон ва ака-ука манғит иноқлари туркманлар билан келишиб, қуролни Эрон босқинчиларига қарши қаратиш ўрнига туркманларга қарши Нодиршоҳдан ёрдам сўрашади. Бу бўлса Марказий Осиё, жумладан Хива хонлигида ўз

таъсирини сақлаб қолишга ҳамда Афшорийлар салтанати парчаланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бир неча миллатларнинг якдил иттифоқини парчалашга интилган Нодиршоҳга айни муддао бўлади. Шу билан бирга, Эрон шоҳи “кучлар мувозанати” тамойилига амал қилишга ҳаракат қилади. Юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, Нодиршоҳ жияни сипоҳсолор Фатҳалихон ибн Иброҳимхон бошчилигидаги 40 минг навқардан иборат катта қўшинни Хоразмга сафарбар қилдиради. Фатҳалихон Хоразмга етиб келиб, туркманларга қақшатқич зарба беради ва манғит иноқларининг ва, албатта, Эроннинг Хивадаги ҳокимиятини сақлаб қолади. Муниснинг берган маълумотида қараганда, шундан сўнг форс қўшини Эронга қайтиб кетмайди, балки Хива шимолида лашкаргоҳ барпо этиб, 6 ойгача Хоразмда ўрнашиб олади.[10] Ушбу маълумот Нодиршоҳнинг Хива хонлигидаги ўз ҳокимиятини сақлаб қолишга жуда каттик киришганини, бу ердаги миллий-озодлик ҳаракатини бостиришга ўта жиддий интилганини намоён этади. Бу ҳолатни биз қўшни Бухоро хонлигида кузатмаймиз. Фақат 1743 йил декабр ойида бошланиб кетган Эрон-Туркия уруши туфайли Нодиршоҳ форс қўшинини Хоразмдан чақириб олишга мажбур бўлади.

1746 йили хонликда марказлашган ҳокимиятни кучайтиришга интилган Абулғозихон буйруғи билан ака-ука манғит иноқлари – Ортуқбек ва Саййидалибек қатл этилади. Бундан хабар топган Хўрозбек Нодиршоҳдан рухсат олиб, Хивага келади ва акалари хуни учун Абулғозихонни қатл эттиради ва тахтга 1728 йили 6 ой давомида Хива хони бўлган Баҳодирхоннинг ўғли ва айни вақтдаги Кичик Жузнинг хони бўлмиш Абулхайрхоннинг жияни Ғойибхонни тахтга ўтказишади. Демак, бундан келиб чиқадики, Нодиршоҳ Хивада хоннинг иноқлар нуфузини тушириб, марказлашган давлат тизимини кучайтиришини истамаган экан. Шунингдек, Хўрозбекнинг айнан Ғойибхонни тахтга ўтказишидан мақсад балки хоннинг амакиси бўлмиш Кичик Жуз ҳукмдори Абулхайрхон билан эронийларга қарши иттифоқ тузишни режалаштирганмикин деб ҳам ўйлашимиз мумкин.

Нодиршоҳ босқинига қарши Хива хонлигида озодлик кураши йўлидаги ўзбеклар, қозоқлар ва қорақалпоқларнинг ўзаро бирдамлик ҳаракати тарихини ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Биринчидан, хонликдаги минтақа халқларининг бирлиги мамлакатнинг бошқа давлатларга, жумладан, қўшни Бухоро хонлигига нисбатан ажнабий босқинчига қарши анча шиддатлироқ мудофаа қилинишига олиб келди.

Иккинчидан, хонликда халқларнинг ушбу бирлигини бир куч қилиб бирлаштириб, озодлик йўлида охиригача кураш олиб боровчи байроқдор етакчи топилмади. Ушбу олий вазифани амалга ошириши мумкин бўлган Элбарсхон ўз кучига ишониб, Орол ўзбеклари, қорақалпоқлар ҳамда қозоқларни ёрдамга чақирмагани учун ёлғизланиб қолиб, ҳалок бўлган бўлса, ака-ука манғит иноқлари

бўлса, Нодиршоҳнинг макрига учиб, Эрон шоҳининг васийлигини қабул қилишади.

Учинчидан, Хоразмдаги халқлар бирлигини ва уларнинг Ватан озодлиги йўлидаги ашаддий курашини кўрган Нодиршоҳ минтақадаги халқларни бир-биридан узоқлаштириш ва Хива хонлигида марказлашган ҳокимиятнинг кучайишига йўл қўймастик учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Бу ҳам хонликдаги ватанпарвар кучларнинг бирлашишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади.

Умуман олганда, хонликдаги халқларнинг озодлик йўлидаги яқдиллиги тез орада ўз

натижасини беради. 1747 йили Нодиршоҳ Хуросонда сарой фитнаси оқибатида ҳалок бўлганидан сўнг вазиятдан фойдаланган Хива хонлиги мустақилликни қўлга киритади. Бундан ташқари, минтақадаги халқларнинг ўз эркини ҳимоя қилиш йўлидаги бирдамлиги Туркистон халқлари тарихида шонли саҳифалардан бири бўлиб қолди ва бу ҳозирги глобаллашув ҳамда мафкуравий курашлар асрида Марказий Осиё мамлакатларида миллатлараро тотувликни сақлаш ва камол топтиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. / Араб ёзувидан табдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, И.Бекчанов ва Н.Полвонов. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. Б.102.
2. Амантыев О. Туркменистан и туркмены в первой половине XVIII века (по данным соч. Мухаммада Казима «Наме-йи аламара-йи Надири»). – Ашхабад, 1980. С. 23.
3. <http://www.e-tarix.uz/shaxslar/hukmdorlar/316-hukmdorlar.html>
4. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана / Соч. – М., 1963. С. 274.
5. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 гг. поручиком Оренбургского драгунского полка Дмитрием Гладышевым и геодизистом Муравиным. Издана с приобщением современной карты Миллерова пути от Орска до Зюнгорских владений и обратно Я.В.Ханыковым. – СПб., 1851. / <http://www.Kungrad.com>
6. Маркова О.П. Россия, Закавказье и международные отношения в XVIII веке. –М.: “Наука”, 1966. С. 125.
7. Hanway J. The revolutions of Persia: containing the History of the celebrated usurper Nadir Kouli, from his birth in 1687, till his death in 1747. Vol. II. – London. 1754. P. 206.
8. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX в.). – М., 1958. С. 91.
9. Абдурасулов У. От Арабшахидов к Кунградам: динамика и политический ландшафт Хорезма в период правления двух династий // Ўзбекистон тарихи. – 2013. №2. С. 22.
10. Мунис ва Огаҳий. Ўша асар. Б.104.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются борьба и единство народов Хивинского ханства: узбеков, каракалпак и казаков за независимость против нашествия Надиршаха Афшарида в период 40-х годов XVIII века. На основе разнохарактерного источникового материала автор характеризует ключевые тенденции и факторы, определявшие политический климат в Хорезме во время национально-освободительных движениях наций региона, стремлениях государей ханства за централизованную власть и политики правителя Надиршаха против их на протяжении указанного периода.

Ключевые слова: Хивинское ханство, Малый Жуз, «Игры в ханы», инак, Афшариды, централизованная власть, национально-освободительное движение.

RESUME

In the article are analyzed the fight and unity of the nations in the khanate of Khiva: the uzbeks, karakalpak and kazakhs against the conquer of Nader Shah Afsharid during the 1740s. Based upon various sources, the author elucidates the key trends and factors that determined the political climate in Khorezm in the time of the movement for national liberation of the nations of the region and the aspirations of the rulers of the khanate for the centralized power and Dynast Nader Shah's politics against it over a specified period.

Key words: Khanate of Khiva, Junior Zhuze, “The Game of changing khans”, inak, Afsharids, centralized power, the movement for national liberation.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚАДИМГИ ДАФН ИНШОТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Алохунов А.А. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада қабр шакли, дафн этиш услуби ва жасадлар билан кўмилган буюмларнинг хилма-хиллигига қараб Фарғона водийси дафн маросими ва иншоотларининг айрим турлари – ўра гўр, ёрма гўр, лаҳадли ва сағана қабрларга оид маълумотлар келтирилган. Шунингдек, қабрларнинг келиб чиқишига ва даврлаштирилишига доир археолог олимларнинг айрим фикр-мулоҳазалари баён қилиниб хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: дафн ва дафн маросимлари, ўра, ёрма ва лаҳадли қабрлар, сағана, ирқий тип, сак, сармат, юэжи, усун, Фарғона водийси.

Дафн маросими инсоният пайдо бўлгандан буён географик муҳит, ижтимоий ҳаёт ва кишиларнинг имкониятлари, шунингдек, диний тасавурларига ва дунёқарашига боғлиқ ҳолда ўзгариб борган. Сўнги палеолит давридаёқ дафн маросими ошқора диний тус олган. Кейинчалик дафн маросими ҳар бир диннинг таркибий қисми ҳисобланган диний маросим ва урф-одатлар билан қоришиб кетган.

Демак, археология ва этнография фанларининг тадқиқотларида дафн ва дафн маросимларини ўрганиш алоҳида ўрин тутди. Бу борадаги археологик ва этнографик материалларда қадимги даврлардан қолган қабрларнинг археологик объект сифатидаги аҳамияти катта.

Фарғона водийсининг қадимги дафн маросими ва иншоотларига оид археологик маълумотлар Б. А. Литвинский, А. Н. Бернштам, С. С. Сорокин, Ю. Д. Баруздин, Н. Г. Горбунова, Ю. А. Заднепровский, Б. Х. Матбобоев, Э. Б. Қодиров, Г. П. Иванов, С. Р. Баратов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Агар дафн маросими урф-одатлари ва турларини кўриб чиқадиган бўлсак, уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин бўлади:

1. Дафн иншоотлари: гўр ёки ўра гўр (грунтовые погребение), ёрма гўр (подбойные погребение), лаҳадли қабр (катакомбные), сағана ва бошқалар. Мазкур қабр иншоотларининг очиб ўрганиш усули, шакли ва чуқурлиги ҳар хил.

2. Дафн этиш усуллари (кўмиш, суякларни қуйдириш ва б.) сақлаш.

3. Мархум билан бирга қўйиладиган буюмлар [1].

Гўр ёки ўра гўрлар. Уларнинг 3 та тури ажратилган:

а) чуқурлиги бир метрдан ортиқ бўлган қабрлар ва уларда кўмилганларнинг турли хил йўналишлари бўйича вариантлар;

б) а турдаги билан бир хил, жасад устидан чўп ёки ёғочтахта билан беркитиб кўмилган;

в) бир метрдан кам бўлган (асосан, 40-70 см) чуқурлар ва уларда кўмилганларнинг турли хил йўналишлари бўйича вариантлар [2].

Ёрма қабрлар (подбойные погребение). Ёрма гўрларнинг юқоридаги ўра гўрлардан фарқи, ўраси томонидан жасадни қўйиш учун узунасига “ёрма” қилинади. Яъни, ўзига хос “айвонли (ўра) уй (ёрма)” деган тушунча билан қовланади. Ёрма гўрларда

“айвон” (ўра) қисми тухумсимон ёки шунга ўхшаш шаклларга эга бўлиб, чуқурлиги 1 метрдан ортиқ бўлган [3].

Қабрга кирувчи чуқур ва унга ёндош бўлган ёрма ёки токча, асосан киришдаги чуқурдан пастроқда жойлашган. Ушбу ёрмада мархумлар ётади. Буларнинг 10 тури мавжуд бўлиб, улар асосан, ёрма деворнинг қайси томонидан қазилганлиги, киришда зина бор ёки йўқлиги ва кириш нима билан (ғишт ёки тошлар билан) ёпилганлигига қараб бўлинади. Мархумларларнинг жойлашувига қараб эса, ёрма қабрларнинг 20 тури ажратилган [4].

Лаҳадли (катакомба) қабрлар. Бу қабрларнинг 12 тури ажратилган. Улар қуйидаги белгилар бўйича фаркланади. Лаҳаднинг йўлак (дромос)ка нисбатан жойлашуви, йўлакнинг узунлиги (Фарғона водийсида йўлакнинг узунлиги 1,5-2 м бўлган, агар 2 метрдан ошса, лаҳадли қабр бошқа турга киритилган), йўлакнинг йўналиши ва унинг қайси томонида лаҳад ясалганига қараб, йўлак зиналари бор ёки йўқлиги бўйича, кириш йўлининг тури, лаҳаднинг тош ёки ғишт билан беркитилганлиги бўйича таснифланган.

Сағана. Кириш йўллариёқ ғишт ёки тошдан ясалган иншоотда ер устида кўмиш ёки муғҳона ёки курум деб аталувчи тошдан ясалган “гумбаз” шаклли ер усти қабрларидир.

Намлиги юқори бўлган пастқам жойларда ернинг устига минорасимон ёки тўртбурчак шаклда сағана қурилади ва унинг оёқ томонидан туйнук қолдирилиб, жасад бош томондан киргизилади ва туйнуни ёпилади.

Сағаналарнинг катта-кичиклигига қараб уларда 1 тадан 50 тагача жасадлар устма-уст қилиб дафн этилган. Сағаналар қурилишида битта умумийлик мавжуд, яъни улар тузилиши жиҳатидан уч қисмдан иборат:

1. Сағана олд томони
2. Сағана йўлаги, яъни дромос.
3. Мурда қўйиладиган жой, яъни камера [5].

Сағаналар кўп маротаба бузилганлиги туфайли ва уларда қайта кўмилишлар бўлганлиги учун жасадларнинг йўналишини аниқлаш қийин, лекин уларнинг йўналиши, асосан, шимолга қаратилган [6].

Қабр тузилиши, дафн этиш усули ва жасадлар билан кўмилган буюмларнинг хилма-хиллигига қараб, Ўрта Осиё қабр ёдгорликлари икки гуруҳга бўлинган:

* Алохунов А.А. – ФарДУ ўқитувчиси.

Биринчи гуруҳга Фарғона, Тошкент, жанубий Туркманистон, Бухоро ва Талосдан топилган қабр-мозорлар киради. Улар деҳқончилик худудларига яқин тоғолди воҳаларида жойлашган.

Иккинчи гуруҳга Тянь-Шан ва Олойда, яъни баланд тоғ водийларида деҳқончилик районларидан ва яйловлардан узоқ бўлган жойлардаги қабрлар киради [7].

Ҳозирга қадар Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийси ёрма гўр ва лаҳадли қабр ёдгорликларининг келиб чиқиши тўғрисида олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Лекин ушбу мавзу Фарғона водийсидаги маҳаллий-тарихий ёдгорликларни ўрганган таниқли археолог олимларни доимо кизиқтириб келган. Ушбу масалага доир маълумотлар Б.А.Литвинскийнинг асарида ҳам мавжуд [8].

Б.А.Литвинский ёрма ва лаҳадли қабр мажмуаларини таҳлил қилиш ва таққослаш натижасида уларнинг энг дастлабкилари I-II асрлар, асосий қисми II-IV асрлар ва яна бир қисми V-VII асрларга оидлигини қайд этган. Шунингдек, аниқ даврлаштириш мумкин бўлмаган қабрлар сони ҳам салмоқли бўлиб, бунга асосий дафн буюми ҳисобланган сопол идишларининг шакли ва таркибида анъанавийликнинг кучлилиги тўсиқ бўлаётганини ҳам таъкидлаб ўтади [9]. Шунингдек, Н.Г.Горбунова ҳам дафиналардан топилган камон ўқи учи ёки бронза ойналар билан мутлоқ вақтни белгилаш нотўғри бўлишини таъкидлаган эди [10]. Яъни бизнингча, маълум қабрдан топилган бронзадан ясалган буюмлар билан сопол идишларнинг биргаликда топилиши бу қабрнинг айнан бронза даврига тааллуқли эканлигидан дарак бермайди.

Фарғона ва Олой қабрларини батафсил таснифлаш ва районлаштиришга Ю.А.Заднепровский ҳам ҳаракат қилган. У Қайроғоч, Мўйноқ ва бошқа қабрларни ўрганиш ҳамда Ю.Д.Баруздин, Б.А.Литвинскийнинг қазишмалари маълумотларига асосланиб, жанубий Фарғона қабрларининг 5 та гуруҳини ажратиб кўрсатган:

1. Хўжабақирғон дарёси водийси (Қайроғоч қабри);
2. Сўх-Лайлак дарёлари оралиғи (Боркорбоз, Қорабулоқ, Тўра-тош, Қорабел, Қорамўйноқ ва Исфара қабрлари);
3. Олойнинг шимолий ёнбағирлари (Жангаил, Водил, Хонқиз ва Оқтом қабрлари);
4. Қоракулжа дарёси водийси (Қоражар, Қоракулжа);
5. Олой водийси қабристонлари [11].

Фарғонадаги қабр ёдгорликларини даврлаштириш, турли типдаги қабрлар қурилиши, келиб чиқишини ҳамда уларнинг этномаданияти хусусиятларини аниқлаш ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда. Бу борада қабрларнинг жойлашуви масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш энг муҳим вазифа бўлиб турибди.

Олимлар ўртасида қабр ёдгорликларининг вужудга келиш масаласи икки турда ҳал этилади. Баъзи тадқиқотчилар, Ўрта Осиёда ёрма, лаҳадли қабрларнинг келиб чиқишининг шакли аввалги даврларда номаълум ва улар мил. авв. I минг

йилликнинг охирида пайдо бўлган, деган фикрдан келиб чиқиб, бундай дафн этиш одати Ўрта Осиёга четдан келган аҳоли томонидан ўзлаштирилган, деб ҳисоблашади. А.Н.Бернштам Ўрта Осиёда мил. авв. I асрда пайдо бўлиши ва кенг тарқалишини хунн қабилаларининг юришлари билан боғлайди [12]. Исбот тариқасида баъзи бир қабр ёдгорликларида иркий типда мўғул белгилари омухтасининг мавжудлигини далил сифатида келтиради. Шунингдек, у баъзи қабрларни III-IV асрларга мансуб деб ҳисоблаган [13]. Бошқалар эса, кўриб ўтилган ёдгорликларни сармат қабилалариникига ўхшаш ва ҳатто, Ўрта Осиёга Урал бўйи ҳамда унга қўшни худудлардан кўчиб келган аҳолининг ҳам таъсири мавжуд, деган фикрни ўртага ташлайди [14]. Бунда ер ости ёрма ва лаҳадли қабр ёдгорликлари моддий маданиятининг маҳаллий аҳоли маданиятига ўхшашлиги маҳаллий ва келгинди қабилаларнинг ассимиляцияси ҳамда маҳаллий маданият ўзлаштирилишининг натижаси деб қаралади [15].

Тадқиқотчиларнинг иккинчи гуруҳи ушбу дафн иншоатларининг келиб чиқишини аҳоли анъаналари билан боғлайди. Бунинг аниқ ифодаси С.С.Сорокин ишларида кўринади [16]. Ю.А.Заднепровскийнинг ёзишича, С.С.Сорокин ер ости ёрма ва лаҳадли қабр ёдгорликларининг шакли Ўрта Осиё учун янгилик эканлигини тан олади ҳамда қабр ёдгорликларининг келиб чиқишини хуннларга боғлаганлиги учун А.Н.Бернштамни танқид қилган, бироқ қабр иншоотларининг келиб чиқиши масаласини ўзи ҳам очиқ қолдирган. Ушбу масала бўйича С.С.Сорокиннинг махсус асари мавжуд бўлиб, унда олим қабрларни батафсил даврлаштириш, таснифлаш ва маҳаллийлаштиришни таклиф қилган. Демак, олим уларни маҳаллий халқ анъанаси деб ҳисоблайди [17].

А.Н.Бернштам ҳам, С.С.Сорокин ҳам ҳар бир худуддаги ёрма гўр ва лаҳад қабрларининг турли хил шаклларига ўз эътиборларини қаратишган. Кейинроқ, Ю.А.Заднепровский ушбу иншоотларни бир неча гуруҳ (Кенгқўл, Лявандак, Тулхар, Айгиржол, Чилпак ва Хонқиз) га бўлишни таклиф қилган. Бу ҳақда Н.Г.Горбунова маълумот бериб ўтган [18].

Қабр ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар олиб борган яна бир археолог олима Н.Г.Горбунова ўра гўрларни – сакларга, ёрма қабрларни – юэчжиларга, Кенгқўл типдаги лаҳад қабрларни эса – усунларга тегишли бўлган бўлиши мумкин, деган фикрни илгари сурган [19].

Фарғона қабрларини атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш нафақат мамлакатимизнинг, балки Марказий Осиё худуди қадимги тарихини ўрганишда муҳим манбадир. Бу тадқиқотлар, Фарғона, Тошкент яқинидаги Талос, Хўжанд-Қайроққум, Чуст худудларида ўрганилган қадимий қабрлар ўртасидаги умумийлик ва фарқларни аниқлаш учун ҳам жуда зарур бошланғич асос бўла олади. Шундан келиб чиқиб, Фарғона водийсида яшаган маҳаллий аҳоли қадимий тарихга эга бўлиб, улар бевосита ўлканинг бошқа худудлари аҳолиси билан доимий равишда маданий-иқтисодий алоқада бўлган. Қабрлардан казиб олинган ишлаб чиқариш

куроллари, уларнинг тузилиши, ҳаёт кечириш учун зарур бўлган уй-жой анжомлари, жасадларни қабрларга жойлаштириш усуллари турлича характерга эга бўлиб, уларнинг умумийлиги ёки

алоҳида қабилаларга тегишли эканлигини аниқлаш масаласи моддий маданият намуналарини бошқа чорвадор маданиятлари билан таққослаб ўрганишни тақозо қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Матбобоев Б.Ҳ. Фарғона водийси аҳолисининг илк ўрта асрлар даври диний қарашларини дафн маросимларида акс этиши. // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. №35. Т.: “Фан”, 2006. – Б. 156.
2. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины I тысячелетия н.э. АС №22, Л.: 1981. – С. 86.
3. Матбобоев Б.Ҳ. Шимолий Фарғонанинг қадимги мазорларини ўрганишга доир // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т.: “Фан”, 6-сон, 1993. – Б. 19.
4. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины I тысячелетия н.э. АС №22, Л.: 1981. – С. 86.
5. Матбобоев Б.Ҳ. Қадимги Фарғонадаги дафн маросимлари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т.: “Фан”, 5-сон, 1994. – Б. 48.
6. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины I тысячелетия н.э. АС №22, Л.: 1981. – С. 86-87.
7. Сорокин С.С. Среднеазиатские подбойные и катакомбные захоронения как памятники местной культуры. СА XXVI. ИИМК. М.: 1956. – С. 100.
8. Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы. М., изд-во «НАУКА», 1972. 259 с. +132 табл.
9. Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы. М., изд-во «НАУКА», 1972. – С. 132.
10. Горбунова Н.Г. О датировке ферганской керамики с красным ангобом // КСИА. 1970. Вып. 122. – С. 81-85: ил.
11. Заднепровский Ю.А. Археологические памятники южных районов Ошской области (середина I тыс. до н.э. – середина I тыс. н.э.). – Фрунзе, 1960. – С. 116.
12. Бернштам А.Н. “Кенкольский могильник”. / Археологические экспедиции Государственного Эрмитажа. Вып. II. // Л.: 1940. 34 с. + 36 табл.; Он же. “Очерк истории гуннов”. // Л.: ЛГУ. 1951. 256 с.; Он же. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-шаня и Памиро-Алая. / МИА №26. М.-Л.: 1952. 348 с.
13. Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы. М., изд-во «НАУКА», 1972. – С. 130.
14. Обельченко О.В. Кую-мазарский и Лявндакский могильники – памятники древней культуры Бухарского оазиса. Автореф. канд. дисс. Ташкент, 1954. – С. 16.
15. Бернштам А.Н. Очерк истории гуннов. // Л.: ЛГУ. 1951. – С. 113-114.
16. Сорокин С.С. Некоторые вопросы происхождения керамики катакомбных могил Ферганы. СА. XX, 1954. – С. 131-147.; Он же. Среднеазиатские подбойные и катакомбные захоронения как памятники местной культуры. СА XXVI. ИИМК. М.: 1956. – С. 97-117.; Он же. Культура древних скотоводов в предгорьях Ферганы. Автореферат канд. дисс. Л., 1958.
17. Заднепровский Ю.А. Археологические памятники южных районов Ошской области (середина I тыс. до н.э. – середина I тыс. н.э.). – Фрунзе, 1960. – С. 129.
18. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины I тысячелетия н.э. АС №22, Л.: 1981. – С. 84.
19. Там же, – С. 99.

РЕЗЮМЕ

В данной статье приводятся сведения о погребальных обрядах и некоторых видах погребальных сооружений как грунтовые погребения, подбойные погребения, катакомбы, склепы. Также изложены некоторые размышления по происхождению могил.

Ключевые слова: погребения и погребальные обряды, грунтовые погребения, подбойные погребения, катакомбы, склеп, расовый тип, скифы, сарматы, юэдджи, усунь, Ферганская долина.

RESUME

This article provides information about funerary rites and some types of burial structures as ground burial, podboynye burial, the catacombs, burial vault. Also set out some thoughts on the origin of the graves.

Keywords: burial and funeral rites, burial ground, подбойный burial, catacombs, racial type, Scythians, Sarmatians, Yuedji, the Usuns, the Fergana valley.

ДОБУСИЯ КЎҲНА ШАҲРИ ТАРИХИГА ДОИР

Асланов А.П. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада Самарқанд Суғдининг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган Дабуссия шаҳрининг тарихи ва тарихий топографиясининг айрим муаммолари ўрта аср манбалари ва археологик тадқиқотлар маълумотлари асосида ёритилган. Шунингдек, Зарафшон воҳасининг ўрта аср шаҳар ва манзилгоҳларининг ҳам тарихий географияси хусусида таҳлиллар учрайди. Шунингдек, шаҳарнинг шаклланиш босқичлари масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Самарқанд Суғди, локализация, Зарафшон воҳаси, Добусқалъа, арк, шаҳристон, араб манбалари, Давлат Эрмитажи экспедицияси, Наршахий.

Суғд шаҳарлари орасида қадимий Дабусия шаҳри ўрта аср манбаларида воҳанинг муҳим маданий ва иқтисодий марказларидан бири эканлиги эътироф этилган. Бу ерда ўтказилган археологик тадқиқотлар ёзма манбаларда ифодаланган маълумотларни тасдиқлайди. Кўпчилик ёзма манбаларда мазкур шаҳарда жуда кўплаб азиз авлиёлар ва илм-фан фидойилари етишиб чиққанликлари ёритилган. Зарафшон воҳасининг ўрта асрлар давридаги энг йирик шаҳарларидан бири бўлган Добусия шаҳрининг локализацияси, яъни ҳозирда у қайси ёдгорлик ўрнида бўлганлиги тўғрисида олимлар ўртасида қарама-қарши, турлича фикрлар мавжуд эмас, сабаби бу шаҳарнинг қолдиқлари бизнинг кунларгача айнан унинг номи билан юритиладиган улкан тепаликлар мажмуасини ўз ичига олган Добусқалъа ёдгорлиги кўринишида етиб келган.

Добусқалъа Самарқанд вилоятининг ғарбий қисмида, ҳозирги маъмурий бўлиниш нуктаи-назаридан Самарқанд вилояти Пахтачи тумани ҳудудида, туман маркази Зиёвиддин шаҳарчасидан 12 км шимолий-шарқда, Самарқанд-Бухоро автомагистралидан 4 км масофада, Добусқалъа қишлоғининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган. Топографик нуктаи-назардан Зарафшон дарёсининг баланд сўл қирғоғини эгаллаган. Шаҳар Ўрта Осиёнинг кўплаб шаҳарлари каби уч қисмдан иборат бўлиб, шаҳарнинг асосий ўзаги унинг арки ҳисобланади.

Арк шаҳарнинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб унинг тархи квадрат шаклига яқин ва арк шаҳарнинг асосий қисмидан чуқур мудофаа **хандак** билан ажратилган. Арkning квадрат шаклида эканлиги, унга эллинизм ёки антик даврда асос солинганлигини тахмин қилиш имконини беради. Мудофаа **хандаги** аркни шимол, шарқ ва жануб томондан ўраб туради ва шунинг учун унга қаердан сув чиқилганлигини билиш қийин.

Шаҳристон аркни шимол, шарқ ва жануб томонлардан тўлалигича ўраб туради ва унинг ўзи ҳам квадрат шаклига яқин тархга эга. Шаҳристоннинг умумий майдони 23 га бўлиб у маҳобатли мудофаа деворлари билан ҳимояланган[2]. Мудофаа деворларида олиб борилган тадқиқотларда унинг ичида кенг девор ичи коридорлари борлиги аниқланган. Шаҳристоннинг шимолий қисмидан Зарафшон дарёси оқиб ўтади ва бу дарё ҳозирги кунда унинг анчагина қисмини ювиб кетган ва бу ҳолат хануз давом этмоқда. Шаҳристоннинг жанубий шарқида ва жанубида эни

50-60 м бўлган кенг, мудофаа хандак ўтган бўлиб у шаҳристонни рабоддан ажратиб туради.

Рабод шаҳристондан жанубга қараб чўзилган. Унинг атрофи мудофаа деворлари билан ўралганми, йўқми, бу ҳозирча номаълум. Мудофаа деворининг бир қисми шаҳарчанинг жанубий-ғарбида сакланиб қолган. Рабоднинг умумий майдони 50 гектарни ташкил этади. Рабоднинг бутун ҳудуди ҳозирги кунда замонавий қабристон билан қопланган. Рабоднинг шимолий-ғарбий бурчаги яқинида Имом Баҳри-ота мақбараси (баъзи маълумотларга кўра Абу Хурайра Добусий мақбараси) жойлашган. Мақбара квадрат шаклидаги чортоқ кўринишида ва унга тўрт томондан қирилган. Ҳозирги кунда унинг жанубида жойлашган эшигидан фойдаланилади. Мақбаранинг меъморий хусусиятларига ва унинг қурилишида ишлатилган пишиқ ғиштларнинг ўлчамларига кўра иншоот XV-XVI асрларда қурилганлиги ҳақиқатга яқин.

Добусия шаҳри ўрта асрларга оид барча тарихий ва жуғрофий асарларда кўплаб марта тилга олинган бўлсада, улардаги маълумотлар жуда қисқа. Араб жуғрофий олими ал-Яқубийнинг (вафоти 905 йил) ёзишича Суғд “Самарқанд, Добусия, Кушония, Кеш ва Насафдан ташкил топган”[5]. Машхур “Бухоро тарихи” асарининг муаллифи Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг (899-959 йиллар) маълумоти Добусия тўғрисидаги маълумоти ҳам жуда қизиқ, унда айтилишича “Подшоҳнинг ўзи яшаган қишлоқнинг номи Пойкент, Қалъайи Добус эса шаҳар ҳисобланган” [9]. Бу маълумотлардан ёзма манбаларда Добусиянинг тўлақонли шаҳар эканлигини доимий равишда эътироф этилганлигини кўриш мумкин. Добусия шарқнинг энг йирик икки шаҳри – Самарқанд ва Бухоро оралиғида эканлиги, унинг муҳим стратегик жойда жойлашганлигидан, бу ердан ўтган қадимий йирик савдо йўлида асосий манзиллардан бири бўлганлигини кўрсатади. Шунинг учун бу шаҳар араблар истилосига жуда эрта дучор бўлган ва араблар уни қайта мустаҳкамлаб, муҳим ҳарбий истехком сифатида фойдаланганлар. Шу билан бирга шаҳарнинг атрофидаги кўплаб қалъалар ҳам қайта мустаҳкамланганлар. Шундай жойлар жумласига Қаср ал-Бахили, Добусиядан 2 фарсаҳ масофада жойлашган Қаср ар Рих (яъни “Шамол қасри”), Добусиядан шарқ томонда, Суғд йўлидан Арбинжонга боришдаги Камаржо қалъасини мисол келтириши мумкин.

* Асланов А.П. – СамДУ ўқитувчиси.

Араб тарихчиси ат-Табарийнинг маълумотида кўра, 723 йилда Хуросон ноиб Саъид ал-Хараший Амударёдан кечиб ўтиб Қаср ар Рихни қўзғалон кўтарган суғдийларга қарши курашадиган иттифоқчи қўшинларнинг йиғилиш жойи этиб белгилаган[7].

Хуросоннинг янги ноиб Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Сулабий (727-729 йиллар) давлат хазинасини тўлдириш учун солиқ тизимини юритишда янги мусулмон бўлганлардан ҳам, ислом динига кирмаганлардан ҳам бир хилда жузья (жон солиги) йиғишга буйруқ берганлиги аҳолининг оммавий норозилигига сабаб бўлган. 728 йилдаги маълумотда Ашраснинг Суғдга юриши даврида яна Добусия тилга олинади. Суғд аҳолиси Ашрасга қарши қўзғалон кўтаради. Араблар қўли остида фақатгина Самарқанд ва Добусиягина қолади[1]. 729 йилда Турк ҳокони Суғд, Фарғона ва Шош аҳолисидан ташкил топган қўшин билан Нурота тоғлари ёнбағирлари орқали Суғдга юриш бошлайди ва Камаржо қалъасини қамал қилишда узоқ туриб қоладилар. Хавфсизлик кафолатини олган араблар қалъани топшириб Добусияга кетадилар. Ўша пайтда Добусияда 10 000 кишилик кучли қўшин турган ва Добусияни Оқил ибн Варрад ас-Суғдий бошқарган. Кейинги араб муаллифлари ҳам Добусияни ҳамisha Самарқанд Суғдидаги шаҳарлар қаторида тилга олганлар. Абулкарим ас-Самъонийнинг маълумотга кўра Добусия Самарқанд-Бухоро йўли устида жойлашган кичикроқ шаҳар бўлиб, Уммавийлар ҳукмронлиги даврида унда араблар қўшинлари турган[8].

Ибн Хавқалнинг маълумотида кўра Добусия Суғд дарёсидан (Зарафшон) жанубда жойлашган, у Арбинжондан кичикроқ, унда катта рустоклар ва кишлоқлар йўқ[4]. Абулкарим ас-Самъоний ва Ёкут ал-Ҳамавийларнинг маълумотларига кўра Добусиядан ярим фарсах масофада Қандукин кишлоғи жойлашган[8]. Ас-Самъонийнинг айтишича, Добусия атрофида Рағин номли шаҳар кўринишидаги катта кишлок жойлашган.

Келтирилган ушбу маълумотлардан аён бўладики, Добусия фақатгина маъмурий ёки кишлок хўжалиги марказигина бўлиб қолмасида йирик хунармандчилик ишлаб-чиқариши маркази сифатида ҳам шуҳрат қозongan. Шаҳар ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар жараёнида топилган темир ва сополлар, тошқоллари эриган шишалар, пишиқ ғиштлар парчалари ва бошқалар шаҳарда кулолчилик, шишасозлик, темирчилик ва бошқа кўплаб хунармандчилик турлари ривожланганлигидан далолат беради.

Добускальнинг археологик ёдгорлик сифатидаги маҳобати албатта унинг тарихишга қизиқиш уйғотган. Қизиқишлар XIX аснинг охириларидан, Ўрта Осиё ҳудуди Россия томонидан босиб олингандан кейин бошланган. Рус қўшинлари билан бирга келган ҳарбий зобитлар, улардан кейин бу ерга ташриф буюрган олимлар, ёзувчилар ва зиёлилар вакиллари Ўрта Осиёнинг кўплаб тарихий

ва археологик обидаларига қизиқиш билан қараганлар ва ўзларининг маълумотларини кундаликларида қолдирганлар.

XIX аср охирида Добускальга ҳарбий топограф Н.Ф.Ситняковский ташриф буюрган ва кўхна шаҳар харобасини кўздан кечирган[10]. Добускальни тарихий ёдгорлик сифатида дастлабки ўрганиш Л.А.Зимин томонидан 1915 йилда амалга оширилган. Олим Добусия шаҳрига оид ёзма манбаларни тўплаб, уларни нашр эттирган[6].

Ўтган асрнинг 40-йилларида Добусияни янада А.Ю.Якубовский бошлиқ Давлат Эрмидажи экспедицияси тлмонидан ўрганилган[11]. Бу экспедиция Добускаль билан биргаликда Зарафшон воҳасининг жуда кўплаб тарихий, меъморий ва археологик ёдгорликлари ҳам ўрганилган.

Кейинги йилларда бу ерда археолог олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган бўлсаларда, ёдгорликнинг археологик қазишмалар воситасида илмий ўрганиш борасида бирон-бир йирик тадқиқот амалга оширилмаган.

Добускальни археологик қазишмалар воситасида тадқиқ этиш биринчи марта 2006 йилдан, ЎзР Фанлар академияси Археология институтининг Ўзбекистон-Япония халқаро қўшма экспедицияси томондан бошланди. Тадқиқотлар айни кунларда ёдгорликнинг арки, шахристон ва рабоди ҳудудларида олиб борилмоқда.[11]

Халқаро археологик экспедиция тадқиқотларида Суғд ҳудудида шаҳар марказлари ривожланиши босқичларини ўрганиш Добусия мисолида давом эттирилди. Турли йилларда Добусияда IV-VI; IX-XII; XV-XVIII асрларга оид маданий қатламлари тадқиқ этилди. Добусия ёдгорлигининг шахристон, рабод ва арк ҳудудларида олиб борилган археологик қазишмалар материаллари (кулолчилик буюмлари, хунамандчилик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган турар-жой бинолари қолдиқлари, металл буюмлар) тадқиқ қилинди. Шахристоннинг шимоли-шарқий қисмида ўрта асрларда фаолият кўрсатган дарвоза қолдиқлари очилди Бу дарвоза орқали шаҳар ёнидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёсининг кечувига чиқилган.

Тадқиқот ишларида илк ўрта асрларда бу шаҳарда кулолчилик хунармандчилиги ниҳоятда ривожланганлигини кўрсатувчи турли археологик материаллар ҳам қўлга киритилди. Топилмаларнинг чизмалари тайёрланиб, улар илмий муомалага киритилди. Арқда очилаётган илк ўрта асрларга оид сарой ўрнидан топилган яшаш ва хўжалик хоналари, саройнинг ташқи деворини ўрганиш давомида қўлга киритилган археологик топилмалар шаҳарнинг араблар истилосигача ва ўрта асрлар даври меъморчилиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида муҳим маълумот беради. Бу манбалар Добусиянинг илк ўрта асрлардан то сўнгги ўрта асрларгача аввал Зарафшон ёқасидаги қалъа, кейин шаҳар ва кейинги асрларда эса кишлок сифатида бир ярим минг йил давомида фаолият юритганлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Белазури. Завоевание Хорасана (Извлечение из сочинения «Футух ал-булдин»). Перевод с арабского и комментарии Гаибова Г. Душанбе, 1987. С. 93
2. Беленицкий А.М., Бентович О.И., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1972. С. 186
3. Бердимуродов А.Э., Токао Уно, Рахимов К.А. Добусияда ўтказилган археологик тадқиқотлар ҳақида. Археологические исследования в Узбекистане 2006-2007 года. Вып. 6, Ташкент, 2009. С. 76-95
4. Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абул-л-Касыма ибн Хаукая. Труды САГУ. Вып IV. Ташкент, 1957 С. 27
5. Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию (644-704 гг.). Душанбе, 1989. С. 35
6. Зимин Л.А. Кала-и-Дабус. ПТКЛА. Год двадцать первый. Ташкент, 1917. С. 43-64
7. История ат-Табари. Перевод В.И. Беляева. Ташкент, 1987. С. 216-217
8. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-Ансаб» Абу Са'да Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Сам'ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент, изд-во ФАН, 1993. . С. 88
9. Наршахи Мухаммад. История Бухары. Материалы по истории СССР. М., 1985. С. 158
10. Ситняковский Н.Ф. О древностях в районе Зеравшана. ПТКЛА. Год третий. Ташкент, 1898. С. 92
11. Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. (из дневника начальника экспедиции). ТОВЭ, т. II, Л., 1940.

РЕЗЮМЕ

В статье, по данным средневековых письменных источников и с привлечением результатов археологических исследований, рассматриваются некоторые вопросы истории и исторической топографии, одного из крупных городов Самаркандского Согда Дабусии, а также вопросы исторической географии средневековых городов и поселений средней части Зарафшанской долины.

Ключевые слова: Самаркандский Согд, локализация, Зарафшанская долина, городище Дабусия, цитадель, араба о язычные источники, экспедиция Государственного Эрмитажа, Наршахий.

RESUME

In this article, according to the medieval written sources and with the involvement of the results of archaeological research, examines some of the issues of history and historical topography, one of the major cities of Samarkand Sogd Dobusii and questions of historical geography of medieval towns and villages of the middle of the Zarafshan Valley.

Key words: Samarkand Sogd, localization, Zarafshan Valley, Dobusiya mound, the citadel, the Arab-speaking sources Gosudarstienye Hermitage expedition Narshayhy.

ИБРОҲИМБЕКНИНГ ҲАРБИЙ ТАКТИКА ВА СТРАТЕГИЯСИ

(Биринчи мақола)

Бобоев Ф. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола бутун Шарқий Бухоронинг барча қўрбошиларини ўз қўл остида бирлаштирган лашкарбоши Муҳаммад Иброҳимбекнинг ҳарбий тактика ва стратегиясига бағишланади.

Иброҳимбекнинг бошқарув тизими, қўшин тузилиши, жангга кириш усуллари, жангларда мардлик кўрсатган йигитларни тақдирлаш ва мукофотлаш ҳамда қурол-яроқ муаммолари каби масалалар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Шарқий Бухоро, Иброҳимбек, қўрбоши, лашкарбоши, тактика, стратегия, лақай, аскарбоши.

Ўзбекистон тарихи ўзининг қадимий давлатчилик тарихига эга бўлиб, турли даврларда Турон ва Туркистон худудида мавжуд бўлган давлатларнинг ўз қўшини ва армияси бўлган. Армияга эга бўлдим, табиий равишда унинг тузилиши, таркибий қисми, бошқарув тизими ҳамда ҳарбий тактика ва стратегияси бўлади. Ушбу ҳудудларда бундай ҳарбий салоҳият ва жанговар кўникма қадимдан ўз салтанатини тузган буюк шахслар, ҳарбий саркардаларнинг тажрибалари бирдан иккинчисига етиб келган ҳамда улар кейинчалик янада такомиллашиб борган.

Мазкур мақолада ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида совет ҳокимиятига қарши курашган Муҳаммад Иброҳимбекнинг ҳарбий маҳорати, жанг олиб бориш усули, яъни, ҳарбий тактика ва стратегияси ҳақида атрофлича фикр юритилади. Чунки шу кунга қадар Иброҳимбек армиясининг бошқаруви, унинг тузилиши ва таркибий қисми кенг жамоатчиликка унча маълум бўлмаганлиги ҳамда муаммонинг айнан шу жиҳатига боғлиқ қизиқишнинг мавжудлиги каби ҳолатлар бугунги кунда ўз навбатида масалани илмий таҳлил этиш заруратини келтириб чиқарди. Мазкур мақоланинг мақсади Иброҳимбек шахсини идеаллаштириш эмас, аксинча ҳужжатлар асосида кенг ёритилмаган Иброҳимбек фаолиятининг айрим характерли хусусиятларини борица илмий асослашдан иборат.

Иброҳимбек Чақабоев – 1889 йил ҳозирги Душанбе шаҳридан ўн икки км узоқликда жойлашган Кўктошда туғилган. У 92 бовли ўзбек уруғларидан бири лақайларнинг эсанхўжа шаҳобчасига мансуб[1]. Иброҳимбекнинг отаси Чақабой кишлоқ оқсоқоли, Кўктош лақайларининг уруғ бошлиғи эди. Унга Бухоро амири томонидан – 1870 йилда мирохур ва 1894 йилда тўксабо унвони берилган[2]. Чақабой тўксабо умрининг охиригача Кўктошда яшаган бўлиб, 1931 йил 28 июнда Иброҳимбекнинг терговда берган сўроғидан маълум бўлишича, отасининг вафотига 20 йил бўлган[3]. Ушбу далилдан унинг отаси тахминан 1911 йилда вафот этган деган хулосага келиш мумкин. Ўша пайтда Кўктошда 80 та хўжалик мавжуд бўлган.

Чақабой тўксабо ўз даврининг бадавлат кишиларидан бири бўлиб, унинг ҳовлисида доимий равишда икки-уч хизматкор меҳнат қилган. Шунингдек, Чақабой тўксабонинг 140 гектар суғориладиган ери, 700 оти, 2000 қўйи, 40 туяси, тегирмон, обжувоз ва бошқа кўчмас мулклари

бўлган[4]. Чақабой тўксабонинг 4 нафар хотини бўлиб, улардан олти ўғил ва олти киз кўрган. Лекин фарзандларининг барчаси турли ёшларда вафот этиб, фақатгина кенжа ўғил Иброҳимбек омон қолган. У отаси Чақабой тўксабонинг ҳаётлик даврида мусулмон мактабида ўқиб савод чиқарган[5]. Сўнгра шўрчалик Домулла Муҳаммадининг қўлида мадрасада ва Ҳисор мадрасаларида таълим олади[6].

1920 йил 2 сентябрда Бухоро шаҳри қизил аскарлар томонидан эгаллангач, Шарқий Бухорода большевиклар зулмига қарши Иброҳимбек раҳбарлигида қуролли ҳаракат бошланиб кетди. Қисқа вақт ичида унинг қўл остидаги йигитларининг сони 4000 нафарга етди. Шундай қилиб, совет тузумига қарши қуролли ҳаракат лашкарбоши Иброҳимбек раҳбарлигида 1921 йилдан то 1931 йилга қадар олиб борилди.

1931 йил 23 июнда Кофирнихон дарёсининг ўнг қирғоғидаги Хўжабулбулон қишлоғида Иброҳимбек ўзининг икки нафар сафдоши: Соҳиб Командир ва Мулла Раҳмат билан совет ҳокимияти вакилларига таслим бўлади[7]. Иброҳимбек 1931 йил 28 июндан то 1932 йил 14 февралга қадар қарийб саккиз ой мобайнида сўроқ қилиниб, ОГПУ Коллежасининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми бўйича 31 августда отилди[8].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Иброҳимбек айнан 1931 йилнинг 19-26 июль кунларида терговда берган сўроғида ўз армиясининг таркибий тузилиши ҳақида маълумотларни келтириб ўтган. Айнан ушбу ҳужжатлар мақолада эътибор қаратиладиган масалани ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжатларни ўрганиш орқали Иброҳимбек армиясининг ички тузилиши, бошқарув усуллари, мукофот ва жазолаш тартиблари ҳамда жанг олиб бориш тактикаси ва стратегияси, шунингдек, озиқ-овқат ва қурол-яроқ муаммолари, маҳаллий аҳолининг унга муносабати каби масалаларга аниқлик киритилади.

Машҳур давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Амир Темурнинг қўшини тузилишига кўра, турк-мўғул халқлари учун анъанавий бўлган ўнлик, юзлик, минглик ва туманларга бўлинган[9]. Иброҳимбекнинг армиясида ҳам ўзидан олдинги ҳарбий саркардаларнинг қўшин тузилиши билан боғлиқ айрим анъаналар давом эттирилганлиги яққол намоён бўлади. Бу ҳолат Иброҳимбек ўзидан олдинги ҳарбий саркардаларнинг ҳарбий

* **Бобоев Ф.** – Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси.

тажрибаларидан хабардор эканлигидан далолат беради. Бу жиҳатлар куйида навбати билан кўрсатиб ўтилади.

“Темур тузуклари”да келтирилган “лашкар-бошининг вазифаси, жанг вақтида қўл-оёғи бўшашиб, саросимага тушмасдан, буйруқ беришдан иборат”[10], деган фикрда чуқур маъно мужассам. Иброҳимбек ҳам кизил аскарларга қарши жангларда ўзининг ҳарбий салоҳиятини кўрсата олган. Натижада у лашкарбоши даражасига эга бўлиб, яъни бутун қўшин қўмондони эди. Иброҳимбек қўшиннинг таркибида лашкарбошидан кейинги мансаб эса аскарбоши бўлиб, у алоҳида йирик ҳарбий гуруҳнинг командири ҳисобланган. Охири пайтда Ўтанбек – кўнғиротларга, Ортиқ – балжувонлик лақайларга, Алимардон ва Эгамберди ботирлар – лақайларнинг қолган қисмига, Эрназар – қозоқларга аскарбошилиқ қилган.

Аскарбоши зиммасида йигитларни ўз вақтида кийим-кечак, қурол-яроқ ва озиқ-овқат билан таъминлаш вазифаси турган. Аскарбошилар бир-бирлари билан ўзаро муносабатлари ҳақида Иброҳимбекка ҳисобот беради ва у эса ўз навбатида мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб аскарбошиларга керакли кўрсатмалар бериб турган. Аскарбошиларга бўйсунувчи 1) озуқачи (захвоз), 2) котиб, 3) мулла-имом каби мансаблар бўлган. Ҳарбий ҳаракатлар жараёнида ҳар бир аскарбошининг қўшини кўрбошилар бошқарадиган алоҳида гуруҳларга бўлинган ҳолатда ҳаракатланган. Кўрбошилар ўзларининг аскарбошиларига бўйсунган. Шунингдек, ҳар бир кўрбошининг гуруҳи яна нисбатан кичик ўнлик гуруҳлардан иборат бўлиб, бу гуруҳлар ўз бошлиғига ва мулла-имомига эга эди. Охири бирлик ўнликлардан иборат бўлиб, уни раҳбари ўнбоши деб номланган. Ўнбошиларнинг миқдори кўрбошилар қўл остидаги йигитлар сонига боғлиқ эди. Шундай қилиб, Иброҳимбекнинг армияси асосий ҳарбий бирлик сифатида лашкарбоши – аскарбоши – кўрбоши – ўнбоши қабилардан таркиб топиб, уларнинг айримлари яна ўз навбатида турли қисмлардан иборат бўлган. Шу билан бир қаторда, Иброҳимбекнинг ёнида котиби, хазиначиси ва эшони (шахсий имоми) ҳамда шахсий кўриқчилари учун эса алоҳида мулла-имом ҳам бўлган[11].

Иброҳимбек доимо 150 – 200 нафар йигитдан иборат кўриқчилар кузатувида юрган. Шунингдек, у қаерда бўлишидан қатъи назар, шахсий кўриқчиларидан 2 нафар йигит доимий ҳамроҳликда бўлган. Ушбу тартиб ўн икки йил давомида узлуксиз давом этган. Агар Иброҳимбек қайсидир аскарбоши ҳузурига борса, у албатта ўз йигитлари ҳисобидан умумий кўриқчиларни қўйса ҳам, лекин бирибир Иброҳимбекнинг шахсий кўриқчилари лашкарбошининг ҳавфсизлиги учун жавобгар бўлиб, ҳар доимгидек ўз хизматни ўтар эди.

1931 йил апрелда Афғонистондан совет ҳудудига қайтиб келгандан сўнг Иброҳимбек соқчилар хизматини куйидаги тартибда жорий қилган: кундуз куни дам олиш пайтида лашкарбоши жойлашган ҳудудга яқинроқ энг баланд тепаликдан соқчилар дурбин билан атрофни кузатиб турган ва улар ҳар икки соатда алмаштириб турилган. Кечаси

эса тепаликларда ҳамда йўл томонга 8 – 10 кишидан иборат соқчилар қўйилиб, улар навбат билан кўриқчилик қилиб турган[12].

Амир Темур қўшинида мингбеги, юзбеги ва ўнбегиларнинг алоҳида чодирини бўлгани[13] сингари лашкарбоши Иброҳимбекнинг ўзи доим икки нафар соқчи кузатувида алоҳида ухлаган. Мулла, котиб ва хазиначи ҳам йигитлардан алоҳида ухлар эди[14].

Иброҳимбек бошқарувда қаттиқ тартиб-интизом жорий этган. Берилган буйруқларни бажармаслик ҳолатлари деярли ҳеч қачон бўлмаган. Мабодо, ўрнатилган тартиб-интизом бузилган ҳолатлар кузатилса, ундай пайтда интизомга риоя қилмаган кимса ким бўлишидан қатъи назар жазоланмасдан қолмаган. Иброҳимбек ўз йигитлари орасида жазолашнинг энг кўп қўлланиладиган тури – қамчилашдан фойдаланган. Агарда кимда ким жанг майдонидан қочиб кетгудек бўлса, қамчилаб, яна жангга киритилар эди. Иброҳимбекнинг 1931 йил 26 июлдаги сўроғидан маълум бўлишича, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кўрбошиларнинг жанг майдонидан қочиб чиқиш ҳоллари умуман бўлмаган. Чунки Иброҳимбекнинг ҳарбий стратегиясида жанг майдонидан қочиб чиққан кўрбошига ўлим жазоси муқаррар деб ҳисобланган келишув бўлган.

Жорий этилган тартиб-интизомга риоя қилмаган ва уни бузган йигитларга нисбатан қамчилашдан ташқари яна бир жазо – йигитларни қуролсизлантириш бўлиб, бу энг оғир жазо ҳисобланган. Энг олий жазо – отиш бўлиб, бу турли ноҳўя ишлар ва ахлоқсизлик билан шуғулланган йигитларга нисбатан қўлланар эди. Лекин турли шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда қамок жазоси йўқ эди.

“Темур тузук”ларида келтирилишича, қайси аскар жангларда баҳодирлик кўрсатса, унга инъом тариқасида турна беллик қилич ва бир от берилган ҳамда ўнбошилиқ мартабасига кўтарилган[15]. Худди шу сингари Иброҳимбек армиясида ҳам фақат қаттиқ бошқарув усули ўрнатилибгина қолмай, балки жангларда мардлик ва матонат кўрсатган йигитларни қайфияти ҳамда жанговарлик руҳини янада кўтариш мақсадида мукофотлаш тизими ҳам жорий қилинган эди. Мукофотлашнинг ҳам бир неча хил турлари бўлиб, бошқаларга ўрناк бўлиш учун йигитларга чопон ёки бошқа кийимлар, кўрбошиларга эса эгар-жабдукли от ҳамда турли қуроллар: наган, маузер, парабеллум ёки ҳарбий кийим-кечак совға қилинар эди.

Жангда қахрамонлик кўрсатган аскарбоши эса Иброҳимбекнинг энг яхши отларидан биттаси билан тақдирланар ёки унга ёққан қизни, қалини қанча катта бўлишидан қатъи назар ўзи орага тушиб, қиз томонни қўндириб ва уни олиб беришга ҳаракат қилган. Мукофотлашда лашкарбошидан ташқари аскарбошиларга ҳам ваколат берилган, улар фақатгина чопон билан мукофотланиш ҳуқуқига эга эди[16].

Йигитларнинг озиқ-овқатидан озуқачи хабардор бўлиб турган. Бу ерда яна бир эътиборли жиҳат шундаки, йигитлар шикоят қилмас, чунки улар кўнгилли бўлиб хизматга келар эди. Озиқ-овқатни

кайси қишлоқ яқинида бўлса, ўша қишлоқ оқсоқоллари ўзлари аҳолидан йиғиб берган. Чунки хали маҳаллий бошқарувнинг қуйи бўғинларида совет ҳокимиятининг мустақкам асоси яратилмаган эди. Шунинг учун шундай қишлоқлар солиқларни совет ҳокимиятига эмас, аксинча қўрбошиларга тўлаб турганлар.

Айрим қўрбошиларнинг исмига қўшиб айтиладиган “додхоҳ”, “тўқсабо” каби унвонлар Бухоронинг собиқ амири Амир Олимхон томонидан берилган бўлиб, Иброҳимбек ҳеч кимга бундай

унвон берган эмас. Унда ҳеч қандай орден ҳам бўлмаган[17].

Хуллас, Муҳаммад Иброҳимбек раҳбарлигида совет тузумига қарши курашиш учун ташкил этилган армия юқорида айтиб ўтилганидек турли таркибий қисмлардан таркиб топган. У гўё давлат ичидаги бир давлатга ўхшаб кетади. Лашкарбоши Иброҳимбек армиясининг тузилиши ва унинг бошқарув усуллари ўзига хос бўлиб, шу жиҳатлари билангина қуролли ҳаракат тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Тарих институти (кейинги ўринларда Тарих институти) жорий архиви, 2-дафтар, 45-варақ; Ражабов Қ. Бухорога кизил армия босқини ва унга қарши кураш. –Тошкент: “Маънавият”, 2002. – Б. 31.
2. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек лақай. Серия «Рабочие документы ИФЕАК» Выпуск 20. –Тошкент, 2006. – Б. 13.
3. Тарих институти жорий архиви, 2-дафтар, 45-варақ.
4. Валишев А. Чекистские были. – Душанбе: “Ирфан”, 1988. – С. 32.
5. Тарих институти жорий архиви, 2-дафтар, 45-варақ.
6. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек лақай. – Б. 14.
7. Пограничные войска СССР 1929 – 1938. Сборник документов и материалов. – Москва: “Наука”, 1972. – С. 197 – 200.
8. Тарих институти жорий архиви, 2-дафтар, 5-варақ.
9. Дадабоев Х. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1996. – Б. 14.
10. Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 101.
11. Тарих институти жорий архиви, 3-дафтар, 7-варақ.
12. Тарих институти жорий архиви, 3-дафтар, 8-варақ.
13. Дадабоев Х. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1996. – Б. 14.
14. Тарих институти жорий архиви, 3-дафтар, 8-варақ.
15. Темур тузуклари. – Б. 82.
16. Тарих институти жорий архиви, 3-дафтар, 8-варақ.
17. Тарих институти жорий архиви, 3-дафтар, 9-варақ.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена изучению военной стратегии и тактики курбашей, воевавших под командованием лашкарбоши Мухаммада Иброҳимбека. Также анализируются такие вопросы как структура управления, организация войск, тактика ведения сражения, а также вознаграждение особо отличившихся бойцов и вопросы снабжения оружием.

Ключевые слова: Восточная Бухара, Иброҳимбек, курбаши, лашкарбоши, тактика, стратегия, лақай, аскарбоши.

РЕЗЮМЕ

The article is dedicated to military tactics and strategies of Commander Muhammad Ibrahimbek who united all kurbashis of Eastern Bukhara. Besides, there has been illustrated problems such as administration system of Ibrohimbek, military structure, the strategies of fighting, awarding the troops fighting bravely and weapons.

Key words: Eastern Turkestan, Ibrohimbek, kurbashi, lashkarbashi, tactics, strategy, laqai, askarbashi.

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ В XXI ВЕКЕ В АЗИАТСКО-ТИХООКЕАНСКОМ РЕГИОНЕ

Джураева Г.М. *

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены особенности происходящих в Азиатско-Тихоокеанском регионе политических и экономических процессов, указывающих на устойчивую тенденцию к преобразованию региона в важнейший мировой центр. Особо исследована роль «Метода АСЕАН» в выстраивании новой архитектуры международных отношений в XXI веке в Азиатско-Тихоокеанском регионе

Ключевые слова: международные отношения, новый мировой порядок, Азиатско-Тихоокеанский регион, Юго-Восточная Азия, АСЕАН, «Метод АСЕАН», сотрудничество.

Начало XXI века ознаменовалось активным строительством нового мирового порядка, что было вызвано большим разнообразием объективных и субъективных факторов.

Нарастающий в новом столетии процесс глобализации мира в сложной и противоречивой борьбе различных явлений, тенденций и интересов все более отчетливо выявляет фундаментальный императив выживаемости и безопасности человечества. Суть его состоит в выработке такой модели мироустройства, геополитическая конфигурация которой была бы устойчивой, стабильной, надежной, интегрирующей как национальные, так и транснациональные интересы.[1]

Высокая динамика происходящих в Азиатско-Тихоокеанском регионе политических и экономических процессов указывает на устойчивую тенденцию к преобразованию региона в важнейший мировой центр.

Сосуществование в одном регионе большого количества государств, претендующих на звание ведущих держав мира в XXI веке, во многом определило те отношения, которые сложились в этом регионе сегодня. Взаимодействие между странами АТР является региональным вариантом глобальной многополярности. Это обуславливает отсутствие реальной возможности управлять ситуацией на Тихом океане в целом. Одновременно, баланс представленных в регионе сил выступает важнейшим элементом общемирового геополитического равновесия, что отвечает национальным интересам многих государств мира.

В регионе активно ведутся поиски политической основы социально-экономического соразвития стран в условиях возрастающей экономики КНР. Основными угрозами дестабилизации обстановки в регионе остаются:

- Проблема корейского урегулирования и северокорейская ядерная программа;
- Конфликт между Китаем и Тайванем;
- Наличие территориальных споров, в которых задействованы Япония, Южная Корея, Китай, Россия и некоторые страны АСЕАН;
- Нерешенность во многих странах военно-гражданских отношений.

Сегодня Азиатско-Тихоокеанский регион трансформируется, расположенные здесь государства перешли от преимущественного строительства собственной государственности к формированию многостороннего партнерства.

Значимость региона можно объяснить рядом факторов:

- во-первых, выгодным геополитическим и геостратегическим положением;
- во-вторых, тем, что на территории региона проживает более 60% населения планеты, производится более половины общемирового валового продукта, реализуется свыше 50% общего объема мировой торговли;
- в-третьих, странам АТР характерны наиболее высокие темпы экономического роста[2].

Большие изменения произошли в отношениях между различными странами региона. Исторические условия и политические аспекты развития стран ЮВА во второй половине XX в. обусловили «возникновение, институциональное оформление и развитие уникальной в своем роде региональной организации, существование которой является одной из успешных региональных интеграций»[3]. Поскольку международные отношения в «Большой Восточной Азии» оставались весьма сложными, роль лидера региона досталась именно АСЕАН и, по мнению большинства аналитиков, еще надолго, так как это наиболее приемлемый вариант для всех.

По мнению российского исследователя Э.Г.Миракян, огромное «значение в формировании АСЕАН имело развитие мировой системы после Второй мировой войны, прежде всего, образование социалистических государств, получение рядом стран независимости и склонность их к политике нейтралитета, ослабление военно-стратегических позиций Великобритании, создание военно-политического блока АНЗЮС, расширение влияния США, стремление к биполярной структуре АТР»[4]. Благодаря сложившемуся в данном регионе обстоятельствам, были созданы все условия, для объединения государств в организацию, основной задачей которой стало бы объединение взаимозависимых и взаимосвязанных стран на основе регионализма. И последовавший в конце 90-х годов азиатский экономический кризис, ярко проиллюстрировал огромные возможности стран в совместном противодействии различным кризисным ситуациям.

На Балийском саммите 1976 года были заложены основы современной институциональной структуры АСЕАН, в качестве межправительственной организации без действующих на постоянной основе наднациональных органов власти. Основополагающими принципами работы АСЕАН

* Джураева Г.М. – к.п.н., докторант УМЭД.

провозглашались принципы консенсуса и невмешательства во внутренние дела стран-участниц.

Декларация согласия АСЕАН содержала программу в политической, экономической, социальной, культурной сферах сотрудничества, а также сотрудничества в сфере обеспечения безопасности. Весьма важно отметить, что в этой программе политическое сотрудничество было вынесено на первый план.

Балийский договор и принятая здесь Декларация о согласии АСЕАН явились прогрессивными документами, правильно отразившими тенденции регионального развития которые определили отношения стран АСЕАН с мировым сообществом. Балийский договор также внес существенные изменения в структуру АСЕАН, сделав ее более централизованной путем создания постоянного органа – Секретариата, наделенного координирующими функциями и определил его местопребывание в Джакарте.

Исследование деятельности АСЕАН в первое десятилетие своего существования, позволяет сделать вывод о том, что, несмотря на то, что в начале своего развития АСЕАН была достаточно слабой региональной организацией, ее деятельность только начинала обретать четкость и масштабы, сегодня АСЕАН занимает третье место, после Европейского Союза и НАФТА, среди наиболее развитых объединений в мире основной задачей которых является интеграция стран с экономической и политической для себя выгодой. Это обстоятельство послужило поводом для того, чтобы все страны региона согласились с ролью АСЕАН как двигателя региональной интеграции.

Хартия АСЕАН, вступившая в силу 15 декабря 2008 года, была направлена на создание более эффективного механизма сотрудничества и координации действий стран ЮВА, против давления глобализации, а также на выстраивание сбалансированных отношений с соседями, не входящими в эту группировку.

Становлению и усилению АСЕАН способствовали также и внешние силы, стимулирующие развитие Ассоциации. Среди них образование, получившее название «АСЕАН плюс три» (Китай, Япония, Южная Корея). «Правила игры» в региональном сотрудничестве постоянно меняются, так же как и динамика развитая региона. Китай и Япония являются великими державами, имеющими разные виды на будущее и разные амбиции. Сотрудничая с АСЕАН, они преследуют разные цели. Они не всегда расположены двигаться тем медленным темпом, которым приходится двигаться АСЕАН как региональному объединению развивающихся стран, заботящихся о своем суверенитете. С 1993 г. в рамках АСЕАН была организована Региональная трибуна АСЕАН (АРФ) с участием не только стран Юго-Восточной Азии, но и других стран. Сегодня, благодаря ежегодным встречам, АРФ стал важной и эффективной возможностью для стран АСЕАН и стран-участниц диалога обсуждать актуальные вопросы и находить решения по

проблемам безопасности, мира и развития Азиатско-Тихоокеанского региона.

Второй мощной внешней силой является глобализация. Страны АСЕАН и предприятия этих стран поняли, что глобализация с каждым годом сильнее и сильнее оказывает влияние на экономику, финансовый сектор и валюты их стран. Это обстоятельство не позволяет странам АСЕАН обеспечивать защиту своих предприятий на внутреннем рынке. В результате большинство успешных компаний начали работать в международном масштабе. Процесс глобализации четко показал, что для того чтобы выжить и процветать, недостаточно занимать сильную позицию в отдельной стране или отдельном объединении, таком как АСЕАН.

Третьей мощной внешней силой является Китай. За прошедшие годы существования АСЕАН отношения с Китаем претерпели серьезные изменения. В годы «холодной войны» они были откровенно и непримиримо враждебными. Изменения произошли с крушением биполярной системы, руководство КНР предложило АСЕАН концепцию «стратегического партнерства», в которой важным, но не единственным компонентом было создание Зоны свободной торговли (ЗСТ). Одновременно Китай инициировал целый ряд инфраструктурных проектов, включая сотрудничество в освоении бассейна реки Меконг, строительство сети железных и автомобильных дорог. Сегодня КНР поставивший мировой рекорд экономического роста, оказывает сильное влияние на АСЕАН. Это, с одной стороны, хорошо для АСЕАН, так как Китай является экономическим локомотивом региона и богатым рынком, а с другой – плохо, поскольку возрастает экономическая конкуренция. В этих условиях, самым важным для АСЕАН стало согласование правильной позиции на тот вызов, который стал представлять собой Китай (Например, подписание договоров о свободной торговле между Китаем и АСЕАН, создание Зоны свободной торговли).

Широкому и добрососедскому сотрудничеству стран АСЕАН с Китаем способствует ряд благоприятных факторов, в том числе:

- элементов идеологического противостояния давно нет и не предвидится;
- политических противоречий и проблем между ними фактически нет;
- Китай признает сложившиеся границы соседних стран ЮВА, оспаривая лишь принадлежность островов в Южно-Китайском море;
- Китай не заинтересован ни в какой военной экспансии, опираясь в своей внешней политике на растущее экономическое могущество и демонстрируя свою заинтересованность в сохранение мира и стабильности в регионе;
- создан и активно работает механизм из 50 различных структур для регулярных контактов на уровне глав государств и правительств.

Опыт пройденных лет показал значительный прогресс в осуществлении многочисленных реформ направленных на политическую и экономическую модернизацию, а так же мирное сосуществование. Очевидное затруднение в данном случае заклю-

чается в том, чтобы установить причинно-следственную связь между существованием и деятельностью АСЕАН, с одной стороны, и общим снижением региональной конфликтности, с другой. Исследователь Тимо Кивимяки для раскрытия основных причин возникновения АСЕАН использовал критерий количественного измерения конфликтов[5]. Как полагает автор, после вступления государств Юго-Восточной Азии в АСЕАН непосредственно сократилось количество межгосударственных конфликтов между самими членами Ассоциации. В качестве главных факторов, подкрепляющих данное положение, автором рассматриваются внутренние эффекты от деятельности АСЕАН, а именно:

- попытки сформировать особую региональную идентичность и нормативную культуру;
- поворот стран региона к целям развития вместо конфликтности, проявляющийся в акте присоединения к региональной организации сотрудничества.

Участие в региональном объединении отнюдь не означало стремления к транснациональному или наднациональному союзу, а скорее к созданию институционального формата мирного согласования позиций.

Главную отличительную черту АСЕАН, которая предопределяет успешное продвижение регионализма, составляет основанный на консенсусе механизм принятия решений, который в самых критических ситуациях отдает приоритет коллективным интересам над индивидуальными интересами государств-членов. Необходимо отметить, что за многие годы АСЕАН приобрела уникальный опыт коллективной выработки общей линии поведения на международной арене, а также практики совместного нахождения решений возникающих проблем на основе последовательного применения принципов взаимопомощи, консультаций, учета и соблюдения интересов всех участников. Этот метод получил международное признание как «Метод АСЕАН» (ASEAN Way). В 2009 г. на XIV саммите АСЕАН в Бангкоке был утвержден гимн АСЕАН, с аналогичным названием.

В основе азиатской политической культуры, воплощенной в «Метод АСЕАН», лежит твердое убеждение: какова бы ни была проблема, ее следует решать путем переговоров и поиска компромисса. Важно слышать оппонента и всегда давать ему возможность выйти из неприятной для него ситуации. В этом и состоит «метод АСЕАН» - вклад народов ЮВА в мировую политическую культуру международных отношений.

Примечательным является тот факт, что в рамках АСЕАН осуществляются различные реформы и перемены, но неизменной остается сохранность фундаментальных принципов Договора о дружбе и сотрудничестве, самые главные из которых неизменно повторяются во всех принимаемых политических и программных документах АСЕАН, а именно:

- Взаимное уважение независимости, суверенитета, равенства, территориальной целостности и национальной идентичности стран-участниц;
- Невмешательство во внутренние дела друг друга;
- Мирное решение споров;
- Отказ от применения силы и угроз ее применения[6].

Уже около 50 лет этот Договор остается действующим Кодексом поведения в Юго-Восточной Азии и механизмом разрешения споров и конфликтов. Как результат, ЮВА сегодня является регионом свободным от ядерного оружия, хотя еще не все ядерные державы это признали. АСЕАН продолжает переговоры с Китаем о Кодексе поведения государств в Южно-Китайском море, определяющем порядок решения споров в этом важном регионе. Дискуссии в АРФ с участием многих ведущих государств мира показывают удивительную возможность консенсуса по широкому кругу проблем мировой политики, включая самые серьезные и неотложные из них.

По мнению большинства исследователей, метод АСЕАН убедительно доказал свою эффективность в решении многих конфликтов и споров. Именно он делает АСЕАН уникальным объединением, которому удастся «сочетать комбинацию национальных приоритетов, интересы Ассоциации с динамичным и гибким подходом, позволяющим оптимизировать региональные геополитические преимущества, использовать социальное, культурное, политическое и экономическое разнообразие стран-членов для того, чтобы превращать вызовы в возможности, конфронтацию и соперничество – в диалог и сотрудничество».[7]

«Метод АСЕАН» потенциально может сыграть существенную роль в выстраивании новой архитектуры международных отношений в новом столетии и может представлять огромный интерес для стран Центральной Азии. Он заключается в опыте построения баланса сил и интересов на основе терпимости, невмешательства и неприменения силы на международной арене. Он очень интересен, так как означает, прежде всего, отказ от войны и насилия, терпимость и уважение к различиям. Применительно к современным международным отношениям этому просто нет никакой разумной альтернативы.

В этой связи уместно было бы напомнить слова Чрезвычайного и Полномочного посла Узбекистана при АСЕАН Ш.Джамалова, о том, что «мы знаем, уважаем и разделяем азиатские ценности – феномен политической и поведенческой культуры, выработанный странами Юго-Восточной Азии за многие века общения друг с другом»[8], который необходимо изучать и пропагандировать.

«Метод АСЕАН» - это метод мирного сосуществования различных народов и государств, позволивший построить на своей основе Сообщество АСЕАН. И при наличии политической воли государств ничто не сможет помешать строительству такого сообщества в масштабах

Восточной Азии, а может и всего Азиатско-Тихоокеанского региона.

Таким образом, проведенный нами анализ некоторых особенностей международных отношений в XXI веке в Азиатско-Тихоокеанском регионе, особенно в рамках АСЕАН достаточно убедительно опровергает неоднократно высказывавшиеся сомнения относительно жизнеспособности этой организации. АСЕАН с первых дней своего существования имела четкую программу и общий курс. Позднее, с принятием Декларации о нейтралитете Юго-Восточной Азии, курс и политика постоянно совершенствовались и дополнялись. Именно это позволило АСЕАН наладить эффективное сотрудничество между странами-членами в самых различных сферах – в политике, по вопросам безопасности, в экономике, торговле, в сфере культуры, в науке и технике, в международных отношениях и т.д. АСЕАН преследовала четкую цель – всесторонне развивать входящие в эту организацию страны.

Факты свидетельствуют не о свертывании, а о расширении политических функций Ассоциации. Происходящее же увеличение числа членов АСЕАН является, безусловно, самым весомым доказательством признания ее как влиятельного и Авторитетного межгосударственного политического объединения, причем в рамках не только Юго-Восточной Азии, но и всего Азиатско-Тихоокеанского региона.

Помимо интеграционного сотрудничества АСЕАН поддерживает интенсивные связи со своими партнерами по диалогу и другими международными организациями в целях обеспечения высокого уровня взаимодействия и дополнения усилий государств — членов АСЕАН по развитию сотрудничества.

Деятельность АСЕАН за прошедшие годы можно расценивать как специфический процесс саморазвития и эволюцию ее подходов к быстро меняющейся системе международных отношений в Юго-Восточной Азии и АТР в целом. Следствием этой эволюции становится рост веса АСЕАН в международной экономической конъюнктуре и усиление ее влияния на региональную и глобальную политику. При этом политическая деятельность

АСЕАН, в отличие от экономической, оказалась более успешной и разнообразной. Кроме того, что АСЕАН выполняет внутрирегиональную интеграционную функцию, она является партнером по диалогу крупнейших «игроков» Азиатско-тихоокеанского региона – Китая, США, России и Японии.

Укрепление доверия является основой и отправной точкой развития АСЕАН. Все члены АСЕАН единодушны в том, что, необходимо развивать превентивную дипломатию, особенно в рамках такого формата, как «Метод АСЕАН».

Впечатляющие успехи АСЕАН позволяют рассчитывать на то, что Ассоциация будет и дальше добиваться поставленных высоких целей — мира, сотрудничества и всеобщего процветания. На этом пути АСЕАН играет роль движущей силы в обеспечении конструктивного характера взаимоотношений между странами Азиатско-Тихоокеанского региона в интересах сохранения надежного мира, безопасности и большей экономической интеграции с упором на устойчивый и гармоничный рост.

На наш взгляд, изучая опыт сотрудничества стран ЮВА, анализируя их интеграционный выбор, стратегии экономического развития в рамках АСЕАН можно найти весьма рациональные обоснования для заинтересованного изучения. В этом смысле для стран региона Центральной Азии было бы полезно изучение опыта стран АСЕАН, в частности, как решать задачи национальной экономики в рамках интеграции, как добиваться преференций внутри интеграционных объединений, т.к. условия и возможности у разных стран неодинаковые, как строить внешнюю политику и согласовывать ее в наднациональных институтах, как развивать стратегии выхода из разного рода кризисов, будучи частью интеграционной системы. Изучение опыта стран АСЕАН также полезно с точки зрения выбора времени и стратегии интеграции, внутри небольшого регионального пространства или в рамках большого интеграционного объединения.

ЛИТЕРАТУРА

1. Гулевич А.В. АТР и мировой порядок XXI века. // Обозреватель-Observer.- 2014. № 6, с. 87
2. Треугольник Россия – Китай – США в АТР: факторы неопределенности. М.:ИМЭМО РАН, 2015, с.34
3. Колдунова Е.В. АСЕАН: проблемы регионализма и перспективы интеграционных процессов // Юго-Восточная Азия: актуальные проблемы региона. – 2008. – № 11. – С. 29
4. Миракян Э.Г. АСЕАН – ЕС. Сотрудничество и региональные интеграции 1967-2008 // Автореферат на соискание ученой степени к.и.н. – М., 2010. – С. 12.
5. Kivimaki T. Power, Interest of Culture – is There a Paradigm That Explains ASEAN's Political Role Best? // The Pacific Review.Vol.21 – 2008. – № 4. – P. 10-23.
6. Калужный В.Г. Верификация геополитических знаний о мировом порядке: перспективы развития. // «Право и безопасность», 2015, № 2 (31)
7. Phan Van Khai. “ASEAN Way” That Makes us Unique // Nhan Dan (English edition), 08.08.2014. <http://www.nhandan.org.vn/en>
8. <http://www.regnum.ru/news/polit/138871.html>

РЕЗЮМЕ

Мақолада Осиё-Тинч океани минтақасининг барқарор ривожланиш тенденциялари, минтақанинг дунё марказига айланишини акс эттирувчи сиёсий ва иқтисодий жараёнларининг хусусиятлари кўриб чиқилган. XXI аср Осиё-Тинч океани минтақасида халқаро муносабатларининг янги архитектурасини барпо этишдаги «АСЕАН услуги»нинг аҳамияти ўрганилган.

Калит сўзлар: халқаро муносабатлар, янги дунёвий тизим, Осиё-Тинч океан минтақаси, Жанубий Шарқий Осиё, АСЕАН, “АСЕАН усули”, ҳамкорлик.

RESUME

The article reviews the features of present political and economical processes in Asian-Pacific region, which point out to transforming of this region into most important world centre. Separately was studied the role of «ASEAN method» in building of new international relations architecture in 21 century in Asian-Pacific region.

Key words: international relations, Asian-Pacific region, South – East Asia, ASEAN, «method ASEAN», cooperation.

МАРКАЗ ВА ХУДУДЛАР МАНФААТЛАРИНИ МУТАНОСИБЛАШТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

Жўраев Р.Т. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада сиёсий рискларни бошқаришнинг замонавий технологияларини жалб қилиш – уларни сиёсий ўрганиш: ахборот таъминоти марказини тузиш, тегишли соҳа экспертларини жалб қилиш, мансабдор шахсларнинг таҳликали қарорларни қабул қилганлиги учун жавобгарлик меъёрларини жорий қилиш ва ҳ.к. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг зиммасидаги хавфсизлик ва барқарорликка салбий таъсир этувчи жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тушган тақлифларни ўрганиш ва кўрсатмалар тайёрлаш вазифасини бажариш хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *риск, конфликт, марказ, ҳудуд, минтақа, сиёсий жараён, ахборот таъминоти, ижобий, салбий, меъёр, барқарорлик, сиёсий бошқарув.*

Марказ ва ҳудудлар манфаатларини мутаносиблаштириш мураккаб жараён. Мазкур жараён етарлича ўрганилмаган бўлсада, олимлар томонидан марказ ва ҳудудлар муносабатларини мутаносиблаштиришнинг адолат, тенглик, қонунийлик, мувозанатлик ва бошқа талаблари, тамойиллари ҳамда мезонлари тавсия қилинган[1]. Ушбу талабларнинг тизимлашмагани, мазкур жараённинг барча жиҳатларини қамраб олмаслиги уларни умумлаштириш ва кенгайтиришни тақозо қилади. Бизнингча, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни мутаносиблаштиришнинг талабларини адолат, самарадорлик ва барқарорлик мезонлари шаклида ифодалаш мантиқийроқ кўринади. Ушбу мезонларга риоя қилиш кўзланган мақсадга эришиш, яъни инсон манфаатларини рўёбга чиқариш механизмини янада такомиллаштириш, сиёсий бошқарувни оптималлаштиришга хизмат қилади.

Биринчи Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатли демократик қуришга интиламиз. Адолатга интилиш – халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият [2]. Умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни мутаносиблигига эришишда адолат асосий мезон сифатида намоён бўлади[3].

А. Холбеков ва Т. Матибоевлар томонидан Ўзбекистон ҳудудида ижтимоий адолат ғояларининг ривожини атрофлича таҳлил қилиниб, уларнинг демократия билан муштараклиги асослаб берилган. Уларнинг фикрига қўшилиб айтиш мумкинки, демократияда у ёки бу жиҳатга мойиллик устувор бўлиб қолиши мумкин. Масалан, эркинлик ва тенглик, барчанинг сиёсий жараёнлардаги биргаликдаги иштироки ва самарадорлик кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликни муҳофаза қилиш, давлатнинг ҳуқуқий асослари ва давлатнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ўртасида фарқ, тафовут, баъзан ҳатто, низо пайдо бўлиши мумкин. Сиёсий адолат қоидаларигина бу вазиятда тўғри ва оқилона ечимни бериши мумкин, яъни мувозанатни таъминлайди[4].

Ўзбекистонда ҳам конституционализм ғояларини жорий қилиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг кўпгина муаммолари, айнан, ҳуқуқни тушуниш концепциясига боғиқлиги аён бўлади. Н. Жавлиевнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий давлат ва демократик фуқаролик жамиятининг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилиш методологияси қайси таълимотга асосланиши лозимлиги, давлат ва

ҳуқуқнинг энг муҳим муаммолари, хусусан давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, давлат органлари фаолиятини эркинлаштириш вазифалари, давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштироки каби муҳим масалаларни ҳал этишда аниқ методологик вазифани бажарадиган яхлит ҳуқуқни тушуниш концепцияси ишлаб чиқилмаган[5]. Ушбу ҳолат умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни мутаносиблаштиришда ҳам намоён бўлади.

Т. Матибоев “фуқаролик жамиятида инсонларни зарур фаолиятга йўналтирувчи омил – манфаатларнинг мувофиқлигидир. Агарда, ижтимоий муносабатларнинг уйғунлиги манфаатлар муштараклигини таъминласа, унинг аксини ижтимоий зиддиятлар ташкил этади. Ижтимоий муносабатларда зиддиятлар авж олиб кетишининг олдини олишдаги асосий механизм ҳам ижтимоий адолат меъёрлари ҳисобланади, деб таъкидлаб, зеро, қонун, эркинлик, имкониятлар тенглиги асосида қўйилган адолат қоидалари барчани ҳалол “ўйин қоидаларига”, демократия қоидаларига бўйсунушга мажбурлайди”-дейди. Шунингдек, ижтимоий адолат ва демократияни жамият ҳаётига жорий этишни фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва иштирокисиз амалга оширишни тасаввур қилиб бўлмайди ва бу, ўз навбатида, мамлакатимизда ошқоралик, хабардорлик, фикрлар хилма-хиллиги, кўппартиявийлик, танқидийлик ва яратувчанлик муҳити каби тамойилларнинг тўла амал қилишини талаб қилади.

Маълумки, табиий жойлашуви ва жуғрофий ҳудудий чегараларнинг бир-бирига яқинлиги, ҳудуднинг табиий хусусиятлари ва иқтисодий шароитлари, саноати ва кишлок хўжалиги, корхона, ташкилотларнинг жойлашуви ва нимага ихтисослашганлиги, транспорт ва алоқа воситаларининг мавжудлиги маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг омилларидан ҳисобланади[6]. Айнан иқтисодий негиз маҳаллий ҳокимиятни амалга оширишнинг асосий шартларидандир. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимиятининг иқтисодий асослари атрофлича тартибга солинган бўлса-да, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг бундай асосларини ривожлантириш долзарб масалага айланади.

Чунки умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни мутаносиблаштириш мақсадларидан бири ҳам уларнинг мустақил хўжалик юретишини таъминлаш ҳисобланади.

* Жўраев Р.Т. – НамДУ доценти.

Худудлар ўзини-ўзи бошқариш ёки кенг мустақилликка эга шаклда бошқарилса ҳам уларнинг хўжалик жараёнига давлат аралашувини тақозо қилади. Шу жиҳатдан тадқиқотчи Ҳ. Ҳамроевнинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон ҳукумати ҳудудий сиёсат олиб боришда қуйидаги муҳим интеграл мақсадларни ўз олдига қўйиши лозим: халқ фаровонлигини ошириш, миллий технолологияларга нисбатан илғор технологияларни иқтисодиётга жорий қилиш, хорижий капитални жалб қилиш йўли билан регионлар ҳамда бутун мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини жадаллаштириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, бандлик даражасини ошириш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, иқтисодиётни макро ва мезо даражада тартибга солишда ҳамда микро даражада, яъни корхонани бошқаришда жаҳон тажрибасига эга бўлиш[7]. Ривожланган мамлакатларда ҳам давлат ҳудудларни барқарор ривожланишини турли услуб ва шакллар воситасида таъминлайди. Ушбу тадбирларни қуйидаги белгиларга кўра таснифлаш мумкин:

- маъмурий ва иқтисодий;
- бевосита ва билвосита таъсир;
- оддий ва кризис ҳолатида фойдаланиладиган, шунингдек яқин келажак ва истикболдаги мақсадларга эришиш;
- кадрлар билан ва илмий-таҳлилий қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к.[8].

Маъмурий ва иқтисодий тадбирлар муайян ҳудудда ишлаб чиқаришни жойлаштиришда намоён бўлади. Ўзбек олимлари бозор шароитида ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг қуйидаги вазифаларини белгилашади: ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш, минтақалар иқтисодини комплекс ривожлантириш, минтақаларо ва уларнинг ичида меҳнатни тақсимлаш, ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тенглаштириш[9].

Барқарорлик – умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишнинг мезони бўлиши баробарида, унинг мақсадини ҳам ташкил қилади. Бу борада К. Шундиковнинг “мутлақ барқарорлик – берк кўча, чунки тараққиёт манбаларига эга эмас. Тизимнинг динамикаси барқарорлик ва беқарорлик тизимнинг яшашини, дунёга очиқлиги, у билан энергия ва ахборотнинг алмашинувини таъминлайдиган ўзаро муносабатини назарда тутати”[10] деган фикри эътирозлидир. Рус олими Л. Семенованинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, барқарорлик ҳар бир тизимга тегишли бўлиб, у қотиб қолганлик эмас, балки тизимга бузғунчи таъсир кўрсатмаган ҳолда ривожланишни назарда тутати[11]. Шу жиҳатдан барқарорлик мезони бошқарув тизимини бузғунчи зиддиятлар, таҳлика, таҳдид ва таҳликалардан ҳимоялангалиги, яъни унинг хавфсизлигини назарда тутати.

Миллий хавфсизлик давлатнинг барқарор ривожланиш омилидан биридир[12]. Давлатимиз

раҳбари “Ўзбекистон учун унинг кенг маънодаги миллий хавфсизлиги нимани англатади, биз бу хавфсизликни қандай тасаввур қиламиз?”, деган саволни қўйиб, “Биринчидан, Ўзбекистон хавфсизлигининг яхлитлиги ҳақидаги асосий тамойиллардан бирини тўла қўллаб-қувватлайди. Хавфсизлик – узлуксиз ҳолатдир, ҳадсиз-ҳудудсиздир”[13], деб жавоб беради.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, умуман хавфсизлик кўп қиррали ходиса, аммо азал-азалдан жамият ва давлат яхлитлигига қаратилганлиги ва айнан сиёсий ҳокимият орқали амалга оширилганлиги боис, у устувор сиёсий хусусият касб этиб келмоқда. Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқми, дипломатиями ёки бўлмаса, миллий хавфсизлик доктринаси билан боғлиқ амалиётми, булардан қатъи назар, унинг давлатчилик манфаатларига, давлат яхлитлигига қаратилганлигини ҳисобга олиш лозим[14].

Сиёсий хавфсизлик тизими – мамлакат, халқ, жамият, фуқаролар манфаатларига зарар етказадиган, сиёсий регресс ва ҳаттоки, давлатнинг сиёсий нобуд бўлишига олиб келадиган, шунингдек, ҳокимият ва сиёсатни бунёдкор-конструктив кучдан бузғунчи кучга, мамлакат фуқароларининг бахтсизлик манбасига айлантириш омилларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилиш механизмидир[15]. Сиёсий конфликтларнинг олдини олиш умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш мақсадларидан бўлиб, мазкур жараённинг мезонларидан ҳисобланади.

Конфликт (лот. *conflictus* – тўқнашув-Ж.Р.) – қарама-қарши манфаат ва қарашлар тўқнашуви, оддатда, ҳис-туйғулар билан боғлиқ мураккаб низо[16]. Ўзбекистонлик айрим олимлар сиёсий конфликтларни: 1) ҳукмронлар ва бўйсинувчилар (омма, жамият); 2) турли ҳукмрон субъектлар ёки сиёсий тизимнинг бир ёки турли даражаларида жойлашган ҳокимият тизимидаги иштирокчилар ўртасидаги низоларга ажратишса-да[17], улар минтақавий кесимда етарли даражада ўрганилмаган. Ўзбекистонда конфликтларнинг олдини олиш, уларга сабаб бўлувчи омилларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш механизмининг такомиллашуви тақозо қилинмоқда.

Сиёсий рискларни бошқаришнинг замонавий технолологияларини жалб қилиш – уларни сиёсий ўрганиш: ахборот таъминоти марказини тузиш, тегишли соҳа экспертларини жалб қилиш, мансабдор шахсларнинг таҳликали қарорларни қабул қилганлиги учун жавобгарлик меъёрларини жорий қилиш ва ҳ.к. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг зиммасидаги хавфсизлик ва барқарорликка салбий таъсир этувчи жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тушган тақлифларни ўрганиш ва кўрсатмалар тайёрлаш вазифасини бажаришда юқоридаги ҳолатларни инобатга олиш кўзланган мақсадга эришиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Баланс интересов // Конституционное и муниципальное право. – М., 2002. – С. 41.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 355.
3. Қаранг: Майерс Д. Социальная психология / Пер. с англ. – СПб., 1999. – С. 643.
4. Холбеков А. Ж., Матибоев Т. Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти, 2004. – Б. 43.
5. Жавлиев Н. Б. Ҳозирги кунда ҳуқуқни тушуниш муаммолари. – Т., 2008. – Б. 20.
6. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи / Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. А. Х. Саидов. – Т.: Молия, 2002. – Б. 360–361.
7. Ҳамроев Ҳ. Худудий сиёсат қандай бўлиши керак? // Жамият ва бошқарув. – 2008. – №2. – Б. 62
8. Региональная экономика: / Под ред. В. И. Видяпина и М.В. Степанова. – М., 2007. – С. 50.
9. Ли А. Прогнозирование социально-экономического развития муниципальных образований. Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2003. – С. 16.
10. Шундиқов К. В. Устойчивость и нестабильность в правовой жизни общества // Право и политика. – 2008. – №1. – С. 35.
11. Семенова Л. И. Устойчивое развитие. – Алматы: Фонд «XXI век», 1997. – С. 27.
12. Метелев С. Е. Национальная безопасность и приоритеты развития России. – М.: Закон и право, ЮНИТИ-ДАНА, 2006. – С. 7.
13. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 11.
14. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик (глобал контексти). – Т.: Академия, 2007. – Б. 110.
15. Серебрянников В. В. Политическая безопасность // Свободная мысль. – 1997. – №1. – С. 19.
16. Холбеков А.Ж. Бошқарув социологияси. – Т.: Академия, 2007. – Б. 159.
17. Хайдаров А.А., Тулаганова Н.У., Гафуров С.М. Основы политологии. – Т.: Изд-во ТашГИВ, 2003 – С. 216–217.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается привлечение современной технологии управления политического риска – политического исследования: создание информационного центра, экспертов и чиновников которые несет ответственность за внедрение стандартов и т.д. исследована работа. Совета национальной безопасности при Президенте Республики Узбекистан в предотвращении негативного влияния на безопасность и стабильность, а также изучение и подготовка предложений по устранению недостатков упомянутых направлений.

Ключевые слова: риск, конфликты, центр, зоны, политический процесс, информация, положительное или отрицательное, стабильность, безопасность политического управления.

RESUME

Article attracts modern technologies of management of political risk - political study: creation of the information center, experts, and officials, which have responsibility for the introduction of standards, etc it was investigated. The National Security Council under the President of the Republic of Uzbekistan duty to prevent a negative impact on security and stability, and also study and preparation proposals to eliminate the negative sides of above mentioned directions.

Key words: risk, conflicts, center, Port Area, the political process, information, positive or negative, in principle, stability, security and political governance.

«КОДЕКС КУМАНИКУС» НИНГ ЯНА БИР НУСХАСИ ТАРИХИ

Жафаров Б. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола жаҳонга маълум ва машҳур «Кодекс Куманикус» қўлёзмасининг 1824 йил 5 ноябрда номаълум хаттот томонидан кўчирилган яна бир нусхасининг кўчирилиш тарихи ва унинг таркибидаги мавжуд изоҳ ҳамда имлолар хусусидаги тадқиқотларга бағишланган. Мақолада ушбу нусханинг ёзилган манзили ҳамда қўлёзма асл нусхасининг биринчи саҳифасига босилган муҳр тарихи билан боғлиқ маълумотлар акс этган. Бундан ташқари мақолада қўлёзманинг мазкур нусхаси билан боғлиқ бўлган маълумотлар ва илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: «Кодекс Куманикус», имло, тарих, транслитерация, лотинча, форсча, қуманча, нусха.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни ўрганиш, уни келажак авлодларга етказиш бугунги кундаги олимлар ва уларнинг ворислари олдидаги муҳим масала бўлиб қолмоқда. Зеро, ҳар бир халқнинг бугунги тарақиёти ва эртанги куни унинг маданий мероси ҳамда аждодлари қолдирган анъаналари ва кадриятлари асосида мустақамланади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ ўз тарихини, миллий-маънавий меросини жиддий ўрганиши, улардаги бой маданий-маърифий ҳамда бадиий эстетик имкониятлардан юрт равнақи йўлида, юртдошларнинг юксак маънавиятли шахслар қилиб тарбиялашда фойдаланмоғи жоиз. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”[1], деб бежиз таъкидламаган эди. Тарих саҳнасида бунёдга келган бир қатор ёзма обидалар барча туркий халқлар учун муштараклиги билан ажралиб туради. Улар туркий халқларнинг адабиёти, тарихи ва маданияти ривожининг кейинги босқичларидаги тараққиёти учун умумий асос вазифасини адо этиб келган ва адо этиб келмоқда.

Туркийшуносликда ана шундай ёдгорликлардан бири XIII аср охири XIV аср бошларида лотин алифбосида яратилган “Кодекс Куманикус” асаридир. Мазкур қўлёзманинг асл нусхаси Венециянинг Авлиё Марк миллий кутубхонасида DXLIX (№549) рақам билан сақланади. Қўлёзма бугунги кунда янги №1597 рақами билан қайд этилган.

Ушбу қўлёзма тўғрисида биринчи бўлиб италиялик олим Якобу Филиппу Томасини томонидан 1635 йилда (аммо қўлёзма тадқиқ билан шуғулланган барча олимларнинг асарлари ҳамда мақолаларида бу сана 1650 йил деб кўрсатилган) маълумот берган. У ўзининг “Петрарка ҳаёти ва ижоди” номли асарида Петрарка қолдирган адабиётлар орасида “Alphabetum persicum, comanicum et latinum. Anonymi, scriptu anno MCCCIII die XI Julij”, яъни, “1303 йил 11 июль санасида ёзилган Алифбо тарзидаги форсча, қуманча ва лотинча луғат” топганлигини айтиб ўтади ҳамда қўлёзма луғатининг дастлабки тўққиз қаторини нашр қилади[2]. Томасинининг гувоҳлик беришича, бу қўлёзма 1362 йилда Италия уйғониш даврининг машҳур шоири Франческо Петрарка томонидан бошқа асарлар билан биргаликда

Венеция кутубхонасига совға қилинган. У бу маълумотни муқаддас Георгий ибодатхонасининг тарихини ёзган хатоттлардан бири - Аббат Ульмодан олган[3]. Қўлёзmani 1768 йилда немис олими Вильгельм Лейбниц Венеция кутубхонаси каталогидан топишга муваффақ бўлади. Орадан бир йил ўтиб эса, 1769 йилда Венгриялик тарихчи олимлар Даниел Корнидес ҳамда Йозеф Телекилар Венецияга ташрифлари чоғида қўлёзма билан кизиқиб қолишади ва унинг дастлабки 22 саҳифасини кўчириб олишади. Бу кўчириб олинган нусха тўғрисида Будапешт кутубхоначиси Жорж Прейга маълум қилишади[4].

1828 йилга келиб қўлёзма немис шарқшунос олими Юлиус Генрих Клапрот томонидан туркийшунослик тарихида биринчи марта французча изоҳлар, арабча транскрипция ва тўлдиришлар билан нашр этилади. Клапрот томонидан қилинган тадқиқот фақатгина қўлёзманинг луғат қисми билан чегараланган эди. Аслида қўлёзма икки қисмдан, яъни график ва тил хусусиятига кўра “Италянча” (лотинча-форсча ва қуманча луғат) ва “Олмонча” (олмонча-қуманча луғат, диний мадҳия ва дуолар, ҳамда 47 та энг қадимий туркий топишмоқлар) қисмлардан иборат. Бу нашр ўз навбатида кейин қилинган кўплаб тадқиқотлар учун асосий манба бўлиб хизмат қилди. Клапрот мазкур тадқиқотни қарийб 4 йил ичида амалга оширган. Унинг таъкидлашича, қўлёзмадаги форсча ва қуманча сўзларнинг ўқилиши эмас, балки ундаги сўз бойлиги мазкур тадқиқотни амалга оширишига туртки бўлган. Шу сабабли у Венециядаги авлиё Марк миллий кутубхонаси кутубхоначиси жаноб Салвидан қўлёзmani қидириб топиш ва ундан нусха олишга ёрдам беришни илтимос қилади.

Аммо Клапрот қўлёзма нусхасини ким томонидан унинг учун кўчирилганлигини билмайди. Ўз тадқиқотида у жумладан шундай деб ёзади: “афсуски, мен у олимнинг исмини билмайман, унинг буюк хизматлари туфайли жуда ҳам аниқлик билан кўчирилган мазкур қўлёзманинг нусхасини 1824 йил ноябрида олишга муваффақ бўлдим. Лотинча луғатнинг кўчирилган нусхаси унча катта бўлмаган, қоғоз бичими 4^о ҳажмда, 118 саҳифадан иборат, уч устун шаклида тузилган луғат бўлиб, биринчи устунда лотинча, иккинчисида форсча ҳамда учинчи устунда қуманча сўзлар берилган. Ушбу манбанинг эллик саккиз саҳифаси лотин алифбоси бўйича тартибланган от ва феъллардан, қолган саҳифалар эса, олмошлар, сафатдошлар

* Жафаров Б. – НамДУ катта илмий ходим-изланувчиси.

хамда савдо-сотикқа алоқадор бўлган бошқа сўзлардан таркиб топган. У 2500 га яқин сўздан иборат»[5].

Бугунги кунда Флоренциянинг кутубхонасида Ашбурнхем 1584 (*Medicea Laurenziana Library, Ashburnham 1584*) каталог рақами билан сақланаётган «Лотинча-форсча ва куманча» (**Cod 1584: Vocabulaire Latin Persan et Coman. Arrive a Paris Le 5 november 1824**) луғат Венециянинг Авлиё Марк номидаги миллий кутубхонасида DXLIX (№549)/1597 каталог рақами билан сақланаётган «Алифбо тарзидаги форсча ва куманча китоб» (**In hoc libra continentur Persicum et Comanicum per alfabetum**) қўзмасининг 1824 йилда номаълум хаттот томонидан кўчирилган нусхасидир.

Қўлзма асл нусхасининг биринчи саҳифасида Франция миллий кутубхонасининг ҳамда Венеция миллий кутубхонасининг муҳри босилган. Бундан шу нарса аниқ бўладики, қўлзма Клапрот илтимосига кўра кутубхона ходими Салви томонидан Францияга нусха олиш учун юборилган ва қисқа муддатда яна Венецияга қайтарилган. Чунки мазкур қўлзманинг кўчирилган нусхаси муқовасида унинг 1824 йил 5 ноябрь санасида Парижда кўчирилганлиги тўғрисида қайд мавжуд. Демак, Клапрот қўлзма нусхасини ноябрь ойида олганлигини инобатга оладиган бўлсак, қўлзма жуда қисқа муддатда кўчирилган.

Биз Пиза универститети профессори жаноб Пиер Жиоржио Борбоненинг ёрдами билан 2016 йил 10 ноябрда Флоренция кутубхонасига бориб, мазкур қўлзмани кўришга ва ундан факсимил нусха олишга муваффақ бўлдик. Кутубхона қайдига кўра, мазкур қўлзма тадқиқи билан бир неча олимлар шуғулланишган. Жумладан, 1914 йил 9 мартда немис олими Михайл Бхил, 1963 йил 3 октябрда поляк олими Ананий Ахиезерович Зайончковский, 1978 йил 21 сентябрда Сапиенца универститети профессори Ангело Мигела Пьемонтесе, 1998 йил 18 декабрда Пиза универститети профессори Фабрицио Чигнилар Флоренцияга ташриф буюришган бўлса, 1989 йил 17 июлда Неаполь шарқшунослик универститети олими Джулио Де Эрме кутубхонага ташриф буюрмасдан қўлмадан электрон нусха олган.

Қўлзманинг яна бир нусхаси мавжуд эканлиги тўғрисида Клапрот ўз тадқиқотида маълумот берган бўлса-да, илмий жамоатчиликка биринчи бўлиб, Ангело Мигела Пьемонтесе томонидан 1989 йилда маълум қилинган[6]. Шундан сўнг мазкур қўлзма нусхаси бўйича Неаполлик олим Алдо Галлотта томонидан «Aldo Gallotta, “Una ‘nuova’ copia del Codex Cumanicus”. *Annali dell’Istituto Orientale di Napoli* 52, 1992. pp. 455-459» ҳамда «Aldo Gallotta, “Codex Cumanicus'in yani bir nüshasi”. *Uluslararası türk dili kongresi 1992 (26 Eylül 1992-1 Ekim 1992) Ankara. 1996. c.267-271*» сарлавҳали бир номдаги икки мақола нашр этилаган (Биз мазкур мақолаларнинг италян тилида нашр этилган нусхасини Пиер Жиоржио Борбоне ва турк тилида нашр қилинган мақола нусхасини Туркиялик олим

Голип Гўнернинг ёрдами билан олишга муваффақ бўлдик).

«Кодекс Куманикус» қўлзмасининг бугунги кунда Флоренция кутубхонасида сақланаётган нусхаси куйидагилардан ташкил топган:

Қўлзма 118 саҳифадан иборат 23x17,5 ҳажмда муқоваланган. Ҳар бир саҳифа 24 сатрдан ташкил топган. Фақатгина, 1,9,10 ва 118 саҳифалардан ташқари. Чунки, қўлзманинг мазкур нусхасининг 1 саҳифаси 22, 9 саҳифаси 21, 11 саҳифаси 22 ва 118 саҳифаси 11 сатрдан иборат. Ушбу ноёб қўлзма нусхасидаги муқованинг охириги саҳифасида Ф.Бенедетто томонидан ёзилган куйидаги изоҳ мавжуд: «*Hic liber scatens erroribus vel in vocabulis latinis est procul Dubio descriptus ex celeberrimo Codice Cumanico qui in Byblioth. S. Marci Venetiarum asservatur quique perveTustum illius Turcicae dialecti praebet documentum. 10.12.1963 F.Di.Benedetto*»[7] (Ушбу китоб Венециянинг авлиё Марк миллий кутубхонасида сақланаётган Туркий лаҳжа тўғрисида маълумот берувчи машҳур Кодекс Куманикус таркибидаги лотинча сўзлардаги хатоларни аниқлаш имконини беради. 10.12.1936 Ф.Ди.Бенедетто). Шу ўринда қўлзма муқовасининг охириги саҳифасига изоҳ ёзган Филиппо Ди Бенедетто ҳақида икки оғиз сўз: Филиппо Бенедетто 1922 йил 1 мартда Италиянинг Сицилия провинциясининг Катания порт шаҳрида таваллуд топган. 1961 йилда Флоренция кутубхонаси директори Тиназзо Гиампиетро тавсиясига кўра мазкур кутубхонадаги қўлзмалар бўлимининг маъсул ходими этиб тайинланган ва ўз навбатида қўлзма нусхалари матнларини тиклаш ишлари билан шуғилланган.

Қўлзманинг мазкур нусхасида биз куйидаги маълумотларни кўришга ва улар асосида айрим асосли хулосаларни чиқаришга муваффақ бўлдик.

Мазкур нусха шарикли ручкада сапсар сиёҳ билан битилган. Ундаги баъзи форсча ва куманча сўзлар кейинчалик араб алифбосидаги транслитерация билан қизил сиёҳли, баъзи ўринларда эса, қора рангли ручкада ёзилган. Жумладан, 1- ва 3-саҳифалардаги лотинча-форсча ва куманча сўзлар сапсар рангли сиёҳ билан ёзилган (бу ёзувлар қўлзманинг асл нусхасидан намуна олган хаттотга тегишли) ҳамда ундаги форсча сўзлар лотин графикасида асосида сапсар сиёҳли ва форсча сўзларнинг арабча транскрипциялари қизил сиёҳли ручка билан ёзилган. 5-саҳифанинг 15,16,22,24 сартларидаги форсча сўзлар, 58-саҳифанинг 22-сартларидаги, 59-саҳифанинг 17-сатридаги, 69-саҳифанинг 21,23 сартларидаги, 76-саҳифанинг 1-сатридаги форсча сўз, 2-сатридаги куманча сўз, 76-саҳифанинг 4-сатридаги форсча ва куманча, 6-сатридаги куманча сўзлар, 77-саҳифанинг 4-сатридаги форсча, 5- ва 6-сатрдаги куман, 7-сатрдаги форсча ва куманча, 9,11, 13, 15 сартлардаги куманча, 16-сатрдаги форс ва куман, 19-сатрдаги форсча сўзлар лотинча транслитерациядан сўнг, араб имлосидаги транслитерацияси билан қизил рангли сиёҳ билан ёзилган бўлса, 78, 84, 88, 90, 91, 92, 93, 100, 101 ҳамда 113-саҳифадаги форсча сўзлар худди юқоридаги сингари араб имлоси билан қора сиёҳда ёзилган.

Кўлёманинг 85-саҳифасидаги қизил сиёҳ билан ёзилган сўзлар кўлёманинг биз юқорида санаб ўтган саҳифаларидаги қизил сиёҳ билан араб имлосида ёзилган сўзлардан нафақат сиёҳнинг турли рангдалиги балки, имлоси билан ҳам фарқ қилади. Бу ўз навбатида кўлёманинг мазкур нусхасидаги арабча транслитерациялар кейинчалик бошқа-бошқа шахслар томонидан ёзилганлигидан далолат беради. Кўлёмандаги қизил ва қора сиёҳ билан ёзилган форсча ва қуманча сўзларнинг араб имлосидаги транслитерациялари кўлёманинг илк тадқиқ этган ва уни илмий жамоатчиликка маълум қилган немис олими Клапрот ва 85 саҳифадаги қора сиёҳли ручка билан ёзилган араб имлосидаги транслитерация бошқа шахсга тегишли.

Бундан ташқари кўлёманинг мазкур нусхасида 4-саҳифа 23-24-сатрларидаги форсча ва қуманча таржималари берилмаган лотинча сўзлар устидан қизил ручка билан вертикал чизик тортиб ўчирилган. Бу вертикал чизик тортиб ўчирилган сўзларнинг форсча ва қуманча таржималари кўлёманинг асл нусхасида ҳам бўш қолдирилган.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, «Кодекс Куманкус»нинг мазкур нусхаси немис олими Клапрот тадқиқи учун кўчирилган. Кўлёмма Венеция кутубхонасидан ушбу кутубхона ходими Салви буйруғига асосан Францияга олиб келинган ва у ерда номаълум хаттот томонидан 1824 йил 5 ноябрдан шу ой охиригача бўлган жуда қисқа

муддатда кўчирилган ва шунинг учун ҳам кўлёманинг асл нусхасида иккинчи кутубхонанинг муҳри пайдо бўлган. Ҳаттоки, Клапрот ўша даврда Францияда яшаган бўлишига қарамаста кўлёммадан нусха олган хаттот ким эканлигини билмаган. Чунки Клапрот 1815 йилдан бошлаб Александр фон Гумбольдт тавсиясига кўра Парижда доимий яшаб ижод қила бошлаган ва ўша ерда вафот этган.

Кўлёммадаги қизил ва қора сиёҳ билан ёзилган форсча ва қуманча сўзларнинг араб имлосидаги транслитерациялари кўлёманинг илк тадқиқ этган ва уни илмий жамоатчиликка маълум қилган немис олими Клапрот ва номаълум хаттотга тегишли.

Кўлёмма Францияда ёзилган бўлишига қарамастан унинг Флоренция кутубхонасига олиб келинганлигини билиш учун кутубхона веб сайтидаги Ашбурнхем тўпламлари тарихига назар солиш кифоя қилади.

Эшбернхем фондида 2000 га яқин кўлёммалар мавжуд бўлиб, улар математика ва библиографияга оид бўлган, 1846 йилгача бу ноёб кўлёммалар Гульелмо Либрига (1802-1869) тегишли бўлган ва улар 1847 йилда Ашбурнхемнинг тўртинчи графи лорд Бертрам томонидан сотиб олинган. 1884 йилда граф вафотидан кейин кўлёммалар Италия ҳукумати томонидан сотиб олинган ва Флоренциянинг Лаурентиан кутубхонасига олиб келинган.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов, И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент “Маънавият”, 2008. Б.4.
2. Tomasini J.P. Petrarca redivivus, integrum poetae celeberrimi vitam iconibus aere caelatis exhibens. – Lavre. 1635. Б. 86.
3. Радлов, В. Язык Кумановъ по поводу издания куманскаго словаря – Санкт-Петербург. 1884. Б. 3.
4. Ligeti L. Prolegomena to the Codex Cumanicus // Codex Cumanicus / Ed. by Geza Kuun. – Budapestini, 1981. Б. 4.
5. Klapproth J. Vocabulaire latin, persan et coman de la bibliothèque de Francesco Petrarca // Mémoires relatifs à l'Asie, contenant des recherches historiques et philologiques sur les peuples de l'Orient, par... – Paris, 1828. – Т. 3. P.120.
6. A.M. Piemontese, Catalogo dei manoscritti persiani conservati nelle biblioteche d'Italia, Roma 1989, PP. 100-101 (n° 134).
7. Manoscritto. Vocabulaire Latin Persan et Coman. Arrive a Paris Le 5 november 1824. Biblioteca Medicea Laurenziana. Ashburnham. cod: 1584. If.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается история исследования еще одной копии «Кодекса Cumanicus», которая была сделана 5 ноября 1824 неизвестными авторами. Также в статье дается информация о месте происхождения и с печатью на первой странице оригинальной копии хорошо известной рукописи. Статья описывает количество исследований по этой копии.

Ключевые слова: «Кодекс Куманикус», почерк, история, транслитерация, латинский, персидский, куманский, копия.

RESUME

The article discusses the history and study the copy of the "Codex Cumanicus" which was made on the 5th November in 1824 with unknown author. Also in the article is given information the place of origin and conclusions about other seal on the first page of original copy of this well known manuscript. And this article is described the amount of research on this copy.

Key words: «Codex Cumanicus», script, history, transliteration, Latin, Persian, Cuman, copy.

ҚОВУНЧИ МАДАНИЯТИ ТАЪСИР ДОИРАСИНING КЕНГАЙИШ БОРИШИ ХУСУСИДА БАЪЗИ БИР МУЛОҲАЗАЛАР

Иномов О.У. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мил.авв. II асрда Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида ташкил топган Қовунчи маданиятининг дастлаб таркиб топган худуди ва унинг кенгайиши тўғрисида маълумотлар келтирилиб, Қовунчи маданиятининг I, II, III босқичларида унинг бошқа худудларга кўрсатган таъсири археологик ёдгорликлар ва улардан топилган артефактлар орқали очиб берилди.

Калит сўзлар: Сирдарё, Фарғона водийси, Чирчиқ, Талос, Чотқол, бош чаноғи, сопол буюмлар, Тошкент воҳаси, Кенқўл, Бўр-Кўрбаз, Қаландархона.

Ўзбекистон худудларида олиб борилган кенг кўламли археологик изланишларга кўра, Қовунчи маданиятининг таъсир доираси сўнгги антик даврдан бошлаб Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари доирасидан чиқади. Энди у минтақавий тарихий жараён эмас, балки бутун Ўзбекистон худудларида юз берган тарихий воқеликка айланади. Илк ўрта асрларга келганда эса у ўзбек этногенезининг асосий муаммоларига айланади, яъни туркий этник мансублик устивор шароитда шаклланган Қовунчи маданияти милонинг бошларидан, аниқроғи II-III асрларидан бошлаб Тошкент воҳаси доирасидан чиқиб, унинг таъсир доираси кенгайди.

Археологик материалларнинг таҳлилига кўра, Қовунчи маданиятининг таъсир доираси шарқда Чотқол, Пском ва Талос водийларигача кириб боради. Ундан Фарғона водийсининг шарқий худудлари орқали ўтиб Жанубий Қирғизистонгача ёйилади.

Дастлаб Қовунчи маданияти таъсир этган ёдгорликлар Шимолий Фарғона худудларида пайдо бўлади. 1960 йилда Е.Д. Салтовская Ашт худудида Қизилтепа ёдгорлигининг антик давр қатламларидан сиртига қизил ангоб берилган, дастаси ҳайвон шаклли кружкаларни учратади[1]. Худди шундай зооморф ручкали кружкалар Ашт яқинидаги Муғ кўрғонлари ва қурумларида учрайди[2].

1966 йилда Е.Д. Салтовская қадимги Фарғонанинг шимолий-ғарбий қисмида, Ашт райони худудларида археологик изланишларини давом эттиради. У Тожикистон худудидаги Қалаи Афросиёб тепалигида стратиграфик қазишмалар олиб бориш чоғида, ёдгорликнинг илк ўрта асрларга тегишли қатламидан бир хил сополлар мажмуасини учратади. Бу сополлар мажмуаси хом ғишлардан тикланган хонанинг икки қатламли поли устида аралашиб кетган. Сополлар таркибида нафис ва жарангдор, тиниқ фон устига қорамтир жигарранг гул солинган турли-туман хушбичим сопол идишлар орасида қизил ангоб устига тарам-тарам жигарранг рангли нақш солинган хум ва хумчалар, юқори қисми юпка, тиниқ ангобли кружка ва банкасмон човгунлар учрайди. Бундай идишлар Қовунчи маданиятига хос сополлар мажмуаси бўлиб, улар Тўдаи Калон ёдгорлигининг V-VI аср қатламларида ҳам кўплаб учрайди[3].

1950 йилларнинг бошларида М.Э. Воронец Фарғона водийсига уюштирган археологик қидирув ишлари вақтида Ашт даштларида қадимги мазор-кўрғонлар кўплаб учрашини таъкидлайди [4]. Кейинроқ, 1950 йилларнинг иккинчи ярмида

Хўжанд вилоятининг шимолий-шарқий худудларида археологик изланишлар олиб борган Б.А. Литвинский ҳам Ашт мазор-кўрғонлари билан танишиб, уларнинг аксарият кўпчилиги ҳар хил қурилмалар ер усти тош уюмларидан иборат қурумлар эканлигига эътибор қаратади[5]. 1971 йилда Е.Д. Салтовская Хўжанд-Ашт йўли бўйлаб тоғ олди даштларида жойлашган 250 га яқин ер усти мазор-кўрғонларини ўрганишни давом эттириб, Ашт қабростонидан 41 та қурумларни очиб ўрганишга муяссар бўлади. Қурумлар конструкцияси қум-тошли ер юзаси биров чуқурлатилиб, унга ётқизилган мурда устига тупрок тортилмай, тош уюмлари терилиб, устига шағал ётқизилган. Қурумлар ташқи кўринишда айлана шаклда, тўрт бурчакли қабр камераси унча чуқур эмас, биров ўйилган, камера қирралари бўйлаб, яъни скелет камерасининг атрофига тош терилиб, тош яшик ясалган. Қабрлар асосан бир кишилик бўлиб, баъзан жамоавий қабрлар ҳам учрайди. Скелетлар бош чаноғи камеранинг шимолий, шимолий-ғарбий ва ғарбий томонига қўйиб жойлаштирилган. Аёллар қабрларида сопол идишлар, урчуктошлар, бронзадан ишланган билакузуклар, узуклар, симдан ясалган сирғалар, турли хил паста ва рангли тошлардан ясалган мунчоқлар, сурмадон тош қаламчалари учрайди. Эркаклар мазорларида эса сопол идишлардан ташқари темир пичоқлар, темирдан ясалган уч парракли ўк учлари, митти тош қайроқчалар, бел камарининг темир тўқалари ва суяқдан ишланган буюмлар учрайди.

Ашт қабростонининг биринчи гуруҳ қабрлари тош яшиқлардан иборат бўлса, иккинчи гуруҳ қабрларнинг скелет камералари узинчоқ шаклида бўлиб, камера атрофига тошлар терилиб, тош яшик ясалмаган. Камерада скелетлар боши билан шимол ёки ғарбга қаратиб қўмилган. Қурумлар ташқи кўринишда айлана ёки биров чўзинчоқ шаклда. Аммо, қабр топилмалари биринчи гуруҳ мазорларидан фарқ қилмайди.

Учинчи гуруҳ қабрларнинг тош уюми айлана шаклда бўлиб, диаметри юқоридагилардан анча кенг (8-12 м.) ва баланд, тош уюми марказида 70-90 см.гача боради. Скелетлар бош чаноғи ғарбга ва жануби-ғарбга қаратилган. Қабр ашёвий далиллари юқоридагилардан фарқ қилмайди.

Демак, уч гуруҳдаги қурумлардан топилган ашёвий далиллар таркиби ва қурумлар ички қурилмасига кўра ҳам, Ашт қурумлари кўчманчи туркий қабилалар моддий маданиятини эслатади. Улар хронологик жиҳатдан бир неча босқичларга

* Иномов О.У – ТДПУ мустақил тадқиқотчиси.

бўлинади. Ашт атрофидаги қурумларининг бир қисми милодий эранинг I-II асрларига тегишли бўлса, бошқалари милодий VI-VII асрларга тегишлидир[6]. Уларнинг ҳар иккиси ҳам кўп жиҳатдан Қовунчи маданияти мажмуасига ўхшаб кетади. Тиниқ кизғиш ангобли коса ва мискалар, оқизма рангли хумча ва хурмачалар, кружка ва кринкалар (стансимон идишлар) Қовунчи маданиятини эслатади, уларнинг сиртига солинган нақшлар, синиқ чизиқлар, бўялган бир қатор учбурчакли геометрик чизмалар келиб чиқиш тарихий илдизларига кўра, сўнгги бронза даврининг анъанавий нақшларига ўхшаб кетади.

Қовунчи маданиятига хос ёдгорликлар Шимолий Фарғонада, Қорамозор тоғ тизмаларининг жануби-ғарбида кенг тарқалган. Улар Тиркаштепа, Чугэхона, Лангари Хожиён, Танги Сурх, Хўжаи Суф қабристонлари бўлиб, уларда академик Н.Н. Негматов бошлиқ Тожикистон археологлари кенг кўламли археологик қазилма ишларини олиб борган.

Нишоб сойининг ҳар иккала соҳили бўйлаб жойлашган Чугэхона қабристонини ўтган асрнинг 30-йилларида М.Е. Массон кўздан кечириб, уларни турли хронологик доирадаги ярим кўчманчи, ярим ўтроқ қабилаларга тегишли эканлигини таъкидлаган. 1981йилда Е.Д. Салтовская ва У.П. Пўлатовлар улардан 13 тасини очиб ўрганишган[7]. Уларнинг барчаси ҳар хил катта-кичикликдаги мазор-қўрғонлар бўлиб, айлана шаклидаги тош уюмлари остида бироз чуқурлатилган чўзинчоқ шаклидаги “тош яшиқ”лар ва улар ичида эса қадимда қабр ўғрилари томонидан мажаклаб ташланган одам танасининг суяк парчалари учратилган. Қабрларнинг ички тузилиши ва унинг кўмиш урф-одатлари Ашт қабрларидан фарқ қилмайди.

Қабр ашёвий далилларига келганда, улар сопол идишлар, сопол урчуктошлар, мис ойна ва темир пичоқлар, уч парракли камон ўқ учлари, паста ва тош мунчоқлар ва бошқалардан иборат. Сополлар орасида чархсиз кўлда ясалган кружкалар, тиниқ кизғиш ангобли, устига тарам-тарам ранг оқизилган кўза ва хурмачалар учратади. Улар Қовунчи маданияти сополлар мажмуасини эслатади. Ўрганилган қурумлар орасида қурум № 3 таджикотчиларнинг айтишича ўғирланмаган. Топилмалар таркибида кўлда ясалган ясси тагли мискалар, кулолчилик чархида ясалган сферасимон қоринли, бир дастали, бўғзи тор, тиниқ ангобли кўзалар, бир тиғли темир пичоқ ва билакузуклар учрайди. Тош яшиқларга дафн этилган марҳум ва марҳумаларнинг барчаси боши билан шимолга қаратиб кўмилган. Қурумлар конструкцияси водийнинг шимоли-ғарбий ҳудудларига хос ёдгорликлар тузилишини эслатади. Уларнинг санаси Тошкент воҳасининг Қовунчи маданияти даврий саналаридан фарқ қилмайди[8].

Бундай мазор-қўрғонлар қадимги Фарғонанинг барча ҳудуди кенг тарқалган. Уларда ҳам Қовунчи маданиятига хос бир дастали бўғзи тор кўзалар, кружка ва хумчалар, уч парракли темир камон ўқлари, дисксимон керамика урчуктошлар,

бир тиғли темир пичоқ ва билакузуклар қабр ашёвий далилларини ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги қадимги Фарғона қурумларида милоднинг эра бошларидан то V-VI асрларгача кенг учрайди[9].

Қовунчи маданиятига хос сополлар мажмуаси нафақат қадимги Фарғонанинг мазор-қўрғонларида, балки водийнинг кўп қатламли Тиркаштепа ёдгорлигининг III-IV асрларга тегишли горизонтларида ҳам учрайди. Тиркаштепа яқинидан бир неча мазор-қўрғонлар очилиб, улардан иккитаси (кўрғон № 5 ва кўрғон № 6) Ашт қурумларидан фарқли ўлароқ, катакомба типига бўлган. Улардан топилган қабр ашёлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг камерага кириш айвони (дромос) узинчоқ шаклида, шимолдан жанубга чўзилган. Дромос катта тошлар ва шағал билан тўлдирилган. Дромоснинг ғарбий девори остида лаҳатга кириш тешиги жойлашган. Дромос поли лаҳат томон қияли пиллапоярлар орқали пастлаб боради. Катакомба тешиги тош плиталар билан беркитилган. Катакомба лаҳати бўш, унинг шағал полига орқаси билан, боши шимоли-шарққа қаратиб, одам дафн этилган. Қабрда кўлда ясалган бир нечадан сопол идишлар: оғзи кенг коса ва хурмачалар, аёл қабирида мис ойна, сопол урчуктошлар, ақиқ тош, шиша ва пастадан ясалган мунчоқлар, эркак қабирида эса сопол идишлардан ташқари темир буюмлар: темир пичоқ, қилич, уч парракли камон ўқ учлари, камар тўқалари ва ёғоч сопли темир ханжар бор. Бу икки катакомбали қабрлардан топилган ашёвий далиллар ҳамда катакомба қабрлар Қовунчи маданиятига хос белгилар бўлиб, уларнинг даврий санаси II-IV асрлар билан белгиланади.

Қовунчи маданиятининг таъсири Шимолий Фарғонанинг Лангари Хожиён қабристони материалларида ҳам яққол кўзга ташланади. Лангари Хожиён қабристони Туркистон тоғ тизмаларининг куёшга ўнғай томонида, Чорку қишлоғи билан Чашмаи Моҳиён булоғи оралиғида жойлашган. 1954 йилда Б.А. Литвинский бу жойларда бўлиб, унинг қисқача ташқи тавсифини берган. 1981йилда А.Мирбобоев тузилиши турли хил қурилмага эга 19 та мазорни очишга муяссар бўлади. Қабрлар асосан ғунгли, ички тузилиши катакомба ва айвон шаклида, баъзида лаҳат камерасида ёғоч тобут қолдиқлари ҳам учрайди. Лаҳатга асосан бир киши кўйилган, баъзида оилавий (эр-хотин ва фарзанди) катакомбалар ҳам учрайди. Барча ёлғиз мазорларда ётган скелетлар боши билан жанубга қаратилган. Ёғоч тобутларга солиб кўмилган қабрлар айвонли тузилишида бўлиб, скелетларнинг боши шарққа қаратилган. Қабрлардан топилган сопол идишлар: узунчоқ ноксимон кўзалар, бўғзи тор жумракли офтоба, хушбичим оғзи кенг хурмачалар ва суворий сувдонларидан (фляга) иборат бўлиб, уларнинг аксарияти кулолчилик чархида ясалган. Ёлғиз қабрлардан топилган от эгар-жабдуқлари, юган ва улар билан боғлиқ темир тўқалар, турли хил безаклар, темир ханжар ва қилич, темир пичоқ ва ўроқ, уч парракли камон ўқ учлари ва бошқа буюмларнинг кўпчилиги қараганда, Лангари Хожиён қабристони ярим ўтроқ, ярим кўчманчи этник гуруҳларга тегишли бўлган.

Бундай хулосага келишда темирдан ясалган суворий хайкалчаларини антропологик кифёси, тўқа халқаси ичига шохдор кўчқор шаклининг жойлаштирилиши ҳам гувоҳлик беради. Бундай кўринишдаги тумор ва тўқалар қадимги турк дунёсининг антик ва илк ўрта асрлар даври ёдгорликларида кенг тарқалган[10].

Ғарбда Қовунчи маданиятининг чорвадорлари Зарафшон водийси ва Қарши воҳасигача кириб борадилар. Қовунчи маданиятининг таъсири айниқса, марказий ва Ғарбий Суғд адир ва тоғ олди районларида кенг тарқалганини кўрамиз. Бу ҳақда Оқжар, Сазагон, Қизилқир, Лавандак, Хазора кўрғонлари далолат беради[11].

1956 йилда Самарқанд вилоятининг Пойарик туманида бошланган археологик кидирув вақтида Челақ қишлоғидан шарқда, Оқжар тепалигида қадимда чорвадор уруғ жамоаларининг қабристонини очиб ўрганилади. Бироқ, уларнинг кўпчилигини устки қисми давр тақазоси билан текисланиб кетган. Улардан 7 таси 1959 йилда О.В. Обельченко томонидан очилган. Қабрлар ташқи кўринишдан тупроқ кўрғонни эслатади. Улар айлана шаклда, диаметри 7 м.дан 22 метргача боради. Улар асосан катакомба қабрлари бўлиб, деярли барчаси ўғирланган. Қазил жараёнида олиб борилган кузатувларга кўра, мурдалар қамиш бўйрага ўралиб, бошлари шарққа қаратиб, лаҳатга ётқизилган. Скелетнинг ўнг томонига сопол идишлар, меҳнат ва ҳарбий қуроллар, аёллар қабрларига тош ёргучоқ қўйилган. Дромосдан лаҳатга кириш тешиги хом ғиштлар билан беркитилган. Лаҳат камерасининг шипи қулаб тушмаса, скелет усти тупроққа тўлмаган. Дромос эса тупроқ билан махсус тўлдирилган.

Оқжар қабристонини икки хил конструкцияли (ёрма ва катакомба) қабрлар аниқланган. Уларда одам суяклари жойлашиши ҳам ҳар хил. Катакомба қабрларда скелетлар боши билан шарққа қаратиб кўмилган, ёрма қабрларда эса жанубга қаратиб кўмилган. Жанубига қаратиб кўмилган қабрлар (кўрғон № 4 ва 5) Жанубий Урал, Қуйи Волга ва Шимолий Кавказнинг сармат қабилалари орасида, Жанубий Қозоғистоннинг Томди қабристонини, Қуйимозор кўрғонларида кўпроқ учрайди. Уларнинг даврий санаси мил.авв. III-I ва мил.дининг бошлари билан белгиланади. **Шарқга томонга қаратиб кўмилган қабрлар** (№1,2,7) эса Тошкент воҳасининг Қовунчи маданиятига хос бўлиб, улар Пскент қабристонини, Фарғона водийсининг Кенқўл, Бўр-Кўрбаз, Хангиз ва Қаландархона қабристонларида учрайди. Уларнинг барчаси II-IV асрларга тегишли катакомбали қабристонлар бўлган. Бу гуруҳ мазорларидан топилган сополлар мажмуаси Тошкент ва Фарғона водийсида кенг тарқалган, улар II-III асрларга тегишли мажмуаларда кенг учрайди.

Самарқанд шаҳридан жанубда, қадимги Дарғом канали бўйлаб чўзилган даштлар, Оғалик ва Сазагон тоғ олди қишлоқларининг оралиғи қадимда чорвадор уруғ жамоалари кенг тарқалган яйловлар ҳисобланган. Бу худуднинг сой ёқалари бўйлаб ана шу чорвадорларнинг мазор-кўрғонлари кўплаб учрайди. Кўрғонлар асосан Миранқўл ва Тепақўл

қишлоқлари оралиғида, уларнинг қатта гуруҳи, яъни 20 га яқин кўрғонлар Сазагон қишлоғи шарқидан топиб ўрганилди. Кўрғонларнинг ички тузилиши лаҳат дромосдан иборат, лаҳатга кириш тешиги тошлар, баъзида хом ғиштлар билан беркитилган. Қабрларда скелетлар оёқ-қўлларини узатиб, чалқанчасига, боши шарққа қаратиб ётқизилган. Бундай катакомба қабрлар ўрта Осиёнинг барча вилоятларида, юқорида таъкидлаганимиздек, Зарафшон водийсида ҳам кенг тарқалган. Улар II-IV асрларга тегишли бўлиб, уларнинг археологик материалларида Қовунчи маданияти таъсири яққол кўзга ташланиб туради. Масалан, Сазагон сополлар мажмуаси қорни кенг, бўғзи тор кўзалар, суворий сопол сувдонлари, сопол чилимдонлар ва хурмачалар айнан Қовунчи II босқичи сополларини эслатади.

О.В. Обельченко Сазагон кўрғонларини III-IV асрлар билан белгилайди. Сазагон археологик комплексида кўрғон № 1 ичидан топилган мис танга бўлиб, унинг юз томонида сакларга хос юзли ҳукмдор тасвири туширилган. У қирра бурунли, қисқа иякли, пастки ияк жағи кичкина соқоли билан бироз олдинга чиққан, жингалак сочлари орқа бўйинини ёпган ҳукмдорнинг сиймоси эди. Ҳукмдор бошининг чап томони устида қандайдир ривоят битилган суғд ёзуви бор. Танганинг орқа томонида, унинг четларига уч томондан афсонавий қушлар сурати чизилган. Сурат айланасининг тўртинчи томони бир қатор чекма нақш билан ўраб олинган.

М.Е. Массон ушбу ноёб топилмани Гиркода тангалари типига кирувчи Суғд ҳукмдори Уркодага тегишли деб ҳисоблайди[12]. Кушонлар сулоласи вакилларининг Суғд ерларида рустак ҳокимлари сифатида III-IV асрларда давом этишини назарда тутганда, бу танганинг Сазагон кўрғонида учраши тасодифий эмас эди. М.Е. Массоннинг фикрича бундай тангалар то V асргача зарб этилган бўлиши мумкин. Кушонларнинг этник келиб чиқишини туркий қавмларга бориб тақалишини ҳисобга олганда, Сазагон кўрғонларида кашкушонийлар тангасининг бўлиши табиий ҳол эди.

1964-1965 йилларда Миранқўл атрофларида 17 та кўрғон очиб ўрганилган. Улар асосан тупроқ кўрғонлардан иборат бўлиб, қабрларда скелетлар чириб кукунга айланган бўйра ёки кийгизга ётқизилган. Уларнинг боши асосан шимолга ёки шимоли-шарққа қаратиб кўмилган. Ҳар бир қабрда сопол идишлар, хумча ва хурмачалар, сопол сувдонлари, темир ханжар ва пичоқ, камар тўқалари ва бошқалар учратилган. Бундай таркибдаги меҳнат ва ҳарбий қуроллар, сопол сувдон ва темир тўқалар Миранқўл кўрғонларига чорвадор туркий уруғ жамоалари дафн этилганлигидан гувоҳлик беради. Уларнинг даврий санаси Сазагон кўрғонларидек, III-IV асрларга тегишлидир.

Қовунчи маданиятининг таъсири Суғднинг марказий худудларигача кириб боради. Қовунчи маданиятига хос қорни кенг, буқа бошли жумракли хумчалар Панжикентнинг VII-VIII асрларига тегишли қатламларида ҳам учрайди[13].

Марказий ва Ғарбий Суғд ерларини ажратиб турувчи табиий чегара Малик чўли бўлиб, унинг

шимолидан Зарафшон дарёси ўтган. Зарафшон дарёсининг жанубий соҳилида Хазора қишлоғи таркиб топган бўлиб, у Бухоро воҳасининг даштларига бориб такалади. Ана шу чегара худудида, чўл зонасида воҳа чегаралари бўйлаб, шарқдан ғарбга томон мазор-қўрғонлар жойлашган. Бу ҳол Малик чўлининг шимолий чегаралари бўйлаб то Томдигача, Абу Муслим қирларигача давом этади. Айнан мана шу чизикдан Кампир девор ўтган. Барча мазор-қўрғонлар мана шу Кампир девор жанубида, воҳа чегара худудида жойлашган.

1960 йил баҳорида археолог О.В. Обельченко томонидан учта қўрғон очиб қўрилган. Улар шарқдан ғарбга мўлжал олган катакомба қабрлари ва жанубдан шимолга йўналиш олган айвонли қабрлар бўлиб, катакомба лаҳатига кириш тешиги хом ғиштлар билан беркитилган. Қабрларда боши шарққа қаратилган одам суяклари ёғоч тобутларга жойлаштирилган. Скелетлар бош томонига 2-3 тадан сопол идишлар, бир кулокли кўза ва кружалар қўйилган. Айвонли қабрларга қўйилган сопол идишлар кулолчилик чархида, катакомба қабрлар сопол идишлари эса қўлда ясалган. О.В. Обельченко айвонли қабрларини ўтроқ аҳолига тегишли деб ҳисоблаб, уларнинг санасини милоннинг бошлари билан белгилайди, катакомба қабрларини эса чорвадорларга тегишли эканини таъкидлаб, уларнинг даврий санасини II-IV асрларга тегишли эканини асослайди[14].

Қуйимозор станциясидан жануби-шарқда, Кампир девор йўналиши худудида Лавандак қишлоғи жойлашган. Қишлоқнинг 3 км.ча жанубидан Карноб чўли бошланади. Чўл худудида Лавандак номи остида 130 дан ортиқ тупроқ қўрғонлар икки гуруҳ бўлиб жойлашган. Ана шу Лавандак қабристонида О.В. Обельченко В.А. Шишкин билан биргаликда 1952 йили археологик кидирув ишларини олиб боради, келгуси йил баҳор

ойида эса мазор-қўрғонларни қазисни бошлайди. Ҳар икки гуруҳ қўрғонлар ичидан дастлаб биттадан қўрғон очилган. Биринчи гуруҳ қўрғон айвонли лаҳат тузилишидаги қабрлар бўлиб, уларнинг лаҳат камерасида иккитадан скелет, эркак ва аёл жойлаштирилган. Аёл скелети боши билан шимолга, эркак эса жанубга қаратиб қўмилган. Эркак бош томонида хум парчалари, сопол чилимдон ва камар тўқаси, аёл бош томонида эса чархда ясалган қадах, яна қандайдир занглаб кетган темир буюм, тос суяги остидан темир буюм топилган. Иккинчи гуруҳ қўрғонлари катакомбали қабрлар бўлиб, лаҳат камерасининг тешиги хом ғиштлар билан беркитилган. Қабрдан пачоқланган скелетдан ташқари хум парчалари, чилимдон, кўза ва ангобланган хурмача, кул ва қўмир парчалари, темир пичоқ, қўйнинг олдинги оёғи ва курак суяги топилган. Яна бир катакомбали қабрдан (боши жанубга қараган эркак), скелет ёнидан темир қилич, бош томонидан хум ва чилимдон, қўйнинг олдинги оёғи ва курак суяклари, темир пичоқ топилган.

Булардан ташқари, Лавандак қабристонидан яна 7 та қўрғон очиб ўрганилган. Улар айвонли ва катакомба қабрлардан иборат бўлиб, лаҳат қабр айвонининг ғарбий девори остида жойлашган. Бундай тартиб Ўрта Осиё шароитида бронза давридан, Сополли маданиятидан маълум бўлиб, антик даврида Ўрта Осиёда кенг тарқалган[15]. Лавандак қабристонининг қабр камераси унинг айвонини ғарбий девори остида жойлашган, айвон кенг ва лаҳатга 2-3 пиллапоя билан тушилган. Шундай айвонли лаҳат қабрлар Қуйи Волга ва Жанубий Урал даштларида кенг тарқалган[16].

Хуллас Сирдарёнинг ўрта оқимида мил.авв. II асрда вужудга келган Қовунчи маданияти аста секинлик билан дастлабки таркиб топган макони Чоч воҳасидан худудий доираси кенгайиб бориб, VI асргача Ўрта Осиёнинг катта қисмига ўз таъсирини кўрсатган.

АДАБИЁТЛАР

1. Салтовская Е.Д. Раскопки на Кзылтепе в 1960 г. Археологические работы в Таджикистане. Вып. VIII. 1960, С. 49.
2. Литвинский Б.А. Изучение курумов в северо-восточной части Ленинабадской области в 1957 г. В сб. "Археологические работы в Таджикистане в 1957 г." Вып. 5, Сталинабад, 1959. С. 128-129.
3. Салтовская Е.Д. Тепа Калаи Афросиёб в Аште (Северо-Западная Фергана). Материальная культура Таджикистана, вып. 3. Душанбе, 1978, С. 99-100.
4. Воронец М.Э. Археологические исследования Института истории и археологии и Музея истории АН Уз.ССР на территории Ферганы в 1950-1951 годах. Тр. Музея истории Уз.ССР. Вып. 2, Ташкент, 1954.
5. Литвинский Б.А. Изучение курумов в северо-восточной части Ленинабадской области в 1957 г. «Археологические работы в Таджикистане в 1957 г.» Вып. 5, Сталинабад, 1959. С. 121.
6. Спишевский В.И. Некоторые находки из Мугхана в собрании Музея истории. Тр. Музея истории АН Уз.ССР вып 3. Ташкент, 1956. С. 41.
7. Салтовская Е.Д., Пулатов У.П. Раскопки могильника Чугэхона в Табшаре. "Археологические работы в Таджикистане. Вып. XXI. Душанбе, 1981, С. 32-43.
8. Салтовская Е.Д., Пулатов У.П. Раскопки могильника Чугэхона в Табшаре. "Археологические работы в Таджикистане. Вып. XXI. Душанбе, 1981, С. 43; Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы. Москва, 1972, С. 137-213.
9. Тереножкин А.И., Дуке Х. Древнейшие земледельцы Ташкентского оазиса. Сб. Древняя и средневековая культура Чача. Ташкент, 1979, С. 23-32, рис.7, 10; Алимов К. Памятники скотоводов Чача. Ташкент, 1979, С. 52-58, рис. 15-18.

10. Баруздин Ю.Д. Археологические памятники Баткена и Лайляка. Фрунзе, 1962, С. 49.
11. Обельченко О.В. Могильник Акджартепе. ИМКУ, вып. 3. Ташкент, 1962, С. 58-70.
12. Массон М.Е. Нумизматика Средней Азии. Курс лекции, прочитанных в САГУ в 1955-56 гг.; Обельченко О.В. Сагаганские курганы. ИМКУ, вып.7, Ташкент, 1966, С. 80.
13. Беленицкий А.М. О работе Пянджикентского отряда ТАЭ в 1959 года. Археологические работы в Таджикистане, вып. VII (1959), С. 84-85, Рис. 7, Рис. 8.
14. Обельченко О.В. Миранкульские курганы. ИМКУ, Вып. 8, Ташкент, 1969, С. 63-65.
15. Аскарлов А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973, С. 42-70; Ўша муаллиф. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977, С. 38-63.
16. Сальников К.Ф. Древнейшие памятники истории Урала. Свердловск, 1952, С. 95.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены сведения о создании и расширении первичной местности культуры Ковунчи, созданные в средних верховьях Сырдарьи, раскрыто влияние на I, II, III этапах культуры Ковунчи на другие местности через археологические реликвии и найденные артефакты.

Ключевая слова: Сырдарья, Ферганская долина, Чирчик, Талас, Чаткал, череп, керамические изделия, Ташкентские оазис, Кенкул, Бур-Курбаз, Каландархана.

RESUME

The information about the area and widening of Kovunchi culture which was originated in Sirdarya average basin in the II nd BC are followed in this article, moreover the effect of Kovunchi culture in it's 1, 2, 3 levels to other archaeological areas is closely investigated by archaeological monuments and the discovered artefacts on them.

Key words: Syrdarya, Ferghana valley, Chirchik, Talos, Chotkol, skull, ceramics, Tashkent oasis, Kengkul, Bur-Kurbaz, Kalandarkhana.

ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО КАК ФЕНОМЕН КУЛЬТУРНОЙ ЖИЗНИ УЗБЕКИСТАНА
1920-1930 ГОДОВ

Ишанходжаева З.Р. *

РЕЗЮМЕ

В статье освещена деятельность новых властей в Узбекистане в 1920-1930-х гг в отношении культурной жизни, в том числе узбекской литературы и искусства. Даны разъяснения отдельных феноменов и общих тенденций культурной жизни, освещена деятельность художественной интеллигенции. Показана поэтапная деятельность новых властей, направленная на управление культурной жизнью Узбекистана. Также проанализированы архивные документы, раскрывающие сущность методов борьбы советской власти против узбекской художественной интеллигенции.

Ключевые слова: культура, литература, искусство, образование, самобытность, национальные корни, духовная культура, контроль, художественная интеллигенция, феномен.

Исследования отдельных феноменов узбекской культурной жизни периода 1920-1930-х годов и общих тенденций её развития и изменений, особенно активизировались в последние десятилетия в связи с открытием новых архивных фондов и актуализации таких направлений исторической науки как культурная и социальная история.

Обращаясь к истории 1920-1930-х гг, мы видим, как происходило распространение культуры вширь, связанное, прежде всего с целенаправленной политикой советской власти в сфере образования. Несмотря на это следует подчеркнуть, что характерными чертами культурной жизни этого периода было её жесткое партийно-государственное регулирование, репрессии против интеллигенции, идеологический контроль.

С самого начала так называемой культурной революции, новое руководство Союза придавало принципиальное значение формированию по своим стандартам новой "социалистической" литературы и искусства. Это было видно из их неоднократных обсуждений этих вопросов на различных совещаниях Средазбюро ЦК РКП (б). Новая власть и её идеологи осознавали, что литература и искусство составляет основу художественной культуры, представляют собой активную преобразующую силу. Они могут оказать огромное воздействие на формирование общественного и индивидуального сознания, на мировоззренческие представления людей. Они играют заметную роль в сохранении духовного наследия народа, в создании и распространении новых духовных ценностей, в закреплении на эмоциональном уровне высоких идеалов, выступающих в качестве духовных ориентиров общества.

Рассматривая литературу и искусство в качестве одного из эффективных средств идеологического воздействия в процессе преобразований жизни общества, новая власть принимает решение воздействовать на культуру посредством партийного руководства, оказывая влияние на творческую интеллигенцию, а также её активное привлечение к «делу строительства социализма, обеспечение классовой чистоты культуры пролетариата». Также большое внимание власти уделяли роли и месту литературы и искусства в формировании нового человека и его месту в идеологической борьбе.

Об устойчивом внимании руководства страны к проблемам становления и развития «социалис-

тической» художественной культуры свидетельствует то, что уже в первой половине 20-х годов XX века эти вопросы были специально рассмотрены на XI, XII, XIII съездах РКП (б), XII партийной конференцией. В принятых ими документах были конкретизированы многие теоретические положения о культурном строительстве. В связи с чем в резолюции XIII съезда особо подчеркивалась «...необходимость усиления партийного руководства критико-библиографической работы издательств, журналов и газет, организуя в последних постоянные и систематически действующие отделы», которые помогали бы выделять и поддерживать «верных» советской власти писателей, указывая вместе с тем на их "ошибки", выступали бы против всякого рода "буржуазных теорий".

Несмотря на жесткий контроль властей и всеобъемлющее партийное руководство литературой и искусством, представители этой сферы, используя все имеющиеся возможности, старались сохранить самобытность, национальные корни, специфику и феномен национальной литературы и искусства. Власть же активно боролась против этого. К примеру, в феврале 1922 г. и в марте 1923 г. ЦК РКП (б) рассмотрел вопрос о борьбе с проявлениями «мелкобуржуазной идеологии» в литературно-издательской области, в решениях которого осуждению подверглись взгляды обширной группы представителей художественной интеллигенции, выступавших против партийного руководства литературой и искусством[1]. Но и этого казалось властям мало. Они не переставая принимали документы, направленные на руководство культурной жизнью, в частности литературой и искусством. Одним из таких документов, нацеленных на усиление партийного руководства литературой и искусством, стала резолюция ЦК РКП (б) от 18 июня 1925 г. "О политике партии в области художественной литературы".

Подчеркнув, что "в классовом обществе нет и не может быть нейтрального искусства", резолюция выдвинула задачу создания "высокоидейной и высокохудожественной литературы для широких масс". Особое внимание при этом обращалось на важность формирования идейного единства творческих сил на базе пролетарской идеологии. Были показаны роль и значение в этом деле литературной критики, призванной с позиций новых властей вскрывать классовый смысл литературных

* Ишанходжаева З. Р. – д.и.н., профессор НУУз.

произведений, беспощадно бороться против «контрреволюционных проявлений в литературе»[2].

Аналогичными мотивами были проникнуты руководящие документы по вопросам социалистической трансформации театрального, музыкального и изобразительного искусства, кинематографии. В них подчеркивалась настойчивая необходимость взять эти отрасли духовного производства под жесткий контроль государства и партии, превратить их в "могущественное средство коммунистического просвещения и агитации"[3]. Не случайно в постановлениях I съезда КП (б) Узбекистана говорилось «Учитывая значение кино и театра, которые должны явиться в руках партии могучим средством компросвещения и агитации, необходимо привлечь внимание широких трудящихся масс, партийных профессиональных организаций к созданию здорового киноматериала на местных языках и организации передвижных театральных трупп для обслуживания с агитационной целью масс, особенно в кишлаках»[4].

В целях достижения своих целей власти не останавливались ни перед чем. Для реализации задач и достижения "идейной чистоты" художественных произведений, всячески препятствуя «проникновению чуждой идеологии» решением союзного правительства в центре и в республиках, в т.ч. и Узбекистане, были образованы специализированные органы цензуры – Главные управления по делам литературы и издательств (Главлит). В частности, постановление Совнаркома Узбекской ССР об организации Узглавлита было принято 8 февраля 1927 г[5], согласно которому Главлит и все его местные органы должны были контролировать сферу литературы. Показательно, что в состав коллегии этого цензурного органа, наряду с чиновниками, назначаемыми Народным Комиссариатом Просвещения, входили также представители силовых структур: ГПУ Узбекистана и Красной армии.

Процессы классово-идеологической нивелировки литературы и искусства сопровождались выхолащиванием их национального содержания. Методологической основой такого подхода, как уже отмечалось выше, выступало пренебрежение коммунистическим руководством этнической спецификой народов "красной империи", в том числе Узбекистана. Отталкиваясь от ленинской теории мировой социалистической революции, предполагалось, особенно в первые послеоктябрьские годы, что в результате стремительного осуществления этой революции нации и народности в ближайшие сроки должны слиться в единую коммунистическую нацию.

Такая концептуальная посылка обусловила, что вслед за Лениным Сталин и его окружение в принципе репрессировали национальную духовную культуру. В Узбекистане, как и в других союзных республиках, "социалистическая" литература и искусство конструировались по лекалам, центрального руководства, исходя из утопий

коммунистического учения и собственных политических интересов. Национальный фактор, если и присутствовал, то только во внешней форме. Выход за границу официально дозволенного немедленно пресекался.

При этом вековая духовная культура, созданная нациями и народностями, искусственно была разделена на "классово-враждебную" и "революционно-демократическую". Согласно ленинскому учению утверждалось, что "дореволюционная" литература и искусство неоднородны, ибо сами нации и народности состоят из классов с противоположными интересами. В содержание культуры нации "досоциалистического" общества входят как "феодално-буржуазная", так и "интернационально-демократическая" культура. Иными словами отсутствует единая национальная культура. Исходя из ленинского вывода, что в "антагонистическом обществе есть две национальные культуры в каждой национальной культуре", о ее классовой раздвоенности, большевистские идеологические надсмотрщики и советско-партийные властные структуры строго следили за тем, чтобы творческая интеллигенция неизменно учитывала классовую основу и классово-социальную роль художественной культуры. "Отступников" обвиняли в национализме и идеализме, политически преследовали.

В условиях силового насаждения властями идеологического догмата двухслойности культуры, отсутствия демократии творческая деятельность работников "культурного фронта" подвергалась беспощадному организационно-политическому давлению, становилась предметом неусыпного контроля, детального регулирования, постоянного вмешательства со стороны политических и идеологических организаций.

Таким образом, изначально "революционные" преобразования в литературе и искусстве укладывались в жесткие рамки классово-партийного подхода, силового и административного давления, объективно несовместимых со свободой творчества. Находясь под идеологическим контролем партии, духовная культура была призвана стать одной из составных частей той гигантской системы, в которой методами государственного давления переваривалось общество. Духовная культура настаивалась на чувстве гипертрофированного критического отношения ко всему тому, что осталось от "дореволюционного" прошлого. Она исходила из стремления властей воздвигнуть качественно новую "пролетарскую культуру", в конечном итоге служащую не народу, а интересам правящей большевистской элиты.

Несмотря на жесткий диктат и контроль над деятельностью художественной интеллигенции, многие представители этой сферы, рискуя своими жизнями продолжали активно трудиться и творить, сохраняя и развивая в своих трудах необыкновенную специфику, самобытность и феномен узбекской литературы и искусства.

ЛИТЕРАТУРА

1. См.: Федюкин С. Борьба с буржуазной идеологией в условиях перехода к НЭПУ. – М., Прогресс. 1974. –С. 234.
2. Очерки истории идеологической деятельности КПСС. 1917–1937 гг. –М.,Наука. 1985. –С. 210.
3. См.: КПСС в резолюциях..., Т.3.М. Политика. – С.111, 271.
4. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и постановлениях съездов. Ташкент «Узбекистан», второе издание. 1968 стр.44
5. ЦГА РУз, Фонд Р- 837, оп. 3., д. 23, л. 17.

РЕЗЮМЕ

Мақолада 1920-1930 йилларида янги хокимиятни Ўзбекистон маданий ҳаётидан ўз манфатини кўзлаган ҳолда, кенг фойдаланилганлиги, ўз таъсирини ўтказганлиги, жумладан, ўзбек адабиёти ва санъатининг ривожланишига қарши чиқиши баён этилган. Шу билан бирга совет хокимиятини маданий ҳаётга босқичма-босқич ўтказган таъсири ёритилган. Ўзбекистон бадиий соҳадаги зиёлийларига қарши олиб борган курашининг моҳиятини ёритувчи архив ҳужжатлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: маданият, адабиёт, санъат, таълим, ўзига хослик, миллий илдизлар, маънавият, назорат,бадиий зиёлийлар, феномен.

RESUME

The article covered the activities of the new authorities in 1920-1930th against the development of Uzbek literature and art. Also it was analyzed the archival documents, revealing the essence of the methods of struggle against the Soviet regime of Uzbek artistic intelligentsia.

Key words: culture, literature, art, formation, the methods, national root, spiritual culture, checking, artistic intellectuals, phenomenon.

МИНТАҚАВИЙ ЭКОТУРИЗМНИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Камолов Б.Х. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада мустақил Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш йўлида экотуризмни такомиллашиб бораётган, лекин чуқур илмий мулоҳазага муҳтож минтақавий экотуризмни Фарғона водийсида ривожлантириш масалалари ҳақида сўз юритилиб, ўзига хос тармоқ соҳаларини тараққий этишида ва регионал аҳамият касб этувчи амалиёт соҳалари ҳақида таклиф ва тавсиялар кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Минтақавий экотуризм, минтақа иқтисодиёти, экомаршрутлар, экотуристлик хизмат, экотурлар, табиий экзотик жараёнлар, экологик муаммо, экотуристлик амалиёт, экотурист, автомобил йўллари, экологик билим ва кўникмалар, экотуристлик фан ва таълим, экотуристлик сиёсат.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги янги йўналишдаги ва ўз истикболидаги ижтимоий-маданий ҳаётга қадам кўйди. Шу асосда деярли барча соҳаларда туб ислохотлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Бугунги кунда юртимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий ўзгаришлар, бозор ислохотларини изчиллик билан амалга оширишнинг мақсадлиги мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўз аксини топмоқда[1]. Юртимизда олиб борилаётган бундай самарали ислохотларнинг бош мақсадларидан бири бу халқ фаровонлигини ошириш, турмуш тарзини янада яхшилашдан иборат. Аҳолининг барча қатламларида соғломлаштириш, хордиқ чиқариш ва кўнгил очиш тадбирларини янада кенг ёйиш, бунда сайр-саёхатларни (туризм) мақсадли ташкил қилишга катта эътибор берилмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, маданиятини ошириш, хизмат турларини кўпайтириш ва ташкил этиш ҳам ислохотлар доирасидаги асосий вазифалардан биридир. Туризм хизмат кўрсатиш соҳасининг ва умуман иқтисодиётнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Республикада иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланган туризм соҳасига дастлаб, 1992-йил 27-июлда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг фармони билан “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ташкил этилди ва ўз зиммасига мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, туристик ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, кадрларни малкасини ошириш ва хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш вазифалари ҳам кўрсатилган. Мазкур компанияни ташкил этилиши, туризм тўғрисидаги қонуннинг ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурларининг қабул қилиниши ва кўплаб туристик объектларнинг қайтадан таъмирланиши ҳам туризм инфратузилмасини ривожлантиришда ўз ифодасини топмоқда. Туризм дунё мамлакатлари иқтисодиётининг даромадли соҳаси эканлиги билан нефт ва автомобил саноатидан кейинги учинчи ўринда туради[2]. Иқтисодиётнинг ноишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланган туризм соҳасига катта эътибор берилиб, соҳа ривожини натижасида янги иш ўринларини яратилишига, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда уларнинг даромадлари ортишига сабаб бўлмоқда. Умуман олганда мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш давлат сиёсати даражасида қаралиб, бу борада муҳим ташкилий ишлар олиб

борилаётганлиги учун соҳада жадал ривожланиш кузатилмоқда. Бу соҳа ривожини йўлида Республика-мизнинг барча ҳудудларида туризм ва унинг тармоқларини ривожланиб бормоқда. Туризм соҳасини янада такомиллаштиришда минтақавий экотуризмни аҳамияти катта. Минтақавий экотуризм иқтисодиётнинг ўзига хос бўлган соҳаси бўлиб, ушбу соҳа ҳам бошқа соҳалар каби мамлакат иқтисодиётига, унинг ялпи ички маҳсулотининг ортишига ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшадиган соҳалардан бири ҳисобланади. Туристларга сифатли хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, экотуризм соҳаси ривожланган давлатлар ва улардаги йирик туристик шаҳарларда жойлашган туристик фирмалар, турагентликлар ва уларнинг тизимли фаолияти билан танишиш, тажриба алмашиш борасида узвий алоқаларни мустахкамлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, минтақавий экотуризмнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

✓ Минтақавий экотуризм мавсумийлик хусусиятга эга бўлиб, инсонларнинг бир жойдан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга қисқа муддатли ҳаракатининг содир бўлиши билан белгиланади. Бунда сайёҳлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракатланади. Минтақавий экотуризмнинг бу хусусияти, юқорида таъкидланганидек, қисқа муддатли яъни 2-3 кун, кўп ҳолларда дам олиш кунларига тўғри келади. Таътил даврида бир ҳафталик, ўн кунлик экотуристлик саёхатлар ҳам бўлиши мумкин. Унинг мавсумийлиги шундаки, кўп ҳолларда табиат қўйнига саёхат қилиш баҳор, ёз ва куз ойларида амалга оширилади. Айрим экотурист-тик маршрутлар киши мавсумида ҳам ташкил этилади. Умуман олганда баҳор, ёз ойлари саёхат учун қулай даврлар ҳисобланади;

✓ минтақавий экотуризмга фақат бўш вақтида дам олиш, уни фаол ўтказиш усули сифатида қаралиши ҳам унинг ўзига хос хусусиятларидандир. Кўп ҳолларда бошқа ҳудудларда сайр қилиш, тамоша, ўрганиш каби ҳолатлар аҳоли вакиллари хизмат сафарига жўнатганда ҳам содир бўлиши мумкин; Бу соҳа нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий соҳа ҳамдир.

✓ Бунинг иқтисодий самарадорлиги билан бирга маънавий, рухий ва интеллектуал аҳамияти ҳам жуда катта;

* Камолов Б.Х. – НамДУ катта илмий ходим изланувчиси.

✓ минтақалар иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида экотуристлар қабул қилувчи минтақага даромад келтиб, хориж валютаси тушумини таъминлайди, минтақа аҳолисини янги иш ўринлари билан таъминлаш даражасини ҳам оширади.

Туризм, қолаверса унинг муҳим тармоғи бўлиши экотуризм ҳам иқтисодиётнинг янада ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутди. Бу ўз навбатида янги иш ўринлари яратилишига, иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини оширишга, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига ҳам ўз хиссасини қўшади. Туризм нафақат маънавий - маърифий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик манзараларга бой бўлган табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат балки ижтимоий-иқтисодий масалаларни амалга оширилиши ёрдамида экологик муаммоларни ҳал қилишда узвий мажмуалар йиғиндиси ҳамдир.

Ўзбекистон ҳудудини экотуристлик имкониятларини ўрганишда асосий илмий изланишлардан яна бири унинг ҳудудини экотуристлик нуқтаи-назаридан районлаштиришдир. Чунки бунда ҳудуднинг экотуристлик қийматини белгилувчи жами табиий-географик (ва бошқа) омиллар таҳлил қилинади, ресурсларнинг ҳолати ўрганилади, баҳоланади ва экотурларни юқори даражада ўтказиш учун зарур бўлган амалий тадбирлар ҳисобга олинади[3]. Ҳаммамизга маълумки, юртимиз ҳудудини экотуристлик нуқтаи-назардан 14та районлардан иборат. Экотуристлик районларда экотуризмни ривожлантириш учун минтақаларни экотуристлик имкониятларидан келиб чиқиб, устивор вазибаларни ишлаб чиқиш зарур. Бу борада Фарғона водийсида ҳам минтақавий экотуризмни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

➤ минтақада экотуризмни янада ривожлантириш учун ўз навбатида туристик фирмалар ва меҳмонхоналарни иш фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга амалий ёрдам бериш;

➤ экотуризмни тараққий эттириш мақсадида хорижий кредитлар ва инвестицияларни минтақага жалб этиш, хорижий мамлакатларнинг туристик компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш;

➤ Водийдаги экотуристлик имкониятлардан энг юқори даражада фойдаланиш ва уни ривожлантиришни таъминлаш;

➤ Туризм ва унинг тармоқларини жаҳон талабларига жавоб берадиган даражага етказиш ва шу билан бир қаторда сервис хизматларини ташкил қилиш ва такомиллаштириш;

➤ Фарғона водийсидаги мавжуд вилоятларда (Анджон, Наманган, Фарғона) миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида вилоят ва туман марказларида хунармандлар уйлари ташкил этиш ва улар сонини кўпайтириш, уларда тайёрланган маҳсулотларни доимий савдо-кўرғазмасини жорий қилиш ва совғабоп буюмлар ясашни йўлга қўйиш;

➤ Экотуристларга хизмат кўрсатувчи малакали кадрларни тайёрлаш, соҳа ходимларини малакасини ошириш билан шуғулланадиган хўжалик ҳисобида иш юритувчи алоҳида марказларни ташкил қилиш;

➤ Экотуристлик маршрутларнинг асосий қисми кишлоқ ҳудудларида жойлашганини ҳисобга олиб, экотуристларга олиб борувчи қаттиқ қопламали автомобиль йўллари таъмирлаш, автомагистраллар бўйларида овқатланиш ва дам олиш масканларини барпо этиш ҳамда мавжудларнинг санитария ҳолатини талаб даражасида бўлишига эришиш;

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, минтақавий экотуризм иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Юртмизда бу соҳани ривожланиши учун Республика барча минтақалари каби Фарғона водийсида ҳам минтақавий экотуризмни ривожлантириш учун мазкур тармоқ ривожини йўлда мутахассислар ва тегишли бошқарув органлари томонидан соҳага оид чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу билан биргаликда амалиётга тадбиқ қилинаётган дастурлар ва унинг ижроси юзасидан назоратни кучайтириш зарур. Бунда албатта минтақаларда экотуризмнинг ривожланиши, туристик ресурслардан самарали фойдаланиш ва аҳолининг барча қатламларига экотуристлик билим ва кўникмаларни мунтазам етказиш мақсадида мазкур минтақада жойлашган барча таълим муассасарида экотуристлик фан ва таълим ишларини кенг йўлга қўйиш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Назаров А.А. Табиатан фойдаланишнинг экологик-географик асослари (Наманган вилояти мисолида)//Геог.фан.ном.илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация.— Наманган: “Фахризода”. 2004. — Б.6.
2. www.O'zbekiston ovozi.uz
3. Шомуротова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари //Геог.фан.ном. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация.—Т.: “Университет”. 2011. — Б.74.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается устойчивое развитие Эко-туризма, в эпоху независимого Узбекистан, а также необходимость углубленного научного изучения развитого регионального экологического туризма в Ферганской долине.

Ключевие слова: региональный туризм, региональная экономика, экомаршруты, экотуристическое обслуживание, экотипы, естественный экзотический процесс, экологическая проблема, экотуристическая практика, экотурист, автомобильные дороги, экологическая знания и навыки, экотуристическая наука и учение, экотуристическая политика.

RESUME

In the article, being spoken about problems of improving regional ecotourism that is becoming developed in steady progressing way of independent Uzbekistan but needs deep scientific judgement in Fergana Valley, suggestion sander commendations about practise fields which have regional importance in advancing specific branches were demonstrated.

Key words: regional ecotourism, regional economy, ecoroutes, ecotouristic service, ecotypes, natural exotic processes, ecological problem, ecotouristic practise, ecotourist Automobile roads, ecological science and education, ecotouristic policy.

**А.Г.СЕРЕБРЕННИКОВ ФОНДИ – РОССИЯ ВА АНГЛИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁДАГИ
МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР МУҲИМ МАНБА**

Қодирова Л. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Россия ва Англиянинг XIX асрда Ўрта Осиёдаги рақобатчилиги сабаблари ва оқибатлари А.Г.Серебрянников фонди материаллари асосида ретроспектив таҳлил қилинган. Мақолада Россия ва Буюк Британия империяларининг ўзларининг геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларига эришиши учун қўллаган иқтисодий ва ҳарбий - сиёсий усулларига мисол келтирилган.

Калим сўзлар: *геосиёсат, рақобат, иқтисодий чоралар, ҳарбий-сиёсий экспансия, ислом омили.*

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов 2001 йил 10 октябрда ЎЗА мухбири билан бўлган суҳбатда “...Турли давлатлар, турли сиёсий кучларнинг бир-бирига зид бўлган манфаатлари ўзаро тўқнашиб ётган бугунги мураккаб дунёда тинчлик-осойишталикни сақлашга ўз-ўзидан, осонликча эришиб бўладими?”, - деб савол берган ўзи бу саволга “Тинчлик учун курашмоқ керак”, - дея жавоб берган эди [1].

Дарҳақиқат, доимо турли давлатларнинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий манфаатлари тўқнаш келган муҳим стратегик ҳудуд бўлиб келган Марказий Осиё минтақасида тинчлик учун кураш масаласи доимо долзарб бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам дунёнинг кўплаб мамлакатлари ўз ташқи сиёсатларида бу ҳудудда геосиёсий ва геоиқтисодий имтиёзларга эга бўлиш учун ҳаракат қилишмоқда. Бу эса қудратли давлатлар ўртасида дунёни бўлиш ва қайта бўлиб олиш учун геосиёсий можаро кизиган XIX асрда Россия ва Англиянинг Марказий Осиё, хусусан Ўрта Осиёдаги рақобати муаммосини мавжуд манбалар асосида ретроспектив таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Мазкур масалани ёритишда А.Г.Серебрянников томонидан тўпланган “Туркистон ўлкаси. Уни забт этиш тарихи учун материаллар тўплами” муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. Ушбу фонд ҳужжатларида Ўрта Осиё масаласида Россия ва Англиянинг қўллаган сиёсати усуллари ўз аксини топган.

Марказий Осиёга кириб келаётган Россия империясининг манфаатлари бу ҳудудда кучли рақиб бўлган Британия империяси билан тўқнаш келади. Ўз таъсир доираларининг хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилган бу давлатлар ўртасидаги рақобат ушбу ҳудуддаги давлатлар тараққиётининг характери ва умумий динамикасига таъсир кўрсатибгина қолмасдан, икки давлат сиёсий ва ҳарбий қудратининг тўқнашуви учун таянч нуқта бўлиб қолди.

Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Британия империяси Марказий Осиёга суқилиб кириш учун дастлаб иқтисодий омилдан фойдаланган. XIX асрнинг 30 йилларида Ғарбий Европа давлатлари, жумладан инглиз тадбиркорлари ўз маҳсулотларини Ўрта Ер денгизи ва Қора денгиз орқали Трапезундгача, у ердан Эрзурум орқали Шимолий Эронгача етказиб беришни йўлга қўйишгач, маҳсулотни етказиш вақти ва таннари кискарди. Бу даврда Ўрта Осиё бозорларига ҳам

воситачилар орқали инглиз товарларининг кириб келиши кучайди.

Рус савдосини барбод қилиш учун инглиз тадбиркорлари ўз маҳсулотларини пасайтирилган нархда сотиш амалиётини қўллашган, бу эса Осиё мамлакатларида рус тўқимачилик маҳсулотлари савдосининг заифлашувиغا олиб келди. 1836 йилда Осиё билан савдо бўйича мутахассис А.И.Веригиннинг Россияга Европа давлатлари билан рақобатга киришмасдан ҳаракат қилиш имконини берувчи Ўрта Осиё хонликлари билан тўсиқларсиз иқтисодий алоқаларни таъминлаш борасидаги талаблари бу ҳолатни изоҳлайди: “...Ўрта Осиё билан савдомизни хавсизлантириб, биз вақти билан Европа савдосида бой бераётган йўқотишларимиз ўрнини тўлдиришнинг осон усулига эга бўламиз” [2].

Кўп ўтмай Британия империясининг Ўрта Осиёга ҳарбий-сиёсий экспансияси ҳам бошланди. Англиянинг ҳукмрон доиралари Ўрта Осиёни батафсил ўрганиш мақсадида Туркистонга Мир Иззатулла (1812 й), В.Муркрофт ва Д.Требек (1819-1825 йй), А.Бернс (1831-1833 йй), Д.Вуд (1837 й) ва бошқа экспедицияларни юборган.

1840 йилда Ост-Индия хизмати зобитларидан Аббот ва Шекспирнинг Хивада пайдо бўлиши рус ҳукуматини ташвишга солиб қўяди. Вице-Канцлер граф Нессельроде ўша вақтда Хивага юборилган капитан Никифоровга Хива ва Ост-Индия ҳукумати орасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилишининг ва чет эл агентларининг Россия империяси ва Хива хонлиги ўртасидаги алоқаларга аралашининг олдини олиш хусусидаги махфий кўрсатмасида Аббот ва Шекспирнинг Ўрта Осиёдаги фаолияти тўғрисида маълумот келтирилган [3]. Ҳиротдан юборилган Аббот Оллоқулихонга Россия билан ярашишда воситачилигини таклиф этган ва шу мақсадда Оренбург чизигига ташриф буюрган. Бироқ рус ҳукумати унинг воситачилигини рад этиб, Петербург орқали Англияга жўнашга имкон берилган. Капитан Аббот орқали Хива хони номидан бериб юборилган тухфалар ҳам қабул қилинмаган. Кейинчалик ушбу совғалар Хива элчисига қайтарилган ва у бошқа тухфалар қаторида хон номидан подшога топширилган.

Шекспир Хивага етиб келган вақтида поручик Аитов томонидан Россия ҳукумати талаблари Хива хонига тушунтириб берилган эди. Хива қўшинларининг Оқбулоқ ёнидаги мағлубияти Оллоқулихонни 1840 йилда рус асирларини озод

* Қодирова Л. – ГулДУ ўқитувчиси.

қилиш ҳақида фармон беришга мажбур қилган. Рус асирларини топшириш мақсадида муфтий Отаниёзхўжа элчи қилиб тайинланади. Уларга қўшилиб Шекспир ҳам Петербургга келган. Бироқ у ҳам рус ҳукумати томонидан Россия ва Хивада воситачи сифатида тан олинмаган.

Бу маълумотларни келтириш орқали вице-канцлер Никифоровни Россиянинг Хива билан муносабатларида ҳеч кимнинг аралашувиغا йўл қўймаслик ва инглиз агенти пайдо бўлган тақдирда Россия ва Англия ўртасида Осиё масаласида рақобат борлигини гумон қилишга имкон бермасликка ҳаракат қилишга чақиради.

Капитан Никифоровнинг Хива хони Оллоқулихон билан 1841 йил августида олиб борган музокаралари ҳақидаги қисқача ҳисоботида хон ва Россия агенти ўртасидаги суҳбат баёни келтирилган бўлиб, унда хоннинг Европа давлатларининг ишлари хусусида қизикиш билдиргани, аммо унинг Европадаги сиёсий воқеалардан умуман беҳабарлиги айтиб ўтилган. Хусусан, хон Англиянинг Россия империяси билан муносабатлари ҳақида маълумот олишга ҳаракат қилган. Хоннинг инглизларни Балхни босиб олишга тайёрланаётганлиги ва ўзининг бу мусулмон шахрини ҳимоя қилишга тайёрлиги хусусидаги фикрига эътироз билдирар экан, Никифоров кучли Европа давлати бўлган Англияга қарши чиқмасликни маслаҳат беради. Хон инглиз айғоқчилари Аббот ва Шекспирнинг руслар билан келишмаслик ҳақидаги маслаҳатини рўқач қилганда, рус элчиси Англия билан дўстлик Хива учун хавфлилигини, яхшиси “Юз йил мобайнида Хива хонларининг қилмишларини кечириб келган Россия билан мустаҳкам иттифок тузиш” ни таклиф этади [4].

Британия Россиянинг худудий кенгайишини тўхтатиш мақсадида дипломатик усуллар ва ўз иттифокчилари ёрдамида худудда аксилрус коалициясини яратишга ҳаракат қилган. Жумладан, Англия ҳукумати мусулмонлар истиқомат қиладиган ва қисман Россия таркибига кирувчи худудлар – Қрим, Кавказ, шунингдек Ўрта Осиё хонликларида ўз мавқеини Туркия ёрдамида мустаҳкамлашга интилган. 1852 йилда Оренбургда генерал-губернатор В.А.Перовский билан музокаралар олиб бораётган Хива элчилари Сирдарёнинг қуйи оқимидаги худудни инглиз-турк таянч пункти барпо этиш учун “турк султони ёки инглизларга” берилиши билан пўписа қилган. Элчининг айтишига кўра, 1851 йилда махсус Хива амалдори бу масалани муҳокама қилиш учун “султон номидан машҳур турк” келган Техронга юборилган [5].

1853 йилнинг охирларида Ўрта Осиёнинг турли худудларида Усмонлилар империясининг эмиссарлари пайдо бўлишган. Улар ўзлари билан турк султонининг Бухоро, Хива ва Қўқонни Россия империясига ҳужум қилишга чақиригини олиб келган [6]. Айнан шу вақтда Қўқон хонлигининг ўн икки минглик қўшини Перовский фортига ҳужум қилиши ҳам бежиз эмас эди. Ушбу ҳужумнинг қайтарилиши подшо ҳукумати томонидан нафақат

Қўқон, балки Англия ва Усмонлилар империясининг мағлубияти сифатида баҳоланган [7].

Британия ва турк агентлари Россия ва Қўқон хонлигининг қўқонликлар томонидан босиб олинган қозоқ ерлари учун курашидан фойдаланишга ҳаракат қилган. Қозоқ қабилалари орасида султон томонидан Ўрта Осиёга Россияга қарши кураш олиб бориш учун кўп сонли қўшиннинг юборилганлиги ва унинг русларга қарши Бухоро-Қўқон ҳарбий блокени тузишга чақириги хусусида миш-мишлар зўр бериб тарқатилган [8]. Кўп ўтмасдан Истамбулдан қайтган Бухоро элчиси Бухоро амирига султон томонидан “дин фидойиси” фахрий унвонининг берилганлиги тўғрисидаги хабарни олиб келган [9].

Инглиз-рус зиддиятларида ислом омили катта аҳамиятини эга бўлган. В.А.Перовскийнинг Петербургга хабар беришича, халқ орасида диний мутаассибликни авж олдириш учун қўқонлик муллалар ва Бухородаги турк элчилари Истамбулдаги София мачитида пайғамбар Алининг қиличи сақланиши, мусулмонларнинг ғайридинларга қарши биргалашиб курашиш вақти келганда ушбу қилич ярмигача қинидан чиқиши ҳақидаги қадимги ривоятдан ва айни дамларда ушбу мўъжизанинг амалга ошганлиги хусусидаги миш-мишлардан фойдаланишган [10].

Ўрта Осиёдаги инглиз-турк эмиссарларининг фаол ҳаракатлари подшо ҳокимиятининг британиялик ёки турк қўшинларининг бевосита Ўрта Осиёга бостириб киришидан чўчий бошлашига сабаб бўлди. Жумладан, Катта Ўрда қозоқлари қошидаги рус приставининг 1855 йилнинг 23 январида Сибир корпуси кўмондони Г.Х. Гасфордга хабар беришича, 1854 йилнинг охирида Бухоро амири хузурига келган инглиз элчиси инглиз қўшинларининг Афғонистондан Бухоро орқали шимолга, рус чегарасига ўтишига руҳсат беришни талаб қилган. Гўёки амир дастлаб ушбу талабни рад этган, бироқ инглиз элчиси турк султонининг фармонини олиб келгач, у рози бўлган. Бу вазиятга эътибор қаратган Г.Х.Гасфорд ўзининг ҳарбий вазирга мактубида “Бухоро хони ва афғон ҳукмдорларининг розилиги билан турк султонининг иттифокчилари бўлган инглизлар мусулмонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш баҳонасида Қўқон хонига ўзларининг ёхуд турк инструкторларини ҳамда курулларини юбориши ва бу билан, албатта, таълим кўрмаган ва тартибсиз Қўқон лашкарини кучайтириши ва ҳаракатларини йўналтириши” мумкинлигини баён қилган [11].

Оқтов рус истехкоми яқинида британиялик агентларнинг пайдо бўлганлиги ҳақидаги ишончли маълумотларни олган Гасфорд “инглизларнинг олғирлиги ва поралари уларнинг агентларига отрядларимиз ва истехкомларимизнинг жойлашишини аниқлаш мақсадида бизнинг даштларимизга кириб келиш, эҳтимол кирғиларнинг бизга бўлган ишончига путур етказишга ҳақиқатда имкон бериши”дан жиддий ташвишга тушган [12].

Кўп ўтмасдан бу ташвишлар беҳуда эмаслиги аниқ бўлди. 1855 йилнинг ёзида Қўқон ҳукумати рус фуқаролари бўлган Катта Ўрда қозоқлари орасида рус шаҳарлари ва қишлоқларига қуролли ҳужум

қилишга чақириб, диний хитобнома тарката бошлади. Г.Х. Гасфорднинг ҳарбий вазирга хабар беришича, Верний истехкомига ҳужум қилишга тайёрланаётган Кўкон қўшини орасида “чет элликлар ва турк султони томонидан юборилган бошлиқлар борлиги ва ушбу қўшиннинг илгаригиларга караганда анча тўғри ташкил этилганлиги кузатилган” [13].

1856 йилда Бухоро амирлигида бўлган оренбурглик савдогар Боғижон Жонкелдин рус ҳукуматига Афғон амири Дўст Муҳаммаднинг йирик қўшин билан Жанубий Туркистондаги

“Бухоро шаҳарлари”ни босиб олиш мақсадида шимолга юриши ва бу юришга тайёргарлик жараёнида унинг инглизлар томонидан барча зарур нарсалар: қурол, ҳарбий снарядлар ва пул билан таъминланганлиги ҳақида хабар берган [14].

Британиялик рақобатчиларнинг фаол ҳаракатлари Россия империяси ҳукмрон доираларини жиддий ташишга солган ва биринчи даражали иқтисодий омиллар билан биргаликда подшо ҳокимиятининг давлат режаларида Ўрта Осиё сиёсатининг аҳамиятини янада оширган.

АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 120.
2. Сборник материалов для истории завоевания Туркестанского края. / Собрал полк. А.Г.Серебренников. Т.2: 1940 год, - Ташкент: тип. Шт. Туркест. воен. окр., 1911. –С. 7
3. Сборник материалов для истории завоевания Туркестанского края. / Собрал полк. А.Г.Серебренников. Т.3: 1841 год. - Ташкент: тип. Шт. Туркест. воен. окр., 1912. –С. 30-31
4. Сборник материалов для истории завоевания Туркестанского края. / Собрал полк. А.Г.Серебренников. Т.3: 1841 год. - Ташкент: тип. Шт. Туркест. воен. окр., 1912. –С. 95-97
5. Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания. / Собрал полк. А.Г.Серебренников. Т.8: 1851 и 1852 годы. - Ташкент: тип. Шт. Туркест. воен. окр., 1915. – С.144.
6. Ўзбекистон Марказий давлат архиви; ф. 715 — «Подготовительные материалы к составленной полковником Серебренниковым публикации документов «Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания», 1-опис, 16- иш, 5-хужжат.
7. Ўша жойда, 22-хужжат.
8. Ўша жойда, 47-хужжатга илова.
9. Ўша жойда, 78-хужжат.
10. Ўша жойда, 111-хужжат.
11. Ўша жойда, 11-хужжат.
12. Ўша жойда, 15-хужжат.
13. Ўша жойда, 32 - хужжат
14. Ўша жойда, 17-иш, 77-хужжат.

РЕЗЮМЕ

В данной статье сделан ретроспективный анализ причин и последствий конкуренции России и Англии в Средней Азии в XIX веке. В статье приведены примеры экономических и военно-политических методов Российской и Британской империй для достижения своих геополитических и экономических целей.

Ключевые слова: геополитика, конкуренция, экономические меры, военно-политическая экспансия, исламский фактор.

RESUME

In this article we made a retrospective analysis of the causes and consequences of competition between Russia and England in Central Asia in the nineteenth century. The article provides examples of economic and military-political methods, the Russian and British empires to achieve their geopolitical and economic goals.

Key words: geopolitics, competition, economic measures, political and military expansion, the Islamic factor.

**ТОЛЕДО МАКТАБИНИНГ ҲАМКОР ТАРЖИМОНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ
ХУСУСИДА БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР**

Махмудов О.В. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада XII–XIII асрларда фаолият юритган Толедо таржима мактаби мутасаддилари ва аъзолари улар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган етти нафар таржимоннинг ҳаёти ва ижоди ҳамда илмий мероси тўғрисида сўз юритилади. Бундан ташқари, муаллиф Европада ўрта аср Шарқ олимларининг асарларини ўрганишида ушбу таржимонларининг ролини ёритишга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: Толедо мактаби, Барселона, Сарагосса, Сеговия, Наварра, таржимонлар, таржималар, антик давр олимлари, ўрта аср Шарқ алломалари, асарлар, фанлар, илмий юксалиш.

Биз, мазкур илмий журналнинг 2017 йил 1-сонида эълон қилинган «Толедо мактаби таржимонлари ва уларнинг фаолияти хусусида» номли мақолада мактабда ижод қилган 10 нафар таржимоннинг ҳаёти ва илмий мероси тўғрисида сўз юритган эдик.

Айтиш керакки, XII – XIII асрларда Толедодан ташқари, Испаниянинг Барселона, Сеговия, Сарагосса ва Наварра шаҳарларида ҳам ўз даврининг сермахсул таржимонлари фаолият юритишган. Толедо мактаби мутасаддилари ҳамда аъзолари улар билан ҳамкорлик алоқаларини олиб боришган. Шунингдек, бу таржимонлар ижодининг молиявий таъминоти ва рағбати ҳам кўп ҳолларда мактаб раҳбарияти томонидан амалга оширилган. Мисол учун, Толедо мактабининг асосчиси Раймондо де Сальвета мактабда яратилган айрим таржималарнинг тўғрилигини текшириш мақсадида, уларнинг матнларини Барселонада фаолият юритувчи Тиволалик Платон ёки Сарагоссада ижод қилган Далматлик Херманга жўнатиб турган ҳамда уларнинг хизматлари учун катта ҳақ тўлаган. Бундан кўринадики, бу икки шахс таржима соҳасида йирик мутахассис ҳисобланган. Қолаверса, Толедо мактабининг айрим аъзолари Барселона, Сеговия, Сарагосса ва Навара таржимонлари билан шахсий илмий ҳамкорлик ўрнатишган. Батлик Аделард ва Педро Альфонсо, Севильялик Иоанн ва Тиволалик Платон, Брюггелик Рудольф ва Далматлик Херманларнинг ҳамкор-жуфтлик тарзидаги фаолиятлари буни тасдиқлайди.

Умумий олиб қаралганда, XII–XIII асрлар оралиғида Пириней ярим оролининг турли ҳудудларида таржимачилик соҳасида кизгин фаолият олиб борилган бўлиб, араб тилидаги асарларнинг асосий қисми шу даврда латин тилига ўгирилган. Албатта, бу ўринда Толедодаги мактаб мазкур соҳада энг йирик марказ ҳисобланган. Шундай бўлсада, Испаниянинг Толедога ёндош ҳамда бошқа шаҳарларида фаолият юритган таржимонларнинг бу борадаги хизматлари ҳам алоҳида эътибор ва тадқиқотга лойиқдир. Чунки, ўрта аср Шарқ алломалари асарларининг латинчага таржима этилишини ҳамда бу улкан илмий меросни минтақада кенг ёйилишини уларнинг хизматларисиз тасаввур қилиш анча мушкул. Шу сабаб, Толедо мактаби билан бевосита ҳамкорлик ўрнатган таржимонларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, айтиш билан таржима фаолияти тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради, деб топдик.

Мазкур таржимонларнинг энг машҳурлари қаторига қуйидагилар киради:

▪ Барселонада яшаган: Авраам бар-Ҳия (яхудий), Тиволалик Платон (итальян).

▪ Сарагосса*да яшаган: Педро Альфонсо (яхудий), Санталик Гюго (испан), Далматлик Херман (итальян).

▪ Сеговия*да яшаган: Честрлик Роберт (инглиз).

▪ Наварра*да яшанган: Кеттонлик Роберт (инглиз).

Қуйида, санаб ўтилган таржимонларнинг ҳаёти ва фаолияти хусусида батафсил тўхталиб ўтамиз.

**БАРСЕЛОНА ТАРЖИМОНЛАРИ
АВРААМ БАР-ҲИЯ**

лот. **Abraham Judaeus**; инг. **Abraham bar-Hiyya**

Европада Савасорда исми билан танилган таржимон 1065 йилда Барселонада таваллуд топган. Математика, астрономия ва фалсафа соҳасида жиддий изланишлар олиб бориб, мазкур фанларга доир кўплаб асарлар ёзган. Жумладан, олимнинг ҳозирга қадар жуда оз қисми сақланиб қолган «Донишмандлик асоси ва ишончнинг таянчи» номли комусий асарида математика, геометрия, астрономия, оптика ва мусиқага таалуқли масалалар юзасида фикр юритилган. Мазкур асарнинг таркибий қисми бўлган «Ҳажм ва майдонни ўлчаш» китоби геометрияга оид йирик рисола ҳисобланади.

Шунингдек, Авраам бар-Ҳиянинг астрономия ва географияга оид «Ер шакли» ҳамда «Юлдузлар ҳаракатини ўлчаш» номли асарлар ёзганлиги ҳам фан тарихидан маълум [12]. Олим бу ишларида Клавдий Птолемей томонидан ишлаб чиқилган фалакиёт ва географияга доир назарияларни биринчи бўлиб, яхудий тилида тавсифлайди [1].

Таъкидлаш лозимки, Авраам бар-Ҳия Марказий Осиё математиклари жумладан, Муҳаммад ал-Хоразмийнинг (783 – 850) ҳисоб илмида эришган ютуқлари – алгебра ва тригонометрия соҳаларини Европада тарқалишига катта ҳисса қўшган. Унинг ал-Хоразмий таълимотларига таяниб яратган математик назариялари, кейинги давр Ғарб олимларига ўзининг кучли таъсири ўтказди [6].

Булардан ташқари, олимнинг «Рух ҳақида мулоҳаза» ва «Очиловчи нома» каби китоблари ҳам мавжуд, улар фалсафага таалуқлидир. Авраам Бар-Ҳия ўзининг фалсафий қарашларини ёритишда неоплатонизм ва аристотелизм ғояларидан тенгдан фойдаланади.

* Махмудов О.В. – ФарДУ катта илмий ходим-изланувчиси.

Айтиш керакки, Авраам бар-Ҳия яхудий тилида илмий ва фалсафий асарлар ёзган биринчи олим ҳисобланади. Шунингдек, у Ғарб ва Шарқда ўзига қадар яратилган илмий меросни биринчилардан бўлиб яхудий тилига ўгирган таржимон ҳамдир.

Олимнинг таржимачилик соҳасидаги фаолиятига назар ташланса, уни асосан математика ва астрономияга оид араб тилидаги асарларни таржима қилганига гувоҳ бўлинади. Маълумотларга кўра, Авраам бар-Ҳия бу борада Тиволалик Платон билан ҳамкорликда ишлаган. Бу жараёнда, Авраам бар-Ҳия дастлаб асарни арабчадан яхудий тилига таржима қилган, Т. Платон эса ўз навбатида, мазкур таржимани лотин тилига ўгиради. Икки таржимоннинг 1134–1136 йиллар оралиғида олиб борган ҳамкорлиги натижасида математика ва астрономияга доир ўндан ортиқ араб тилидаги рисоаларнинг лотинча таржималари яратилган. Бу асарларнинг энг йириклари қаторига Птолемейнинг «Тўрт китоб», Феодосийнинг «Сферика» ҳамда ал-Баттанийнинг «Юлдузлар ҳаракати тўғрисида» (ёки «Китоб аз-зиж») номли асарларни киритиш мумкин.

Мухтасар айтганда, Шарқ илмий ютуқларини Европага олиб киришда ҳамда минтақада турли фанларининг ривожланишида Авраам бар-Ҳиянинг ҳам фандаги ҳам таржима соҳасидаги фаолияти бирдек муҳим аҳамиятга эга. Олим 1136 йили Франциянинг жанубий-шарқда жойлашган Прованс вилоятида вафот этади.

ТИВОЛАЛИК ПЛАТОН

лот. **Plato Tiburtinus**; инг. **Plato of Tivoli**

Мазкур таржимоннинг яшаган йиллари аниқ маълум эмас. Бироқ, уни Авраам бар-Ҳия билан ҳамкорликда ишлаганига қараганда XII асрда яшаган. Илмий адабиётларда, у ҳақда келиб чиқиши италиялик бўлган математик, астроном ва астролог олим деб фикр билдирилади.

Тиволалик Платон Барселонада 1116–1145 йилларда фаолият юритган. Бу даврда, у асосан астрология ҳамда астрономияга таалукли араб ва яхудий тилидаги асарларни лотин тилига таржима қилади. Таъкидланишича, Клавдий Птолемей асарларнинг лотин тилидаги илк таржимаси айнан Т. Платон томонидан яратилган [5].

Тиволалик Платон амалга оширган илк таржима ал-Баттанийнинг (858 – 929) астрономияга оид «Китоб аз-Зиж» асари бўлиб, таржимон бу асарни 1116 йилда лотинчага ўгиради. Мазкур таржима Авраам бар-Ҳия билан ҳамкорликда амалга оширилганини юқорида айтиб ўтдик. Ўз навбатида, Т. Платон Авраам бар-Ҳиянинг математикага доир яхудий тилида ёзилган «Хибур га-мешиха ве-га-тишборет» («Майдонлар тўғрисида китоб») асарини ҳам таржима қилган. Шунингдек, Яхё ибн Ғолиб ал-Ҳайётнинг (770 – 835) «Туғилиш сирлари тўғрисида» рисоласини ҳамда Абу Бакр ибн ал-Ҳосибнинг (IX аср) арабча матни бизгача етиб келмаган астрологияга оид асарининг «De revolutionibus nativatum» номли лотинча матни ҳам Тиволалик Платонга тегишли. Биз, «De revolutionibus nativatum» сарлавҳасини

«Туғилишдаги ўзгаришлар» деб таржима қилдик. Бундан ташқари, таржимон аббосий халифалардан бири ал-Мансурга (754 – 775) бағишланган «Ал-Мансур қонунлари» («Iudicia Almansoris») номли рисолаи Авраам бар-Ҳия кўмаги билан 1136 йилда лотин тилига ўгирган. Афсуски, мазкур асар муаллифи номаълум.

Маълумки, Т. Платон ҳамда Толедо мактабининг энг сермахсул вакили Севильялик Иоанн (1090 – тах. 1170) бошқа-бошқа шаҳарларда фаолият юритишган ва кўпинча бир асарни иккаласи ҳам деярли бир вақтда лотин тилига ўгиришган. Маълумотлар таҳлил натижаси шуки, Т. Платон таржималари С. Иоанникига қараганда анча ишончлироқ ва камчиликлардан нисбатан холи бўлган. Айтиш керакки, Тиволалик Платон ўз таржималарини муҳаррирлик текширувидан ўтказиб турган. Шу боисдан ҳам, кейинги даврнинг машҳур олимлари Леонардо Фибоначчи (тах. 1170–1250) ва Альберт фон Больштедлар (тах. 1193 – 1280) асосан Т. Платон таржималарига таянганлар [11].

САРАГОСА ТАРЖИМОНЛАРИ ПЕДРО АЛЬФОНСО

лот. **Petrus Alphonsi**; инг. **Pedro Alfonso**

Тахминан 1062 йилда Сарагоса вилоятининг Уэски шаҳрида таваллуд топган. Асл исми Моше Сефарди. 1106 йилда христианликни қабул қилгач Педро Альфонсо номини олган. Таржимачиликдан ташқари, астрономия ва математикада донг чикарган олимлардан бири саналади. Унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар «Қарши сўз» деб номланган асарда келтирилган бўлиб, асар муаллифи Педро Альфонсонинг ўзидир. Асарда ёзилишича, у Арагон қироли Альфонс I нинг саройида табиб сифатида фаолият юритган. Илм истаб кўплаб мамлакатларга, жумладан, Британияга сайёҳат қилади. Ўз даврининг машҳур олими ва таржимони Батлик Аделардга (тах. 1070–1145) устозлик қилган. Бундан ташқари, Педронинг Уолчер исмли астроном шогирди ҳам бўлиб, у қирол Альфонс I га мусулмон олимларининг астрономик жадваллари, яъни «Зиж»лардан фойдаланиш юзасидан таълим берган.

Педро Альфонсо Ғарб таржимачилик тарихида бадиий адабиёт ва тарихга оид асарларнинг биринчи таржимони сифатида ном қолдирган. Бу асарларнинг энг машҳурлари қаторига «Калила ва Димна», «Синбод», «Панчатантра» каби асарларни киритиш мумкин. Олим мазкур асарлар асосида ўзининг 33 та новелладан иборат лот. «Disciplina clericalis» («Рухонийнинг ўқув китоби») номли рисоласини ёзади.

Шунингдек, олимнинг астрономияга оид «De Astronomia» («Астрономия») ҳамда юлдузлар туркумларига бағишланган «De dracone» («Аждар») номли асарлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз даврида соҳадаги муҳим манбалардан ҳисобланган.

Тахминан 1140 йилда вафот этган таржимоннинг ҳаёти ва ижодига оид бошқа маълумотлар билан Жон Толан асари [13] орқали танишиш мумкин.

ДАЛМАТЛИК ХЕРМАН

лот. **Sclavus Dalmata**, инг. **Herman Dalmatin** ёки
Herman of Carinthia

Тахминан 1100–1160 йилларда яшаган Далматлик Херман ўз даврининг кўзга кўринган астролог, астроном, математик ва файласуф олими сифатида фан тарихида мустақам ўрин эгаллаган. Табиий ва аниқ фанларга оид араб тилидаги асарларнинг мукамал таржималари муаллифи сифатида эса Севильялик Иоанн, Кремоналик Герард, Тиволалик Платон каби таржимонлар қаторидан жой олган. Эътиборга лойиқ жиҳати, Д. Херман ўзи таржима қилган асарлар билан яқиндан танишиб, улар асосида рисолалар ёзади, бунинг асносида эса қадимги юнон ва ўрта аср Шарқ олимларининг турли илмий таълимотларини Европада кенг оммалаштирувчилардан бирига ҳам айланади.

Маълумотларга кўра, Далматлик Херман Францияда тахсил олган ва машҳур Шартр университетида ишлаган. Таржимон бу ерда Платон (мил.ав. 428–347) фалсафаси ҳамда табиий фанлар билан жиддий шуғулланади. Д. Херман XII асрнинг йирик таржимонлари Брюгелик Рудольф ҳамда Кеттонлик Робертларнинг устози ҳисобланади [2]. Таъкидланишича, у Кеттонлик Роберт билан биргаликда тўрт йил давомида Ўрта Ер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатлар бўйлаб сайёҳат уюштириб, Константинопол (ҳозирги Истамбул) ва Дамашқ шаҳарларида бўлади. 1138 йилда Испанияга қайтиш чоғида араб тилидаги бир қанча асарларни ўзи билан бирга олиб келган. Шу даврдан, Далматлик Херман араб тилидаги асарларни лотинчага таржима қила бошлайди. У дастлаб, «Қуръони карим»нинг айрим қисмлари лотин тилига ўгирган. Бу ишни, кейинчалик унинг шогирди Кеттонлик Роберт якунига етказди. Шунингдек, Д. Херман Евклиднинг «Негизлар», Птолемейнинг «Планисфериум», ал-Хоразмийнинг «Зиж», ал-Балхийнинг «Юлдузлар илмига киришнинг катта китоби» номли асарларини ҳам айна даврда араб тилидан лотинчага таржима қилади.

Д. Херман таржимачилик билан бир қаторда фалсафа, астрономия ва математика соҳаларида ҳам фаолият юритган бўлиб, мазкур фанларга оид бир қанча асарлар ёзиб қолдирган. 1140 йилда ёзилган астрологияга оид «De indagacione cordis» («Рухни ўрганиш тўғрисида») номли рисола, 1140–1141 йилларда яратилган ва ўзида метеорологияга доир маълумотлар жамланган «Liber imbrium» («Ёғингарчиликлар хусусида китоб») асари шунингдек, Аристотелнинг фалсафий қарашларини мужассамлаштирган «De essentiis» («Моҳият тўғрисида») – 1143 йилда ёзилган мазкур асар 1982 йилда Германияда нашр қилган) каби рисолалар шулар жумласидандир.

Юқоридагилардан ташқари, Далматлик Херманнинг математика ва астрономияга таалуқли «De mensura» («Меъёр»), «De utilitatibus astrolabii»

(«Астурлобнинг афзаллиги»), «De compositione et usu astrolabii» («Астурлобнинг тузилиши ва қўлланиши») номли бир қанча асарлар ёзганлиги фан тарихидан маълум.

САНТАЛИК ГЮГО

лот. **Hugo Sanctelliensis**; инг. **Hugh of Santalla**

Бу таржимоннинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар жуда кам сақланган бўлиб, борлари ҳам кўпинча мулоҳазаларга асосланган. Маълумотларга кўра, Санталик Гюго XII асрда яшаган. У антик давр муаллифи Тяналик Апполоннинг (тах. 15–90) «Табиат сирлари тўғрисида китоб» номли асарини «Liber de secretis naturae» сарлавҳаси билан лотинчага таржима қилган. Бундан ташқари, машҳур астролог Машаллох ибн Асарийнинг (740 – 815) «Таквимлар бўйича катта китоб» деб номланган рисоласини лотинча нусхаси ҳам Санталик Гюго қаламига мансуб.

Тахминларга кўра, Аристотелнинг бир қанча асарлари, Хоразмий «Зиж»ининг ал-Мажритий (ваф. 1008) қайта ишлаган нусхасини ҳамда Фарғонийнинг «Астрономия асослари» рисоласини ҳам лотин тилига ўгирган бўлиши мумкин.

**СЕГОВИЯ ВА НАВАРРА ТАРЖИМОНЛАРИ
ЧЕСТЕРЛИК РОБЕРТ**

лот. **Robertus Castrensis**; инг. **Robert of Chester**

Ғарбда нашр этилган илмий адабиётларда Честерлик Робертга «Англиялик арабшунос» деб баҳо берилади. У фан тарихига Муҳаммад ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр ва-л-муқобала» ҳамда «Зиж» асарларини лотин тилига мукамал таржима қилган таржимон сифатида қирган [9]. Бундан ташқари, Честерлик Роберт 721– 815 йилларда яшаган олим Абу Абдуллох Жобир ибн Ҳайяннинг алкимёга оид «Ал-кимёнинг тузилиши тўғрисида китоб» номли асарини ҳам лотинчага ўгиради.

Афсуски, Ч. Роберт таржима қилган бошқа асарлар тўғрисидаги маълумотлар сақланмаган. Шунингдек, унинг ҳаётига доир маълумотлар ҳам жуда кам. Айрим тадқиқотчилар, уни шу даврда Испанияда фаолият юритган Кеттонлик Роберт билан битта шахс деб таъкидлашади. Ҳатто, «Ал-жабр ва-л-муқобала» асарини Честерлик Роберт амалга оширган таржимасининг 1915 йилда чоп этилган инглиз тилидаги нашрида Кеттонлик Роберт ва Честерлик Роберт битта шахс деб кўрсатилган [8]. Бундай фикрни Чарльз Гомер ҳам илгари суради [7]. Ваҳоланки, мазкур исмлар икки шахсга тегишли бўлиб, улардан Честерлик Роберт Испаниянинг Сеговия шаҳрида, Кеттонлик Роберт эса Наваррада истиқомат қилган.

Юқоридаги каби чалкашлик кейинги даврларда яратилган соҳага доир кўплаб адабиётларда, Честерлик Роберт таржималарини Кеттонлик Робертники, Кеттонлик Роберт ишларини эса Честерлик Робертники деб кўрсатилишига сабаб бўлади. Бу икки таржимонни бошқа-бошқа шахс эканлиги тўғрисидаги маълумотлар билан Ч. Барнетт мақоласи [3] орқали танишиш мумкин.

КЕТТОНЛИК РОБЕРТ

лот. **Robertus Kettenensis**; инг. **Robert of Ketton**

Кеттонлик Роберт «Қуръони карим»нинг лотин тилидаги биринчи мукамал таржимасини муаллифи ҳисобланади. Таржима тахминан 1143 йилда амалга оширилган. Маълумотларга қаранганда, «Қуръон» бундан аввал, 1142 йилда ҳам лотинчага ўгирилган бўлиб, таржима Монбуассьелик Пётр Иззатли (1092 – 1156) ташаббуси ва раҳбарлигида амалга оширилади [10]. Пётр Иззатлини 1143 йилда Клеарвухлик Бернард исми шахсга йўлаган мактубида* «Қуръонни таржима қилиниш учун махсус гуруҳ ташкил этганлигини ва унинг таркибига Кеттонлик Роберт, Далматлик Херман, Толедолик Петр ва мусулмон Муҳаммадни киритганини» қайд этади.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 1141 йилда «Қуръони карим»нинг илк таржимасини яратишда Кеттонлик Роберт ҳам иштирок этган. Қизиқ жиҳати, Пётр Иззатли ўз мактубида К. Робертнинг исмини таржимачилик соҳасида анча тажрибали бўлган устози Далматлик Хермандан аввал тилга олади. Айни ҳолат, мазкур таржима жараёнида Кеттонлик Роберт муҳим ўрин тутганлигини англатади. Орадан бир йил ўтиб, К. Роберт «Қуръон»ни қайтадан мукамал тарзда лотин тилига ўгирган. Кеттонлик Роберт амалга оширган таржиманинг аҳамияти ва бу ҳақдаги маълумотлар билан Томас Бурман тадқиқоти [4] орқали танишиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, К. Роберт ва Д. Херман турли шаҳарларда истекомад қилганликларига қарамадан доимий алоқада бўлишган. Таъкидланишича, бу икки таржимон астрология ва астрономияга оид араб тилидаги асарларни турли хатоликларсиз таржима қилиш ва уларнинг моҳиятини тўла англаб етиш мақсадида, дастлаб мазкур фанлар бўйича таҳсил олишади. Бироқ, бу

асарлар айнан кимга тегишли эканлиги ва қайси асарлиги аниқ маълум эмас.

Мухтасар қилиб айтганда, «Қуръон»нинг Кеттонлик Роберт томонидан амалга оширилган таржималари сабаб Ғарбий европаликлар Ислом дини, унинг таълимотлари, мусулмонларнинг урф-одат ва анъаналари ҳамда тарихига доир кимматли маълумотлар билан танишишга муяссар бўлдилар.

Юқорида санаб ўтилган таржимонларнинг самарали фаолияти натижасида антик давр ҳамда Шарқ олимларининг турли фанларга оид нодир асарлари лотин тилига ўгирилди ва илмий муомалага татбиқ этилди. Натижада, Ғарб фан оламида кечаётган тушкунлик ва турғунлик тараккиёт билан ўрин алмашди. Айни ҳолат, кейинчалик Ренессанс номи билан машҳур бўлган жараёни юзага келтирди. Асарлари таржима қилинган, тадқиқ ва татбиқ этилган Шарқ олимлари ичида Марказий Осиёлик алломаларнинг сон жиҳатдан кўпчиликини ташкил этишлари алоҳида эътибор ҳамда эътирофга лойиқ.

* Сарагосса – ҳозирги Испаниянинг Арагон автоном жамияти марказий шаҳри. Шимолий Испанияда жойлашган. Аҳолиси 647 373 киши.

* Сеговия – ҳозирги Испаниянинг Сеговия вилояти марказий шаҳри. Мадриддан 90 км шимолий-ғарбда жойлашган. Аҳолиси 55 минг киши.

* Наварра – 824–1620 йилларда мавжуд бўлган қироллик. Испаниянинг шимолий-шарқда жойлашган. Шимолда Франция, жанубий-шарқда Арагон, жанубий-ғарбда эса Кастилия қироллиги билан чегарадош бўлган. Ҳозирги, Испаниянинг Наварра вилояти худудига тўғри келади.

* Бу мактуб ҳозирги кунга қадар сақланган бўлиб, у билан боғлиқ батафсил маълумотларни «Қуръони карим»нинг Толедо мактабида лотин тилига ўгирилишига оид навбатдаги махсус тадқиқотмизда эълон қиламиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Сират К. История средневековой еврейской философии. – Москва: Гешарим–Мосты культуры, 2003. Т. 1. – С.158.
2. Burnett C. Arabic into Latin in Twelfth Century Spain: The works of Hermann of Carinthia // *Mittelateinisches Jahrbuch*. 1978. Issue.13. – P. 100–134.
3. Burnett C. Robert of Ketton // *Oxford Dictionary of National Biography*. Oxford: Oxford University Press, 2004. – P.404.
4. Burman T. E. Tafsīr and Translation: Traditional Arabic Qurʾān Exegesis and the Latin Qurʾāns of Robert of Ketton and Mark of Toledo. // *Medieval Academy of America*. – *Speculum*. 1998. Vol. 73. (3). – P. 706–732.
5. Carmody F. J. Arabic Astronomical and Astrological Sciences in Latin Translation. – Los Angeles: A Critical Bibliography, 1956. – P. 132.
6. Gerber D., Tsaban B. A Mechanical Derivation of the Area of the Sphere // *Mathematical Association of America Monthly*. – Washington, D.C. 2001. Vol. 108. – P. 10–15.
7. Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Ungar, 1960. – P. 120.
8. Karpinski L. C. Robert of Chester's Latin translation of the Algebra of al-Khwarizmi. – New York-London: Macmillan and company limited, 1915. – P. 26.
9. Katz.V. J. A History of Mathematics: An Introduction. – Addison: Wesley, 1998. – P.291.
10. Kritzeck J. Peter the Venerable and Islam. – Princeton, 1964. – P. 35–36.
11. Minio-Paluello L. Plato of Tivoli // *Dictionary of Scientific Biography*. 1975. Vol.11. – P. 32.
12. Sela S. Abraham Bar-Hiyya's astrological work and thought // *Jewish Studies Quarterly*. 2006. Vol. 13. – P. 128–158.

13. Tolán J. Petrus Alfonsi and his medieval readers. – Gainesville: University Press of Florida, 1993.

РЕЗЮМЕ

В статье даны новые сведения о жизни и творчестве семи переводчиков, проживавших в других городах Испании и сотрудничавших с руководителями а также представителями Толедской школы (XII–XIII вв.). Кроме этого, автор рассматривает роль этих переводчиков в изучении трудов ученых средневекового Востока в Европе.

Ключевые слова: Толедская школа, Барселона, Сарагоса, Сеговия, Наварра, переводчики, переводы, ученые античного мира, ученые средневекового Востока, труды, науки, научный прогресс.

RESUME

The article provides new information about lives and works of seven translators living in other cities of Spain and cooperating with heads and also representatives of the Toledo school (12-13th centuries) is supplied. Besides, the author considers a role of these translators in studying of works of scientists of the medieval East in Europe.

Key words: The Toledo school, Barcelona, Saragossa, Segovia, Navarra, translators, translations, scientists of the ancient world, scientists of medieval East, works, sciences, scientific progress.

XX АСР БОШЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИГА
БЎЛГАН МУНОСАБАТ

Махмудов М. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада XX аср бошларида тарих фанининг асосий вазифаларидан бири сифатида “ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи, маданий меросини” барча турдаги ёзма манбалар тадқиқотлар асосида ёритиб берилган. Жумладан, 1921 йилда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш иши бўйича Туркистон қўмитаси (Турккомстарис) ташкил этилганлиги ва маданий ёдгорликлар тўғрисида қимматли маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: матбуот, совет хокимияти, маданий мерос, миллий зиёлилар, музейлар, меъморчилик, Ўрта Осиё, Туркистон халқлари.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг тарих фанининг асосий вазифаларидан бири сифатида “ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи, ўзбек халқи этногенези, маданий мероси ҳамда ушбу муоммолар бўйича археологик ва барча турдаги ёзма манбалар тадқиқотлари натижаларини жамлаш, ҳар томонлама илмий-қиёсий таҳлил қилиш” вазифалари белгилаб қўйилди.

Шуни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадрларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади” [1].

Дарҳақиқат, тарихни бирламчи манбалар асосида ўрганиш жамият ҳаётида узоқ ўтмишда содир бўлган жараёнларни ҳолисона баҳолашда, ҳаққоний талқин этишда тарихчиларнинг берган маълумотлари муҳим саналади.

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг ўзбек халқи тарихий-маданий ва маънавий меросини тиклаш, тарихни ҳолисона баҳолаш масалаларига билан боғлиқ тадбир ва қарорлари [2] тарихшунослик фани ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.

XX аср бошларидан советларнинг юритган сиёсатлари оқибатида маданий меросга бўлган муносабат тубдан пасайиб кетди. Шундай бўлсада, марифатпарвар зиёлилар тарихий – маданий меросни сақлаш ва ўрганиш ишларини олиб боришди.

XX аср бошлари тарихшунослигига назар ташланар экан, моддий мерос масаласи шу даврда ҳам алоҳида аҳамиятга молик бўлган воқелик сифатида намоён бўлганлигини гувоҳи бўлинади. Айниқса, бу масала 1920 йилларнинг иккинчи ярмида анчагина қизғин тус олган бўлиб, даврий матбуотда бу борада эълон қилинган мақолаларда келтирилган маълумотлар фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Жумладан, худди шу даврда Тошкентда давлат халқ кутубхонаси таркибидаги шарқ бўлими ходимлари Яқин ва Ўрта шарқ халқлари тилларидаги китобларни ва қадимий шарқ кўлэмаларини тўплаш юзасидан катта ишлар олиб

бордилар, бу кўлэмаларнинг кўплари Ўрта Осиёнинг ғоят бой тарихий ўтмишини ўрганишга доир жуда қимматли маълумотлар ўз ичига олган. 1919 йилнинг ўзидаёқ Тошкентда Архив ишлари марказий бошқармаси (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви) ташкил этилди. 1919 йилда Тошкентда Туркистон халқ музейи очилди. 1921 йилда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш иши бўйича Туркистон қўмитаси (Турккомстарис) ташкил қилинди ва бу муҳим ишга давлат мақоми берилди [3]. Совет даврида маданий мерос объектларига муносабат эътиборсиз бўлган. Яна бир муҳим жиҳат борки, 1923 йилда Туркистонда осори атиқаларни сақлаш ва таъмирлаш комиссияси тузилганига қарамадан, комиссия фаолиятига сиёсий тус берилиб, унинг йўналиши совет мафқураси билан суғорилган эди.

Кўриб ўтилаётган даврда маҳаллий зиёлиларнинг фаолиятида меъморчилик иншоотларининг сақланиш ҳолатларининг ахволи, уларнинг таъмирланиш жараёнининг таъқиқлаб қўйилганлиги кўзга ташланади. Жумладан, XX асрнинг 20–30-йилларида яшаган М. Саиджоновнинг фаолиятида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Бухоро шаҳридаги кўхна ёдгорликлар ҳақида М. Саиджоновнинг “Бухоро шахри ва унинг эски бинолари” номли йирик илмий мақоласи 1927 йилда “Маориф ўқитувчи” журналида чоп этилган. Унда асосан, Регистон ва унда Аштархонийлар даври бинолари ва Сомонийлар даври иншоотлари каби тарихий ёдгорликлар ўрганилиб тадқиқ этилади. Асар Бухородаги маълум ҳудудлар тарихи, айниқса, Сомонийлар даври бинолари ҳақидаги маълумотлари билан қимматлидир. Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти (ИФЭАК) хомийлигида чоп этилган бу асар 2005 йилда ИФЭАК журналининг июн ойидаги 16 махсус сонидан нашрдан чиқди [4]. Интернет хабарларига кўра, ушбу китоб ҳозиргача МДХ ва Европа давлатларининг кўпгина кутубхоналар томонидан сотиб олинган.

М. Саиджонов Бухоро шаҳридаги Сомонийлар мақбараси 1925 йилда атоқли шарқшунос олим В. Л. Вяткин раҳбарлигида ўрганилганлигини “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 1927 йил 9–10 сонларидаги мақоласида баён этиб берган [5].

* Махмудов М. – НамДУ Тарих кафедраси ўқитувчиси.

Саиджоновнинг кейинги нашр қилган “Обследование усыпальницъ Чилдхутарон в Самарканде” номли мақоласи 1936 йилда “Социалистическая наука и техника” журналида нашр қилинган [6]. Мақола номи остида “(Из работ Узкомстариса 1935 г)” деб кўрсатилади ва бундан М. Саиджоновнинг Республика тарихи ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш кўмитаси тизимидаги фаолиятида олиб борган муваффақиятли тадқиқотлари хусусида ахборот берилганлиги маълум бўлади. Мақолани ўрганиб чиқиш жараёнида мураккаб илмий салоҳиятли Саиджоновнинг илм-фан тараққиётида археология, топонимика, манбашунослик ва тарих фани соҳаларини ниҳоятда кучли билимдони эканлиги билиш мумкин. Унда Чилдхутарон мақбарасининг тарихи ва вақфномалар ҳужжатлари асосида маълумот берилган.

Олимнинг нашр учун тайёрланган, лекин чоп этилмай қолган илмий асарлари бир неча сонли бўлиб, булар асосан ўлкашунослик, археология ва этнографияга оид бўлиб, булар вақфнома ҳужжатларини ўрганиш асосида 1930 йилдан кейин тўпланган асарлардир. Тадқиқот давомида Б. Эргашев, С. Горшенина ва Н. Наимовларнинг мақолаларидан маълум бўлишича, айрим сабабларга кўра нашр этилмаган “Шайх Сайфиддин Бохарзий вақфномаси”, “Самарқанднинг меъморий ёдномаси”, “Самарқанд архитектураси. Шаҳар тарих”, “Бухоро атрофида жойлашган мақбаралар”, “Хоразмдаги биринчи музей”, “Ўзбеклар тарихи учун материаллар”, “Адиблар анталогияси” каби турли ҳажмдаги тўплам ва асарлари ҳамда Чилдхутарон, Масжиди калон ҳақидаги брошюралари ҳозирги кунгача ўзининг илмий аҳамиятини сақлаб келмоқда. Шунингдек, М. Саиджонов Қашқадарё воҳаси обидаларини ўрганиб, “Шахрисабз меъморий ёдгорликлари тарихи” тўпламини ёзган. 1936 йилда ёзиб тугатилган ушбу асар ўлка меъморий обидалари ҳақидаги ягона йирик илмий иш ҳисобланади [7]. Лекин, афсуски, юқорида кўрсатилган илмий рисоалар ҳали тўла ўрганилиб, тадқиқ этилмаган ва оммалашмаган.

Мусо Саиджонов “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1927 йилги 9-сонидан чоп эттирган “Бухоро шаҳри ва эски бинолари” номли мақоласида Бухоро шаҳрида хонликлар даврида қурилган иншоотлар, уларнинг фаолияти ҳақида муҳим маълумотларни беради. Жумладан: “Бухорода хон бўлган Субхонқулихон мамлакатни тинчлантиргандан кейин илм ва маърифат тараққийсига чолишган ҳукмдор “Тиб” ва “Риёзиёт”га аҳамият берган кишидир. Саройда турли илм ва фанга мутахасислардан 40 кишини сақлаб улар билан илмий суҳбатлар этишни ҳар нарсдан ортқ кўради. Ўзи ҳам турли илмларга оид рисоалар ёзгандир.

Тиб илмига ўзгача аҳамият бериб “Дор ал-шифо” мадрасасини бино эттирган. Мадраса 18

хужрадан иборат. ... “Доралшифо” ёлғиз тиб илмидан дарс бериш учун махсус бўлмасдан, касалхона ва амбулатория хизматларини ифода этган. Шундай ҳолича бир дорихона (аптека) бўлиб ундан ҳар кимга текин дори берилган. Касалхона қисмида кўриш узоқ ерлардан келганлар қабул этилгани учун бундайларнинг йўлқиралари ва кимларга тақсимот бўлган. Булардан бошқа махсус бир кутубхона ва бир ибтидои мактаби бўлган. ... Кейинги вақтларда бу мадрасада оддий мадрасалар каби ёлғиз диний дарслар ўргатар эдилар” [8].

1923 йилда тузилган “Осори атиқа” комиссияси Марказнинг моддий ёрдамидан бебаҳра қолган эди. Бунинг натижасида Туркистон халқларининг кўплаб меъморчилик обидалари таъмирланмай қолиб кетган эди. Ушбу комиссиянинг фаолият дастури қуйидаги йўналишлардан иборат эди:

1. Кўқон, Бухоро ва Хоразмда музейлар очил;
2. Музей экспонатларини мусулмончалаштириш;
3. Самарқандда осори атиқа музейини ташкил этиш;
4. Эски ёзма асарларни сақлаш учун Самарқандда ер ҳозирлаш;
5. Афросиёб ва Бухорода мунтазам қазилма ишларини ишларини олиб бориш;
6. Ўзбекистондаги эски биноларнинг мукаммал рўйхатларини тузиб, расмларини чиқариш;
7. Вақф ва эски комиссияга эски васиқаларни сақлаш.

Ниҳоят, 1925 йилнинг 24 июлда Ўрта Осиё эски асарларини сақлаш кўмитаси томонидан Хоразм эски асарларини аҳолини ўрганиш бўйича комиссиянинг фаолияти бошланган. Ушбу комиссияга Марказдан келган вакил Масолский раис этиб тайинланган. Масолский қисқа вақт мобайнида Хоразм меъморчилиги маркази бўлган Хивадан моддий мерос объектларининг аҳоли тўғрисидаги маълумотларни йиғиб, кўмига тақдим этган эди [9].

XX асрнинг бошларида миллий маънавиятнинг асоси бўлган ёдгорликларни сақлашга давлат томонидан арзимаган маблағ ажратилар, у ҳам бўлса йилдан-йилга камайиб борарди. Умуман совет йилларида тарихий обидаларга, тарихий меросга бўлган муносабат жиддий ижтимоий, сиёсий синовларни бошидан кечирди. XX аср бошларида Ўзбекистон учун мураккаб кечган давр бўлиб, барча соҳаларни ривожланиб кетиши анча қийин бўлган. Бу жараёнлар даврий матбуотда жадаллик билан ёритиб борилган. Лекин, Совет ва маҳаллий ҳукуматнинг айрим қисмлари содир бўлаётган ўзгаришларга беписанд муносабатда бўлишда давом этган. Бу эса ўз навбатида Туркистон аҳолисининг норозилигига, маданиятнинг топталишига, маҳаллий аҳоли тафаккурининг ошишига салбий таъсир кўрсатган.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 29–30.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тарих марказини ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши // Халқ сўзи. 1996, 19 сентябрь; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида” Қарори // Халқ сўзи. 1996, 17 декабр.
3. Алимова Д., Мустафаева Н. Совет даврида Ўзбекистонда маданий-тарихий меросга муносабат: интилишлар ва муамолар. // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2013. №1. –Б.23-24.
4. Саиджонов М. Бухоро шахри ва унинг эски бинолари // ИФЭАК. Серия “Рабочие документы”. – Вып. 16 (июн 2005 г.).
5. Саиджонов М. Бухоро шахри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи. – 1927. – № 9–10. – Б. 52.
6. Саиджанов М. Ю. Обеледование усыпальниц Чильдухтарон в Самарканде // Социалистическая наука и техника. – 1936. – № 5. – С.31.
7. Астанова Г. Аждодлар меросини ўрганиб (тарихий меросимиз тадқиқотчиси) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2005. – №1. – Б. 79.
8. Саиджонов М. Бухоро шахри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи. -1927. -№ 9-10. – Б. 52.
9. Қаранг: Маориф ва ўқитувчи. – 1925. – №11. – Б. 95.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещается «история государственности, культурное наследие узбекского народа» начала XX века изученная на основе различных письменных источников. В частности, отмечены ценные сведения об организации Комиссии по защите и изучению культурных и исторических памятников Туркестана (Туркомстарис) в 1921 году.

Ключевые слова: Пресса, советское правительство, духовные наследия, музеи, национальные деятели, Средняя Азия, Туркестанское население, архитектура.

RESUME

This article based on explores of writing resources of “all type of Uzbek people and their state history, cultural heritage” as a main function of the subject of History in the XX century. So, in 1921 Turkiston Committee was founded which protect and learn of historical and cultural monument. It was given precious information about it.

Key words: Press, Soviet government, museums, Central Asia, people of Turkestan, architecture, national leaders, national treasure, memories of our nation.

ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ХАЛҚЛАРИ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

Мирзаев Ф.Р. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ўзбек ва туркман халқлари адабий алоқалари ҳақида сўз юритилган. Икки халқ адабий алоқаларининг азалдан шаклланиб келиш жараёни ва ривожланиш ҳолати таҳлил этилган. Хусусан, Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларининг мустақилликка эришиши икки халқ адабий алоқалари ривожидида муҳим аҳамият касб этганлиги муаллиф томонидан мисоллар билан изоҳлаб берилган. Айниқса, адабиётнинг миллатлараро тотувликни таъминлашдаги ролига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, адабий алоқаларнинг ривожланиш динамикаси ҳақида муаллиф хулосалари баён этилган.

Калит сўзлар: ўзбек, туркман, адабиёт, адабий алоқалар, шеърят, Алишер Навоий, Махтумқули, Ўзбекистон, Туркменистон, миллатлараро тотувлик, маданият, маданий ҳамкорлик.

Ўзбек ва туркман халқлари адабий алоқалари узоқ тарихга бориб тақалади. Ўзбек ва туркман ижодкорлари томонидан яратилган асарлар ҳақли равишда туркий халқлар муштарак меросининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаган.

Дарҳақиқат, кўхна тарих гувоҳ: ўзбек ва туркман халқларини асрлар давомида маънавий кадрятлар, тил, дин, урф-одат ва тарихий анъаналарга асосланган мустаҳкам дўстлик ришталари ҳамда яқин қўшничилик алоқалари боғлаб туриши, айниқса маданий ҳамкорлиги ва унинг таркибий қисми саналган адабий алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан икки халқнинг адабий ва маданий алоқалари тараққиёти буюк даҳолари тимсолида асрлардан-асрларга ўтиб, ривож топиб келган. Жумладан, ўзбек адабиётининг Лутфий ва Навоий, Бобур ва Машраб, Муқимий ва Фурқат каби намоёндалари туркман китобхонларига яқин бўлгани каби Озодий ва Махтумқули, Андалиб ва Муллонафас, Камина ва Сеидий сингари туркман қалам соҳибларининг асарлари ҳам ўзбек назм мухлислари ўртасида кенг тарқалган [1]. Ўзбек ва туркман халқлари адабий алоқалари ривожидида айниқса, Алишер Навоий ижоди муҳим ўрин тутди ва кўплаб туркман шоирлари ўз ижодида буюк шоир изидан бориб унинг ғазалларига мухаммаслар ва назиралар боғлаганлар. Алишер Навоийни туркман халқи Мир Али номи билан таниган, унинг асарлари шоир ҳаёт чоғидаёқ туркманлар орасида машхур бўлган. Навоий ғазалларини туркман бахшилари ҳозирги кунгача куйлаб келадилар. Хива мадрасаларида таҳсил олган Озодий, Махтумқули, Андалиб каби туркман мумтоз шоирлари Навоийни ўзларига устоз деб билганлар. Андалиб ўзининг «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо» дostonларини Навоий ва Дурбек асарларидан таъсирланиб ёзган.

Ўз навбатида, атоқли адиб Махтумқули даҳоси ижоди туфайли том маънода ўзининг ҳаётлиги давридаёқ ўзбек адабиётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Айни пайтда Махтумқулининг шеърларини билмаган ва куйламаган ўзбек хофизи йўқ деса муболаға бўлмайди. Ўзбек адабиётида Махтумқули адабий мактабидан руҳланган шоир ва ижодкорлар ҳам бисёрдир. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш

Жуманбулбул ўғли ва Ислом шоир Назар ўғли каби ўзбек адабиёти намоёндалари Махтумқулини ўзларига устоз деб билганлар ва ундан кўп нарса ўрганганликларини самимият билан тилга олганлар [2].

Қайд қилиш лозимки, ушбу анъана XX асрда Фафур Гулом ва Берди Кербобоев, Абдулла Қаҳҳор ва Беки Сейтақов, Зулфия ва Товшан Эсанова, Асқад Мухтор ва Қора Сейтглиев каби ўзбек ва туркман ёзувчи-шоирлари ўртасидаги дўстлик ҳамда адабий алоқалар мисолида ниҳоятда мустаҳкам бўлган эди. Атоқли Берди Кербобоевнинг «Дадил қадам», «Ойсултон», «Небитдоғ» романлари ва шеърлари, Х. Деряевнинг «Қисмат» роман-эпопеяси, Муллонафас, Андалиб, Камина шеърлари, Ота Кавшутоннинг «Небитдоғ этакларида» романи, Қ. Қулиевнинг «Қора карвон» романи, Т. Тоғановнинг «Дурлар хазинаси» қиссаси ва бошқа асарлар ўзбек тилига таржима қилинган. Туркман драматургиясининг «Махтумқули» (Б. Кербобоев), «Оила номуси», «Ким айбдор?» (Х. Муталов) сингари ажойиб асарлари ўзбек театрларида бир неча бор сахналаштирилган. Ўз навбатида, Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» пьесалари туркман театрларида ҳамон муваффақиятли тарзда намоёиш қилинади. Ушбу анъанага ҳамоҳанг тарзда туркман адиблари – Б. Кербобоев, Ж. Оразов, Б. Сейтақов, О. Отажонов ва бошқаларнинг Ўзбекистон, ўзбек шоир ҳамда адиблари – Ғ. Гулом, Шайхзода, Миртемир ва С. Аҳмадларнинг Туркменистон мавзусидаги асарлари икки халқнинг азалий қардошлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади [3].

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса икки халқ адабий алоқалари нафақат ижодкорлари асарлари мисолида балки, адабий алоқаларнинг илмий тадқиқотлари кўринишида ҳам ривож топиб борди. Шунингдек, XX аср 60-70-йилларида ўзбек ва туркман адабиётида икки халқ адабий алоқаларига доир йирик тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, туркман олимларидан С. Қориев, ўзбек олимларидан Р. Иноғомов ва Ҳ. Абдуллаевлар ўзларининг илмий-адабий изланишларида ушбу мавзуга оид салмоқли тадқиқотлар олиб борган [4]. К. Қурамбаев томонидан амалга оширилган тадқиқотда ўзбек ва

* Мирзаев Ф.Р. – ТДПУ катта илмий ходим-изланувчиси.

туркман адабиёти классиклари, яъни Алишер Навоий ва Давлатмамад Озодий, Фурқат ва Андалиб, Саъдий ва Муллонафаслар ҳамда XX аср ижодкорларидан Абдулла Қодирий ва Хидир Деряев ижодлари мисолида ўзбек ва туркман адабиётининг ўзаро алоқалари ҳамда таъсири таҳлил этилган [5].

XX асрнинг 90-йиллари бошларида Марказий Осиё республикалари ўз суверенитетини қўлга киритгач, Ўзбекистон учун мустақил ички ва ташқи сиёсат стратегиясини ишлаб чиқиш, энг аввало қўшни ва қардош мамлакатлар билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш, ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни шакллантиришдан иборат ўта муҳим вазифа турар эди. Боиси, ҳар бир мустақил давлатнинг халқаро муносабатлар жаҳасида муносиб ўрин эгаллаши, бизнингча, бевосита маданий ҳамкорликка боғлиқдир. Чунончи, мустақилликка эришиш остонаси – 1990 йил 23 июнда Қозоғистон ССР пойтахти Олмаотада Ўрта Осиё Республикалари раҳбарлари имзолаган Баёнот ҳамда иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим минтақа жумхуриялари каби Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида маданий ҳамкорликни янгича руҳда йўлга қўйишда дастлабки ҳуқуқий ҳужжатга айланди [6]. Шу боис ҳам Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов: *«Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон билан дўстона, қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш, улар билан қалин ижтимоий-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантириш илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг зоят муҳим устувор йўналиши ҳисобланади»*, – деб таъкидлаган эди [7].

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Туркменистон мамлакатлари ҳамкорлигининг муҳим бўғини ҳисобланган маданий соҳада кенг камровли алоқани йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилди. Чунончи, Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукуматлари ўртасида «1992-1995 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш тўғрисида» (1991 йил апрель) [8] ҳамда «Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон Ҳукуматлари ўртасида маданий соҳада ҳамкорлик тўғрисида»ги Битимлар (1996 йил 16 январь) [9] маданий ҳамкорлик ва унинг таркибий қисми саналган адабий алоқаларнинг янада равнақ топишида мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий пойдевор вазифасини ўтайди, албатта.

Дарҳақиқат, мустақилликка эришиш остонасида ҳукуматлараро қабул қилинган муҳим бир ҳужжат таҳлили шуни кўрсатадики, томонлар миллий маданият марказлари, ижодий ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг турли шаклларида, яъни оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш, туркман элида яшаётган ўзбеклар ва ўзбек ўлкасида истиқомат қилаётган туркманлар учун телекўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришларни кенгайтириш орқали халқларимизнинг турмуш тарзи, маданияти ва анъаналарини тарғиб қилишнинг савиясини ошириш, мунтазам равишда

маданият кунлари, декадалар ўтказиш, ижодий жамоаларнинг ўзаро алоқаларини кенгроқ йўлга қўйиш каби масалаларни кўзда тутганлиги Ўзбекистон ва Туркменистон маданият ва адабиёт соҳасидаги ҳамкорлигининг кенг қулоч ёйиши, яъни азалий қардошлик ришталари тараққиёти йўлида асосий омил бўлиб қолган эди [10]. Бу тарихий ҳужжатнинг пайдо бўлишида ўша пайтда фаолият кўрсатган икки буюк шахс – Ислоҳ Каримов ва Сапармурод Ниёзовларнинг алоҳида хизматлари бўлганлигини эътироф этган ҳолда, бу икки халқнинг дўстлиги абадулабад қолишига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз! Бу эса айни пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти умумий декларацияси ва халқаро битимларда эълон қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини эътироф этган ҳолда барча халқлар қатори Туркменистонда яшовчи ўзбек ва Ўзбекистонда яшовчи туркман халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ва маънавий имкониятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, виждон эркинлиги, ҳуқуқий ва бошқа сиёсий, шахсий эркинликларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, мустақиллик йилларида ўзбек ва туркман адабий алоқаларида янги давр бошланди. Ўзбекистонда туркман классик адабиёти намояндalари Махтумқули ва Муллонафас каби ижодкорларнинг юбилей саналари кенг нишонланди ҳамда асарлари таржима қилинди. Хусусан, Махтумқулининг танланган шеърлари тўплами ўзбек тилида бир неча марта нашр этилди. Ўзбекистонда ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўтган давр мобайнида «Махтумқулишунослик» мактаби шаклланиб улгурди. Ушбу мавзуда бир қанча тадқиқот ва таржималар муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, К.Курамубоев, И.Ҳаққулов, М.Кенжабек, А.Жумаев, Ж.Зулпиев [11], М.Аҳмад, Э.Очилов каби бир неча ўнлаб ўзбек олимлари ва таржимонлари Махтумқули ижоди ва шеърляти бўйича салмоқли ишларни амалга оширди [12].

2010 йил март ойида Ўзбекистонда Туркменистоннинг атоқли шоири Муллонафаснинг 200 йиллик юбилейи кенг нишонланди [13]. Чунки Муллонафас ўзбек китобхонларининг севимли шоирларидан биридир, унинг бетакрор ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган шеърляти халқимизга яхши таниш бўлиб, юбилей санаси муносабати билан «Зухра ва Тоҳир» достони ҳамда шеърляри ўзбек тилида нашр этилди [14].

Дарвоқе, фикримиз тасдиғи сифатида шуни айтиш мумкинки, Биринчи Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, *«Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни ривожлантириш учун барча ҳуқуқий асослар яратилди. Бағрикенглик маданиятини тарбиялаш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди»* [15]. Яъни, ўзаро ҳамкорлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижаси ўлароқ, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари каби туркман

миллати маданиятини равнақ топтириш ҳамда янги мазмун билан бойитишда муҳим омили бўлмоқда. Айтиш жоизки, ўз навбатида туркман халқининг Ватани тарихий Туркменистон давлати билан юртимиз маданий ҳамкорлигининг йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб бориши ҳамда ўсишида муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, Туркменистон президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон ва Туркменистоннинг давлатларaro ҳамкорлиги мустақиллик йилларида янада бойиб ва мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳамда Ўзбекистон Туркменистоннинг яқин қўшниси ҳисобланиши, туркман ва ўзбек халқлари асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган ва уларни умумий тил, маданият, ягона анъаналар ва кадрятлар бирлаштириб туришини алоҳида қайд қилганини эътироф этишимиз ўринлидир [16].

Таъкидлаш ўринли бўлар эди, яъни кейинги ўн йил ичида Ўзбекистон – Туркменистон муносабатлари тараққиёти сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Чунончи, Туркменистоннинг тинчликсеварлик ва аҳил қўшничилик тамойиллари асосида олиб бораётган фаол ташқи сиёсат стратегияси президент Гурбангули Бердимухамедов томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2011 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 66-сессиясида илгари сурилган «Тараққиёт орқали тинчлик» принципи билан мустаҳкамланди [17]. Унинг қайд қилишича: **Туркменистон дунё учун очик, кенг қўламли алоқалар, шу жумладан маданият соҳасидаги ҳамкорлик учун очикдир [18].**

Умуман олганда, ўзбек ва туркман халқлари адабий алоқалари ҳақида тўхталар эканмиз, улар кўп асрлик дўстона ва яхши қўшничилик ришталарига, эътиқод ва тил, маданият ва тарих,

халқларимизнинг урф-одат ва анъаналари муштараклигига асосланганлигини қайд этиш лозим. Шундай қилиб, мустақиллик йилларида икки қардош-кондош халқ асрлар давомидаги қўшничилик муносабатларини адабий алоқалари асосида юксак даражада ривожлантирди, яъни маънавий кадрятлар, урф-одат ва анъаналарга асосланган азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлади. Биринчи Президент Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда: *«Биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз»* [19]. Шундай экан, биз икки халқ адабий алоқаларини классик ижодкорлар меросини тарғиб қилиш билан чекланиб қолмасдан балки, ҳозирги замон ижодкорлари ўртасида ҳам адабий ҳамкорликни кенг қамровда йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Мухатасар қилиб айтганда, адабий алоқалар икки давлат маданий ҳамкорлигининг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этилаётганлигини, яъни, узлуксиз равишда Ўзбекистон ва Туркменистонда маданий ва адабий алоқаларга доир ўтказиб келинаётган мавсумий маданий тадбирлар билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шубҳасиз, ана шу тамойиллар асосида адабий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожини – қардош ўзбек ва туркман халқларининг тили, адабиёти, маданияти, урф-одатлари ва санъати қоришиб кетганлиги натижалари юксак қадрланиши, бу эса, давлатларaro маданий соҳа ҳамда унинг таркибий қисми саналган адабий йўналишдаги алоқаларни асрлар оша бардавом эканлигидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Қурамбаев К. Ўзбек – туркман адабий алоқалари. Тошкент. «Фан», 1978. Б.14.
2. Қурамбаев К. Ўзбек – туркман адабий алоқалари. Тошкент. «Фан», 1978. Б.58.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат нашриёти. 2004. Б.688.
4. Қурамбаев К. Ўзбек – туркман адабий алоқалари. Тошкент. «Фан», 1978. Б.54-55.
5. Қурамбаев К. Ўзбек – туркман адабий алоқалари. Тошкент. «Фан», 1978. Б.208.
6. Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарлари Баёноти. // «Совет Ўзбекистони». 1990 йил 24 июнь.
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. Б.55.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎЗРМДА), М-37 фонд, 2-рўйхат 81- йиғма жилд, 16–19-варақлар.
9. ЎЗР МДА Ф-М-7, Р-1, ЙЖ-333, 149-варақ.
10. ЎР МДА М-7 фонд, 1-рўйхат 330 йиғма жилд 152-варақ; «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркменистон Совет Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартнома. // «Совет Ўзбекистони». 1991 йил 21 апрель.
11. Махтумқули-Фироғий. Сайланма. Туркман тилидан А. Жумаев ва Ж.Зулпиев таржимаси. –Т.: «O'zbekiston», 2008. Б.408.
12. Махтумқули. Булбул ноласи. Туркман тилидан Э.Очилов таржимаси. Т.: «HILOL-NASHR», 2014. Б.8-22.
13. «Халқ сўзи». 2010 йил 31 март.
14. Муллонафас. «Зухра ва Тоҳир» достони, шеърлар. Туркман тилидан Муззафар Аҳмад таржимаси. Тошкент, «Cho'iron», 2010. Б.208.

15. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20 жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2012. Б.160.
16. Выступление на расширенном заседании официальных делегаций Туркменистана и Узбекистана (18.10.2007 г). // Внешняя политика и дипломатия нейтрального Туркменистана. Речи, выступления и интервью президента Туркменистана Гурбангулы Бердымухамедова. Ашгабад. – 2007. С.71.
17. Выступление Президента Гурбангулы Бердымухамедова на 66-й сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций. // Внешняя политика и дипломатия Туркменистана. 3/2011. С.108.
18. Пирмухамедов С. Туркменистон: мустакиллик ва тараққиёт. // «Халқ сўзи» 2011 йил 26 октябрь.
19. Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: «O'zbekiston», 2015. Б.32.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрываются литературные связи узбекского и туркменского народов. Сделан анализ издавна формирующегося процесса и степени развития литературных связей двух народов. В частности, автором на примерах дано пояснение тому, какое важное значение в развитии литературных связей двух народов имеет достижение независимости государств Узбекистана и Туркменистана. Особое внимание уделяется важной роли литературы в обеспечении мира и дружбы между народами. Также в статье изложены заключения автора о динамике развития литературных связей.

Ключевые слова: узбек, туркмен, литература, литературные связи, поэзия, Алишер Навои, Махтумкули, Узбекистан, Туркменистан, мир между народами, культура, культурное содружество.

RESUME

This article mostly highlights the literary relationship between Uzbek and Turkmen nations. It analyzes the development and formation procedure of literary bounds between two nations from early times. Especially, the author has illustrated the significance of the improvement of literary after obtaining independence of both Uzbekistan and Turkmenistan with examples. Particularly, more attention is drawn to the role of literature in assuring amicable relationship among nations and the dynamic progress of this trend is summarized as well.

Key words: Uzbek, Turkmen, literature, literary bounds, poetry, Alisher Navoi, Makhtumkuli, Uzbekistan, Turkmenistan, international amicable relationship, culture, cultural concordance.

АҲОЛИ МИҚДОРНИНГ ТАҚРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУАММОСИГА ДОИР

Мирзалиев У.Б. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада сўнги йилларда Ўзбекистонда кузатилаётган туғилишнинг пасайиши, аҳоли миқдорини тақрор ишлаб чиқаришдаги муаммолар таҳлил қилинди. Бу жараёнларга таъсир кўрсатувчи омиллар ва муаммоларни бартараф қилиш йўллари ҳусусида хулосалар чиқарилди.

Калим сўзлар: аҳоли, туғилиш, тақрор ишлаб чиқариш, демография, миграция.

Жаҳон амалиётида у ёки бу мамлакатдаги иқтисодий тараққиёт таҳлили берилмоқда. Айниқса, иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолини тақрор ишлаб чиқаришнинг асосий омили ҳисобланган туғилиш ривожининг хусусиятлари ҳам эътиборни тортмоқда. Негаки, туғилишнинг камлиги – бу фақат болалар сонининг камлиги эмас, балки узок муддатли истиқболда туғилишнинг камлиги – бу иқтисодиётдаги потенциал истеъмолчилар сонининг пасайиши, меҳнатга қобилиятли ёшларнинг камлиги ҳам демакдир. Туғилишнинг пасайишида турар жойларга талаб пасаяди, тадбиркорлик қалтисликларига тайёр бўлган кишилар сони ҳам пасаяди. Замонавий жамиятда инсонлар уларнинг иқтисодий маҳсулдорлиги асосида баҳоланадилар.

Иқтисодиёт туғилишга тўғридан-тўғри эмас, балки бавосита, кўплаб каналлар орқали таъсир ўтказиши. Тарихан туғилишнинг эволюцияси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан белгиланади. XIX асрда ва XX асрнинг 70-чи йилларигача Ўзбекистон ҳудудида аёллар 5-7 та бола туғардилар. Кейинчалик туғилиш пасая боради. Туғилишнинг юқори даражаси саноатнинг ривожини, кўрик ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши билан ҳам боғлиқ. Чунки 1956 йилдан бошлаб Ўзбекистонга бутун собиқ Совет Иттифоқи ҳудудларидан кўплаб ёшларнинг, айниқса, ёш эркекларнинг келиши кузатилди. Бу жараён айниқса, Мирзачўлни ўзлаштириш ва Тошкентни зилзиладан кейин тиклаш пайтида кузатилди. Туғилиш даражасининг пасайиши эса Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва 1940-чи йилларнинг охиригача кузатилган эди. Демографик дисбаланс уруш, қатағонликлар, умрнинг узоклиги, ҳамда аёлларга нисбатан эркекларнинг ўлим миқдорининг юқорилиги сабабли содир бўлди. Бу даврда деярли барча индустриал мамлакатларда эркеклар умрининг узоклиги аёлларникидан кам бўлиши кузатилган. Фақат айрим истиснолар бор, холос. Масалан, 1970-чи йилларда истиснолар қаторида учинчи дунё мамлакатлари – Шри Ланка, Ҳиндистон, Покистон, Кампучия, Юқори Вольта келтирилган эди. Бу мамлакатларда индустриаллаштириш ҳали эркеклар ҳаёти учун вайронкор бўлган натижалар келтирмаган эди.

Туғилишнинг ва аҳолини тақрор ишлаб чиқаришнинг пасайиши муаммосига доир иккита асосий нуқтаи назар мавжуд. Биринчи ёндашув – туғилишнинг пасайиши ўсиб бораётган эҳтиёжлар ва уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги ўзилиш билан изоҳланади. Иккинчи ёндашув асосида моддий ва маданий омилларнинг туғилишга таъсир кўрсатиши концепцияси ётади. Моддий омил ва маданий омил қарама-қарши йўналишларда амал

қилишади. Ҳаёт даражасининг юксалганида моддий омил болаларга бўлган эҳтиёжни қондиришга оид моддий имкониятларни тавсифлайди. Иккинчи омил эса, янги талабларни юзага келтириши туфайли, эҳтиёжларнинг бутун тизимини ўзгаришига боғлиқ. Ана шу икки омилнинг биргаликда амал қилиши туғилиш даражасининг якуний ўзгаришларига олиб келади. Ҳаёт даражасининг кўтарилиши билан туғилиш даражаси тушиб қолади, чунки даромадларнинг ўсиши билан маданий даража ҳам ўсади, маданий даражанинг ўсиши билан эса ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш борасидаги ахлоқий масъулияти ҳам ошиб боради.

Сўнги йиллар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳоли турмушининг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон иқтисодиётининг ислох қилиниши ва ушбу жараён билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ишлаб чиқаришнинг ва аҳоли даромадларининг пасайиши ва бошқа ҳолатлар демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатди.

Олимлар демографик хулққа таъсир кўрсатувчи сиёсий, маданий, диний, медик, биологик, иқлимий ва бошқа кўплаб омиллар орасида ижтимоий-иқтисодий омиллар алоҳи ўрин тутиб, демографик хулққа ўзига хос таъсир кўрсатади, деб таъкидлашмоқда. Бироқ, бу омилларни демографик жараёнларнинг сабаблари билан мослаб бўлмайди.

Ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда аҳолининг табиий ва механик ҳаракати ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жуда мураккаб ва хануз тўлиқ ўрганилмаган. Ўтиш даврида юз берган инқирозий ҳодисалар меҳнат бозоридаги вазиятни мураккаб-лаштиради ҳамда аҳолининг бандлик даражасининг қисқариши ва ишсизликнинг кучайишига олиб келди. Аҳолининг қашшоқлик, камбағаллик даражаси кескин кўтарилди. Оилаларнинг истеъмолчилик тузилмаси ёмонлашди. Бунинг сабаби оилавий бюджетлардаги энг оддий эҳтиёжларга, авваламбор оила аъзоларини озиқ-овқат билан таъминлашга қилинаётган сарф-ҳаражатлар улушининг кескин кўтарилишидан иборатдир. Кўпчилик уй хўжаликларининг бюджетлари амалда тирикчилик бюджетига айланиб қолди-ки, бунинг натижасида оилаларнинг кўплаб функциялари (шу жумладан, репродуктив функцияси ҳам) маъносиз ҳолатига тушиб қолишди ва, ўз моддий асосини йўқотиб, инқирозга юз тутишди.

Россия ва бошқа МДҲ давлатларидаги демографик вазиятни, шунингдек, Европа мамлакатларидаги демографик вазиятни олимлар инқирозли ёки ҳалокатли деб баҳолашмоқда.

* Мирзалиев У.Б. – ГулДУ ўқитувчиси.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин биринчи марта, 1992 йилдан бошлаб (яъни иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичидан бошлаб), МДХ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, аҳоли сони қисқара бошлади. Мисол учун, Россиядаги аҳоли сони 1992-2008 йиллар даврида 6505, 9 минг кишига қисқарди. Аҳоли сонининг қисқариши табиий камайиш (-12258, 5 минг киши) ва миграцион ўсиш (+5752, 6 минг киши) ҳисобига содир бўлди [1]. Бунда шаҳар аҳолиси сонининг қисқариш тезлиги қишлоқ аҳолисиникига қараганда анча юқорирокдир. Бундай вазиятнинг хавфи куйидаги иқтисодий-географик хусусиятлар билан белгиланиши мумкин:

- мамлакат ҳудудининг қўламдорлиги;
- аҳоли жойлашувининг ва ҳудуднинг хўжалик ўзлаштирилганлигининг бир текис эмаслиги,
- кучли табиий-ресурс потенциали;
- аҳоли таркибининг кўпмиллатлилиги;
- минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича дифференциацияси.

Маълумки, туғилиш жараёнлари аҳолини такрор ишлаб чиқаришнинг асосий таркибий кўрсаткичи ҳисобланади. Сўнгги йилларда эса кўпчилик мамлакатларда туғилишнинг қисқариб кетиши кузатилмоқда. Кўпчилик демограф олимларнинг баҳосига кўра, туғилишнинг пасайиш жараёнлари 1960 йиллардан бошланганки, бунда “фарзандлар авлоди ота-оналар авлодидан миқдор жиҳатидан камроқ бўлиб қолди” [2]. Бу даврдаги туғилишнинг пасайишидаги сабаблар шуки, 1960 йиллар ўрталаридан бошлаб репродуктив ёшдаги аёллар тузилмаси ўзгарди, бу йилларда репродуктив ёшга уруш даврида ва урушдан кейинги дастлабки йилларда туғилган камсонли аёллар авлоди кириб келган эди. Улар асосан фаол меҳнат фаолияти, юқори таълим ва касбий мақомга эришишни, турмуш даражасини юксалтиришни мақсад қилиб олган эдилар. Айниқса, шаҳарлардаги аёлларнинг репродуктив мақсадлари пасайиб, улар камболали оила кура бошладилар. Бундан ташқари, Иккинчи жаҳон уруши даврида кўплаб эркак аҳоли халок бўлгани ва туғилишлар сони қисқаргани туфайли, расмий никоҳлар сони қисқарди ва ўзига хос демографик инқироз бошланган эди.

1980 йилларга келиб, демографик сиёсатнинг чоралари натижасида туғилиш ўсди, бироқ 1980 йиллар охирига келиб репродуктив ёшдаги аёлларнинг кўпсонли авлоди ўрнига 1960 йилларда туғилган камсонли авлоди келди. Бунинг натижасида, 1992 йилда туғилиш кескин пасая бошлади(3).

Ўтиш давридаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўзига хос хусусиятлар туғилиш миқдорига салбий таъсир кўрсатди. Биринчидан, иқтисодий қийинчиликлар ва беқарорлик аҳоли турмуш даражаси ва сифатини пасайтиради, ҳамда “рационал прокреацион хулқ иқтисодий назариясига мувофиқ” болаларни боқиш ва тарбиялашга сарфланадиган қўшимча харажатларни камайтириш мақсадида туғилишнинг пасайишига олиб келади. Демограф-олим А.Совининг фикрича, “агар

бевосита ишсизлик таҳдидига учраётган аҳоли қисмида никоҳ муносабатлари пасайса, унда туғилиш миқдори хатто ишсизлик бевосита камраб олмаган ижтимоий гуруҳларда, масалан, давлат хизматчилари гуруҳида, ҳам пасайиши мумкин”. Шунингдек, кўпболали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болалар нафақаси ҳажмининг ўсиши ёки пасайиши ҳам туғилишга таъсир кўрсатади.

Аҳоли турмушидаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни (даромадлар ўсиши, уй-жой шароитларининг яхшиланиши) яхшилаш шарт билан туғилишнинг кўпайишини маълум даражада таъминлаш мумкин ҳамда репродуктив мақсадларни амалга оширилишини тўхтатиб тураётган тўсиқларни бартараф қилиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон аҳоли миқдори бўйича Марказий Осиёдаги энг йирик давлат ҳисобланади. Ўзбекистон улушига минтақадаги аҳоли умумий миқдорининг 44% тўғри келади. Л. Максакованинг таъкидлашича, Ўзбекистон, бошқа мамлакатларга қиёслаганда, 1,1-1,2% доирасидаги ҳар йилги аҳоли кўпайишига эга бўлган кўпаяётган аҳолига эга бўлса-да, сўнгги йилларда демографик ўсишда секинлашиш кузатилмоқда [5]. Ҳозирги кунда аҳолининг ўсиш суръатлари 1990-чи йиллар бошларига қараганда икки баробар паст, 1980-чи йилларга қараганда эса 2,5 баробар пастроқ. Бу ҳол республикада аҳоли туғилишининг пасайиши ва миграцион кўчишларнинг ўсишига боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда туғилиш пасайиши кузатилса ҳам, умуман олганда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш режими, айниқса қишлоқ жойларида, сақлаб қолинмоқда. Келгусида эса, Ўзбекистон аҳолисининг репродуктив режалари битта фарзандликка эмас, балки икки-уч ва хатто тўрт болали оилаларга қаратилган. Мамлақатимизда аҳоли миқдор кўрсаткичига миграция ҳам таъсир кўрсатмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозирги миграцион оқим ҳар йили республика аҳолисининг 0,3%ни олиб кетмоқда. Асосан, аҳолининг этник миграцияси содир бўлиб, руслар, немислар, қрим татарлари, яҳудийлар, украинлар, қозоқлар, қирғизлар ўз тарихий ватанларига кўчиб кетишмоқда. Шунингдек, оммавий меҳнат миграциялари ҳам аҳолининг оилавий таркибига, унинг жинс ва ёш тузилмасига, аҳолини такрор ишлаб чиқариш режимига салбий таъсир кўрсатмоқда, чунки меҳнат миграциясида асосан ёш ва ўрта ёшдаги эркаклар ва аёллар иштирок этишмоқда.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг (Тошкент ш.) илмий ходими Л.А.Цхай кўрсатганидек, 1991-2005 йилларда туғилишнинг камайиши, ўлим даражасининг пастлиги (ҳар 1000 кишига 6 ҳолгача), миграция манфий сальдоси ўсиши муҳитида, аҳоли сони ўсиши суръатларининг 2,6 % дан 1, 2 %гача пасайиши кузатилган. 2006-2013 йилларда эса 20-29 ёшли аёллар сони кўпайгани туфайли (уларнинг улушига кўп туғишлар тўғри келади), туғишлар сони ва туғилишнинг умумий коэффициентини ўсиб борган. Бунда ўлимлар даражаси пастлигича

сақланиб қолган (1000 кишига 5 ҳолгача) ва миграция оқими барқарорлашиб, аҳоли ўсиши суръати йилига 1,7 % гача кўтарилган [6]. Л.Цхайнинг фикрича, Ўзбекистонда туғилиш динамикасининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, истиқболда мамлакатимизда туғилишнинг нисбатан юқори даражаси сақланиб қолади ва аста-секин туғилишлар сони оптимал даражагача (хар 1000 кишига 17-18 туғилиш) пасайиб бориши мумкин [6].

Хулоса тариқасида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

Ўтиш даврида ўзгараётган иқтисодиётнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ва аҳолида репродуктив мақсадларга оид стереотипларнинг ўзгириши оилалардаги репродуктив хулқ ва қарашларга маълум таъсир ўтказди. Бунинг натижасида аҳоли репродуктив потенциалини амалга ошириш имкониятларини чекланди ҳамда туғилиш даражаси пасайди.

Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикасидаги туғилиш потенциали етарлича юқори бўлиб қолмоқда, бироқ уни амалга ошириш даражаси паст. Демографик жараёнларнинг ривожланишида бундай аҳвол давом этаверса, истиқболда туғилишнинг янада қисқариши кузатилиши мумкин.

Туғилишни юксалтиришга қаратилган демографик сиёсатдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишда демографик тузилма ва аҳолининг репродуктив хулқи омилларининг уларни туғилиш даражасига кўрсатаётган таъсири борасидаги ўзаро нисбатини ҳисобга олиш зарур ҳамда аҳолида мавжуд бўлган репродуктив потенциалнинг амалга оширилиш даражасини кўтара оладиган репродуктив хулққа фаол таъсир кўрсатиш керак бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишнинг даражаси ва характери ўртасида нафақат бевосита, тўғри алоқа, балки тесқари алоқа ҳам мавжуд. Бир томондан, иқтисодиётнинг аҳволи (биринчи навбатда – даромадлар даражаси орқали) туғилишга таъсир кўрсатса, бошқа томондан, аҳолида демографик хулқдаги ўзгиришлар аҳоли сонига (миқдорига), унинг жинсий ва ёшга оид тузилмасига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса яқин келажакда иқтисодиётга ноқулай таъсир кўрсатиши мумкин, чунки бугун туғилмаган фарзандлар – бу эртанги меҳнат ресурсларининг етишмаслиги (дефицити) демакдир. Шунинг учун ана шу муаммонинг ўткирлашмаслиги учун, уни муваффақиятли ҳал қилиш лозим.

Бу борада Ўзбекистонда 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола” йили деб эълон қилиниши муҳим воқеа бўлди. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар дастурида 2016 йилда, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш ва бошқа ишлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси эса оиланинг соғломлигига олиб келади. Оила соғлом бўлса, аҳолининг репродуктив потенциали ижобий ҳолатга келади. Давлатимиз аҳолини бебаҳо капитал сифатида баҳолайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан аҳоли ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсат мамлакатимизда инсон капитали даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Сови А. Общая теория населения. - М., Наука.1977. Т. 2. С. 193.
2. Захаров О. Д., Акопян А. С., Харченко В. И. Эволюция рождаемости в России во II половине XX века: история, современность и перспективы // Проблемы прогнозирования. 2002. № 6. С. 94–106 ; Ионцев В. А., Алешковский И. А. Природа и факторы демографического кризиса в современной России // Национальная идентичность России и демографический кризис : материалы Всерос. науч. конф. (20–21 окт. 2006 г.). - М., 2007. С. 111.
3. Россинская Г.М., Скрыбина Я.А. Влияние особенностей трансформационной российской экономики на репродуктивное поведение и рождаемость. // Демографические исследования. №12. [Электронный ресурс] URL: www.demographia.net/ (Дата просмотра 24.11.2015)
4. Смуглевич Б. Я. Критика буржуазных теорий и политики народонаселения. - М., Наука.1959. С. 74.
5. Максакова Л. Демографический путь Узбекистана. // Демоскоп weekly. 01.03.2006.
6. Цхай Л.А. К вопросу о рождаемости в Узбекистане. // Демоскоп weekly. - № 617 – 618. - 3 - 16 ноября 2014 [Электронный ресурс] <http://www.demoscope.ru/weekly/2014/0617hp/analit02.p>

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются наблюдаемые в последние годы в Узбекистане снижение рождаемости, проблемы воспроизводства численности населения. Сделаны выводы о факторах, влияющих на эти процессы, и путях решения проблем.

Ключевые слова: население, рождаемость, воспроизводство, демография, миграция.

RESUME

This article analyzes observed in recent years in Uzbekistan birth rate, the number of reproductive problems of the population. The conclusions about the factors influencing these processes and ways of solving problems.

Key words: population, fertility, reproduction, demography, migration.

ТАЪЛИМНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВ ТАРИХИ БЎЙИЧА БАЪЗИ ҚАЙДЛАР

Муҳиддинов С. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўтган аср маҳаллий, рус ва хорижий матбуоти материаллари асосида ватанимизда таълимнинг модернизациялашув тарихи очиб берилган. Муаллиф чор мустамлакачилиги даврида Туркистонда таълим соҳасидаги модернизация жараёнлари стихияли, экстенсив тарзда, турли баҳслар билан давом этиб борганлигини кўрсатишида “Туркистон вилоятининг газети”, “Туркестанский ведомости”, туркча “Хизмат” газеталари ҳамда “Русская школа” журнали материалларидан кенг фойдаланган. Тадқиқот Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг тарихий илдишларини ўрганишга бағишланган.

Калит сўзлар: модернизация, хусусий таълим, мактаб ва мадрасалар, мустамлакачилик, янги усул, мударрис, хорижий тиллар.

Ўз жамиятида модернизация жараёнларини эволюцион тарзда амалга ошира олган мамлакатларда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва технологик соҳалардаги тараққиёт секинлик билан эмас, балки интенсив тарзда рўй беради. Чунки, узокни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар босқичма босқич, замон мантики билан ҳамоҳанг тарзда йўлга қўйилгани сабабли унинг самаралари ҳам тезда кўзга ташланиб туради.

Этимологик жиҳатдан “модернизация” атамаси ўрта асрлардаги лотинча, modo (ҳозирнинг ўзида, ҳозирги вақтда, эндиликда каби маъноларни англатади) сўзига бориб тақалади. Кейинчалик ундан modern, modernizer сўзлари келиб чиққан. Modern (французча moderne) янги, замонавий деган маъноларни англаб, такомиллаштириш, янгилаш, замонавий талаблардан келиб чиқиб ўзгартириш деган маъноларни англатади. XX аср ўрталарига келиб “цивилизациялашган жамият” маъносини англатувчи modernity тушунчаси шаклланди. XIX ва XX аср бошларида фаолият юритган ғарб олимларидан М.Вебер, Ф.Теннис, Э.Дюркгейм модернизация назариясини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшдилар. Уларга кўра, дунёдаги барча халқларнинг тараққиёти бир хил йўналишда рўй беради, универсал босқичларни босиб ўтади ва бунда бир-бирига ўхшаш, мантиқан яқин бўлган қонуниятлар амал қилади[2]. Ушбу қарашларга биноан жамиятнинг ижтимоий-сиёсий янгиланиш жараёнида оддий социал структурадан мураккаб тизимга ўтилади, ижтимоий интеграциялашув иқтисодий моҳият касб этади, бозор муносабатларига ўтиш рўй беради, жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси ўз турмушини яхшилаш учун курашиб, ижодкор – кашфиётчи ҳолатига ўтади, одамлар онгида плюреалистик қарашлар рўй беради, ниҳоят демократик маданият ўсуви кузатилади[3].

Мазкур қонуниятлар мустақилликни қўлга киритиб, фуқаролик жамияти барпо этаётган Ўзбекистон жамиятига ҳам тегишлидир. Зеро Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: “Бизнинг асосий узок муддатли ва стратегик вазиғамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти куриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустақамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир. Мамлакатимизни

ривожлантириш стратегияси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, “бошқариладиган иқтисод” ёки “бошқариладиган демократия” деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди. Албатта, биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда “Ўзбек модели”нинг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз”[1].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнлари ўз моҳиятига кўра, тамомила юртимизда халқимиз учун озод ва обод эркин ва фаровон ҳаётни яратишнинг қафолатли йўналиши бўлган, замонавий фуқаролик жамиятини қарор топтиришга қаратилди. Барча турдаги ислохотлар мазмунан янгиланиш ва замонавийлаштириш сиёсатининг манфаатларига мослаштирилди. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, ватанимиз мустақиллигини янада мустақамлаш, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва янгилаш модернизация жараёнларининг асосий ўзагини ташкил этди.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳал қилувчи рол ўйнаган Биринчи Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган, аниқ мақсадларга йўналтирилган замонавий таълимни рўёбга чиқаришга қаратилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва шунингдек, мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурларининг қабул қилиниши, таълим-тарбия соҳасида эски қолип ва асоратларидан холи бўлган, бугун ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган янги тизимни ҳаётга татбиқ этганимиз ҳақиқатдан ҳам тарихий бир воқеа бўлди.

Ўзбекистонда таълим соҳасидаги модернизация бу аввало, янги авлод кадрларини тайёрлаш тизимини шакллантиришдан иборатдир. Бу соҳада куйидаги вазиғалар бажариб борилмоқда: биринчидан, барча турдаги таълим муассасаларида, юқори малакали мутахассис кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш; иккинчидан, давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмининг янада такомиллаштириш; учинчидан, ихтисосликлар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабларни таҳлил этиш, мониторингини амалга

* Муҳиддинов С. – СамДУ ўқитувчиси.

ошириш; тўртинчидан, таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатдан ислоҳ қилиш учун ўқитувчилар ва мураббийларни қайта тайёрлаш; бешинчидан, давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Касб танлашнинг бозор эҳтиёжлари ва имкониятларини эътиборга олиш, ҳар бир шахснинг ўзига мос касбни эгаллаш салоҳиятини янада ошириш; олтинчидан, янги авлод кадрларини тайёрлаш тизими истеъмолчилари – корхоналар, муассасалар, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг имкониятларидан олий ўқув юр்தларининг моддий-техникавий ва молиявий базасини мустақкамлаш учун мумкин қадар кенгрок фойдаланиш; еттинчидан, хусусий таълим муассасаларини меъёрда ташкил этиш. “Бинобарин, янги фуқаролик жамияти қуриш йўлига ўтган ҳар қандай давлат маърифат ва маънавият масалаларига, хусусан, маънавиятга, маънавий тарбияга жиддий эътибор бермоғи шарт”[4].

Таълим-тарбиянинг сифатини таъминлаш бош вазифа сифатида белгиланган бу босқичда таълим фаолиятининг самарадорлигини ошириш, рақобатбардош, малакали янги авлод кадрларини тарбиялаб етиштириш соҳасида муносиб натижаларга эришилди. Олий таълим тизимида бакалаврият ва магистратура босқичларига тўлиқ ўтилганлиги, талабалар билим-малакасини баҳолаш рейтинг тизими тобора такомиллашаётганлиги, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш барқарор тизим ҳолига келтирилганлиги, таълим-тарбияда илғор педагогик технологиялар ҳамда интерактив усуллар тобора фаоллашаётгани, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг замон талабларига мос янги авлодлари яратилганлиги ҳозирги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Мана шу оламшумул воқеаларни мушоҳада қилганда бундан бир асрдан кўпроқ аввал юртимизда таълим соҳасида модернизация жараёнлари кўз олдимизга келади. Бу даврда Шарқ ва Ғарб маданиятлари ўртасида тўқнашув юз бериб, айрим соҳаларда “қисман модернизациялашув”, айрим соҳаларда “жузъий модернизациялашув” ҳодисалари юз берганлигини биламиз. Туркистон халқлари таълим соҳасида анъанавий усулда давом этар, араб ёзувидан фойдаланиш устувор эди. Диний эътиқоднинг бошқа бошқа эканлиги, ўзаро ишончсизлик ерли аҳолининг Россия, шунингдек Европа илм-фани ва таълим тизимидан баҳраманд бўлишини чеклаб келган.

Аммо бу соҳада модернизация жараёнлари стихияли равишда, экстенсив тарзда давом этиб борганлиги тарихдан маълум. Туркистонда таълим соҳасидаги модернизация чор Россияси истилосидан кейин бошланди. Рус ҳукумати дастлаб, Қўқон хонлигидан тортиб олинган Туркистон ерларида истиқомат қилувчи халқларни руслаштиришни режалаштирган бўлиб, туркий халқлар гарчи мусулмон бўлса ҳам, худди татар, бошқирд, қрим-татар халқлар сингари Россия қарамоғида рус турмуш тарзида яшай беради, бинобарин, уларни бошқариш ва назорат қилиш осон кечади деб ўйлаган. Бироқ Тошкент вилояти аҳолиси

мусулмончилик анъаналарига қаттиқ риоя қилган ҳолда рус ҳукуматига итоатда яшашни ирода қилганлигини инобатга олиб, маиший ҳаётда уларга шариат асосида турмуш кечириш учун изн беради. Бу ҳол таълим соҳасига ҳам тегишли эди. Шунга кўра, чор ҳукумати тасарруфидаги ерларда мусулмонча мактаб ва мадрасалар фаолияти эски усулда давом этди.

Аммо рус-тузем мактаблари ўқув дастури ва ўқув тартиби мусулмон мактабларидан ўзининг амалий жиҳатдан афзаллиги маълум бўлиб қолгач, замондан ортда қолмаслик, мавжуд тартибга мослашиш эҳтиёжи мусулмон мактаб ва мадрасаларида ҳам анъанавийликдан воз кечиб, янгиланиш сари қадам қўйиш жараёнлари бошланди. Бу жараён матбуотда ҳам ўз аксини топа бошлади. Хусусан, “Туркистон вилоятининг газетаси” ва “Туркестанский ведомости” газеталарида Туркистон мактаб ва мадрасалари ўқув тизимини ислоҳ қилишга бағишланган қатор мақолалар чоп этилган. Шуниси эътиборлики, ушбу газеталарда ерли аҳоли вакилларининг мақолалари билан бир қаторда хориж матбуотида босилган мақолалар таржима этилиб, босилган. Жумладан, Россияда чиқадиган “Русская школа” журнали, Туркияда чиқадиган “Хизмат” газетасида босилган таълим масаларига доир мақолалар рус ва ўзбек тилларига ўтирилиб, жамоатчиликка ҳавола этилган.

Ўша вақтда Туркияда чиқадиган “Хидмет” (“Хизмат” ёки “Курьер” маъносида) газетасида таълимни модернизация қилишга бағишланган бир долзарб мавзудаги мақола бутун турк дунёсига тегишли бўлгани сабабли рус ва ўзбек тилига таржима этилиб, айрим фикрлар иқтибос тарзида “Туркистон вилоятининг газетаси”нинг 1894 йилдаги 9-сонидан эълон қилинган.

“Турк газетаси “Хидмат” шундай ёзади: “Мусулмон мадрасаларида ўқитиш араб тилида олиб борилади. Бу барча мусулмонларни дин ва маърифатни ўзлаштириш йўлида бирлаштиради. Бироқ ҳамма соҳалар такомиллашиб бораётган бир пайтда араб тилини ўқитиш ҳам тараққий этиб бормоғи лозим. Агар эскириб қолган усул давом этаверса, тараққийёт ўрнига барибир таназзул содир бўлади. Мадрасаларда ҳамон мункиллаб қолган таълим тизими ушлаб турилибди. Шогирд 15 йиллик ўқишни тугатгандан сўнг 35 ёшида чекланган билим ва оз малака ҳосил қилган ҳолда мадрасани тарк этади. У саводли ёзишни удалай олмайди. Бирор бир масалани тўғри еча олмайди, осмон ва замин тўғрисида ҳеч нарсани билмайди”[5].

“Мадрасадаги колоқликдан ҳеч ажабланиш шарт эмас, чунки талаба 15 йил араб тили грамматикасини ўзлаштиришга вақт сарфлайди. Агар уни янги типдаги ўқув юртига жалб этилса, бир неча тилларни, физика, химия ва математикани ўрганади. Қаранг, қандай улкан фарқ!”

“Янгича ўқув юр்தларида форс, француз, инглиз, немис ва араб тили ўқитилади. Шунга қарамай бу ерда араб тили эски мадрасага нисбатан яхши ўқитилаётир. Бу эса эски мадрасаларда

саводсизлик ва ўқитишдаги бетартиблик давом этиб келаётганини кўрсатади”.

“Талабалар бир кунда “бир сатр” ўқиб-ўрганди, ўқув йили охиригача эса сатрлар жуда кўпдир. Ҳолбуки, бу белгиланган билимни 20 йилда эмас, уч йилда ўзлаштириб олиш мумкин. Шунинг учун мадрасаларда араб тилидан бошқа фанларни, масалан, таржимонлик курсини ҳам киритиш лозим”.

Ушбу иқтибосларни келтирар экан, газета тахририяти шундай мулоҳазани ҳавола қилади: “Ўз томонимиздан шуни таъкидламоқчимизки, турклар эски усул мактабларидаги номаъкул ҳолатларни англаб етиб, уни ислоҳ этиш устида бош қотираётган экан, туркистонли мусулмонлар ҳам ўз мактаблари аҳволи ҳақида ҳам қайғуришлари зарурдир”[7].

Газета тахририятнинг “юмшоқ ва беозор” мулоҳазаларига эътибор берилса, унда ерли зиёлиларнинг эскича ўқитиш тартибини танқид қилиш, ёки унинг ўрнига янги усулни жорий этишга чақириш оҳанги сезилмайди. Афтидан ўша даврда бундай муносабат билдирилса, салбий кутиб олинishi эҳтимолдан холи бўлмаган, шекилли.

Лекин орадан кўп ўтмай “Туркистон вилоятидаги мадрасаларнинг катта мударрисларга берилган ҳукумат ва оларга буюрилган хизмат хусусида тайин бўлган дастурил амал” “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1894 йил, 15 март, 15-сонидан эълон қилинадик, юқоридаги таржима мазкур масалага аста-секинлик билан киришиш бошланганлигидан далолат беради. Худди шу

дастурил амалга Ибн Яминбек Худоёрхоновнинг “Туркистон вилоятидаги сартия мадрасаларида катта мударрисларга берилган дастурил амал хусусида” номли шарҳ мақоласи 1894 йили “Туркистон вилоятининг газети”нинг 19, 21, 29, 30, 31-сонларида босилиб чиққан. Бу давомдор мақола дастурил амалга шарҳ ва изоҳ сифатида ёзилган. Мақола бошида муаллиф маҳаллий халқ таълимини ислоҳ қилишни кўзда тутувчи дастурил амалнинг ижтимоий аҳамиятини таъкидлашдан бошлайди. Ерли аҳолининг илмли ва маърифатли бўлиши ва бошқа халқлар қатори илғорликка эришувини чин дилдан истаган зиёли шундай дейди: “Ҳукуматдорлар Туркистон вилоятидаги фуқароларни ҳам жаҳолат қоронғусидин чиқармоққа ҳаракат этадурлар. Ўшандоқ ҳам бўлса сартиялар орасида бунинг қадрига етмагонлари кўпдур. Баъзи вақтларда сартияларнинг паст даражадаги одамлари ҳокимларнинг буйруқ ва фармойишларини тушунмасдин, ғалат қилиб, ёмон мазмунда баён қилмоққа ижтиҳод қиладурлар.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, Туркистонда чоризм шароитида таълимни модернизация қилиш жараёнлари аҳоли аҳволини эътиборга олиб, экстенсив тарзда олиб борилган. “Жадид”ларнинг кескин ва бироз жанговар ҳаракатлари дастлаб қаршилиқ ва тўсқинликка учраганлиги, катта қийинчилик билан ҳаётга жорий этила бориши ҳам шу билан изоҳланса керак. Бу энди алоҳида баҳс мавзуси бўлиб, уни тўлақонли ёритиш айрим киёсий таҳлилларни такозо этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –Б.96.
2. Даль Р. О демократии. – М.: Аспект-Пресс, 2000. –Б.17.
3. Мухаев Р.Т. Политология. -М.: Проспект, 2011. –Б.44.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғриси”даги қонуни. № 461-1. 1997.
5. Туркистон вилоятининг газети. 1894. 9-сон.
6. Туркистон вилоятининг газети. 1894.19-сон.
7. Туркистон вилоятининг газети. 1894.19-сон.

РЕЗЮМЕ

В статье, по материалам периодической печати прошлого века раскрываются некоторые вопросы истории модернизации образования в Узбекистане. Автор отмечает, об экстенсивном формате и дискуссионности модернизации образования в условиях колониализма. В статье широко использованы уникальные материалы туркестанских газет «Туркистон вилояти газетаси», «Туркестанские ведомости», турецкой газеты «Хизмат», и российского журнала «Русская школа». Особое внимание в статье уделено выявлению истоков и корней Национальной программы по подготовке кадров» подготовленной и реализуемой в годы независимости Узбекистана.

Ключевые слова: модернизация, частное обучение, мактаб и медресе, колониализм, новый метод, мударрис, политический процессы, иностранные языки.

RESUME

The article, based on the periodical press of the last century reveal some questions of history of modernization of education in Uzbekistan. The author notes about the extensive format and discussion of modernization of education in the conditions of colonialism. The paper is widely used unique materials Turkestan newspaper "Turkistan viloyats gazetasi", "Turkestan Gazette", the Turkish newspaper "KHIZMAT", and the Russian magazine "Russian school". Particular attention is paid to addressing the causes and roots of the National Training Program "prepared and implemented in the years of independence of Uzbekistan.

Key words: modernization, private education, school and madrasah, colonialism, new method, political position, foreign languages.

ВКЛАД Н.А. МУХИТДИНОВА В РЕАБИЛИТАЦИЮ НЕЗАКОННО РЕПРЕССИРОВАННЫХ В 30-Е ГОДЫ XX ВЕКА В УЗБЕКИСТАНЕ
(штрихи к политическому портрету)

Мачин Г.В. *

РЕЗЮМЕ

В статье на конкретных материалах обобщена и осмыслена многогранная деятельность Нуриддина Акрамовича Мухитдинова на посту руководителя верховных органов республики в реабилитации невинных людей, расстрелянных в 30-е годы в Узбекистане. Автор заострил внимание на политических процессах, репрессивное острие которых направлено, прежде всего, против руководящих партийных, советских и хозяйственных кадров. В статье широко используются цитаты из воспоминаний Н.А. Мухитдинова, подтверждающие произвол и вопиющие нарушения законности.

Ключевые слова: Репрессия, судьба, верховный, протокол, многогранный, необоснованный, идеология.

Нуриддин Акрамович Мухитдинов (1917-2008), принадлежавший к числу известных в прошлом партийных и советских работников – высшего командного эшелона. Этот щедрый, одаренный природой человек оставил о себе яркий след не только в истории нашего государства. Его судьба была типичной для многих в прошлом партийных и государственных деятелей, занимавших высокие посты. В течение одиннадцати лет (1946-1957) он прошёл путь от лектора ЦК Компартии Узбекистана в марте 1946 г. после демобилизации из Советской армии до избрания члена Президиума и секретаря ЦК КПСС в декабре 1957 г. В зените своей партийной и государственной деятельности Н.А. Мухитдинов дважды (1947, 1953) пережил трагедию – едва не погиб от смертельного яда клеветы. Нуриддин Акрамович является тем деятелем, к кому судьба оказалась несправедлива, о ком узбекский читатель знал мало. При подготовке данной работы автор этих строк принял в расчёт степень реального участия Н.А. Мухитдинова в общественной и политической жизни[1]. Автор этих строк собирал материалы для этой работы более 20 лет, вспомнил, ещё раз обдумал все встречи и беседы тех ответственных партийных работников, кто работал с Н.А. Мухитдиновым в 50-е годы.

При освещении избранной темы автор этих строк руководствовался воспоминаниями Н.А. Мухитдинова, обширными сведениями компетентных лиц, регулярно встречавшихся с Нуриддином Акрамовичем после его отставки и др. Среди этих лиц, в первую очередь, следует назвать секретаря ЦК Компартии Узбекистана по пропаганде М.Г. Вахабова[2]. Он рекомендовал Нуриддина Акрамовича работать в ЦК.

В этой работе рассматривается огромную роль Н.А. Мухитдинова, будучи руководителем партийной организации республики, в реабилитации людей, расстрелянных в 30-е годы прошлого века в Узбекистане.

Нуриддин Акрамович Мухитдинов родился в ноябре 1917 года в махалле (прежде кишлак) Аллан под Ташкентом в семье крестьянина-бедняка. «Учился я в узбекской школе, где хорошо было поставлено изучение русского языка на уроках и кружках», - писал Н.А. Мухитдинов.

Вопросы о трудном детстве Нуриддина Акрамовича, годах учёбы в школе и московском вузе, годах второй мировой войны, а также о работе на ответственных постах партии в 1946-1949 гг., секретаря ЦК по пропаганде и главы правительства Узбекистана и руководителя партийной организации республики отражены в публикациях автора этих строк[3].

Как известно, 1 декабря 1934 года в Смольном был убит член Политбюро, секретарь ЦК ВКП (б) и первый секретарь Ленинградского обкома партии Киров, случай положивший начало репрессиям. В день убийства Кирова Сталин лично продиктовал постановление о порядке ведения дел по террористическим актам. Сроки следствия были сокращены до 10 дней, обвинительное заключение вручалось жертве за сутки до суда. Дело рассматривалось без прокурора и адвоката. Кассационное обжалование и подача ходатайств о помиловании не допускались.

Это постановление послужило основанием для массовых нарушений законности. Массовые репрессии резко усилились с конца 1936 года после прихода к руководству НКВД Ежова, а затем Берия[4]. Преступным целям изуверского истребления людей служил изобретённый прокурором СССР Вышинским термин «Презумпция виновности». Он выдвинул «теорию», согласно которой по делам о государственных преступлениях главным и решающим доказательством является признание самого обвиняемого. Из этого вытекало, что следствие и суд не обязаны исследовать и устанавливать другие доказательства. По существу незаконные и изуверские пытки (средневековые инквизиторские действия – М.Г.) следственных органов НКВД были возведены в ранг государственной политики.

И когда заходила речь о Ягоде, Ежове и Берии следует разъяснить, что у них были изуверские действия, поступки, которые не уравновешиваются, не нейтрализуются никакими другими, пусть самыми благими действиями. Ежово-Бериевщина по своим политическим действиями не менее страшна, чем средневековая инквизиция.

Сменив Ежова в 1938 г. (он был расстрелян 10 июля 1940 г.) Берия планомерно истреблял

* Мачин Г.В. – доцент НУУз. к.и.н.

людей с какой-то, ненасытной жадой Молоха, с садистским изуверством. Сцена же на которой представляли перед народом Берия и его ближайшее окружение (Меркулов, Абакумов, Кабулов, Мешик и многие другие), разукрашивались цветами. Этот вурдалак – зверь в облике человека, который ничего святого не имел. У него не было морального человеческого облика.

В течение 1937-1938 гг. поток репрессий нарастал, принимая все более массовый и зловещий характер. Масштабы репрессий становились огромными и повсеместными, работники НКВД, поощряемые Ежовым, а за ним – Берией, “соревновались”, кто больше посадит людей в тюрьмы и лагеря, наконец, аресты приняли такие размеры, что и сейчас недостает решимости назвать вслух астрономические цифры. Тяжелые репрессии обрушились на партийные, советские и хозяйственные органы, военачальников, руководителей профсоюзных и комсомольских организаций и др. Подавляющее большинство руководителей перечисленного органа были расстреляны. В числе репрессированных и расстрелянных было большое количество людей из Узбекистана. Среди них – руководители республики А. Икрамов и Ф. Ходжаев. Вместе с ними погибли в московских тюрьмах другие узбекские руководители: Д. Тюрабеков, Д. Ризаев, Д. Манжара, Н. Исраилов и сотни крупных партийных работников обкомов, горкомов и райкомов.

В июне 1937 года руководители верховных органов Узбекистана – глава партийной организации и правительства Узбекистана А. Икрамов и Ф. Ходжаева находились в Москве уже как частные лица. Настойчиво добивались встречи со Сталиным, но тщетно. Их арестовали и поместили в Лефортовской тюрьме. Им предъявили обвинение в том, что являются английскими агентами, готовившими якобы передачу Советской Средней Азии английским империалистам. Судебный процесс проходил по делу “антисоветского правотроцкистского блока” в составе 21 человека, среди которых оказались А. Икрамов и Ф. Ходжаев. Поскольку процесс был объявлен открытым, Н.А. Мухитдинов, будучи студентом Московского торгово-кооперативного института, присутствовал на нем[5].

В сентябре 1953 года на пленуме ЦК КПСС Н.С. Хрущев был избран Первым секретарем ЦК КПСС. К числу главных задач, ставящихся перед ним, было глубокое рассмотрение вопроса о реабилитации невинных людей, расстрелянных в 30-х годах. В конце сентября 1953 г. Верховный Совет СССР специальным указом открыл возможность для пересмотра, постановлений бывших коллегий ОГПУ, «троек» при НКВД и упраздненного к тому времени «особого совещания» при НКВД – МГБ – МВД.

Возвращение в общество громадного количества ни в чем, ни повинных людей поставило власть перед необходимостью объяснить причины, постигшей страну и народ трагедии. Такая попытка была сделана в докладе Н.С. Хрущева «О культуре

личности и его последствиях» на XX съезде (февраль 1956 г.), а также в принятом 3 июня 1956 г. в специальном постановлении ЦК КПСС «О преодолении культа личности и его последствий». Здесь уместно привести слова Н.А. Мухитдинова: «Совершенствование деятельности партии, государства, идеологии Хрущев начал с самого себя. Ведь в прошлом он был не меньшим сталинистом, чем другие соратники Сталина. Его вина в репрессиях на Украине известна. Не испугаться и перешагнуть через свою вину – на такое мало кто может решиться»[6].

Став первым секретарем ЦК, он сразу стал изучать вопрос о реабилитации невинных людей, расстрелянных в 30-х годов XX века. Тогда же Верховный Совет специальным указом открыл возможность для пересмотра постановлений бывших коллегий ОГПУ, «троек» при НКВД и упраздненного к тому времени «особого совещания» при НКВД – МГБ – МВД. Возвращение в общество громадного количества ни в чем не повинных людей поставило власть перед необходимостью объяснить причины, постигшей страну и народ трагедии.

В самом начале 1954 года, будучи главой правительства республики Н.А. Мухитдинов был принят Хрущевым. Говорили о массовом истреблении кадров в ходе репрессий 30-х годов. «Мы должны, - заключил он, - вместе разобраться, внести ясности, и сказать народу правду». На вопрос Хрущева, в республике как проходили репрессии в 30-х годах? Нуриддин Акрамович коротко объяснил, но деталей не знает. Хрущев пояснил, что присутствовал на заседаниях Политбюро, где обсуждали заявление первого секретаря ЦК Компартии Узбекистана Акмаля Икрамова летом 1937 г[7].

На вопрос Н.А. Мухитдинова, можно ли ему ознакомиться с документами того заседания Политбюро, Н.С. Хрущев сказал: «Уже неофициально и без огласки приступили к изучению материалов о массовых репрессиях тех лет. Он поручил секретарю ЦК КПСС Поспелову заняться этим делом». В разговоре с Поспеловым П. Н. Хрущев говорил, что Н.А. Мухитдинов интересуется делами репрессированных в 30-х годах. «Помогите ему посмотреть протокол Политбюро лета 1937 года, где обсуждалось дело А. Икрамова. И вообще вовлеките его. Он поможет нам разобраться с тем, что произошло, тогда как здесь, так и в республиках»[8]. Детально ознакомившись с материалами заседания Политбюро обсуждавшего заявление Икрамова, Н.А. Мухитдинов спросил Поспелова П.Н., почему Каганович, Берия, Ежов, Микоян, услышав положительное мнение Сталина об Икрамове, тем не менее, настояли на высшей мере наказания. «Они, - ответил Поспелов П.Н., - очевидно, были заинтересованы в его ликвидации».

По справедливому выражению Нуриддина Акрамовича, Сталин, используя свое положение и власть, мог добиться сохранения Икрамова, а он не делал этого. П.Н. Поспелов ответил, что «В этом – стиль, метод Сталина. Он хотел показаться для

истории объективным, справедливым, но в то же время проверить присутствующих, сделать их ответственным. В этом деле они, конечно, это понимали». Далее Поспелов ознакомил Н.А. Мухитдинова с решением Секретариата ЦК.

10 сентября 1937 г. И.В. Сталин и В.М. Молотов (Председатель Совнаркома СССР) направили в Ташкент письмо, в котором отмечалось: «Пленуму ЦК КП (б) Узбекистана. Ознакомившись: а) с показаниями арестованных Бухарина, Ф. Ходжаева, Разумова, Рыскулова; б) протоколами очной ставки т. Икрамова с Бухариным, Ф. Ходжаевым и, в) заявлением т. Икрамова ЦК ВКП (б) установил, что т. Икрамов не только проявил политическую слепоту в отношении буржуазных националистов, врагов узбекского народа (Ф. Ходжаев, Ходжанов, Балтаев и др.), но иногда даже покровительствовал им; у Икрамова, по-видимому, были связи с руководителями троцкистско-правых антисоветских групп в Москве (Бухарин, Антипов и др.).

ЦК ВКП (б) постановляет: 1) предложить Пленуму ЦК КП (б) Узбекистана обсудить вопрос об т. Икрамове и сообщить свое мнение ЦК ВКП (б); 2) командировать члена Политбюро ЦК ВКП (б) т. Андреева А.А. в Узбекистан для разъяснения вопросов, связанных с настоящим письмом».

Письмо И.В. Сталина и В.М. Молотова, по существу и по форме является грубейшим нарушением Устава правящей партии, принципов демократического централизма, ввиду того, что оно адресовано непосредственно пленуму ЦК. Как известно, любой документ, тем более такого рода, обычно положено направлять ЦК Компартии Узбекистана, его Бюро должен ознакомиться и определить, где и как его обсудить и принять соответствующее решение. Идя на такой шаг, прямо обращаться к пленуму, авторы исходили из того, что к тому времени большинство членов Бюро уже были арестованы, оставались только трое, даже невозможно определить кворум для проведения его заседания. А еще некому стало председательствовать на пленуме, где обсуждалось «дело Икрамова». Его самого забрали и увезли. Поэтому вначале избрали второго секретаря, прибывшего из Центра Яковлева, затем по согласованию с Москвой, Политбюро ЦК ВКП (б) первым секретарем был избран Усман Юсупов.

На вопрос Н.А. Мухитдинова: «Почему такая жестокость по отношению к Икрамову? В чем его преступление?» Поспелов сказал, что речь идет не об Узбекистане, не о его ошибках в республике. Дело в том, что в тот период самыми опасными для Сталина были Бухарин и Троцкий. От Троцкого избавился. В 1940 г. он был убит в Мексике. Бухарин обладал глубокими теоретическими познаниями, огромной эрудицией, умением открыто вести полемику. Лидер большевиков В.И. Ленин назвал Бухарина самым выдающимся деятелем партии. Икрамов тесно дружил с Бухариным. Бухарин несколько раз посетил Узбекистан, при этом неделями жил на квартире Икрамова. К тому же Икрамов был женат на родственнице Бухарина,

стал его родственником. Это – хороший повод объявить его единомышленником, сообщником Бухарина.

Летом 1937 г. в Ташкенте состоялся Пленум ЦК Компартии Узбекистана, на котором Икрамова сняли с работы, исключили из партии, арестовали и привезли в Лефортовскую тюрьму, где содержался и арестованный в Москве Файзулла Ходжаев. Документы на них, касающиеся начала «дел» во время пребывания их в республике, очевидно, имеются лишь в партийном архиве. Председатель КГБ Узбекистана А.П. Бызов сказал Нуриддину Акрамовичу, что в его ведомстве материалов на них нет, поскольку они привлечены к уголовной ответственности в составе группы Н.И. Бухарина и А.И. Рыкова.

Н.А. Мухитдинов ознакомился с архивными материалами VII съезда Компартии Узбекистана (1937 г.) на котором сняли со всех постов Ф. Ходжаева, и Пленума ЦК, обсуждавшего «дело А. Икрамова». А в этих документах находятся письмо ЦК ВКП (б) и сообщение члена Политбюро и секретаря ЦК КПСС Андреева А.А. об Икрамове и объяснение Икрамова[9].

Н.А. Мухитдинов вспоминает: «Спустя много лет мы с Андреем Андреевичем, будучи в Индии, сидели лунным вечером на даче её президента за прекрасным столом беседовали и вспоминали прошлые события. А я, – пишет Н.А. Мухитдинов, – молча, чтобы не помешать ему наслаждаться природой, смотрел на него и думал: У этого старейшего деятеля партии и государства, являвшегося членом Оргбюро ЦК РКП (б) при Владимире Ильиче, побывавшего на многих партийных и государственных постах, в извилинах и клетках мозга хранится вся история партии и страны».

Вслед за Икрамовым, Ходжаевым и другими ответственными работниками, привлеченными к ответственности, подвергались их жены, дети, родители и близкие родственники[10].

После Ф. Ходжаева главой правительства стал Султан Сегизбаев – выпускник Московского института красной профессуры, стал профессором и преподавал историю и экономику в этом институте, в учебных заведениях Москвы и Ташкента. 15 июня 1938 года С. Сегизбаев сидел в Президиуме Ташкентской областной организации рядом с Усманом Юсуповым, наркомом внутренних дел Апресяном и другими членами Бюро ЦК. В это время кто-то подошел к нему и сказал, что в вестибюле его срочно ждет. Здесь же его забрали, 21 июня увезли в Москву, а 25 февраля 1940 г. смертный приговор ему был приведен. Можно привести много таких фактов.

Получив согласие у первого секретаря ЦК А.И. Ниязова, Н.А. Мухитдинов несколько раз встречался с председателем КГБ А.П. Бызовым, который познакомил его со всеми материалами репрессированных в Узбекистане в 30-е годы, поскольку судили их на судебных процессах военной прокуратуры в Ташкенте. Для того чтобы заняться и изучением дела каждого, подготовкой

соответствующих предложений, необходимо было получить согласие Центра.

Нуриддина Акрамовича вызвали в Москву для участия в работе двух совещаний, проводимых в ЦК Н.С. Хрущевым. После завершения совещания, Н.А. Мухитдинов встретился с П.Н. Поспеловым, рассказал обо всех документах и материалах, с которыми удалось ознакомиться в республике по репрессиям 30-х годов. Затем информировал его о привлечении к уголовной ответственности в конце 40-х годов группы ученых и писателей Узбекистана, процессы которых прошли по линии МВД в Ташкенте.

Поспелов рекомендовал Нуриддину Акрамовичу ознакомиться со стенограммой февральско-мартовского Пленума ЦК 1937 года. Он сказал: «О, для Вас это очень важно! Судьба бывших руководителей Узбекистана была решена именно на этом пленуме». После консультации в МВД, КГБ и Генеральной прокуратуре Поспелов поручил начальнику спецотдела ознакомить Нуриддина Акрамовича с этой стенограммой. Знакомясь с документами, Н.А. Мухитдинов заострил внимание на деле Бухарина, куда входили Акмаль Икрамов и Файзулла Ходжаев, предложениях комиссии Микояна[11] и решениях февральско-мартовского Пленума.

На этом пленуме Бухарина вывели из состава ЦК и исключили из партии, а 27 февраля того же года (т. е. 1937) арестовали. По распоряжению И.В. Сталина была создана специальная комиссия Пленума для всестороннего и детального изучения деятельности Бухарина и его сообщников с целью оценки и внесения предложений. Рекомендуя Микояна возглавить комиссию, И.В. Сталин сказал с угрозой: «История о том, как были расстреляны 26 бакинских комиссаров и только один из них – Микоян – остался в живых, темна и запутана. И ты, Анастас, не заставляй нас распутывать эту историю». После такого предупреждения даже путь, избранный Серго[12] был сомнителен для Микояна, так как над ним все время висела угроза быть обвиненным в предательстве своих товарищей по Бакинской коммуне[13]. И Микоян подчинился И.В. Сталину.

Тщательно ознакомившись с документами февральско-мартовского Пленума, Н.А. Мухитдинов пишет: «Комиссия определила эту группу (т. е. группа Бухарина в состав которой вошли Акмаль Икрамов и Файзулла Ходжаев – авт.) как правоцентристский блок, куда вошли 21 человек, предлагалось их всех вывести из состава ЦК, исключить из партии, а дела передать следственным органам. Документы были подписаны всеми членами комиссии, а председатель её А.И. Микоян от себя дописал: «Арестовать, судить, расстрелять». Суд в конечном итоге поступил именно так, как предложил Анастас Иванович. Можно твердо сказать, что кровавые действия Микояна, как и Берии, по своим политическим, историческим, моральным последствиям, не менее страшны, чем средневековые инквизиция.

Заметим, что в тот период А.И. Микоян, являясь членом Политбюро ЦК ВКП (б), заместителем Председателя Совета народных комиссаров СССР, наркомом пищевой промышленности СССР, лично знал бывших руководителей Узбекистана как кристально честных и принципиальных людей. По словам Нуриддина Акрамовича, А.И. Микоян, как и В.М. Молотов, был одним из главных виновников ареста Акмаля Икрамова и Файзуллы Ходжаева.

Во встрече с П.Н. Поспеловым Нуриддин Акрамович признался, что материалы Пленума произвели потрясающее впечатление. Ведь никаких данных, подтверждающих существование организованного блока не приведено. «Эти вопросы тогда никого не интересовали. Основная цель заключалась в разгроме Бухарина, Рыкова и, тех, кто их активно поддерживал», - сказал Поспелов, и продолжил: «Что, касается репрессированной в Ташкенте группы интеллигенции, я консультировался. Поскольку эти процессы местные и прошли, к тому же, негласно, то при желании можно самому руководству республики изучить их, определить свою позицию по отношению к каждому осужденному. На этой основе соответствующие органы должны сами принять решение».

Здесь, мне кажется, уместно привести слова Н.А. Мухитдинова, потому что они отражают его впечатление о происходящем: «Было бы полезно, - сказал Нуриддин Акрамович, - если бы отсюда по линии МВД, КГБ и Генеральной прокуратуры были даны нужные ориентировки их органам с тем, чтобы они сотрудничали с нами, ознакомились своими материалами и сообща определили меры и решения». П.Н. Поспелов положительно относился к этому предложению.

К вечеру того же дня Н.А. Мухитдинов был принят Н.С. Хрущевым. В ходе продолжительной беседы он интересовался положением в сельском хозяйстве, спросил его мнение о прошедших совещаниях. Положительно оценил и заверил что, нужно всесторонне изучить посоветоваться и подготовить необходимые соображения. Затем Нуриддин Акрамович информировал его, что ознакомился в Ташкенте с делами репрессированных и о своем удручающем впечатлении от материалов февральско-мартовского Пленума 1937 года. Хрущев удовлетворенно отозвался: «Хорошо, что вы непосредственно включились в это дело! Дальше будете знать, какие преступления, антизаконные действия совершились в те годы. На вопрос Н.А. Мухитдинова об их реабилитации, в частности, о бывших руководителях Узбекистана, Хрущев ответил, что пока нельзя. Вначале необходимо как следует подготовиться и рассмотреть на XX съезде. Если партия одобрит тогда и будем действовать практически. Пока отсутствует единое мнение по этому вопросу в Президиуме ЦК. Будет натиск, предстоит нелегкая борьба»[14]. «Сперва нам нужно как следует подготовить и рассмотреть на съезде. Получит одобрение партии, тогда и будем действовать практически» сказал Хрущев. Далее он говорил, что

после рассмотрения на Пленуме информации П.Н. Пospelова будет принято окончательное решение о реабилитации. Хрущев рекомендовал Н.А. Мухитдинову продолжать активно участвовать. О реабилитации невинно пострадавших от массовых репрессий, как и все советские люди, узбекский народ в республике был в целом на стороне Хрущева. Кульминационным пунктом в решении этого сложного вопроса явилось постановление XX съезда по докладу Хрущева «О культе личности и его последствиях» от 25 февраля 1956 года.

Прибыв в Ташкент, созывали собрание республиканского партактива, где рассказали о работе XX съезда КПСС а на Бюро ЦК с участием первых секретарей обкомов и председателей облисполкомов Н.А. Мухитдинов коротко рассказал о личных беседах с Н.С. Хрущевым, П.Н. Пospelовым и другими секретарями ЦК. Договорились как можно быстрее начать подготовку материалов для реабилитации А. Икрамова, Ф. Ходжаева и других. Материалы на реабилитацию бывших руководителей предварительно готовила группа ответственных работников в составе – Р.Е. Мельникова, Шералиев Мурад – генеральный прокурор республики, А. П. Бызов председатель КГБ, Д.А. Бабаджанов – министр внутренних дел, П. А. Ахунджанов – зав. административным отделом ЦК; секретарем группы был назначен М. Мусаев (доктор наук, профессор) – помощник первого секретаря. Нуриддину Акрамовичу было поручено возглавить работу группы. Документы на каждого репрессированного изучали отдельно, с привлечением крупных ученых-юристов и других специалистов. Выработав заключение и предположения, передавали материалы на рассмотрение Секретариата ЦК. Отдельные спорные вопросы были обсуждены на Бюро ЦК. Развернулась кропотливая работа.

10 августа 1956 г. Хрущев принял Н.А. Мухитдинова[15] и показал окончательное решение по его Записке о Голодной степи. После продолжительной беседы, он тут же подписал этот документ. Никита Сергеевич был в хорошем расположении духа. Уловив, что Хрущев может еще послушать, Нуриддин Акрамович высказал свое мнение после ознакомления с материалами о реабилитации репрессированных. «Хотелось бы теперь официально поставить вопрос о бывших руководителях Узбекистана...» - сказал Н.А. Мухитдинов. Хрущев открыто и не скрывая истину ответил: «Я хорошо помню и говорил Вам, что на февральско-мартовском Пленуме ЦК 1937 года присутствовал и слушал все. Читал Записку комиссии, был при обсуждении заявления Икрамова на Политбюро. Но нам, очевидно, эту группу реабилитировать не удастся, потому что основные виновники – Каганович, Молотов, Микоян – сейчас в составе Президиума ЦК. Они будут категорически возражать. ... Видимо тут потребуется время, а от нас - терпение».

Хрущев поручил Генеральному прокурору Руденко Р.А. принять Н.А. Мухитдинова и рассмотреть вопрос о реабилитации Икрамова и

Ходжаева, проходивших по группе Бухарина. Хрущев сказал: «Я знал Икрамова – хороший порядочный человек был. Подумайте вместе, можно ли их выделить и реабилитировать в частном порядке...».

В своей книге Н.А. Мухитдинов пишет, что вопрос, о котором хотелось посоветоваться, сам по себе был очень важным. Роман Андреевич Руденко очень тепло принял Нуриддину Акрамовича. Выслушав, сказал, что вырос и работал на Украине, не знает деталей событий 1937-1939 годов в других республиках, но поручит соответствующим работникам тщательно все изучить и сам ознакомиться. Он рекомендовал Н.А. Мухитдинову официально внести предложение с перечислением фамилий тех, кого хотелось реабилитировать, с необходимой мотивировкой и он даст объективное, благожелательное заключение.

Он сразу же вызвал своего заместителя. Представил Н.А. Мухитдинова и, сославшись на поручение Н.С. Хрущева, сказал: «Поднимите все документы группы Бухарина, расстрелянной в 1938 году. Об их реабилитации речи нет, ставится вопрос о возможности выделения бывших руководителей Узбекистана». Н.А. Мухитдинов уточнил: «Акмалы Икрамова и Файзуллы Ходжаева». Руденко продолжал: «Изучите это дело в трёх аспектах: как они попали в эту группу, что их связывало с Бухариным и Рыковым, в чем их собственные ошибки, вина. Срок – неделя». Обращаясь к Нуриддину Акрамовичу, добавил: «Если считаете нужным, пришлите своих специалистов».

Разговор окончился взаимными обязательствами. Роман Андреевич без громких слов и восклицаний сказал, что сделает все возможное, что от него зависит. Ему можно было безгранично верить. Его знал весь мир поскольку он на Нюрнбергском процессе над главными фашистскими преступниками, будучи главным обвинителем конкретными, неопровержимыми фактами разоблачил всю жестокость, преступность фашистов и выражая волю, требования советских людей, всего прогрессивного человечества, потребовал применить к главарям гитлеровского режима, сидевшим на скамье подсудимых, высшую меру наказания – смертную казнь. Они были повешены по приговору Международного Трибунала. В конце беседы Руденко ознакомил его с проблемами, над которыми работает Прокуратура по дальнейшему укреплению законности. Условились, что в ближайшее время соберемся у него по делам бывших руководителей Узбекистана.

10 августа 1956 г. в Ташкенте Нуриддин Акрамович собрал членов всей группы и Главного консультанта Х. Сулейманову, предложил им подготовить все документы об А. Икрамове, Ф. Ходжаеве и других руководителях в десятидневный срок для разбора у Генерального прокурора СССР. В назначенный день в Москву прибыли Хадича Сулейманова и Махмуд Мусаев. В этот же день Н.А. Мухитдинов, входивший в состав делегации ЦК КПСС для участия в работе VIII съезда Компартии Китая, прилетел из Пекина в Москву. В 11 часов они

были на приеме у Руденко. Нуриддин Акрамович представил ему Х. Сулейманову, крупного ученого, специалиста по уголовному праву, профессора, министра юстиции. По заданию Романа Андреевича привезли все папки с делами. Произошла своеобразная перепалка. Руденко говорит: «Я предварительно посмотрел. В принципе согласен выделить Икрамова и Ходжаева из общей группы Бухарина, чтобы решение вопроса об их реабилитации можно было принять сейчас. Но дела В. Иванова и Зеленского И., как Вы ставите, выделить не сможем, так как будучи посланниками Москвы, они давно вернулись из Узбекистана и были осуждены по своей деятельности в Центре. В целом же по группе Бухарина вопрос ставить не будем».

Обращаясь к Нуриддину Акрамовичу Руденко добавил: «Вот ты изучал материалы дела. Я до сих пор не могу понять, что могла связывать вашего Икрамова с Бухариным. Они же совершенно разные люди, ничего общего между ними нет. К тому же Бухарин – редактор «Известий», за короткий срок он трижды побывал у Икрамова и Ходжаева в Ташкенте, даже свой отпуск проводил, живя на квартире у них. Это... вызвало подозрение. Именно этот момент произвел отрицательное впечатление на Сталина и он отвернулся от Икрамова. Теперь что касается Файзуллы Ходжаева. По материалам видно, что он сын очень богатого человека, чуть ли не родственник эмира, возглавлял националистическую организацию в Бухаре. К тому же, мне рассказывали товарищи, не все члены вашего Бюро согласны с его реабилитацией».

Мы уже отмечали, что если Нуриддин Акрамович чего-нибудь добывался, то не любил идти к цели, как говорится «медленным шагом, робким зигзагом». Это не в характере Н.А. Мухитдинова. В таких случаях он шел напрямую. Об этом ярко свидетельствует разговор с Руденко. Выслушав его, Н.А. Мухитдинов сказал: «Роман Андреевич! Все что Вы говорите, есть. Но как можно было этих людей объявлять врагами народа, преступниками, когда они же и создавали в крае Советскую власть, Коммунистическую партию, столько лет возглавляли республику, столько сделали, чтобы Узбекистан стал неразрывной частью Советского Союза». Хадича Сулейманова подключилась к разговору. Классный специалист, доктор наук, профессор, академик, отлично владеет русским языком, дикция прекрасная. Она мастерски ответила на любой вопрос, разъяснила, рассеяла сомнения. «Хорошо, убедили, – сказал Руденко. – Довольно аргументированно. Давайте готовить, подпишем, отправим». Роман Андреевич сказал Нуриддину Акрамовичу, что буквально поражен широкой эрудицией и обширным кругозором Хадичи Сулеймановой.

Поблагодарив, обратился к нему: «Хотелось бы кое-что выяснить для себя». Он согласился. На вопрос Нуриддина Акрамовича: «Откуда взялось название «антисоветский право-троцкистский блок» и большой состав группы?» Руденко ответил, что этот блок выдуманный Вышинским и Ежовым.

Причем они состряпали после февральско-мартовского Пленума. Всеми силами и способами сфабриковали наличие блока антисоветчиков, правых троцкистов. Включили туда вроде Икрамова и Ходжаева и еще тех, кто был с ними в контакте, высказывали разные точки зрения. Опять к разговору подключилась Хадича Сулейманова, высказавшись о том, насколько же преступно было фабриковать «блоки», мучить и лишать жизни людей. Согласившись с её мнением Р.А. Руденко сказал: «Вот теперь занимаемся восстановлением истины». На вопрос Н.А. Мухитдинова: «А можно ознакомиться с протоколами допросов обвиняемых?» Руденко ответил, что «протоколы допросов Бухарина, Рыкова и членов группы до сих пор ищем. Но обязательно найдём». Отметим, что Бухарина, Рыкова и остальных, кроме Ягоды, реабилитировали в феврале 1988 года, а А. Икрамова и Ф. Ходжаева выделив из общего числа, реабилитировали в августе-сентябре 1956 года.

Продолжение воспоминаний Нуриддина Акрамовича: «В конце беседы с Р.А. Руденко мы договорились: в ближайшее время вынесем вопрос на Президиум, чтобы Верховный суд пересмотрел решение Военного трибунала. О других руководителях в Узбекистане, их аресте, следствии, суде будем сами решать, он даст поручение прокурору республики. А о тех, кого судили в Москве, представим материалы. Их срочно рассмотрят, и будут решать. Наши, товарищи во главе с Х. Сулеймановой примут в этом непосредственное участие».

В ЦК создали специальную группу, которая займётся подготовкой материалов, и условились (как Нуриддину Акрамовичу рекомендовали в Москве), в какой форме и как готовить документ.

Собрали членов группы по реабилитации. Детально изучая каждое дело, определили, какие будем рассматривать сами, дали необходимые поручения прокурору, руководителям КГБ, МВД, Минюста и Верховного суда действовать, решать, получив предварительно согласие в Секретариате ЦК, и готовить обоснования для тех, кого нужно представлять в Москву для рассмотрения и реабилитации. Установили персонально ответственных, кто будет летать в Москву, чтобы отвезти материалы, а при необходимости – защищать их. Во встрече с Н.А. Мухитдиновым Секретарь ЦК КПСС А.Б. Аристов сказал, что дела с реабилитацией по Узбекистану идут интенсивно.

Относительно реабилитации жертв репрессий, то в печати в широком плане не говорилось, иногда давались краткие информационные сообщения. Н.А. Мухитдинов по этому поводу пишет: «Мы решили на съезде интеллигенции в полный голос, откровенно сказать об этом, кстати, первые в стране. Тут-то и разошлись во мнениях члены Бюро ЦК»[16].

Накануне съезда интеллигенции Н.А. Мухитдинов собрал бюро ЦК для обсуждения полного текста доклада. Обстановка накалялась до предела. Второй секретарь ЦК Мельников Р.Е. предложил вообще вычеркнуть фамилии

реабилитированных, и изложение хода всей этой деятельности, ограничившись общими фразами в контексте постановления от 30 июня «О преодолении культа личности и его последствиях». Его поддержали несколько человек. В остром дебате Нуриддину Акрамовичу удалось отвести такие суждения, сохранить текст доклада, но тут же предложили тогда вообще не говорить об А. Икрамове и Ф. Ходжаеве, ссылаясь на то, что это может вызвать бурную реакцию, кривотолки и даже осложнить политическую обстановку в Узбекистане. Не согласился с этим. Ш.Р. Рашидов – Председатель Президиума Верховного Совета Республики предложил в таком случае в общих чертах сказать об А. Икрамове и о Ф. Ходжаеве – ни слова. Шли острейшие дискуссии: одни поддержали его, другие были согласны с проектом доклада. В конце концов, было принято окончательное решение, что в докладе о реабилитации были указаны имена 11 (одиннадцать) крупных партийных и хозяйственных работников Узбекистана[17]. Все они были расстреляны в 1938 г.

В докладе Н.А. Мухитдинова уделено большое внимание реабилитации известных писателей и поэтов Абдуллы Кадири, Чолпана, Фитрата и многих других, осуждённых в 30-е годы. Кроме этого, Нуриддин Акрамович рассказал, как реабилитировали и возвращался из ссылки жертв клеветы 21 крупного ученого писателя республики. Он говорил о перегибах на идеологическом фронте, которые произошли в СССР, и нашли отражение в Узбекистане в конце 40-х – нач. 50-х годов XX в., особенно в литературе искусстве и культурном строительстве. В этом плане Н.А. Мухитдинов сказал и о списке 60 крупных ученых, мастеров пера, взятых под подозрение как националисты, антисоветчики, что удалось аннулировать этот список и сохранить всех этих людей, избавить их от наветов, интриги, клеветы.

Н.А. Мухитдинов информировал, как скрупулёзно, разыскивали по всей стране несправедливо обвинённых и сосланных земляков, кого нашли и возвратили в Узбекистан. Назвал при этом сидевших в зале Сулеймана Азимова – бывшего секретаря ЦК по идеологии, полностью реабилитированного и тут же назначенного первым заместителем министра культуры; Мухамеджана Юлдашева – бывшего первого секретаря Ташкентского обкома партии, которого вернули в Узбекистан и утвердили директором Института Компартии и многих других. Далее сообщил съезду, как искали, нашли оставшихся в живых членов семей репрессированных и как оказывается им помощь, внимание в снятии политических обвинений, предоставлении всех прав, обеспечении жильём, устройстве на работу, учёбу и т. д.[18]

Отметим, что в ходе обсуждения текста доклада на Бюро ЦК удалось сохранить для оглашения только названных товарищей, а их было сотни, тысячи. Выше было отмечено, что дело Акмаля Икрамова рассматривается, а фактически вопрос уже решен. О Файзулле Ходжаева вообще не

говорили, хотя, он проходил по «делу» и реабилитирован вместе с А. Икрамовым в результате неоднократных бесед с Р.А. Руденко.

Это объясняется тем, что члены Бюро ЦК, выступавшие с самого начала против реабилитации Ф. Ходжаева, аргументировали это не только тем, что его отец Убайдуллаходжа был богатейшим купцом (купец первой гильдии), близким к бухаринскому эмиру. Известно, что Файзулла в юности примыкал и был потом руководителем «младобухарцев» и «джадидов», занимал нетвёрдую позицию при проведении национально-государственного размежевания в Средней Азии в 1924 г., дружил и имел постоянные контакты с Н.И. Бухариным и особенно А.И. Рыковым. Ни в коей мере нельзя игнорировать тот факт, что ради прогресса своей страны Ф. Ходжаев пожертвовал огромным родовым богатством, сдал государству 420 кг. литового золота, 50 кг. серебра, 4,8 миллион золотых и 5 пудов серебряных монет, 7 миллионов рублей кредитных денег и много другое имущество[19].

Всем известно, что коллективизация сельского хозяйства была самым страшным преступлением партии. Даже «отец народов» И.В. Сталин назвал политику коллективизации ужасной борьбой[20]. По решению Ноябрьского (1929 г.) Пленума ЦК ВКП (б) было мобилизовано 25 тысяч промышленных рабочих центральных городов России для организации колхозов. В феврале 1930 г. в Узбекистан приехали 458 рабочих на длительный срок. Кроме того, для участия в посевной кампании 1930 г. из текстильных центров России было направлено 230 бригад российских текстильщиков сроком на четыре месяца[21].

Конечно, говоря откровенно в нашу республику приехали вышибленные из жизненной колеи люди, ничейные, уголовники, жулики, разбойники. Были и такие, которые совершили побег из мест заключения, скрывавшиеся здесь от суда и тюрьмы, обнаглевшие, одичавшие, уверившиеся в безнаказанности, и, наконец, любители лёгкой жизни. Нередко под видом уполномоченных Центра они обобрали кишлачное население у которого были кое-какие средства. Архивные материалы свидетельствуют, что во многих кишлаках жители поголовно ограблены, молодые женщины и девушки увезены в неизвестное направление разбойниками и уголовниками[22]. Это стало нормой жизни промышленных рабочих из Центра в кишлаках. Наступило такое время, когда в республике свирепствовал голод.

Вольно или невольно, но приходится констатировать, что деятельность республиканского руководства (А. Икрамов, Ф. Ходжаев, Ю. Ахунбабаев) совпала со временем окончательного складывания командно-административной системы в СССР. Подлинные документы убедительно подтверждают, что А. Икрамов, Ф. Ходжаев, Ю. Ахунбабаев, порождённые этой системой и активно претворявшие в жизнь план построения «социализма», приложили все усилия для выполнения установки Центра по форсированию

коллективизации и ликвидации т. н. «байско-кулацких элементов» как класса. Так, выступая на слёте рабочих-двадцатипяти тысячников в феврале 1931 г. в Ташкенте, они говорили о необходимости форсирования колхозного строительства и ликвидации кулачества как класса[23]. Цена такого акта теперь всем известна.

Между прочим, многие старые большевики, расстрелянные в 30-е годы, особенно в годы Большого террора в 1936-1939 гг. принимали активное участие в создании тоталитарного режима. Их руки обгажены кровью невинных людей. Они были в числе ведущих фигур той страшной террористической чистки партии и всего общества, которые проходили в Советском союзе в указанные годы.

Здесь нам кажется уместным привести обширные выдержки из книги Лидии Шатуновской, эмигрировавшей в 70-е годы из СССР, которая в разное время была женой двух ответственных работников, жила в годы Большого террора в доме на набережной. Нередко вместе с мужем она была в гостях и у более ответственных деятелей, живших тогда в Кремле. На основе сведений, полученных от них, она издала на Западе книгу «Жизнь в Кремле».

Она пишет: «Жалею ли я об участии старых большевиков, столь безжалостно истреблённых Сталиным?» Сочувствую ли я им? Многих из тех, кого я лично знала и кто в частной своей жизни был не плохим человеком, мне просто по человечески жаль. Но когда я думаю о старых большевиках как о социальной группе, я не нахожу в своей душе ни жалости, ни сочувствия к ним. Конечно, никаких преступлений против партии и государства, в которых их обвиняли, они ни когда не совершали и даже в помыслах не имели. Но была за ним другая, более страшная вина – они не только создали это государство, но и безоговорочно поддерживали его чудовищный аппарат бессудных расправ, угнетения, террора, пока этот аппарат не было направлен против них... есть в моей душе неистребимая вера в какую-то Высшую Справедливость, в то, что «воздастся коемуждо по заслугам его. ... И если можно вообще применять слово «справедливость» к делам советских органов госбезопасности, то, может быть истребление старых большевиков было в каком-то смысле самой справедливой из всех совершенных ими несправедливостей. Старые большевики это чудовище создали, они от него и погибли»[24]. Автор специально приводит обширные цитаты из книги Шатуновской Л., чтобы отразить впечатление о том времени. Не сказать об этом нельзя, иначе можно потерять настрой на объективность.

Процесс реабилитации невинных расстрелянных людей продолжался. Всего, по Узбекистану были реабилитированы более 40 (сорок) тысяч человек, живых и погибших. Для правительства

Узбекистан важно, было, и именно на этом делался упор в докладе Н.А. Мухитдинова, что восстанавливается справедливость, торжествует правда, объявляются честные имена погибших. Это было важно для их родных.

Нуриддин Акрамович отмечает, что в проводившейся по реабилитации работа, главным было восстановление честного имени человека престижа партийной организации и народа, доказательство того, что пострадавшие были не врагами народа, а преданными сыновьями и дочерьми его. Это было исключительно важно для идеологической, политико-воспитательной работы.

Итак, Н.А. Мухитдинов сыграл решающую роль в реабилитации необоснованно расстрелянных людей. Прделанная колоссальная, кропотливая работа, связанная с поисками, изучением и определением всех материалов ареста, допроса, суда, приговора, его исполнения. Все это даст основание сказать, что Нуриддин Акрамович Мухитдинов – человек, наделённый трезвым аналитическим умом, феноменальной цепкой памятью, никогда не терявший воли, самообладания, решительности, ясности мышления и, что особенно немаловажно, способный с присущей ему принципиальностью, смелостью отстаивать свои взгляды, оценки и выводы перед кем бы то ни было.

Прошлое жизненно необходимо для нынешнего дня. И если мы сегодня вглядываемся в свою историю критическим оком, то лишь потому, что хотим лучше, полнее представить пути в будущее. Нам больно от того, что всех репрессивных нет с нами. Но не только с чувством острой и ничем неоправданной потери мы вспоминаем о них. Безмерна наша благодарность и восхищение тем, кто сделал все, для обретения государственной независимости, суверенитет нашей республики стал явью. Они не искали рая в чужих пределах и не приняли бы в готовом виде даже город благородных людей, к которому не приложили рук и души. Вот почему память о них – это память о героических и трагических 30-х годов, без которых не было бы Великой Победы и нашей сегодняшней независимости и суверенной республики.

Думается, что на нынешнем уровне исторического знания с учётом реальных требований нашего времени, нужны другие подходы, требующие помимо прочего «одушевления» тех социальных сил и деятелей, которые находились «по другую сторону». Среди них есть достаточно смелых высокообразованных людей, искренне любивших свою Родину – Узбекистан – государство с великим будущим. Именно к таким деятелям относится Н.А. Мухитдинов – верный сын узбекского народа. Его светлое имя, с которого смыта вся накипь обвинений, на века вписано в историю нашего государства.

ЛИТЕРАТУРА

1. Названия работ автора этих строк о Н.А. Мухитдинове приводятся в конце этой статьи и в «Вестнике НУУз» Аста. NUUZ. Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека. – Т., 2015-2017.

2. В 70-х-80-х годах прошлого века автор этих строк и доктор наук, профессор М.Г. Вахабов работали на историческом факультете ТашГУ (ныне Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека).
3. См.: Мачин Г.В. Н.А. Мухитдинов: штрихи к политическому портрету. Вестник НУУз. Аста. NUUz. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий журналы, 2015 № 1/3; 2016 № 1/3; 4/6; 2017 № 1/1.
4. НКВД – народный комиссариат внутренних дел. В 1934-1936 НКВД возглавлял Ягода, 1936-1938 – Ежов, 1938-1953 – Берия.
5. Подробно см.: Мачин Г.В. Жизнь, отданная служению Родины (штрихи к политическому портрету Файзуллы Ходжаева). – Т., 2012. Его же Н.А. Мухитдинов: штрихи к политическому портрету. Вестник НУУз. Аста. NUUz. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий журналы, 2015 № 1/3; 2016 № 1/3. – С. 23.
6. Мухитдинов Н.А. Двенадцать лет с Хрущевым. В сб.: «От оттепели до застоя»... М., 1990. – С.89.
7. Мухитдинов Н.А. Годы, проведенные в Кремле (Воспоминания). – Т., 1994. – С.135.
8. См.: Мухитдинов Н.А. Годы, проведенные в Кремле (Воспоминания). – Т., 1994. – С.136-139.
9. Андреев А.А. участвовал в работе III Пленума ЦК Компартии Узбекистана, рассмотревшего «дело Икрамова».
10. Они находились в заключении в казахстанской степи.
11. Микоян А.И. – член Политбюро, заместитель Председателя народных комиссаров СССР, министр пищевой промышленности.
12. 27 февраля 1937 года Нарком тяжелой промышленности Серго Оржоникидзе застрелился.
13. В историко-публицистических сборниках, вышедших в 80-90-х годах XX века, приводятся неопровержимые факты, что Микоян выдал 26 своих товарищей по Бакинской коммуне, и они были расстреляны в 1918 г.
14. Следует иметь в виду, что, среди членов Президиума ЦК были люди, принимавшие активное участие в репрессиях. В предыдущих публикациях автора этих строк уже было отмечено, что сам Хрущев был одним из самых кровавых палачей сталинской эпохи, самым рьяным исполнителем приказов о расстрелах.
15. Как известно, в феврале 1956 г. на XX съезде по инициативе Хрущева Н.А. Мухитдинов был избран кандидатом в члены Президиума ЦК КПСС.
16. 10-13 сентября в Ташкенте состоялся первый съезд интеллигенции.
17. Правда Востока. 1956, 11-12 октября.
18. Следует отметить, что выражение И.В. Сталина «сын за отца не отвечает», не соответствует действительности.
19. См.: Мачин Г.В. Жизнь, отданная служению Родины (штрихи к политическому портрету Файзуллы Ходжаева). – Т., 2012. – С. 33.
20. Мачин Г.В. Из истории коллективизации в Узбекистане. //Общественные науки в Узбекистане. № 1-2. – 2011. – С.96.
21. ЦГАНХ РФ, ф.7446, оп.14, д. 35, л. 4-8.
22. ЦГА РУз, ф.-И-737, оп.1, д.663, л.2, 106-107.
23. Мачин Г.В. Коллективизация в Узбекистане: как это было. В кн.: «Узбекистон тарихининг долзарб муаммолари». Илмий маколалар туплами. 3-жилд. Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека. Исторический факультет. – Т., 2013.
24. Подробно см.: Шатуновская Л. Жизнь в Кремле. – Нью-Йорк, 1981 (на русском языке).

РЕЗЮМЕ

Мақолада аниқ материаллар асосида Нуриддин Акрамович Мухитдиновнинг республика олий ташкилотларидаги 30-йилларда Ўзбекистон асосиз қатағон қилинган инсонларни оқлашдаги кўпқиррали фаолияти умумлаштирилган.

Муаллиф диққатини қатағонларнинг асосий қурбонига айланган партия, совет ва хўжалик раҳбар кадрларга қаратган. Мақолада Н.А. Мухитдиновнинг қонунларни бузиш, ўзбошимчаликларни тасдиқловчи шахсий хотираларидан иқтибослар келтирилган.

Калит сўзлар: репрессия – жазо бериш, тақдир, олий, баён, кўпқиррали, асосланмаган мафкура.

RESUME

The article generalizes and summarizes the multisided activity of Nuriddin Akramovich Mukhitdinov being the head of government of the Republic in rehabilitation of not guilty people executed in the 1930s in Uzbekistan. The author pinpointed the attention on the political processes, which repressive point were aimed at, first of all, the leading party, Soviet, and economical cadres. The article widely brings the citation from the memoirs by N. A. Mukhitdinov, proving the tyranny and infringement of legality.

Key words: repression, fate, supreme, protocol, multisided, ungrounded, ideology.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА СОҶАДАГИ МУАММОЛАРНИ АҲОЛИ ТУРМУШИДА АҚС ЭТИШИ

(Совет тузуми даврида)

Носиров Б.У. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада мустабид тузум даврида Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимининг шаклланиш жараёни, тизимнинг фаолияти, соҳага доир ҳукумат дастурларида белгиланган режалар ва ушбу режаларнинг амалга оширилишидаги зиддиятли натижалар, вилоятлар мисолида тизимдаги асосий муаммолар ҳамда соҳа фаолиятини Иттифоқ республикаларига нисбатан қиёсловига оид маълумотларни илмий адабиётлар ва даврий матбуот ҳамда архив ҳужжатлари асосида таҳлил этган.

Калит сўзлар: маиший хизмат кўрсатиш тизими, “социалистик” турмуш шароити, ҳунармандчилик, дастур, Иттифоқ республикалари, режа, соҳа, кўрсаткич, тадқиқотчи, кадрлар кўнимсизлиги.

Бугунги кунда халкимиз тарихини ҳаққоний ёритиш жамиятимиз олдида турган устувор вазифаларидан бири бўлиб, айнан тарих жамият маънавий тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон тарихини ўрганишда, хусусан, совет даврида аҳолининг кундалик ҳаётида мавжуд бўлган маиший муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этган маиший хизмат кўрсатиш тизимининг тарихи ҳам эътиборга молик.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими жуда кенг камровли бўлиб, тизимнинг тўғри йўлга қўйилиши инсонларнинг кундалик ҳаётида алоҳида ўринга эга. Бундан ташқари таъкидлаш лозимки, аҳолининг кундалик турмуш даражаси интеграл тавсифга эга бўлиб, ушбу орқали маълум бир давлатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий даражаси тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиш мумкин[1].

Маълумки, совет мамлакатига “социалистик” турмуш тарзини барпо этиш ёки “социалистик шаҳар”ни яратиш ғояси[2] юзасидан қатор дастурлар ва режалар ишлаб чиқила бошланди. Мамлакатда “Социалистик” турмуш тарзини яратишда асосий ғоялардан бири – аҳолининг маиший турмуши ва меҳнат шароитини яхшилаш кўзда тутилди. Шу мақсадда, аҳолининг маиший турмушини кўтаришга эътибор қаратилди. Айнан, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими социалистик жамиятдаги ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тармоғига кучли таъсир ўтказган эди[3]. 1921 йил “Туркистон ҳунармандчилик иттифоқи (Туркпромсоюз)” ташкил қилинди[4]. 1924 йили Туркистон Ҳунармандчилик кооперацияси тугатилганидан сўнг, “Ўзбекселькредпромсоюз” ташкилоти таркибида дастлаб ҳунармандчилик бўлими ташкил этилди. Мазкур бўлим кейинчалик Ўзбекистон Ҳунармандчилик кооперацияси ташкилий бюросига айлантилди. Лекин бу идора узоқ муддат фаолият юритмади[5]. 1925 йилни октябр ойига келиб, Ўзбекистон Ҳунармандчилик иттифоқи–(Узпромсоюз) ташкил бўлди[6]. Бу ташкилот ўз фаолиятида қишлоқ хўжалиги материалларини ишлаб чиқариш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, чарм-кигиз пойабзалларга оид ишлар, тўқимачилик-трикотаж-тикувчиликка оид ишлар, чиқинди хом ашёларга қайта ишлов бериш, транспортларга оид ишлар, металл ва ёғочга ишлов бериш ҳамда

ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш каби ишларни амалга оширар эди[7].

Умуман, Ўзбекистон ташкил топганидан сўнг, республикада аҳолининг маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолари билан асосан 3 та тизим- Ўзбек Ҳунармандчилик кооперацияси кенгаши, Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги ҳамда Ўзбекистон Ногиронлар кооперацияси кенгаши шуғулландилар[8].

Архив ҳужжатларида кўрсатилишича, XX асрнинг 20-йиллари охирида Ўзбекистондаги қосиб ва ҳунармандларнинг аҳволи қўшни республикаларга нисбатан бир мунча қоқ бўлган[9], тизимни керакли, малакали кадрлар билан таъминлаш ишлари қониқарсиз аҳволда ташкил этилган, республикага “ҳеч қаерга ярамайдиган ва ўзбек тилини билмайдиган” мутахассисларни юборилаётганлиги, аммо маҳаллий миллат вакилларидан кадрларни тайёрлашни йўлга қўйилмаганлиги ҳақида фикрлар билдирилган[10].

Бу даврда аҳолига хизмат кўрсатиш муасасалари турли ташкилотлар таасарурида бўлган. Хусусан, совет ҳукуматининг 1931 йилни май ойидаги «Матлубот кооперацияси ҳақида»ги қарори асосида матлубот кооперацияси таркибидаги сартарошхоналар ва тикувчилик устахоналари - Ҳунармандчилик кооперациясига, кир ювиш пунктларини шаҳар кенгашлари тасарруфига ўтказилди[11]. Кейинги йилларда тизим бошқарувида номи бир неча бор ўзгариб турган. Жумладан, 1932 йил “Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгаши”, 1934 йил “Ўзбекистон ҳунармандчилик иттифоқи” ва 1938 йил “Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгаши” [12], 1944 йил Ўзбекистон Халқ комиссарлари кенгаши ҳузуридаги Ҳунармандчилик кооперацияси бошқармасига, 1950 йилдан Ўзбекистон Ҳунармандчилик кооперацияси кенгаши номида қайта ташкил этилган[13]. 1960 йил Ўзбекистон Ҳунармандчилик кооперацияси фаолияти тугатилган[14].

1962 йил Ўзбекистон Маҳаллий саноат Бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Маиший хизмат кўрсатиш бўйича Бош бошқармаси ташкил этилди[15]. 1966 йил республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими алоҳида вазирлик сифатида ўз фаолиятини бошлади[16].

Кузатувлар сарҳисобига кўра, аҳолига хизмат кўрсатиш ишларини турли идоралар томонидан

* Носиров Б. У. – Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси.

амалга оширилганлиги, бир қатор салбий ҳолатлар вужудга келтирган. Яъни, баъзи туманларда бир хил йўналиш бўйича хизмат кўрсатиш муассасалари бир-бирига яқин жойлашган бўлса, бошқа бир туманда шу йўналиш бўйича хизмат тури умуман ташкил этилмаган[17].

Компартиянинг XXIII съезди қарорларидан келиб чиқиб, собиқ иттифоқда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни сезиларли даражада ривожлантириш, бу тизимни халқ хўжалигининг юқори даражада механизациялашган тармоғига айлантириш[18], халқ турмушини кўтариш, айниқса, шаҳар ва қшлоқ аҳолиси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маиший турмуш даражасини яқинлаштириш каби режалар кўзда тутилди[19].

Бу даврда тизим фаолиятини хўжаликлар мисолида кўрадиган бўлсак, бу 1966 йилда республикадаги 115 жамоа ва давлат хўжаликлариди доимий маиший хизмат кўрсатиш муассасалари мавжуд эмас эди. Андижон вилоятида, 2 та жамоа хўжалигида маиший хизмат муассасалари ташкил қилинмаган ва 10 та жамоа хўжалигида фақатгина маиший хизмат кўрсатишнинг 1-2 та йўналиш бўйича маиший хизмат муассасаси мавжудлиги аниқланган. Бухоро вилоятида эса 19 та жамоа хўжалигида маиший хизмат муассасалари ташкил қилинмаган, 65 та жамоа хўжалигида 1-2 та йўналиш бўйича маиший хизмат устахоналари фаолият олиб борган. Самарқанд вилоятида ҳам 6 та жамоа хўжаликлариди маиший хизмат устахоналари йўқ бўлса, 53 та жамоа хўжаликларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича 1-2 та йўналиш йўлга қўйилган[20].

Совет ҳукумати томонидан аҳолининг кундалик ҳаётидаги моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида, партия ва ҳукумат томонидан бир қатор чора тадбирлар белгиланиб, соҳани техник таъминланган ва механизациялашган йирик тармоққа айлантириш давлат сиёсатининг муҳим вазифалардан бири этиб белгиланди[21].

1966-1970 йилларда республикадаги маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида 40 мингдан ортиқ машина ва ускуналар ўрнатилган, шунингдек, 22 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш усталари тайёрланган. Маиший хизмат кўрсатишга оид 846 объект барпо этилди[22], 900 га яқин хўжаликларда аҳолига 3-4 турда хизмат кўрсатиш устахоналари ташкил этилди. Кадрларни тайёрлашда Фарғона маиший хизмат кўрсатиш техникуми ҳамда кўплаб ҳунар билим юртлари муҳим аҳамият касб этган. Бу ўқув юртлар соҳа фаолияти учун кам бўлиб, келгусида 5 та янги ҳунар техника ўқув юртини ва 3 та ўқув-маиший комбинатни очиш кўзда тутилди[23].

XX асрнинг 60-70 йилларида тизимни ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги турларини тадбиқ этиш ҳамда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилган бўлсада, бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйилмаганлиги, жойлардаги вилоят, туман, шаҳарлардаги маҳаллий кенгаш вакиллари

ҳамда ижро-тақсимловчи органларининг ўз ҳудудидаги маиший хизмат муассасаларига етарли эътибор қаратмаганликлари натижасида аҳолининг соҳа вакилларига нисбатан эҳтиёжи камайиш ўрнига аксинча ортди.

Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасидан совет ҳукумати раҳбарияти томонидан қатор ташкилий, ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Асосий дастурларда, турли синфларнинг бўлмаслиги, шаҳар ва қшлоқ ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутлар йўқолиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ривожланиш даражаси ҳамда меҳнатни тусига қараб, ишлаб чиқариш шакллари ва яратилган маиший шароитларга кўра шаҳар ва қшлоқ аҳолиси орасида тафовут бўлмаслиги режалаштирилди[24].

XX асрнинг 70-йилларига келиб, тизимни моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинди, бироқ маиший хизмат кўрсатиш тизими аҳолининг талаб ва истақларига жавоб бера олмади. Масалан, 1974 йилда Сирдарё вилоятидаги биронта жамоа ёки давлат хўжалигида жамланган ҳолда буюртмаларни қабул қилиш пункти мавжуд бўлмаган[25]. Жиззах вилоятида (1974 й.) 50 та давлат хўжалигидан 14 тасида доимий устахоналар умуман мавжуд бўлмаган, 23 тасида эса фақатгина саргарошлик ҳамда пойабзалларни таъмирлаш каби хизмат турлари бўлган[26].

1974 йилда совет мамлақатида ўрта ҳисобда 1000 нафар аҳолига хизмат кўрсатиш 8,5 нафар маиший хизмат ходимларига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 5 кишига тўғри келди[27]. Бу каби маълумотларни республикадаги вилоятлар ва туманлар мисолида кўрадиган бўлсак, Жиззах вилоятнинг Октябрь (Зафаробод) ва Баҳмал туманларидаги мавжуд маиший хизмат кўрсатиш устахоналари фаолият учун ноқулай биноларда жойлашган, у ердаги шароит усталарнинг ҳам аҳолининг ҳам жиддий норозилигига сабаб бўлган. Ушбу туманларда пойабзаллар тикиш, кир ювиш, кимёвий тозалаш, уй-рўзғор буюмларини ижарага бериш ва жамланган ҳолда буюртмаларни қабул қилиш пунктлари мавжуд бўлмаган. Соҳада юқори малакали кадрлар танқислиги маиший хизмат кўрсатиш фаолиятига жиддий таъсир кўрсатган[28]. Қорақалпоғистонда эса аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси аҳвол қониқарсиз бўлиб, бу ҳудудда жами 6 та соатсоз, 17 та пойабзал устаси ва 1 нафар музлатгич соловчи уста бўлган[29].

Айтиш лозимки, маиший хизмат соҳасида аҳоли томонидан тушаётган буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли тарзда амалга ошириш, ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариш, энг асосийси ишни тўғри ташкил қилиш бевосита малакали кадрлар фаолиятига боғлиқдир. Маиший соҳада ишлаётган кадрлар нафақат ўз йўналишини етуқ мутахассиси бўлиши, балки етарли даражада маданиятга ва муомила маданиятига эга бўлиши, эстетик талабларга жиддий эътибор қаратиши лозим. Соҳа вакиллари бевосита одамлар билан ишлайди ва мулоқотда бўлади.

Аммо, маиший хизмат муассасаларида кадрларга яратилган иш шароити ва тақсимоти, ишни тўғри ташкил этиш, уй-жой билан таъминлаш, иш ҳақининг камлиги тизимдаги муаммолардан эди. Натижада соҳада, кадрлар кўнимсизлиги катта кўрсаткичларни ташкил этди. Хусусан, Сирдарё вилоятидаги маиший хизмат бошқармасига 1976 йилда 1616 нафар ходимлар ишга қабул қилинган бўлсалар, бўшаганлар сони 583 тани (36%), Хоразм вилоятида 907 нафар ходим ишга қабул қилинган бўлса, 917 нафар ходим ишдан бўшаган (101,1%), Самарқанд вилоятида 2060 нафар ишга қабул қилинган бўлса, 1550 нафари ишдан бўшаган (75,2%) ҳамда Қорақалпоғистон Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Вазирлигида 305 нафар ишга қабул қилинган 131 нафари ишдан бўшаганлигини (42,9%) аниқланган эди[30].

1976 йилда Қашқадарёдаги 148 та жамоа ва давлат хўжалигидан 64 тасида маиший хизмат уйи мавжуд бўлса, 21 та хўжаликда хизмат кўрсатишнинг 1 тури йўлга қўйилган, 13 та хўжаликда эса биронта устахона бўлмаган[31]. Маиший хизмат кўрсатиш уйлари вилоятнинг Ғузор ва Дехқонобод туманларининг 2-3 та хўжалигида, Косон, Чироқчи ҳамда Қарши туманларида 5 та хўжаликда ташкил этилган[32].

1977 йил аҳолиси 5000 нафардан ортиқ бўлган Самарқанд вилоятининг Советобод (Нуробод) туман марказида 1 та эркаклар ва 1 та аёллар сартарошхонаси бўлган, туманнинг Ўзбекистон кишлок фуқаролар йиғинида атиги 5 нафар сартарош хизмат кўрсатган, бу кишлокда аҳолига хизмат кўрсатишнинг устки кийимлар тикиш ва таъмирлаш, пойабзаллар таъмирлаш, фото суратга олиш каби бир қатор йўналишлар ташкил этилмаган, тумандаги “ГРП 1” шаҳарчасида аҳолига 1 нафар сартарош фаолият олиб борган[33].

Бироқ, архив ҳужжатлари таҳлили, ўша даврда партия конференциялари материалида маиший хизмат кўрсатиш масаласи одатда ишлаб чиқариш масалаларидан кейин муҳокама қилинганлигини ва раҳбарларнинг маърузаларида катта ўрин тутмаганлигини кўрсатади. Уларда қисқа вақт ичида соҳага доир катта ҳажмдаги маълумотлар берилади. Аммо бундай ҳужжатлар бир қанча камчиликлардан холи эмас. Уларнинг асосий қисми баён қилиниш услуби бўйича дабдабали, уларда салбий ва ижобий маълумотларни текислаш ҳоҳиши кўринади. Шунингдек, уларда тарғибот характеридаги материаллар қўплаб учрайди, хусусан, социалистик мусобақа, илғор тажрибанинг тарқалиши каби масалалар маиший хизмат соҳасида муҳим тарихий вазифаларни бажарганлиги тўғрисида пуч хаёл яратади.

XX асрнинг 70-80 йилларига келиб, ҳар томонлама илмий асосланган режалар ўрнига халқ хўжалиги тармоқларини маъмурий буйруқбозлик бошқаруви ҳукмронлиги асосида кўр-кўрона ривожлантириш авж олди[34].

Натижада, Ўзбекистонда шундай ҳолат юзага келдики, барча иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича иттифоқдаги ўртача даражадан анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан

бирини эгаллаган эди. Бунинг устига ушбу салбий ҳолат демографик вазият таъсирида кучайиб борди[35]. Бу даврда миллий даромаднинг ўсиш суръатлари 1970-йиллар бошида 41 фоизга, 1980-йиллар бошида эса 17 фоизга тушиб кетди[36].

Ўтган асрнинг 80-йиллар биринчи ярмида Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ривожланиши бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган бўлсада, умумий ҳолат юзасидан тизим фаолияти сезиларли даражада орта бўлди. Биргина Жиззах вилоятидаги Арнасой туманида кўшимча равишда 10 та маиший хизмат пункти, 3 та маиший хизмат уйи ташкил этилди. Аммо, вилоят маиший хизмат бошқармаси томонидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Арнасой туманида 11 та давлат хўжалигидан 3 тасида биронта маиший хизмат пункти мавжуд бўлмаган, шулардан 4 тасида фақатгина маиший хизматнинг 1-2 тури бўйича аҳолига хизмат кўрсатилган. Бу борада Зарбдор туманида 13 та давлат хўжалигидан фақатгина 4 тасида 1-2 та тур бўйича хизмат кўрсатувчи доимий маиший хизмат пунктлари ташкил этилган. Бошқа давлат хўжаликларига эса кўчма хизмат кўрсатиш пунктлари хизмат кўрсатган. Бироқ, ўтказилган таҳлил натижасида уларнинг иш тартиби ва сифати кониқарсиз деб баҳоланган[37].

Ҳар бир кишига хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича Ўзбекистон Иттифоқ республикалари орасида охириги ўринлардан бирида бўлиб, 1981-1985 йиллар сарҳисобига кўра, маиший хизматни ривожлантириш суръатлари пасайиб кетган. Хусусан, кишлок аҳолисига хизмат кўрсатиш даражаси шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатиш даражасидан 1,6 баравар, кимёвий тозалаш бўйича - 3,3, кир ювиш бўйича -5,1, пойабзал таъмирлаш бўйича -2,6 баравар орқадан бўлган[38].

Умуман бу йилларда республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 68,3%га ошган. Бироқ, бу кўрсаткичлар уй-рўзгор ишларини енгиллаштириш назари билан қаралганда талаб даражасида такомиллашмаган. Бу йилларда кир ювиш хизмати -10%га ошган бўлса, маиший хизмат кўрсатиш структураси бўйича барча ишлар -2,9% дан -1,9%га камайган. 1980 йилда республикада киши бошига кир ювиш хизмати -56 тийин бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1987 йил -52 тийинни ташкил этган[39].

Аҳолининг уй-жой, озик-овқат, ижтимоий-маданий иншоотлар билан таъминланиш даражаси пастлиги, Ўзбекистонда демографик вазият шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган бир вақтда бу ўлкага бошқа минтақалардан аҳолининг “зўрлик” билан қўплаб кўчиб келиши туб аҳолини уй-жой, озик-овқат ва саноат моллари, тиббий ва маиший хизмат, болалар боғчаси ва ясиллар билан таъминлашнинг янада ёмонлашувига, республика ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда миллатлараро муносабатларнинг янада кескинлашувига олиб келди [40].

Жойларда аҳолининг маиший хизмат кўрсатиш муассасаларига бўлган эҳтиёжи, уларнинг ўз даврида турли таҳририятларга ёрдам сўраб мурожаат этганликларида янада яққол кўзга

ташланади. Чунончи, 1985 йил бир гуруҳ талабалар республикадаги газеталарнинг бирига хат йўллаб, унда Самарқанд вилояти, Советобод (Нуробод) тумани, “Жом” кишлоғига боришганида, 14 минг нафари аҳолиси бўлган кишлоқда биронта ҳаммом йўқлигини кўриб ажабланганликларини маълум қилишади. Эътиборли томони, бу ҳудудда ҳаммом қурилиши 1983 йилда бошланган бўлсада, шу йилларда “ҳаммомнинг ўрни бор экану ўзи йўқ, ҳатто пойдевори хозиргача ўрнатилмаган” бўлган. Бу муаммони ҳал этишда туман раҳбарлари қизиқишлари лозимлигини қайд этишган[41]. Шу каби масала юзасидан, 1987 йилни феврал ойда Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, “Киров” номидаги хўжаликнинг Янги-кент кишлоғи аҳолиси ўз кундалик турмушида ҳаммом умуман йўқлигидан жуда қийнаётганликлари маълум қилишган. Аҳоли ҳаммомга тушиш учун туман марказига боришга тўғри келаётганлигини, (3,5-4 км йўлни пиёда юриш лозимлигини,) баъзилар йўлни ўйлаб уйда ўзлари ювинишга мажбур бўлаётганликларини ёритган ҳолда, кишлоққа “Маиший хизмат уйи” деган гаплар тўғри келмаслигини баён қиладилар[42].

Умуман олганда, Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасалари сони (йил якунига; минг ҳисобда) 1965 йил -8,4 та, 1970 йил 13,4 та, 1975 йил -16,2 та [43], 1985 йил 20,4 та ва 1990 йил 26,9 тани ташкил этган [44]. 1990 йил Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш йўналишида киши бошига алоҳида турдаги пуллик

хизмат кўрсатиш ҳажми (рубль миқдориди) -40,2 ни ташкил этилиб, бу кўрсаткич бўйича республика иттифоқдош республикалар ичида охириги ўринларда эди[45].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қарамлик ва мустабидлик шароитида аҳоли турмуш-тарзининг ажралмас қисмига айланиб улгурган маиший хизмат муассасаларининг ривожланиши бирмунча суст кечди. Бу жараёнда икки хил тенденция маиший хизмат соҳасини аҳоли ҳаётига қириб боришига тўсқинлик қилди. Биринчидан, табиийки халқимиз қарамлик шароитида бўлсада, ўзининг миллий менталитети ва турмуш тарзидан узоқ бўлган ва мажбуран сингдиришга уринилган ўзга маданият мафкурасини қабул қилмади. Чунки совет тузуми даврида маиший хизмат муассасаларини кенг жорий этишдан мақсад “социалистик турмуш тарзи”ни тамомла жорий этиш бўлган эди. Иккинчидан, маиший хизмат кўрсатиш тизимида амалга оширилган ўзгаришлар аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан ҳамда ҳудудларнинг маҳаллий ўзига хослигидан келиб чиқмади, энг муҳими, соҳанинг инфраструктурасини шакллантиришга ва кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ муаммоларга панжа ортидан қаралди. Оқибатда Иттифоқ республикалари орасида мамлакатнинг маиший хизмат муассасалари ривожланиш кўрсаткичлари анчагина паст даражага тушиб қолди. Шундай қилиб, кўзда тутилган йилларда маиший хизмат муассасаларининг ҳолати анчайин аянчли ва зиддиятли ҳолатда қолиб кетди.

АДАБИЁТЛАР

1. Клинова М.А. Историография уровня жизни городского населения (1946-1991 гг.): общероссийский и региональный аспекты . Автореф.дисс.канд.ист. наук. -Екатеринбург, 2009. –Б.313. (Электрон ресурс: <http://www.dslib.net/search>).
2. Шадманова С.Б. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Тошкент: Адабиёт уққунлари, 2015. –Б. 4.
3. Хидоятлов М.С. Развитие культуры быта в условиях различных типов сельских поселений. Дисс... канд.филос. наук. - Ташкент, 1989. –Б.3.
4. Тўхтаев А.К. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Тошкент, 2001. –Б.16.
5. ЎзР МДА(Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви), Р-297- фонд, 1-рўйхат, 47-иш, 70-варақ.
6. ЎзР МДА, Р.297-фонд, 1-рўйхат, 46-иш, 70 варақ; ЎзР МДА, Р.297- фонд, 1-рўйхат, 46-иш, 38-41-варақлар.
7. ЎзР МДА, Р.297- фонд, 1-рўйхат, 1-2 варақлар.
8. Стасько В.Н. Служба быта- в центре внимания. –Ташкент: Узбекистан, 1969. –Б.6-7.
9. ЎзР МДА, Р.297- фонд, 1-рўйхат, 282-иш, 74 варақ.
10. ЎзР МДА, Р.297- фонд, 1-рўйхат, 282-иш, 75-76 варақлар.
11. Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам (1929-1940), II -том, М.:Политиздат, 1967. -Б. 301-305.
12. Тўхтаев А.К. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Тошкент, 2001.–Б.17.
13. ЎзР МДА, Р.2325- фонд, 1-рўйхат, 1723-иш, 1-варақ.
14. ЎзР МДА, Р.2325-фонд, 1-рўйхат, 1723-иш, 1-варақ.
15. Чжен В.А., Атаджанова Х.Х. Ўзбекистон Маҳаллий саноати 70 йил ичида.-Тошкент.: Ўзбекистон, 1991. –Б. 23; Стасько В.Н. Служба быта в центре внимания. –Ташкент: Узбекистан, 1969. - Б.11.
16. Сборник законов Узбекской ССР и Указов Президиума Верховного совета Узбекской ССР (1938-1971 гг.)- Ташкент: Узбекистан, 1972. –Б. 118.

17. Исхаков Г.И. Вопросы развития бытового обслуживания населения в Узбекистане. Автореферат ... канд. эконом. наук. –Ташкент, 1976. –Б. 10.
18. Сеницын В.Г. Становление и развитие социалистического быта.-Москва:Знание, 1970. –Б.15-16.
19. Джуманиязов Р. Повышение культуры быта села в условиях развитого социализма. –Ташкент: Узбекистан, 1974. –Б.135.
20. Ўз Р МДА, , Р.2697 фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 63-67 varaқлар.
21. Умаров А.Х. Анализ и рациональная организация структуры службы быта. -Ташкент, 1969. -Б. 3 .
22. Для блага советских людей (заместитель министра бытового обслуживания УзССР Н.Джумаева)// Агитатор Узбекистана, 1971. №16. –Б. 14-15.
23. Для блага советских людей (заместитель министра бытового обслуживания УзССР Н.Джумаева)// Агитатор Узбекистана, 1971. №16. –Б. 16-17.
24. Программа Коммунистической партии Советского Союза.М.:Политиздат, 1974 . -Б. 62.
25. ЖВДА (Жиззах вилоят Давлат архиви), Р-83- фонд, 1-рўйхат, 46-иш,11-13 varaқлар.
26. ЖВДА, Р.83- фонд, 1-рўйхат, 46-иш,12-13 varaқлар.
27. Исхаков Г.И. Кўрсатилган адабиёт. – Б.13.
28. ЖВДА, Р-83- фонд, 1-рўйхат, 46-иш, 32 varaқ.
29. ЖВДА, Р.83- фонд, 1-рўйхат, 46-иш,15-16 varaқлар.
30. ЎзР МДА, Р.2698 фонд, 1-рўйхат, 725-иш, 75-91 varaқ.
31. ҚВДА (Кашкадарё вилоят Давлат архиви), 535- фонд, 1-рўйхат, 251-иш, 5-6 varaқлар.
32. ҚВМДА, 535- фонд, 1-рўйхат, 251-иш, 5-6 varaқлар.
33. СВДА (Самарканд вилоят Давлат архиви), Р.1808- фонд, 1-рўйхат, 522-иш,172- varaқ.
34. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида).- Тошкент: Шарқ, 1999. –Б. 13-15.
35. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида).- Тошкент: Шарқ, 1999. –Б. 41.
36. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида).- Тошкент: Шарқ, 1999. –Б. 41.
37. ЖВДА, Ф-83 фонд, 1-рўйхат, 271-иш,1-2 varaқлар.
38. Назарова З.Х., Камбарова Н.Т. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси истикболлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1989. –Б.5-6.
39. Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. –Ташкент: Узбекистан, 1989. –Б. 47.
40. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида).- Тошкент: Шарқ, 1999. –Б. 106.
41. ЎзРМДА, Р-2806-фонд, 1-рўйхат, 165-иш, 23-24 varaқлар.
42. ЎзРМДА, Р-2806-фонд, 1-рўйхат, 165-иш, 135-136 varaқлар.
43. Народное хозяйство СССР в 1977 г. Статистический ежегодник.- Москва:Статистика, 1978. –Б.482.
44. Народное хозяйство СССР в 1990 г. Статистический ежегодник . -Москва: Финансы и населения. 1991. (Электрон ресурс: <http://lost-empire.ru>)
45. Народное хозяйство СССР в 1990 г. Статистический ежегодник . -Москва: Финансы и населения. 1991. (Электрон ресурс: <http://lost-empire.ru>)

РЕЗЮМЕ

В статье проанализирован процесс формирования системы бытового обслуживания в период тоталитарного строя, деятельность системы, государственные планы и противоречивые результаты планов в этой области, основные проблемы системы на примерах областей республики, а также сопоставление деятельности данной сферы с Союзными республиками на основе научных литератур, периодических изданий и архивных документов.

Ключевые слова: система бытового обслуживания, “социалистический”, бытовые условия, промысел, программа, Союзные республики, план, сфера, показатель, исследователь, текучесть кадров.

RESUME

The article analyze the formation of consumer service system in the period of the totalitarian regime, the activity of the system, state plans, and conflicting results of plans in this area, the main problems of the system by way of example regions of the country, as well as a comparison of the activities of this sector with the Union Republic on the basis of the scientific literature, periodicals and archival documents.

Key words: system of consumer service, "socialist", living conditions, fishery for, program, the Union Republic, the plan, sphere, index, researcher, staff turnover.

“ОҒЗАКИ ТАРИХ” МЕТОДИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Охунжонова Ш.Ю. *

РЕЗЮМЕ

Оғзаки тарих усули тарих тўғрисида қўшимча тасаввурларни шакллантириш, ўтмишдаги воқеа ва ҳодисаларни янада яхшироқ тушуниш имкониятини бериши, ёзма манбалар асосида тўпланган маълумотларни тўлдириши ҳамда ўрганилаётган мавзуга танқидий баҳо бера олиш хусусияти билан самарадор ҳисобланиб, ҳозирда кўплаб мамлакатларда асосий тадқиқот йўналишлари қаторидан жой олиб улгурди. Мақолада оғзаки тарих усулининг вужудга келиши ва тараққиёти, унинг АҚШ ва Европа мамлакатларида тарихий тадқиқотлар жараёнида қўлланилиши тарихидан лавҳалар ўз аксини топган.

Калит сўзлар: оғзаки тарих, оғзаки усул, архивлаш, транскрибация, Сигурд Шмид, Аллан Невинс, А.Баттимер, Пол Томпсон, В.Дувакин, Н.Кузнецова, Т.Шеглова.

Маълумотларни оғзаки тарзда узатиш шубҳасиз, маълумотларни авлоддан-авлодга етказишнинг энг қадимги шакли ҳисобланади. Оғзаки манба тадқиқотчилик амалиётида қўлланилган дастлабки тарихий манба бўлган. Тарихий воқеалар шохидларининг гувоҳликларини амалиётда қадимги юнон ва рим тарихчилари Геродот, Фукидид, Плиний, Тацит ва бошқалар, шунингдек, Бухоро тарихи бўйича муҳим манба бўлган “Тарихи Бухоро” асари муаллифи Абу Бакр Муҳаммад Наршахий ҳам ўз асарларида самарали қўллаган. Аммо ёзувнинг ва ёзма манбаларнинг вужудга келиши, китоб босишнинг кашф этилиши ҳамда архивларнинг пайдо бўлиши билан маълумотларни оғзаки тарзда етказиш анъанасининг аҳамияти йўқолиб, оғзаки манбалар иккинчи даражали манбаларга айланди, айрим ҳолларда эса умуман инobatга олинмади.

Узоқ вақт давомида тарихий манбалар билан ишлаб келган муаррихлар, тарихнавислар, тарихчи ва тадқиқотчилар секин-аста яна оғзаки тарихий маълумотлардан кенг фойдалана бошладилар. Ҳозирда оғзаки тарих – тарихий тадқиқотлар олиб боришда қўлланилаётган янги йўналишлардан бири бўлиб, бугунги кунда бир қатор хорижий давлатларда мазкур услубдан кенг фойдаланилган ҳолда, турли замонавий йўналишлар бўлмиш локал тарих (local history), ижтимоий тарих (social history), оила тарихи (family history), кичик шаҳарлар тарихи, кундалик ҳаёт тарихи (daily history) каби йўналишларда тарихий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

“Оғзаки тарих”, яъни “Oral history” тарихчи Сигурд Шмидтнинг таъкидлашича: “бирор бир ҳодисани қатнашчиси ёки гувоҳининг оғзаки берган маълумотларини мутахассислар томонидан қайд этилишининг илмий ташкилий амалиёти” [1] ҳисобланади. Буни шундай тушунишимиз мумкин: бирор-бир тарихий жараёнда бевосита иштирок этган ёки унинг гувоҳи бўлган шахснинг оғзаки тарзда берган маълумотини мутахассис томонидан илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, маълум кўринишга олиб келиниши демакдир.

Мазкур усул тарих тўғрисида қўшимча тасаввурларни шакллантириш, ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар ва уларнинг ишонччилик даражасини чуқур тушуниш учун қўшимча имконият бериши [2], ёзма манбалар асосида тўпланган маълумотларни тўлдириш ҳамда ўрганилаётган мавзуга

танқидий баҳо бера олиш хусусияти билан самарадор саналиб, ҳозирда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида асосий тадқиқот йўналишлари қаторидан жой олиб улгурди.

Бугунги кунда тарихчилар орасида баҳс-мунозара объектига айланиб улгурган оғзаки тарих методига доир тадқиқотларнинг хронологик доираси XX аср ўрталаридан то бугунги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Жаҳон тарихида оғзаки тарихга оид тадқиқотлар, аввало, АҚШ, Ғарбий Европа давлатлари ва Россияда амалга оширилган.

“Оғзаки тарих”га доир илмий тадқиқотларнинг дастлабкилари АҚШда XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлган. Чикаголик журналист тарихчи Стадс Теркел [3] 1930 йил Американинг жанубида ёшлик даврида куллиқни кўрган гувоҳлардан интервью тўплагани адабиётларда қайд этилади. Аммо оғзаки тарих усулини янги техник воситалар асосида қўлланилиши тарихига назар соладиган бўлсак, кўпчилик тарихчилар оғзаки тарихни фан сифатида вужудга келишини Колумбия университетида фаолият олиб борган Аллан Невинс номи билан боғлашади. Невинс “оғзаки тарих” атамасини илмий муомалага олиб кирган ва унинг тарихий аҳамиятга эга бўлган хотираларни йиғишга асосланган асари [4] машҳур. Аллан Невинс 1932 йилда ўзининг “Гровер Кливленд: мардлик тимсоли” ва 1938 йилда “Тарихга кириш” номли асарларида тарихий маълумотларни оғзаки тарзда тўплаш катта самара беришини таъкидлаган. Бунга мисол тариқасида президент Гровер Кливленднинг ҳаёти ва фаолиятини очиб беришда ёзма маълумотларни етарли эмаслиги боис Гровер даврининг тарихий воқеалари иштрокчиларидан интервью олиб, ундан ёзма манбаларни бойитишда фойдаланиш лозим [5] деган хулосасини исботлаб беради. Айтиш лозимки, А. Невинснинг тадқиқотлари тарихийликдан кўра кўпроқ журналистик бўлиб, унда фақатгина элитар шахсларнинг ҳаёт ва фаолияти акс этади, ваҳоланки, оғзаки тарих асосан ижтимоий тарих бўлиб, унда кўпроқ оддий халқнинг ўтмишга назари ёритилади. Кейинчалик Аллан Невинснинг ишларини шогирди С. Бенисон давом эттиради ва ривожлантиради.

Бу йўналишдаги ишлари орасида АҚШнинг Кларк университети профессори А. Баттимернинг [6] “География томон йўл” номли тадқиқоти алоҳида аҳамият касб этади. У ўзидан аввалги

* Охунжонова Ш.Ю. – ФарДУ магистранти.

тадқиқотчилардан фарқли ўларок, ўз тадқиқотларида интервьюларни илк бор видео тасмага ёзиб олади. А. Баттимер 1978-1981 йиллар давомида АҚШ, ГДР, Франция, Швеция, Норвегия, Финляндия ва нидерландиялик географлардан “профессонал ҳаёт йўлини танлаш” мавзусида интервью олиб борган. Мазкур тадқиқот география тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланиши мумкин. Яна бир АҚШнинг Орегон штатининг тарих Департаменти университети профессори Р. Доел [7] ҳам ўз асарида оғзаки-тарихий тадқиқот дастурларининг АҚШда ривожланиши ва тарқалишини кенг ёритиб берган.

Европада оғзаки тарих материаллари асосида таниқли шахслар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш 1950 йиллардан бошланган. Бу борадаги илк тадқиқотлар физика тарихи билан шуғулланувчи немис олими Я. Мехра номи билан боғлиқ бўлиб, у бутун Европани айланиб 1920-1930 йилларда квант механикасини яратишда иштрок этган физиклардан бу борадаги хотираларини ёзиб олган. Мазкур тадқиқот ҳозирга қадар физика тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Европада оғзаки тарих методининг том маънода кенг ёйилиши Поль Томпсон номи билан боғлиқ. У ўзининг ўтмишни оғзаки тарих материаллари асосида ёритиш ёки ўрганишга бағишланган [8] асарларида ушбу янги тадқиқот методининг мазмун-моҳияти, тадқиқот методи сифатидаги ўрни, тарихчиларнинг оғзаки маълумотларга муносабатлари, оғзаки манбаларнинг ишончлилиги масалалари каби назарий ҳамда оғзаки тарихнинг муаммолари, яъни интервью асосида олинган материалларни тўплаш, таҳлил этиш ва архивлаш масалалари каби амалий жиҳатларини ҳар томонлама кўриб чиққан. Шу билан бирга оғзаки тарихни таълим соҳасидаги аҳамиятини ҳам тадқиқ этиб, “оғзаки тарих лойиҳалари ўқувчиларга тарихий манбаларнинг асл табиатини тушинишга имкон беради, зеро ўқувчилар маълумотларни тўплашда бевосита иштрок этадилар” [9] деб таъкидлайди. П. Томпсоннинг мазкур асари оғзаки тарих методининг назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишда фундаментал иш ҳисобланиб, оғзаки тарихга оид бундай мукамал тадқиқот ҳозиргача яратилган эмас.

Оғзаки тарихнинг назарий ва амалий масалалари ҳамда ушбу метод асосида яратилган илмий асарларни россиялик тадқиқотчилар фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, оғзаки тарих асосидаги дастлабки тадқиқот В.Д. Дувакин [10] қаламига тегишли бўлиб, у XX аср рус маданияти ва илм-фан тарихига оид фонохужжатларни яратиш жараёнида ёзувчилар, олимлар, шоирлар, рассомлар, санъаткорлар ва режиссёрлардан иборат жами 800 дан ортик респондентлар билан олиб борилган суҳбат ва интервьюлардан фойдаланган. Дувакиннинг интервью материалларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) монографик; 2) кенгайтирилган суҳбатлар; 3) кўп мавзули суҳбатлар. Гарчи мазкур тадқиқот XX аср рус маданияти ва илм-фани тарихини ўрганишда муҳим манба саналса-да, бироқ

тадқиқотнинг ўзи оғзаки тарих методи асосида амалга оширилмаган. Сабаби, бу даврда АҚШ ва Ғарбий Европада оммалашиб улгурган оғзаки тарих методи ҳали собиқ Совет иттифоқи илмий жамоатчилиги орасида мустақил тадқиқот йўналиши сифатида тан олинмаган эди. Иттифокнинг ўзида эса табиийки оғзаки тарихнинг назарий ва амалий томонларини ўзида акс этган илмий ишлар мавжуд эмас эди.

Совет иттифоқи парчалангандан сўнг Россияда ҳам оғзаки тарих усули тарихий тадқиқотларнинг ўзига хос шакли сифатида олимлар томонидан ўрганила ва тадқиқотларда қўлланила бошланди. Россияда оғзаки тарихнинг назарий масалаларини ўзида акс этган дастлабки номзодлик ишини Д.Н.Хубова [11] ҳимоя қилган бўлиб, тадқиқотчи ўзининг мазкур номзодлик иши ва унинг асосида нашр этган оғзаки тарихга бағишланган монографиясида оғзаки тарих методининг бир қанча назарий ва амалий жиҳатларини ёритишга уринади. Жумладан, муаллиф оғзаки манбаларни хужжатлаштиришнинг техник муаммоларига тўхталиб, респондентларни танлаш, оғзаки хужжатлар транскрибациясини амалга ошириш ва уларни илмий муомалада ишлатиш масалаларига тўхталиб ўтган. Шу билан бирга оғзаки тарих атамасининг келиб чиқиши, мазкур методни шаклланишини АҚШ, Буюк Британия ва Франция мисолида кўриб ўтади. Мазкур тадқиқотчининг илмий ишларининг аҳамияти шундаки, унда оғзаки архивларни ташкил этиш масаласида ўзининг аниқ таклифларини беради.

Оғзаки тарих борасида Россияда амалга оширилган илмий тадқиқотлардан яна бири 2003 йили М.В.Лоскутова [12] томонидан тайёрланиб, нашр эттирилган “Оғзаки тарих хрестоматияси”дир. Мазкур асарда оғзаки тарих методининг назарий ва амалий масалалари хорижлик мутахассисларининг илмий мақолалари ва тадқиқотлари асосида очиб берилган. Шунингдек, оғзаки тарих методининг дарғалари бўлмиш А.Портелли, М.Фриш, Я.Вансин, П.Томпсон ва бошқаларнинг оғзаки тарихнинг мақсад ва вазибаларига оид мулоҳазалари ўрин олганлиги билан ҳам мазкур асар қимматлидир. Аммо айтиш лозимки, мазкур хрестоматияда муаллиф оғзаки тарихнинг умумий жиҳатларига тўхталиб, унинг методик томонлари бўлмиш интервьюни ташкил этиш, техник воситалардан фойдаланиш, оғзаки тарих архивларини ташкил этиш ва сақлаш масалалари ёритилмаган.

Яна бир фундаментал тадқиқот ишларидан бири профессор Т.К.Щеглова [13] қаламига мансуб бўлиб, мазкур тадқиқот ишида оғзаки тарих методининг назарий ва амалий масалалари атрофлича ёритиб берилиш билан биргаликда, оғзаки тарих методи асосида тузилган мавзубоп саволлар ва сўровномалар келтирилган.

Айтиш лозимки, Россиялик тарихчиларда оғзаки тарих йўналишига қизиқиш катта бўлиб, шу сабабдан мазкур методнинг тархини тиклаш ва ўрганишдаги аҳамияти масаласида бир неча йиллардан бери илмий анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Ушбу анжуманларда сўзланган нутқлар

асосида тўпланиб ва нашр этилган илмий мақолалар тўпламлари [14] оғзаки тарих методини ўрганишда муҳим материаллардан бири саналади.

Ўзбекистонда ҳам оғзаки тарих усули умуман бўлмаган десак хато бўлади. Юртимизда маълум бир воқеликларнинг гувоҳлари маълумотларига таянган ҳолда қатор ишлар қилинган. Жумладан, профессор Ҳамид Зиёев 1916 йилги қўзғолонни [15] ёритишда ушбу усулдан фойдаланган. Тарих фанлари доктори Қахрамон Ражабов 1918-1934 йилларда Ўзбекистон худудида юз берган совет режимига қарши қуролли кураш тарихининг айрим жиҳатларини ёритишда [16] ушбу ҳаракат иштирокчилари билан бевосита қариндош ёки таниш бўлган, уларни яқиндан билган шахсларнинг хотираларидан унумли фойдаланган. Худди шундай ҳолатни М.Шукурзоданинг хорижлик ўзбекларга бағишланган тадқиқотида ҳам кўриш мумкин [17].

Муस्ताқиллик йилларида Ўзбекистон тарихи манбашунослиги ва тарихий тадқиқотлар соҳасида оғзаки тарих методининг назарий ва амалий жиҳатдан янги йўналиш сифатида ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти қошидаги тарихчи А.Собиров бошчилигидаги “Оғзаки тарих” маркази фаолияти билан боғлиқдир.

Мазкур марказ бир неча йил давоида Германия Халқ Университетлари Ассоциацияси билан ҳамкорликда оғзаки тарихни кенг амалиётга қўллашга оид қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, 2010 йил “Ўзбекистонда оғзаки тарих: назария ва амалиёт” ва 2011 йил “Тарихий маданий меросни тарғиб қилишда оғзаки тарихнинг аҳамияти” номли илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда қатор тадқиқотчиларнинг оғзаки тарих услуги асосида олиб борган илмий изланишлари билан ўртоқлашиб, оғзаки тарихнинг Ўзбекистондаги истикболлари муҳокама қилинди.

Марказ томонидан чоп этилган “Ўзбекистонда оғзаки тарих: назария ва амалиёт” “Ўзбекистон: макон ва замонлар оша”, “Ўзбекистон: между пространство и время” [17], номли тўпламлар ўз ичига тўлалигича оғзаки тарихнинг назарий ва амалий жиҳатлари, унинг бошқа фанлар кесимидаги аҳамияти, оғзаки манбаларни архивлаш ва мазкур метод асосида амалга оширилган тадқиқот натижаларини қамраб олган.

“Оғзаки тарих” маркази раҳбари А.Сабировнинг олиб борган илмий тадқиқотлар ва чоп этган илмий нашрлар янги методни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, у ўз мақолаларида оғзаки тарих йўналишининг шаклланиши, оғзаки-тарихий тадқиқот олиб бориш усуллари, оғзаки манбаларни транскрибациялаш, архивлаш ва илмий муомалага киритиш масалаларини ёритиб, мазкур методнинг Юртимизда оммалашувида хизмат қилмоқда.

Оғзаки тарих усулидан кўплаб фанлар доирасида фойдаланиш мумкин. социолог тадқиқотчилар кенг фойдаланишмоқда. Шундай тадқиқотлардан бири К. Калоновга тегишли бўлиб, унда оғзаки тарих методини ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидаги аҳамиятини социология ва тарих фанларининг кесимида ёритиб беришга ҳаракат қилган. Жумладан, тадқиқотчи ўз ишида “ижтимоий макон” ни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб олиб, тарихий вазиятнинг социал жиҳатларини тадқиқ этиш ва баҳолашда оғзаки тарих усулини аҳамиятини [18] кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

К. Калоновнинг Д. Ашурова [19] билан ҳаммуаллифликда нашр этган мақоласида, муаллифлар ўз олдларига оғзаки тарихнинг назарий ва амалий масалалари ва илмий тадқиқотлардаги ўрни ва аҳамиятини ёритишган. Мазкур икки тадқиқотда оғзаки тарих методини кенг ёритиб беришга ҳаракат қилинган бўлсада, муаллифлар оғзаки тарихга кўпроқ социологик нуқтаи назардан ёндошилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, оғзаки тарих янги илмий фанлар сирасига кирмай, балки, турли ижтимоий-гуманитар фанлар кесимида тадқиқот материалларини тўплашнинг янги тадқиқот методи йўналишларидан биридир. Ушбу метод тарихни ўрганишда ўзига хос ўринга эга бўлиб, оғзаки манбалар ўз хусусиятига кўра бирламчи ёки иккиламчи манбавий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Ҳозирга қадар оғзаки тарихнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзида ифода этувчи тадқиқотлар турли мамлакатларда шу жумладан Ўзбекистонда ҳам нашр этиб борилмоқда. Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, оғзаки тарих методидан яқин ўтмишда юз берган, шохидлари хали ҳаёт бўлган воқеа-ҳодисаларга бағишланган мавзулар доирасида қўллаш яхши самара беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимбаев М. С. Тарихни ўрганишда “оғзаки тарих” (Oral history) услуги //ЎЗМУ хабарлари. Махсус сон. 2013. – Б. 17.
2. Сабиров А. Музей кўргазма воситаларини жонли идрок этишда “oral history” ва бошқа тарихий тадқиқот услубларининг аҳамияти (Ўзбекистон Республикаси ФА Қатағон қурбонлари хотираси музейи тажрибасида) //Тарих ва ўзликни англаш: Ўзбекистон ва Германия: 1919, 1929, 1939, 1949, 1979, 1989, 2009. – Т.: Фан. 2009. –Б. 45-54.
3. Terkel S., Vansina J., Tedlock D., Benison S., Harris A.K., Grele R.J. Envelopes of Sound. Six Practitioners Discuss the Method, Theory and Practice of Oral History and Oral Testimony. Chicago, 1975.
4. Nevins A. Grover Cleveland: A Study in Courage. – NY: Dodd, Mead & Company., 1932; The Gateway to History. – NY: D. Appleton-Century, 1938.
5. The Gateway to History. – NY: D. Appleton-Century, 1938. –P. 832.
6. Баттимер А. Путь в географию //Пер. с англ. –М.: Прогресс, 1990.

7. Доел Р. «Устная история» в историографии современной науки: опыт и проблемы // Вопросы истории естествознания и техники. № 4. 2000.
8. Thompson P. The Voice of the Past. N.Y.: Oxford University Press., 1988; Томпсон П. Голос прошлого. Устная история / Пер. с англ. –М.: Весь Мир, 2003.
9. Томпсон П. Голос прошлого. Устная история / Пер. с англ. –М.: Весь Мир, 2003. –С. 194.
10. Записка В.Д. Дувакина «О моей работе на кафедре Научной информации МГУ» // Предисловие: Тейдер В.Ф. II Археографический ежегодник за 1989 год. – М.: Наука, 1990.
11. Хубова Д.Н. Устная история и архивы: зарубежные концепции и опыт. Автореф. дисс. канд. ист. наук. - М., 1992; «Устная история» и источниковедение: историческое интервью, инициативное документирование или «фабрикация» исторического источника? // Источниковедение XX столетия: Тез. докл. и сообщ. науч. конф. –М.: РГГУ ИАИ, 1993; «Устная история» и источниковедение: В поисках утраченного времени// Мир источниковедения: Сборник в честь Сигурда Оттовича Шмидта. М.: РГГУ; Пенза, 1994; Устная история. «Verba Volant?». Методическое пособие. –М.: РГГУ, 1997.
12. Хрестоматия по устной истории.- СПб.: Изд-во Европ. ун-та в С. Петербурге, 2003.
13. Щеглова Т.К. Устная история (учебное пособие). – Барнаул, 2010.
14. Методологические проблемы устной истории // Источниковедение отечественной истории. Сборник статей. –М.: Наука, 1989; Устная история: 20-е годы //Источниковедение XX столетия: Тезисы докладов и сообщений научной конференции. 28-30 января 1993 г. –М.: РГГУ ИАИ, 1993; «Устная история» и источниковедение: историческое интервью, инициативное документирование или «фабрикация» исторического источника? // Источниковедение XX столетия: Тез. докл. и сообщ. науч. конф. - М.: РГГУ ИАИ, 1993; Устная история науки и проблемы археографии аудиовизуальных источников // Институт истории естествознания и техники им. С.И.Вавилова. Годичная научная конференция, 2004. –М.: Диполь, 2004; Устная история (Oral History): теория и практика // Материалы Всероссийского научного семинара. Барнаул, 25-26 сентября 2006 г. –Барнаул, 2006.
15. Зияев Х. Участники восстания 1916 года в Ферганской долине. –Т., 1979.
16. Ражабов Қ. Ўзбекистонда шаҳарлар ва туманлар тарихи: муаммонинг методологик жиҳатлари //Тарихшунослик ўқишлари - 2010. Конференция материаллари. –Т., 2011. –Б. 71.
17. Шукурзода М. Америкалик ўзбеклар. –Т.: Фан, 2007. – Б. 35.
18. Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник статей. Вып. I. – Т., 2011. – Б. 18.
19. Сабиров А. Музей кўргазма воситаларини жонли идрок этишда “oral history” ва бошқа тарихий тадқиқот услубларининг аҳамияти (Ўзбекистон Республикаси ФА Қатагон қурбонлари хотираси музейи тажрибасида) // Тарих ва ўзликни англаш : Ўзбекистон ва Германия: 1919, 1929, 1939, 1949, 1979, 1989, 2009. – Т.: Фан, 2009; Устная история (Oral history) как источник и метод исторического исследования // Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник статей, Вып - I. - Т., 2011; Устная история (Oral History): от историографических традиций комплексному источниковедению // Тарихшунослик ўқишлари - 2010. Конференция материаллари тўплами. – Т.: Yangi nashr, 2011; Oral History and how youth and adults learn from the past // Closing the books or keeping them open? – Bonn, 2011.
20. Калонов К. Социал маконда “Оғзаки тарих” усулидан фойдаланишнинг аҳамияти // О’zbekiston tarixi. № 3-4. 2012.
21. Калонов К. Социал маконда “Оғзаки тарих” усулидан фойдаланишнинг аҳамияти // О’zbekiston tarixi. № 3-4. 2012. –Б. 108.
22. Калонов К., Ашурова Д. Оғзаки тарих ва унинг социал аҳамияти // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: 2011. –Б.

РЕЗЮМЕ

Устное изучение истории помогает лучше понять исторические события и развивает кругозор, а письменным источникам свойственно развитие критической оценки исторических событий, эти пути обучения применяются во многих странах мира. В статье отражены способы изучения исторических событий в США и странах Европы с помощью исследований и исторических эпизодов.

Ключевые слова: устная история, устный метод, архивация, транскрипция, Сигурд Шмидт, Аллан Невинс, А.Баттимер, Пол Томпсон, В.Дувакин, Н.Кузнецова, Т. Щеглова

RESUME

The method of oral history considered to be effective due to its features to form additional assumptions about history, offer an opportunity for a better understanding of events and occurrences, supplement the information collected on the basis of written resources and the ability of critical evaluation of the topic studied. Currently it has become one of the research directions in many countries. The article reflects in itself the rise and development of oral history method, and illuminations from the history of its implementation in the process of historical researches in the US and European countries.

Key words: oral history, oral method, archiving, transcription, Sigurd Shmidt, Allan Nevins, A.Battimer, Pol Tompson, V.Duvakin, N.Kuznetsova, T.Sheglova.

КЕШ ВОҲАСИ ЎРТА АСРЛАР КОНЧИЛИГИ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИК ТУРЛАРИ

Парманов Ш.Э. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Кеш воҳаси ўрта асрлар кончилиги ва хунармандчилигини ривожланиши, унинг турлари ҳақида сўз юритилиб, кончилик тараққиёти, металлсозликнинг муҳим тармоқлари қуролсозлик, кандагарлик ва заргарлик соҳаларининг юксалишига алоҳида эътибор қаратилган. Ривожланган ўрта асрларда Кеш воҳасида хунармандчилик ишлаб чиқариши энг юқори даражада бўлиб, маҳсулотлар нафақат ички эҳтиёжлар учун, балки, ташқи савдо учун ҳам ишлаб чиқарилган. Бу борада амалга оширилган тадқиқотлар ўз илмий долзарблиги билан ажралиб туради ва Жанубий Сўғд тарихи ва маданиятини ўрганишига хизмат қилади. Муаллиф томонидан Кеш воҳасининг ўрта асрлар кончилиги ва хунармандчилигини ривожланиши археологик ҳамда ёзма манбаларни таққослаш, таҳлил қилиши асосида батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: Кеш, Жанубий Сўғд, Танхосдарё, Қорадарё, Чўянлисой, Турнасой, Лангардарё, Шертоғ, кулолчилик, кончилик, металлсозлик, хунармандчилик, кандакорлик, қуролсозлик, меъморчилик, тўқимачилик.

Ўрта асрларда иқтисодийнинг ривожланиши кўпроқ фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлашга ҳам боғлиқ эди. Тадқиқот ишлари натижасида Қашқадарё худудида бир нечта қадимги конларнинг излари аниқланган. Металл конлари хунармандчиликнинг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Айтиш мумкинки, воҳада хунармандчилик ишлаб чиқариши учун етарли хом ашё базасига эга эди.

Воҳадаги қадимги конларни ўрганган М.Е.Массон Танхосдарё ва Қорадарёнинг юқори оқимидан бир қанча турларини аниқлади [1]. Шунингдек, қадимги металл ишлаб чиқариш излари ва тошқоллар Қизилдарёнинг юқори оқимларида ҳам аниқланган.

Кейинроқ Е.Б.Пругер томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир нечта Тутакотадан темир рудаси ва ярим металл қолдиқлари, унинг атрофидан эса IX-XII асрга оид сопол парчалари топилган. Чўянлисой ва Турнасойдан ҳам айнан шундай топилмалар аниқланган. Кўп сонли металл қотишмалари Лангардарё ҳавзаларида ҳам учрайди. Бу атрофдаги конлардан асосан темир ва қисман кумуш қазиб олинган. Илк ва ривожланган ўрта асрлар даврида Қалтақўл қишлоғи ёнидан ярим металл рудалари конларидан хом-ашё қазиб олинган. V-VIII асрларда Шертоғ қонидан хом-ашё қазиб чиқарила бошланди. Бу ердан топилган турли қолиплар темир шу ерда эритилганлигидан далолат беради. Шертоғ атрофларида оҳоктош ҳам қазиб олинган [2]. Ички иқтисодий ҳаёт ва ташқи алоқаларнинг ривожланишида Кеш воҳасидан туз қазиб олиш муҳим аҳамиятга эга эди. Кешдан туз қазиб олиш ҳақида М.Е.Массон тадқиқот ишларини олиб борган ва унинг фикрича IX-X асрлар ёзма манбаларида эслатилган Кешнинг туз қони Ғузордан 64 км узоқликда жойлашган қонга мос келади [3]. Бу ерда қазиб олинган тузнинг сифати ниҳоятда юқори эди. Шунинг учун ҳам Кеш тузи нафақат Мовароуннаҳрда, балки четга ҳам олиб кетилган. Ибн Хавқалнинг ёзишича “Кешда ердан тош тузи қазиб олинади ва Хуросоннинг кўпгина вилоятларига олиб кетилади” [4].

Кўпгина IX-XII аср кон ёдгорликларида учрайдиган ўйма ганчли нақшлар албестер ишлаб чиқарилганлигидан далолат беради. Е.Пругернинг

таъкидлашича, ўрта асрларда Оксуб бўйларидан ганч қазиб олинган [5].

Жамият ҳаётида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши темир маҳсулотларига бўлган талабни кескин оширди. Натижада воҳада йирик марказлардан бошқа аҳоли манзилгоҳларида ҳам металлсозлик кенг ёйилди. Жумладан, металлсозлик излари-темир қуймалари Касби, Базда, Кишмиштепа, Искифағн ёдгорликларида, темирчилик устахоналари Қоровултепа, Овултепа, аниқланган [6]. Бу манзилгоҳларда темирчилар томонидан кенг аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган меҳнат қуроллари, қурол-яроғ, ошхона идишлари ҳамда тақинчоқлар тайёрланган.

Кончилик тараққиёти ўз навбатида металлсозликнинг муҳим тармоқлари бўлган заргарлик ва кандакорлик соҳаларининг юксалишига замин яратди.

Илк ўрта асрлар хунармандчилигида кандакорлик алоҳида ўринга эга. Кумуш ашёсидан нозик дид билан тайёрланган идишлар нафақат Жанубий Сўғдда, балки кўшни ва олис ўлкаларда ҳам катта ўринга эга бўлган. Яқин вақтларгача мутахассислар орасида кумуш идишлар кандакорлигининг асосий ватани Эрон бўлганлиги, бошқа худудлардан аниқланган идишларнинг асосий қисми айнан шу ерда тайёрланганлиги, кейинчалик эса соҳа тараққиёти Араб халифалиги даври билан боғлиқлиги хусусида фикрлар устувор эди. Бироқ, изчил тадқиқотлар бу маҳсулотларнинг маълум бир қисми Сўғдда тайёрланганлигини кўрсатди. Археологик ва геологик тадқиқотлар Сўғд худудида кумуш конлари мавжуд бўлмаганлигини кўрсатади. Рангли фойдали қазилмалар бўйича йирик тадқиқотларни амалга оширган Ю.Ф.Буряков Сўғд кандакорлигининг хом ашёси асосан савдо алоқалари орқали Чоч ва Илоқ худудларидан олиб келинганлигини таъкидлайди [7]. Кандакорлик хунармандчилигининг юксалиши кулолчилик маҳсулотлари тайёрланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Металлсозликнинг яна бир муҳим тармоғи – қуролсозлик бўлиб, мазкур даврда Сўғдда кўплаб қурол-яроғ тайёрлайдиган маҳсул устахоналар фаолият кўрсатган. Бу устахоналарда тайёрланган

* Парманов Ш.Э. – ЎЗМУ катта илмий ходим-изланувчиси.

қуроллар савдо-иқтисодий алоқалар туфайли кўшни ўлкаларга чиқарилган. Қуролсозликда юқори табақа вакиллари орасида урфга кирган қимматбаҳо маъдан ва тошлар билан безатилган турли шаклдаги қуроллар тайёрлаш катта ўрин тутган. Шунингдек, бу услубда алоҳида ўринга эга бўлган от анжомларини тайёрлаш ва нафис қилиб безатиш ҳам ривож топган. Қуролсозликдаги тараққиёт ўз-ўзидан ёғочга ва айрим ҳолларда суякка ишлов бериш, уларни сайқаллаш соҳаларининг юксалишига таъсир кўрсатган.

Ёғоч ўймакорлиги – илк ўрта асрларда Сўғда ривож топган соҳалардан бири – ёғочга ишлов бериш хунармандчилиги ҳисобланади. Бу соҳа маҳсулотларидан асосан уй хўжалиги ва меъморчилик безакларида фойдаланилган бўлиб, ўзига хос тайёрлаш техникаси орқали амалга оширилган. Бу жараёнда қўл ёки сув ёрдамида ҳаракатга келтириладиган махсус дастгоҳдан фойдаланилган. Дастгоҳ тузилиш жиҳатидан оддий бўлиб, унда ишлов бериладиган ёғоч бўлаги ҳаракатга келтирилган, айланаётган ашёга махсус пичоқлар ёрдамида ишлов берилган. Идишларни тайёрлашдаги энг муҳим босқич уларнинг мустаҳкамлигини таъминлашдан иборат бўлган. Шу мақсадда тайёр бўлган идишлар бир – икки дақиқа олов тутунида тутиб турилган, сўнгра, идишга ёғ суртилган ёки идиш қайноқ ёғда бир дақиқа ушлаб турилган. Шундан сўнг идишга минерал бўёқ билан безак берилган [8].

Меъморчиликда саройлар ҳамда шаҳарларнинг муҳим биноларини, ибодатхоналарни безатиш ёғочга ишлов бериш хунармандчилиги ривожини янги поғонага кўтарган. Таъкидлаш жоизки, меъморчиликда ёғоч ўймакорлиги беағи фақат тоғолди худудлари учун хос бўлиб, Жанубий Сўғда иқлим шароити ва хом ашё манбаидан келиб чиқиб, биноларни сопол (сирланмаган) кошинлар билан безаш кенг ёйилган [9]. Бироқ, кейинги даврларда металлсозлик ва шиша буюмлар тайёрлашнинг кенгайиши ёғочга ишлов бериш хунармандчилигининг асосан меъморчиликда сакланиб қолишига сабаб бўлди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Жанубий Сўғда ривож топган ҳар бир хунар соҳалари катта тажриба ҳамда узоқ муддатли оғир меҳнатни талаб қилган. Бу эса, фикримизча, шарт-шароит, яъни, ижтимоий-иқтисодий асос ҳамда бойлик тўпланишини тақозо этган. Бу каби шарт-шароит Сўғднинг Туркий хоқонлиги таркибига киритилиши ҳамда хоқонлик билан савдо-иқтисодий алоқалардаги муштарак манфаатлари орқали юзага келди. Ушбу мулоҳазалар ҳамда тадқиқотлар тахлили Жанубий Сўғд худудидида хунармандчилик аҳволининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш имконини беради. Жумладан, маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда сифатига кўра уни уй касб-кори ва хунармандчилик ишлаб чиқариши каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Уй хунармандчилиги уй-қўрғонлар ёки (янгидан вужудга келган) кишлоқ манзилгоҳларида қўлда идишлар тайёрлаш, бўйра тўқиш, бўёқлар тайёрлаш ва тўқимачилик кабилар билан боғлиқ

бўлган [10]. Бу каби хунармандчилик маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари кишлоқнинг оддий аҳолиси, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари бўлганлиги сабабли бу маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш даражаси ва сифати юқори бўлмаган. Шу сабабли, фикримизча, уй касб-кори даражасидаги буюмлар тайёрлаш ва хунармандчилик ишлаб чиқариши ўртасидаги фарқни ажрата билиш лозим.

Тадқиқотлар тахлилига кўра, хунармандчиликнинг ихтисослашган соҳалари асосан йирик шаҳарларда ва хунармандчилик марказларида (Кеш ва Насаф) ривож топган бўлиб, бундай марказларда махсус устахоналар ҳам фаолият кўрсатган. Бундай марказларда маҳсулотларнинг асосий қисми ўзаро алмашинув ёки сотиш учун тайёрланган бўлиб, уларнинг маълум бир қисми хунармандларнинг ўзлари томонидан сотувга чиқарилган. Зеро, уларни ишлаб чиқариш “... бозор мақсадларида амалга оширилган бўлиб, бу каби маҳсулотлар шахсан озод хунармандлар томонидан тайёрланган” [11]. Бу маҳсулотларнинг асосий истеъмолчилари йирик мулкдорлар, шунингдек, уларга тегишли тижорат билан машғул савдогарлар бўлган. Чунки, мазкур даврда савдо-сотик жуда қизгин ва даромадли ҳисобланар, “... бироқ, бу тижорат оғир натурал хўжалик шароитида яшаётган авом халққа эмас, балки, жамиятнинг дабдабали нарсаларга эҳтиёж сезадиган юқори қатламга хизмат қиларди” [12]. Шу сабабли, фикримизча, кенг миқёсли савдо-сотик жараёнлари ривож топганлигига қарамай уй хунармандчилиги илк ўрта асрларда ҳам Сўғд хунармандчилигида маълум бир ўринга эга бўлган. Бу эса биринчи навбатда, шаҳар ва кишлоқ ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаб келган.

Воҳада хунармандчилик маҳаллалари ва устахоналарининг ажралиб чиқиши асосан шаҳар ва кишлоқларнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўрта асрлар Қашқадарё воҳаси шаҳар ва кишлоқларидаги хунармандчилик ишлаб чиқариш қолдиқлари тадқиқотларни умумлаштириб ва солиштириб кўришга ҳаракат қиламиз. Воҳадаги Хўжабузруктепа шаҳар атрофида кулолчилик маҳаллаларининг кулолчилик устахоналари излари топилган.

Олтинтепада ҳам турли туман хунармандчилик ривожланган эди. Булар орасида кулолчилик, ғишт пишириш, ойнасозлик, металлни қайта ишлаш кабилар бор эди.

Олтинтепанинг шарқий қисмидан ўрта асрларга оид жуда кўплаб сопол парчалари топилган. Улар орасида сирланган ва турли бўёқларда нақш солинган идишлар мавжуд. Ундан ташқари хумдон ёнидан XII асрга оид тангалар (31 дона) топилган. Мисдан ясалган бу тангаларнинг сиртига кумуш суви югиртирилиб, Қорахонийлар ҳукмдори Иброҳим Хусайн дирхамларидан иборат бўлиб, ёзилган сана 1178-1180 йиллардир. Тангаларнинг ёнидан XIII асрнинг 30-йилларига оид алоҳида тангалар ҳам топилган. Б.Кочневнинг бу фикридан кейин печни XII аср охири ва XIII аср бошларига оид дейиш мумкин бўлади [13].

Археологик тадқиқотлар туфайли кулолчилик хумдонлари ва сифатсиз сополлар парчаларини ўрганиш натижасида X-XII асрлар кулолчиликнинг ривожланганлиги ва сопол маҳсулотларининг катта ҳажмда ишлаб чиқарилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ундан ташқари бу маълумотлар кулолчилик маҳсулотининг асосий турлари: сирланмаган (кўзачалар, товоқлар, қозонлар) идишлар, симоб кўзачалар, турли ўйма нақшлар билан безатилган қоққоқлар ва сирланган идишлар бўлганлигидан далолат беради.

Олтинтепанинг кулолчилик маркази атроф қишлоқларга ҳам маҳсулот етказиб берган. Қишлоқ манзилгоҳларида симоб кўзача ва қолиплаган идишлар учрайди. Уй ишлаб чиқариш шароитида

бўлган қишлоқлар хунармандчиликда бундай маҳсулотлар бўлмаган.

Қишлоқларда ҳам турли ишлаб чиқариш изларини учратиш мумкин. Шуни алоҳида назарда тутиш лозимки, қишлоқларда хунармандчиликнинг ривожланиши чегараланган характерга эга эди. Ишлаб чиқиш технологияси ҳам шаҳарниқига қараганда нисбатан қоққоқ бўлиб, маҳсулотларнинг сифати ҳам шаҳарниқига нисбатан анча паст эди. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан шундай хулосалар чиқадики, ривожланган ўрта асрларда Кеш воҳасида хунармандчилик ишлаб чиқариши энг юқори даражада бўлиб, маҳсулотлар нафақат ички эҳтиёжлар учун, балки, ташқи савдо учун ҳам ишлаб чиқарилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. Т.: Издательство академии наук Уз ССР, 1953. С. 19.
2. Пругер Е.Б., Тихомиров Е.М. Работы по изучению древнего горного промысла Узбекистана. Журнал АО. 1977. М., 1978. С. 534.
3. Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. Т.: Издательство академии наук Уз ССР, 1953. С. 19.
4. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард (Моварауннаҳр). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Камалиддинов Ш.С., Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедиси” 2011. – Б.66.
5. Пругер Е.Б. Горный промысел Южного Согда. Т.: Фан, 1986. С. 31.
6. Лунина С. Города Южного Согда в VIII-XII вв. -Ташкент, Фан, 1984.-С.79.
7. Буряков Ю.Ф. Добыча благородных металлов в средневековой Средней Азии // Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи. - С.57-58.
8. Нозилов Д. Ўрта Осиё дизайни тарихидан. -Тошкент, “Ўзбекистон” 1998.-Б.55.
9. Массон В.М. Культурогенез древней Центральной Азии. – Санк-Петербург, Филологический факультет Санк-Петербургского Государственного университета, Издательство Санк-Петербургского Государственного университета, 2006. -С.247.
10. Қаранг: Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII-IV асрларда Суғдиёна тарихи ва маданияти. Тарих фан. номз. дисс. -Тошкент, 1999.-Б.101.
11. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н.э. – VII в. н.э. – Ташкент: Фан, 2000.-С. 129.
12. Гумилев Л. Қадимги турклар – Ташкент: Фан, 2007.-Б. 49.
13. Кочнев Б. К истории денежного обращения в Средней Азии XI-XII вв. – ИМКУ. Вып. 12. Т., 1975. С. 170-175.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы развития промысла, выработки сырья и ремесленного производства, в частности, отдельное внимание уделено изготовлению металлических изделий и металлообработке в Кешском оазисе в эпоху средневековья. В период развитого средневековья ремесленное производство в Кеше достигает наивысшего подъема, ремесленные изделия производятся не только для внутреннего потребления, но и внешней торговли. Применительно к теме, проведенные исследования имеют актуальное значение для изучения средневековой истории и культуры Южного Согда. В статье использован метод сравнительного анализа археологических и письменных источников.

Ключевые слова: Кеш, Южный Согд, Танхасдарья, Карадарья, Чуянлисай, Турнасай, Лянгардарья, Шертан, гончарство, металлообработка, ремесло, оружие дело, архитектура, ткачество

RESUME

This article gives information about the development of mining and crafts, types of crafts, also special attention is paid to the production of metal products and metal-working in Kesh oasis in the Middle Ages. The production of crafts reached the highest degree during the Middle ages, crafts were produced not only for domestic consumption, but also external trade. Implemented researches about this theme are differed with their actuality, and served to learn history and culture of Southern Sougd. On the basis of archaeological materials and written sources this article analyzes the development of mining and crafts in Kesh oasis in the middle ages.

Key words: Kesh, Southern Sughd, Tankhasdarya, Kara Darya, Chuyanlisay, Turnasay, Langar Darya, pottery, mining, metalwork, craft, coining, architecture, weaving.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОЯТОШ СУРАТЛАРИДА УСЛУБ ВА МАВЗУ ХУСУСИЯТЛАРИ

Пўлатов Ю.Э. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада юртимиздаги мавжуд қоятош суратларининг ишланишидаги услуб ва мавзулар масаласи ёритилган. Қандай услубдаги суратларнинг учраши. Услуб хусусиятлари, қоятош ёдгорликларининг даврини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Суратлар услуб хусусиятига кўра гуруҳларга ажратилган. Мавзуларнинг хронологик тартибда ўзгариб бориши масалалари ҳам ёритилган.

Калим сўзлар: қоятош, мазилгоҳлар, археология, услуб, мавзу, контур, соя, нақшдор, схематик, аралаш услуб.

Қоятош суратларининг услуб ва мавзу хусусиятларига кўра илмий таснифини яратиш ҳозирги вақтда тарих ҳамда археология фани олдида турган долзарб вазибалардан бири ҳисобланади.

Бу борада маълум бир ишлар ҳам амалга оширилган. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, суратлар таснифини яратишни шартли равишда деб қабул қилиш лозим. Чунки, тасвирларнинг ниҳоятда кўплиги боис бу ишни амалга оширишнинг имкони йўқ[1]. Олимларимиз юртимиздаги Хўжакент, Қорақиясой ва Сармишсой ёдгорликлари доирасида суратларни услуб, мавзу ва ишланиш техникасига кўра таснифлашга ҳаракат қилишган. Кўпгина ҳолларда таснифлашда суратнинг услуб хусусиятларига кўпроқ эътибор берилиб, уларнинг бошқа жиҳатлари жумладан, ранг хусусиятлари ёки бошқа омиллари ёрдамчи восита сифатида кўриб келинади. М.Хўжаназаров Қорақиясой ва Хўжакент ёдгорликлари суратларининг услубини таҳлил қилишда А.Бернштам томонидан таклиф этилган 4 та услубдан фойдаланган[1].

Услуб ҳақида адабиётларда жуда кўплаб фикрлар билдирилган. Я.А.Шер ўзининг «Петроглифы Средней и Центральной Азии» асарининг II-бўлимини услуб масаласига бағишланган[2]. Ўлкамиз ва чет эл мутахассисларининг ишларида суратларнинг услуб хусусиятлари, қоятош ёдгорликларининг даврини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Услубни хусусият ва турига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Ҳаққонийлик, геометриклик, схематиклик каби жиҳатлар услубнинг хусусиятини белгилаб беради. Сояли, нақшдор-безакли, контур ва чизикли кўриниш эса услубнинг турини кўрсатади.

Тадқиқот жараёнида тўпланган материалларга асосланиб, услубларни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) Сояли услуб; 2) Нақшдор-безакли усул; 3) Контурли усул; 4) Схематик услуб; 5) Аралаш услуб билан ишланганлар.

1) **Соя услубида** ишланган суратларда одам ёки ҳайвон ифодаси жонлироқ, унинг ташки кўриниши анча ҳаққоний чиқади. Худди шу усул билан ишланган расмлар республикамизда ҳам, шунингдек ундан ташқаридаги жойларда ҳам кўплаб учрайди. Ушбу услуб кўплаб адабиётларда деярли энг қадимий услуб сифатида эътироф этилади. Соя услубидаги тасвирлар куёш нурлари таъсирида анча қуйганлиги ва тасвирларнинг ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Баъзи ҳолларда бу усулда тасвирланган расмлар кейинги

даврларда ҳам учрайди. Фақат тасвирлар унчалик уринмаган ёки тасвирлар ҳаққонийлиги билан қадимийларидан фарқ қилиб туради[3].

2) **Схематик услуб** билан ишланган расмлар ўзининг соддалиги, схематик тарзда тасвирланиши билан бошқа услубда ишланган расмлардан фарқ қилади. Ўқ-ёй, кейинги даврга (I-X асрларга) мансуб бўлган тоғ эчкилари ва бошқа нарсалар тасвири шу услуб қаторига киритилади. Худди шу услуб билан ишланган суратлар Бошқизилсойда, Бургансойда, Хўжакентда, Қорақиясойда, Тўсинсойда, Обишир-сойда, Оҳангаронда, Фарғона водийсининг тоғлик районларида ва бошқа кўплаб мазилгоҳларда учрайди. Уларнинг аксарияти милоннинг биринчи минг йиллигига оид бўлган тасвирлардир.

3) **Контур тарзидаги суратлар** ҳаққонийлик хусусиятлари билан схематик тарзда ишланган расмлардан фарқ қилади. Бу усул билан кўпроқ ҳайвонларнинг тасвирлари ифода этилиб, уларнинг бош, кулоқ ва оёқлари соя тарзида чизилиб, бутун танаси эса айлантириб контур чизик билан чизилади.

4) **Нақшдор-безакли усул** қоя тош суратларининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бу усул билан кўпроқ ибтидоий даврдаги букалар, йиртқич ҳайвонлар, йирик шохли хонаки қорамоллар, эчки, от ва номи бизга ҳозирча номаълум бўлган нарсаларнинг расмлари ишлангандир. Аввало, расмларнинг ташқи контури ишланиб, контур ичига эса кўндаланг ва тик чизиклар параллель ҳолда ўтказилади. Баъзан ҳайвон танаси эса кўндаланг ва тикламасига ўтказилган тўлқинсимон чизиклар, юмалоқ ва тухумсимон шаклдаги белгилар билан безатилади. Айрим расмлар соя тарзида ишланиб, ифода этилаётган ҳайвон танасида юмалоқ ва тухумсимон шаклга эга бўлган жой қолдирилиб, худди шу жойнинг сирти қайта ишланмайди. Ваҳший, йиртқич ҳайвонларнинг баъзиларининг танаси майда-майда юмалоқ белгилар билан безатилади. Булар, ифодаланаётган ҳайвон терисининг олачипорлигини, тарҳиллигини билдирган бўлиши мумкин. Бундай услуб билан ишланган расмлар Тул кишлоғининг Суратлисой дарасида, Тамғали тошда учрайди.

5) **Аралаш услубда ишланган расмларнинг** ярми контур, ярми соя, чизикли-схематик ва бошқа услублар ҳам бир тасвирнинг ишланишида бир вақтининг ўзида қўлланилган бўлиши мумкин. Услубдаги бу алоҳидалик хусусиятлари қоятош суратларининг қайси даврда ишланганлигини аниқлашда ижобий натижалар бериши мумкин.

* Пўлатов Ю.Э. – ЎЗМУ катта килмий ходим-изланувчи.

Услугининг ўзгаришини даврлар узра кузатиб бориш мумкин. Услугининг ўзгариши сабабини М.Хўжаназаров эчкилар ва Я.А.Шер эчки, буғу, чавандоз мисолида жадваллар орқали яхши мисолларда келтириб ўтишган.

Сақланиш даражаси. Қоятош тасвирлари одатда тошларнинг силлиқ юзасида тасвирланган бўлади. Ташқи омиллар яъни, қуёш нурлари, қаттиқ шамоллар, қорнинг эриши каби таъсирлар натижасида тош устини ойна каби, қора пленкага ўхшаш қатлам билан қопланиши фанда «пустынний загар» деб аталади. Бу ҳолат аввалига қуёш нури узоқ вақт мавжуд бўладиган, иссиқ ҳудудларга хос бўлган деб ҳисоблашган, аммо кейинчалик бу ҳолат совуқ ҳудудлар, ҳатто қутбда ҳам учраши маълум бўлган. Кристалларни ўрганувчи химиклар, биологлар тадқиқотларидан сўнг пустынний загар ультрофиолет нурлари, ҳарорат ва намлик таъсири остида тош юзасида темир-марганецнинг қатламини ҳосил қилиши ва бу ерда лишайниклар ва сув ўтларини ҳам ўрни мавжудлиги аниқланган. Загарнинг пайдо бўлишига бир вақтда турли омиллар таъсир кўрсатади ва қуёш бу ерда охириги ўринда эмаслиги, агарда бир тошдаги 2 тасвирни кўрадиган бўлсак, қуёш нурлари тик тушадиган тасвир сояда жойлашганлигига нисбатан анча хира кўринишга эга бўлади. Ушбу услуб бўйича ёшни аниқлашда жуда уста мутахассис бўлиш лозим, акс ҳолда уч минг йиллик тасвир билан беш минг йиллик тасвирлар бир хил ҳолга келиб қолганликни ажратиш жуда қийин бўлиб қолади. Масалан, Чулак тоғларидан топилган туяларнинг тасвирлари бир неча минг йиллик деб ҳисоблаган П.И. Мариновский агарда туялар тасвирларини таққослаб қарасак, улар сўнгги давр суратларидан ишланиш услуби жиҳатидан фарқ қилмаслигини айтади[4].

Бу сўздан куйганлик даражаси суратнинг яратилиш вақтини аниқлашнинг имконини бермайди, деган хулосага келиш жоиз эмас, балки Подольский, Кадырбаев, Марьяшев томонидан

яратилган суратларни маълум даражада даврлаштириш имконини берадиган кўрсаткичлар жадвали ҳам бошқалари билан таққослаганда фойда берувчи усуллардан бири сифатида эътироф этилади.

Қадимий қатламга мансуб бўлган расмларнинг сирти қуёш нури, ёғин-сочин, шамол, хуллас табиатнинг хилма-хил ҳодисалари натижасида тошнинг табиий сирти каби қорайиб, қуйиб уриниб қолган, нураган, емирилган ва дарз кетган бўлади. Қоятош суратларнинг қадимий қатлами мавзу жиҳатдан ҳам бойдир. Қояларда ибтидоий даврнинг иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ бўлган баъзи ҳодисалар, жонли манзаралар кўп учрайди. Булар орасида ибтидоий даврга мансуб буқа, сигир, тоғ эчкиси, қулон ва йиртқич ҳайвонларни ов қилиш манзаралари диққатга сазовордир. Бу манзаралар орасида мил. ав. 1 минг йиллик арафасида қилиб битган тур (ёввойи буқа, сигир) ва бизонларнинг учраши, мазкур кўринишларнинг қадимий эканлигини кўрсатувчи асосий далиллардан биридир.

Суратлар фақатгина бир хил шароитда ва битта юзада ишланган бўлиб уларнинг бири иккинчисидан яхшироқ сақланган бўлса, уларнинг сақланиш даражаси ҳақида хулоса чиқарса бўлади. Бундай ҳолатда уларнинг турли даврларда ишланганини билиб олса бўлади, лекин қай бири ёшроқ эканлигини билиш мушкул. Қуйишнинг шаклланиши бу усулнинг ўзи алоҳида даврлаштиришда восита бўла олмаслигини кўрсатади.

Юқоридаги билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, суратларнинг ишланиш техникасини бошқа далиллар, тасвир услуби, сақланганлик даражаси, мавзуси билан биргаликда олиб қараш янада тўлиқроқ даврлаштириш имконини берадиган воситадир.

АДАБИЁТЛАР

1. Хўжаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Карақисая. Самарқанд: Археология, 1995. С.47.
2. Шер Я.А. Петроглифы Средней и Центральной Азии. Москва: Наука, 1980. С. 25-42.
3. Хўжаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Карақисая, Самарқанд: Археология, 1995. С.51;
4. Я.А.Шер. Петроглифы Средней и Центральной Азии. Москва: Наука, 1980. С. 39- 40, рис. 8.
5. Мариновский П.И. О наскальных изображениях в горах Чулак ВАН, Казахстан: №6, 1950. С.1066.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрывается вопрос стиля и тем исследований наскальных рисунков. Указан стиль рисования, его особенности и роль в определении хронологии наскальных рисунков. Рисунки разделены по группам в зависимости от стиля рисования.

Ключевые слова: наскальные рисунки, археология, стиль, тема, контур, тень, узорный, схематический, смешанный.

RESUME

This article contains information about style and subject of existing rock paintings in our country. Significant importance of style of paintings and style features in determination of age of rock monuments is mentioned. Paintings were divided into groups according to style features.

Key words: rock, location sites, archeology, style, subject, contour, shadow, patterned, schematic, mixed style.

**СОВЕТСКАЯ ИДЕОЛОГИЯ И ЕЕ ВНЕДРЕНИЕ В ПРАКТИКУ В МЕДРЕСЕ
(НА ПРИМЕРЕ МЕДРЕСЕ МИРИ АРАБ И БАРАКХАН 1945-1990 гг.)**

Халилова З.Э. *

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещается советская религиозная политика государства и ее внедрение в воспитательный процесс в медресе Мири Араб и Баракхана. На основе архивных документов анализируются формы контроля уполномоченный Совет по делам религий при УзССР за деятельностью медресе, изменения в программах обучения, мотивации инициаторов, перемен в учебных программах, степень вторжения в этот процесс государственных органов контроля. Кроме того, раскрываются попытки сформировать особый тип лояльного «советского имама» с новым мышлением, компромиссы между государством и религиозными институтами. С целью полного раскрытия вопроса привлечены материалы, стажировкой выпускников в зарубежных религиозно-учебных центрах из Средней Азии в 1945-1990 гг.

Ключевые слова: медресе, Мири Араб, Баракхан, советское государство, религиозная политика, архив, атеист, идеология, ислам, САДУМ, университет аль-Азхар, университет аль-Каравайийн, исламский университет.

История исламского религиозного воспитания в советский период активно обсуждается в последние пару десятков лет. Некоторые вопросы деятельности официальных медресе советского периода анализировались в работах Б.Бабаджанова, Э.Тасара, А.Муминова и У.Гафурова [1]. В данной статье отличие от других работ анализируются вопросы воспитания советского верующего в медресе, созданные в советское время, влияния идеологической борьбы государства в разные годы на учебную программу медресе, роста числа желающих поступить в духовное училище несмотря на атеистическую политику. Также изучено формирование воспитания советского имама, который был знатоком арабского и русского языков, был осведомлен в международных отношениях и текущих политических процессах. Несмотря на то, что советское государство было объявлено атеистическим, в результате изменения политической ситуации в иные годы оно шло на компромиссы с представителями духовенства, и, так как компромисс был двусторонним, в результате советские богословы тоже достигали своих целей. Если брать во внимание внутренние и внешние факторы 1943-1990 гг. отношение советского государства к исламу менялось и такое положение оказывало влияние на процесс подготовки религиозных кадров.

Основой в освещение вышеупомянутых вопросов послужили фонд уполномоченного совета по делам религий ЦГА РУз, архив Духовного управления мусульман Узбекистана.

Главным звеном политики в советские годы стала господствующая идеология государства, и она являлась агентом политической системы и реализатором общественно-нравственных преобразований в обществе. В частности, на нравственные процессы оказывало влияние отношение государства к исламу как «инструменту». Политический язык, т.е постановления, циркуляры, политические термины, лозунги, штампы, клише и др. не только в политической жизни, но и в качестве дискурсивного инструмента событий использовалось государством с целью управления

религиозного образования. В современной политологии прослеживаются тенденции интерпретации комментирования языка в качестве отражения политических реалий и возможность конструирования с его помощью общественно-политических процессов.

Установление советской власти в 1917 г. предопределило создание атеистического общества, основанного на учении марксизма-ленинизма и отделение церкви от государства. В Туркестане преследованию подверглись представители духовенства, ликвидированы старых школ и медресе, усилились пропаганда атеизма и идеологическая борьба с противниками нововведений. Известный исследователь Уильям Беркен называет идеологическую политику советского государства «идеологической монокультурой» [2], служившей в интересах государства и расширяющей его влияние на жизнь общества и каждого индивидуума. Была осуществлена работа по реорганизации через модернизацию религии. Между тем, как справедливо отмечал Э.Уимбуш, ислам в Центральной Азии являлся больше, чем религией, скорее всего он был образом жизни, сочетающим в себе исторические, социальные и культурные традиции [3].

Усиление атеистического движения в Узбекистане в 1920 г. привело к передаче мечетей, медресе, различных культовых, исторических зданий под амбары, жилплощадь, дома культпросвета. Все эти мероприятия и содействовали сложению культуры нового вида, вобравшей в себя синтез советской с исламской культуры.

Согласно Лондонскому «Дейли Телеграф», с 1917 года в Советском союзе были придуманы такие меры, как переселение мусульман в Сибирь и другие республики Советского Союза, ликвидировались вакфы, закрывались шариатские суды и религиозные образовательные учреждения, уничтожалась исламская литература арабской графики, был наложен запрет на арабский язык и его использование [4].

* Халилова З.Э. – младший научный сотрудник, Институт истории при НУУз.

Однако, с началом Второй Мировой войны необходимость укрепления социально-политической базы режима заставила советское руководство разрешить верующим, в том числе мусульманам, восстановить систему публичного функционирования духовной обрядности. Стали открываться ранее закрытые мечети. Мусульманские духовные лица, заняв патриотическую позицию, организовывали сбор средств в помощь действующей армии (покупка вооружения, медицинского оборудования, медикаментов и др.). Мусульмане принимали коллективные заявления с осуждением преступных действий немецко-фашистских захватчиков. Так, 15 мая 1942 г. было принято «Обращение представителей мусульманского духовенства к верующим по поводу немецко-фашистской агрессии». Его подписала группа мусульманских духовных лиц во главе с муфтием (председателем) Центрального духовного управления мусульман (ЦДУМ) Г. Расулевым. В 1942-1943 гг. начали осуществлять свою деятельность ЦДУМ, Духовное управление мусульман Европейской части СССР и Сибири (ДУМЕС), Духовное управление мусульман Северного Кавказа (ДУМСК), Духовное управление мусульман Закавказья (ДУМЗАК) и, с 20 октября 1943 года – Духовное управление мусульман Средней Азии и Казахстана. Как подчеркивает В.А. Ахмадуллин, главными причинами таких изменений послужили: а) патриотическая позиция уммы; б) необходимость считаться с требованиями союзников; в) политическая воля И. В. Сталина, сумевшего увидеть мощный положительный потенциал ислама; г) активная политика гитлеровцев, направленная на использование исламского фактора против СССР [5].

В качестве основных задач САДУМ 1943 г. определило такие задачи, как: отправление в крае религиозных обрядов, вынесение фетв по вопросам вероисповедания, публикация религиозной литературы, воспитание мусульман в религиозном духе, установление связей с зарубежными мусульманами, но несмотря на эти декларации деятельность этого управления находилась под постоянным контролем государства, которое пошло на компромисс с религией, преследуя свои цели.

Мусульманские богословы, понимая это, 1943-1990 гг. также шли на компромисс, стремясь найти общий язык с властью, пытаясь сохранить ислам. Если сама религиозная организация для государства играла роль регламентации контроля над религией, то религиозная организация видела в государстве уступку на выживание религии. Так, во время встречи с руководителем Албании Э.Ходжой руководитель СССР И.Сталин, говоря о действиях югославских националистов в Албании, не характеризован их как «антисоветские» и «антиалбанские», а советовал рассматривать их как «против мусульманские». И хотя такой совет атеиста и коммуниста Сталина атеисту и коммунисту Э.Ходже был очень неожидан, в нем подчеркивалась необходимость принять во внимание религиозный фактор и роль мусульманина-главу в формировании государства

[6]. В условиях «холодной войны» сближение Советского союза с Арабским Востоком на международной арене сторонников объяснялось декларируемой религиозной свободой, предоставленной мусульманам, живущим в составе СССР. Это подчеркивается в статье «Ислам в СССР», опубликованной 5 февраля 1979 г. в газете «Шпигель» (ФРГ), следующее: «Во время войны Сталин умерил гонение на религию, а после войны альянс с Арабским миром принес облегчение и советским мусульманам: А.Насер и А. Сукарно должны были убедиться в советской религиозной свободе» [7].

Как отмечалось, в религиозной политике советское правительство шло по пути строительства атеистического общества, пытаясь модернизировать ислам и его воспитание, который за многие тысячелетия стал образом жизни узбекского народа. Согласно приказу №P4808-р от 10 октября 1945 г. Совет народных комиссаров (СНК) СССР вынес решение о разрешении САДУМу открыть 2 религиозных медресе в Бухаре и Ташкенте. Позднее, согласно приказу СНК УзССР от 29 ноября того же года, для этих медресе были определены здания в Октябрьском районе города Ташкента (медресе Баракхан) и в городе Бухаре (бывшее медресе Мири Араб) со сроком обучения в них 9 лет и общим контингентом студентов в 90 человек. Однако, впоследствии согласно приказу СНК СССР №12800-р от 15 августа 1949 г. приказу СНК СССР от 1945 г. открытие религиозного учреждения в Ташкенте было отменено [8].

Религиозная политика советского правительства оказывала влияние на деятельность медресе, преподавание религиозных предметов, процессы обучения в образовательных учреждениях, из положения образовательного учреждения, хотя в их программе, был сделан упор на преподавание не религиозных предметов, усиление внимания к светским наукам. В этом советское государство определило [для себя] создать знатока арабского языка, владеющего русским языком и «верующего в советском обличье».

На разработку научной и образовательной программ единственных в Союзе медресе были получены разрешения уполномоченного по делам религий УзССР и министерства по делам религий СССР. В задачу этих образовательных учреждений входила подготовка религиозных кадров для работы в системе САДУМ и других религиозных учреждений. Как отмечалось, первоначально обучение в медресе Мири Араб было определено 9 лет, из них 5 лет отводилось на начальное образование и 4 года на среднее. Продолжительность учебного года составляла 9 месяцев — с сентября по май. Религиозное управление также определяло учебный план и программу. Финансовое обеспечение медресе, общежитие для студентов, питание и другие расходы выделялись управлением по делам религий из фонда, пополняемого за счет частных добровольных пожертвований верующих мусульман. САДУМ при организации деятельности медресе использовал зарубежный опыт, исходя из

требований системы образования исламских государств [9]. В частности, в установлении порядка и организации программы обучения для поступающих в медресе Мири Араб был использован опыт зарубежных мусульманских учебных заведений.

С 1955 года государство дает возможность студентам медресе, находившимся в ведении САДУМа, обучаться в зарубежных исламских университетах. САДУМ установил связи с Аль-Азхаром (Египет), Дамаском (Сирия), Аль-Каравайином (Марокко), Бенгази (Ливия), Омдурманом (Судан) и исламским университетом Иордании. Сюда с целью прохождения практики и упрочения полученных знаний, направлялись студенты этого управления [10]. В 1955 г. был отправлено 3 студента, в 1956-1960 гг. – 10 и 1961-1985 гг. – более 20. Каждый студент был под строгим контролем советских правоохранительных органов, и были «политически закаленными». После окончания обучения они должны были отчитываться по проделанной работе перед руководством САДУМа.

Компромисс государства с религией характеризовался разрешением получения на деятельность САДУМа религиозного образования, принявшего формат советской идеологии. Создавшимся «хомосоветикус» со всеми присущими ему свойствами советского человека с образом верующего в советском облике. С согласия религиозных организаций была разрешена деятельность, единственного в Союзе религиозного образовательного учреждения - медресе Мири Араб в Бухаре в 1946 году, медресе Баракхан в Ташкенте в 1956-1961 гг., а с 1971 года – Ташкентского исламского института.

В советские годы отношение государства к религии постоянно менялось; от политика ограничения и преследования религии, до и «периодов смягчения» [11]. После выхода постановления ЦК КПСС «О крупных недостатках в научно-атеистической пропаганде и мерах ее улучшения» от 7.07. 1954 г. перед партийными, комсомольскими и профсоюзными и другими общественными организациями была поставлена задача - в кратчайшие сроки активизировать научно-атеистическую пропаганду [12].

В 1961 году с участием исполкомов по делам религий советов рабочих депутатов в советских республиках и областях были созданы группы. В результате этого в одной только центральной части СССР были установлены более 2500 незарегистрированных мусульманских религиозных объединений, около 2500 незарегистрированных мулл, закрыты мечети, открытые после войны. Представитель УзССР по делам религий Ш.Ширинбаев в своем отчете от 18 июля 1962 года о мерах, предпринятых в городе Ташкенте об усилении атеистической пропаганды, приводит следующие сведения: «... в 1961 году по утверждению совета по делам религиозных культов СССР и по принятому райисполкомом постановлению, а также требованию жителей

махалли была закрыта мечеть Кызыл-Таш и были открыты детские ясли на 100 коек, на месте мечети Чигатай Чакар – центр детской консультации и фельдшерский пункт. В 1962 году медресе Баракхан было закрыто из-за того, что не осуществлял деятельность с 1959 по 1961 гг., а на его территории работает библиотека отдела культуры Октябрьского района. В 1962 году по просьбе и требованию жителей махалли была закрыта мечеть Сары-Чапан, на ее месте идут ремонтные работы для открытия детского сада №42 города Ташкента». По постановлению Президиума САДУМа было прекращено строительство мечетей по всей республике. Согласно приказа Совета Министров УзССР, сделанного в марте 1960 года 13 мавзолеев, мазара, святые места были изъяты из ведения САДУМ и переданы в ведение комитету по охране материальной культуры. Кроме вышеперечисленного, были предприняты ряд мер по предотвращению расширения и ослабления веры (религии)[13].

Однако, атеистическая идеология государства не смогла сломать верующих, это можно увидеть на примере количества молодежи, изъявившей желание учиться в медресе. В одном только медресе Баракхана в 1956 году когда оно начало свою деятельность на 30 мест поступило заявление от 160 человек с желанием там учиться, а в 1975-1980 годах более 300 человек изъявили желание учиться в медресе Мири Араб. Из них принято было только 40 человек. В 1980-81 учебном году таких желающих было 116, поступило 12 человек [14]. Эти процессы были отмечены в той же статье «Ислам в СССР», опубликовано в номере «Шпигель» (ФРГ) говоря о страхе Кремля от потока мусульман, приводится следующее высказывание: «Учение Мухаммада оказалось более прочным, чем учение Маркса и Ленина... Несколько лет тому назад, секретарь ЦК КПСС Ильичев указывал на “вопиющие нарушение советского законодательства муллами» [8].

Усиление атеистического воспитания в Союзе, идеология коммунистической партии оказывали негативно влияние на деятельность единственных в стране медресе. Оно проявилось в снижении количества их студентов, ограничении обучения религиозным предметам, усилении контроля над медресе. На пример, количества студентов, то в 1946 г. медресе Мири Араб начал учебный год с 30 студентами, в 1946-1950 гг. количество студентов достигло 150 чел. в 1956 г. общее количество студентов медресе Мири Араб и Баракхан составило 85 чел. в 1957-1958 гг. – 110 человек. В 1961 г. в результате объединения медресе Мири Араб и Баракхан количество студентов сократилось до 40 чел. В 1961-1970 гг. количество не превышало 40 чел. в 1974-1975 гг. обучалось 50 чел. в 1980 г. – 70, в 1984-1985 гг. – 73. Созданный Ташкентский исламский институт начал первый учебный год с 20 студентами, в 1980-е годы там обучалось 30 чел. Таким образом, хотя государство официально разрешило деятельность медресе, идеи атеизма продолжали претворяться в жизни.

Наряду с этим бюрократическая система советского государства отражалась на преподавании в медресе. Обучение там было сходно со светскими учебными заведениями, где основной упор делался на преподавание Конституции СССР, истории СССР, географии СССР и экономической географии, политической экономии, советской литературы, обществоведения и большом количестве часов русского языка. С другой стороны, от студента требовалось выполнять все требования, предъявляемые советским государством к обычному советскому гражданину [15].

Исследователями отмечается, что в 1980-1990-е годы государство через поддержку ислама использовало мусульманское духовенство и организации в осуществлении своей цели по перестройке системы управления. Политика «перестройки» в 1985-1990 гг. характеризовалась падением старой советской религиозной политики, открытием официальных мечетей, началом новой посткоммунистической эры. Это процесс явно просматривался в либерализации деятельности медресе, в управлении религиозным образованием, в организации учебного процесса и пересмотре учебной программы в свете новых требований. В частности, это четко прослеживается по выдаче разрешения на деятельность медресе Мулла Киргиз

в Намангане, Хорезм, Худжанд и Маргилане, на примере увеличения количества студентов медресе Мири Араб до 200 человек, по внутренним постановлениям президиума САДУМ, для чего потребовалась постройка нового здания рядом с медресе, по свободной деятельности медресе Имам Термизи в Таджикистане и медресе в Киргизстане [16].

В заключении хотелось бы отметить, что, хотя советское государство в отношении Управлении по делам религий Средней Азии и Казахстана преследовало свои цели, мусульманские богословы шли на компромисс и старались найти общий язык властью с целью сохранения (и возможно распространения) исламских практик среди населения. Если эта управленческая структура в глазах государства была послушным инструментом в регламентации религиозных предписаний, то САДУМ рассматривал свою деятельность как в некий способ выживания религии. Организацию учебных заведений при САДУМе можно расценивать как инструмент формирования лояльных мусульманских священнослужителей. Организация учебного процесса в них определялась Духовным управлением и находилась под постоянным контролем советской власти.

ЛИТЕРАТУРА

1. Бабаджанов Б., Муминов А., Олкотт М.Б. Мухаммаджан Хиндустани (1892–1989) и религиозная среда его эпохи (предварительные размышления о формировании “Советского Ислама” в Средней Азии) // Восток (Oriens), №5, 2004, – С.43-59; Eren Tasar. The Official Madrasas of Soviet Uzbekistan // Journal of the Economic and Social History of the Orient. 2016. Vol.59. Pp.265-302; Muminov A., Gafurov U., Shigabdinov R. Islamic Education in Soviet and post Soviet Uzbekistan // “Islamic Education in the Soviet Union and its Successor States” Edited by Michael Kemper. 2010. P.223-280; Гафуров У. Тошкент ислом институти: Барокхондан Имом Бухорийгача//Тошкент Ислон Университети илмий тахлилий ахборотномаси, 2002. №1, Б.8-13.
2. William van den Bercken. Ideology and atheism in the Soviet Union by William Peter van den Bercken. 1989. Berlin; New York: Mouton de Gruyter. -Pp.191.
3. S. Enders Wimbush. The Soviet Muslim Borderlands // The Last Empire. Nationality and the Soviet Future. Edited by Robert Conquest. – Stanford, California: Stanford University, 1986. P. 219.
4. Центральный Государственный Архив Республики Узбекистан (далее ЦГА РУз), фонд Р-2456. Уполномоченный Совет по делам религиозных конфессий (позже – «... по делам религий») при Совете Министров СССР по Узбекской ССР 1944-1990 гг. ЦГА РУз, Р-2456, оп. 1, д. 662, л.62.
5. Ахмадуллин В. А. Исламский фактор во внешней политике Союза Советских Социалистических Республик // Форумы российских мусульман. Ежегодный научно-аналитический бюллетень №3. Москва– Н. Новгород: Издательский дом «Медина», 2007. С.81.
6. Смирнова Н.Д. История Албании в XX веке. М.: Наука. 2003. С.297.
7. Islam: Im Hinterzimmer // Der Spiegel. №6, 1979. P.130-132.
8. ЦГА РУз, Р-2456, оп. 1, д. 136, лл.8-9.
9. Например, список документов для поступления в широко известный в арабских странах университет аль-Азхар в Египте включал в себя информацию о возрасте, официальное письмо (отношение) от направляющей организации и справку с места жительства абитуриента. Абитуриент также, должен был иметь хорошую репутацию и характеристику от органов правительственных учреждений либо преподавателей университета. См.: ЦГА РУз, Р-2456, оп. 1, д. 178, лл.102-103.
10. ЦГА РУз, Р-2456, оп. 1, д. 616, л.17.
11. Королева Л., Королев А. Ислам в СССР: некоторые аспекты государственно-религиозной политики // Альманах современной науки и образования. Грамота, 2008. № 6 (13): в 2-х ч. Ч. I. С.110-112.
12. Горбатов А.В. От идеологического натиска к перемирию. Государство и РПЦ в (1954-1957 гг.) М.: Владос, 2008. - С. 71.
13. ЦГА РУз, Р-2456, оп. 1, д. 318, л. 7-8.
14. ЦГА РУз, Р-2456, оп. 1, д. 637, л. 30.
15. ЦГА РУз, Р-2456, оп. 1, д. 268, л.149.

16. Архив Духовного управления мусульман Узбекистана, д.171. протокол Дух упр. 1991 г. 12 август

РЕЗЮМЕ

Маколада совет давлатининг дин борасида олиб борган сиёсати ва унинг Мири Араб ва Бароқхон мадрасалари фаолиятига таъсири ёритилади. Архив материаллари асосида ЎзССР дин ишлари буйича вакиллик органининг мадраса фаолиятини назорат қилиш шакллари, фан дастуридаги ўзгаришлар таҳлил қилинади. Бундан ташқари, алоҳида кўринишга эга бўлган, янгича дунёқарашдаги совет имомининг шаклланиши, давлат ва диний институтлар ўртасида ён босиш сиёсати каби масалалар очиқ берилади. Муаммони тўлиқ кўрсатиб бериш мақсадида, 1945-1990 йилларда Ўрта Осиёдан таҳсил учун ислом мамлакатларига жўнатилган талабаларнинг таълими билан боғлиқ маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: мадраса, Мири Араб, Бароқхон, совет ҳукумати, диний сиёсат, архив, атеист, мафкура, ислом, Диний бошқарма, ал-Азҳар университети, ал-Қаравайийн университети, ислом университети.

RESUME

The article reviews Soviet religious policy and practice in Miri Arab, Barakhan madrasah in soviet period. Besides that, the paper on the base of archive documents analyzes the forms of control by assigned Council on religious affairs under UzSSR on madrasah activity, changes on curriculum, motivation of initiators, changes in studying process, invasion in this process of governmental control organizations. Furthermore, the author shows actions of forming special type of loyal "soviet imam" with new views, compromises between state and religiousness. For full illuminating of the issue it was used correspondences of madrasah fellows which were studied in foreign Islamic universities in 1955-1990.

Key words: madrasah, Miri Arab, Barakhan, soviet government, religious policy, archive, atheism, ideology, islam, SADUM, al-Azhar University, al-Qarawayyin University, Islamic University.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА СУЛТОН САИДХОН ҲУКМРОНЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

Холбеков И. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада Шайбонийхон вафотидан кейин бошланган сиёсий ва ҳарбий кескинлик даврида Фарғона водийсидаги сиёсий вазият ва бу ерда ҳокимиятнинг мўғул шаҳзодаларидан бири Султон Саидхоннинг қўлига ўтиши масаласи тадқиқ этилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Мовароуннаҳр тахтини қайта эгаллаши ҳам Фарғона водийсидаги сиёсий ўзгаришларга катта таъсир этганлиги тарихий манбалар асосида ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Фарғона водийси, теурийлар давлати, шайбонийлар давлати, мўғуллар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо, Султон Саидхон, Саид Муҳаммад, Тутлуқ жанги, маъмурий марказ, Андижон, Аҳси.

XVI асрнинг биринчи чораги Мовароуннаҳр каби Фарғона водийсининг сиёсий ҳаётида ҳам жуда кизгин воқеаларга бой бўлди. Водийда дастлаб теурий ҳукмдор Умаршайх мирзонинг ўғиллари Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо ва Жаҳонгир мирзолар ўртасида ҳокимият учун кураш бошланган бўлса, кейинчалик бу кураш теурий мирзолар ва йирик амирларнинг ўзаро низоларига айланди. Низолар оқибатида Фарғона водийсида ҳокимият водийнинг йирик амирларидан бири Аҳмад Танбал қўлига ўтди. Аҳмад Танбалнинг ҳукмронлиги ҳам узоқ давом этмай Фарғона водийси Шайбонийхон томонидан забт этилди. Мовароуннаҳрда бўлгани каби Шайбонийлар сулоласининг Фарғона водийсидаги ҳукмронлигида ҳам қисқа муддатли танаффус бўлган. Бу қисқа муддатли танаффус Султон Саидхон номи билан боғлиқдир.

Султон Саидхон Бобур мирзонинг тоғаси Султон Аҳмадхоннинг ўғли эди. У отаси вафотидан кейин икки марта Шайбонийлар қўлига асир тушган ва ҳар сафар омон қолишга эришиб, охир оқибат Кобул шаҳрига Бобур мирзо хузурига қочиб боради. Академик В.В. Бартольд Султон Саидхонни Бобур мирзо хузурига 1508 йили етиб келганлигини таъкидлаган.[1] Шайбонийхоннинг 1510 йили Марв шаҳри ёнида Эрон шоҳи Исмоил билан бўлган жангда ҳалок бўлиши, Фарғона водийсида ҳам шайбонийларга қарши кураш бошланишига олиб келди. Шайбонийхон даврида Фарғона водийсини бошқарган Жонибек Султоннинг[2] Самарқандда эканлиги ҳам бу ҳаракатнинг бошланишига қулай шароит туғдиради. Бобур мирзонинг Мовароуннаҳрга эҳтимолий ҳужумидан хавфсираган шайбоний султонлар 1511 йилнинг эрта баҳорида Самарқандда йиғилган эди.

Маълумки, мўғул хони Султон Маҳмудхоннинг Тошкент ва Шохрӯҳиядаги ҳукмронлигига Шайбонийхон томонидан барҳам берилгач, мағлуб лашкарнинг катта қисми шайбонийлар қўшини сафини тўлдирганди. Шайбонийхон вафот этгач, уларнинг бир қисми она томондан мўғулларнинг улуғ хони Юнусхоннинг набираси бўлмиш Бобур мирзо томонига ўтиб кетган. Бу эса шайбоний султонларда мўғулларга нисбатан ишончсизлик туғдирган. Натижада улар мўғулларни қиргин қила бошлайдилар. Омон қолган мўғулларнинг катта қисми Бобур мирзо хузурига, яна бир қисми эса ўз оилалари жойлашган Фарғона водийсига қочиб боришади. Шайбоний султон Жонибекнинг рухсати билан Фарғона водийсига қайтишга эришган

мўғулларнинг йирик амирларидан бири Саид Муҳаммад мирзо кейинчалик водийдаги шайбонийларга қарши курашга раҳбарлик қилади.[3] Қўзғолончилар бу Ҳисорга юриш қилишга тайёрланаётган Бобур мирзога ёрдам сўраб мурожаат қиладилар. Ҳайдар мирзо Фарғонадан келган хабарнинг мазмунини ҳам келтириб ўтган: “Фарғона вилояти ўзбеклардан тамоман озод бўлди ва сизнинг ихтиёрингизга ўтди, бу ўзбеклар ишининг барҳам тогани ва Мовароуннаҳрнинг озод бўлишининг бошланишидир. Шу жиҳатдан сиз нима десангиз биз бажарамиз”[4].

Бобур мирзо эса ўз асарида Фарғона водийсидаги шайбонийларга қарши кўтарилган ғалаён ҳақида сўз юритар экан, унда мўғулларнинг иштирокига эътибор қаратмайди. “Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни Марвда олгонда Қундузғаким, ўтгум, - деб ёзади Бобур мирзо, - Андижон вилояти менинг сари боқиб, баъзи доруғаларни қавлаб, баъзи ерларни беркитиб, манга киши юбордилар. Мен Султон Саидхонга бори навкарларимни топшуруб, кўмак қўшуб, зоду буд Андижон вилоятини бағишлаб, хон қилиб юбордим.”[5] Гарчи Бобур мирзо мўғуллар ҳақида фикр билдирмаса-да, мўғул хони Султон Саидхонни ёрдамчи қўшинга раҳбар сифатида Фарғона водийсига хон қилиб юборишининг сабаблари бир томондан мўғулларнинг водийдаги ғалаёнларга раҳбарлик қилгани билан боғлиқ бўлса керак.

Бу вақтда Бобурий қўшиннинг каттагина қисмини ҳам мўғуллар ташкил этар ва мазкур шароитда мўғул хонзадаси Султон Саидхоннинг хизматда эканлиги маълум бир сиёсий беқарорликка сабаб бўлаётган эди.[6] Бобур мирзонинг Султон Саидхонни Фарғона водийсига ёрдам жўнатишга қарор қилишининг иккинчи сабабини шу билан ҳам қўшимча изоҳлаш мумкин. Бу қарор билан Бобур мирзо шайбонийлар лашкарининг эътиборини Фарғона водийсига тортишга эришади. Шунингдек, ўз қўшинидаги барқарорликни ҳам сақлаб қола билди.

Ҳайдар мирзонинг таъкидлашича, Султон Саидхон 1511 йилнинг 13 май куни Бобур мирзодан ажралиб, Фарғона водийси томон йўлга чиққан. Бундан кўринадики, Фарғона водийсида шайбонийларга қарши ҳаракат 1511 йилнинг март-апрел ойларидан бошланган ва маълум бир натижаларга эришган эди. Султон Саидхоннинг етиб келиши билан эса бутун водийда унинг ҳукмронлиги ўрнатилади. В.В. Бартольд ҳам Султон

* Холбеков И. – ФарДУ ўқитувчиси.

Саидхон 1511 йили Бобур мирзо томонидан Фарғона водийсига жўнатилганлигини таъкидлаган. [7]

Маълумки, 1511 йилнинг март-апрел ойларида Бобур мирзо ҳам Ҳисор томонга юриш бошлайди[8]. Бобур мирзонинг айнан шу юриши Фарғонадаги ҳаракатнинг бошланишига туртки бўлган бўлса, ажаб эмас. Гарчи, Ҳофиз Таниш Бухорий, Муҳаммадёр ибн Араб Қатағанлар ўз асарларида бу ҳақида қайд этмасалар-да[9], Ҳайдар мирзонинг талқинига кўра, Бобур мирзонинг мазкур юриши натижасиз тугаб, у яна ортига қайтган[10]. Натижада, шайбонийлар ҳам ўз кучларини учга бўладилар. Ҳамза Султон, Маҳди Султон ва Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султонлар бошчилигидаги лашкар Ҳисорга Бобур мирзога қарши юриш бошлайди. Убайдуллахон эса Қарши шаҳрида қолиб, Мовароуннаҳр марказини жанубдан ҳимоя қилишга қарор қилади. Жонибек Султон ҳам бир неча шайбоний султонлар билан Фарғона водийсини қайтариб олиш учун кураш бошлайди. Шайбонийлар лашкари дастлаб Сирдарёнинг шимолий қисмини забт этишга қарор қилади.

Бу Сирдарёнинг шимолида жойлашган Аҳси қалъасининг маъмурий ва ҳарбий жиҳатдан мавқеи билан боғлиқ бўлса керак. Чунки Шайбонийхон даврида Аҳси шаҳрининг яна водийнинг маъмурий маркази сифатида аҳамияти ортиб борган. Тарихий манбаларда Жонибек Султон Фарғона водийсини Аҳси шаҳридан туриб бошқарганлиги қайд этилган[11]. Бу вақтда у ўз маъмурий марказининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш чораларини кўрганлиги ҳам табиий, албатта. Шунинг учун ҳам Жонибек Султон ўз мулкининг маркази бўлмиш Аҳсини тезроқ қўлга киритишни мақсад қилган кўринади.

Шайбонийлар дастлаб Сирдарёнинг шимолий қисмида жойлашган қалъалардан Косонни эгаллашга қарор қиладилар. Уларнинг лашкари Косон қалъасини ҳужум билан эгаллай олмагач, камал қилишга киришади. Султон Али мирзо ва Тубра нуйағут бошчилигидаги қалъа ҳимоячилари марданавор кураш олиб борадилар. Султон Саидхоннинг қалъадагиларни қўллаб қувватлаш борасидаги ҳаракатлари ҳам оз бўлсада, ўз самарасини беради. “Косон қалъасининг аҳволи ҳақидаги хабар хонга етгач, - деб ёзади Ҳайдар мирзо, Косон тоғларига барча лашкарбошилари жўнатди. Гарчи улар ўзбекларни қўрқитиш даражасидаги куч-қудратга эга бўлмасалар-да, душман лашкарларининг айрим қанотларига ҳужум қилиш билан уларни ташвишга солдилар ва Косон ҳалқи бундан анча рухланди.”[12] Лекин шунга қарамай шайбонийлар қўшини қалъани эгаллаш учун тинимсиз ҳужум қилиб турадилар. Жанг тақдирини эса шайбонийлар лашкарининг қалъани эгаллаш учун кўрган тadbирлари ҳал қилади. Манбаларда ҳужум қилувчи томоннинг Косон қалъаси деворлари остини тешиб ўтганликлари, нарвон орқали девор устига чиқиб олганликлари ҳимоячиларнинг қаршилигини тўхташига сабаб бўлганлиги айтилади. Шундан сўнг ҳимоячилар қалъани ташлаб чиққанлар. Бизнингча, қалъани

топширилишига Фарғона водийсининг шарқида бўлаётган воқеалар ҳам катта таъсир кўрсатган.

Косон учун шиддатли жанглар кетаётган вақтда Фарғона водийсининг шарқий қисмига Қошғар ҳокими Абобакр мирзо ҳам бостириб кирди. Бу унинг Фарғона водийсини эгаллаш мақсадидаги иккинчи уриниши бўлиб, биринчиси Умаршайх мирзо вафот этган вақтда бўлиб ўтган эди.[13] Барча кучларнинг шайбонийларга қарши жўнатилганидан самарали фойдаланган Абобакр мирзо кийинчиликсиз Ўзганд, Ўш ва Моду қалъаларини қўлга киритади. Ҳайдар мирзо Абобакр мирзони атиги икки-уч минг кишилик қўшин билан келганлигини қайд этган.[14] Лекин бу маълумот бироз шубҳали. Чунки, учта муҳим қалъани эгалланганлиги, шунингдек, Ҳайдар мирзонинг ўзи ҳам кейинчалик асир олинган қошғарликларни сонини уч мингга яқин эканлиги ҳақидаги маълумот қолдирганлиги шундан далолат беради.

Водий шарқидаги учта қалъани эгаллаб олган Қошғар қўшини Андижон шаҳрини ҳам забт этиш учун юриш бошлайди. Андижондан 3-4 км масофа нарида тўхтаган қошғарликлар қалъани ҳужум билан эгаллаш учун жиддий тайёргарлик кўрадилар. Султон Саидхон ҳам зудлик билан Косондаги лашкарини ортга қайтаришга қарор қилади. Лекин шунга қарамай Абобакр мирзонинг ғалабалари ва Андижонни эгаллаш учун жиддий тайёргарлик кўраётганлиги водий аҳолиси ҳамда Султон Саидхоннинг саройида ҳам катта ваҳима туғдиради. Ҳайдар мирзо Қошғар қўшинининг мукаммал қуролланганлигини баён қиларкан, йўридагиларга алоҳида тўхталади: “Андижондай куйи қалъани икки-уч минг кишилик лашкар билан олиш мумкин бўлмагани боис, уни эгаллаш учун аввал манжаниқ (тошотар қурол), нарвон сингари асбобларни ҳозирлади. Бунинг хабари Султон Саидхонга етгач, уни ҳамда Андижон аҳолисини қаттиқ ваҳима чулғади.”[15]

Лекин, Косон учун жангларда қатнашган қўшиннинг Андижон ҳимояси учун етиб келиши вазиятни ўзгартиради. Ёрдамга етиб келган кучларнинг таъсири шунчалик катта бўладики, Фарғона лашкари Андижон қалъасини ҳимоя қилиш учун шаҳар ташқарисига чиқишга журъат этади. Андижон шаҳри яқинидаги Тутлук мавзёида бўлган жангда Қошғар лашкари тўлиқ тор-мор келтирилади. Ўш, Ўзганд шаҳарлари ва Моду қалъаси ҳам Абобакр мирзо босқинидан озод қилинади. Айнан шу ғалаба Фарғона водийсидаги сиёсий ва ҳарбий вазиятга катта таъсир қилади.

Косон қалъасини эгаллаган шайбонийлар лашкари ўз юришларини давом эттиришга журъат этмайдилар. Тутлукдаги ғалабадан кейин Султон Саидхоннинг ўзи ҳам лашкарнинг асосий қисми билан шайбонийлар қўшини турган Косонга яқин бўлган Аҳси қалъасига бориб жойлашади. Ҳайдар мирзо ҳам “Тарихи Рашидий”да Султон Саидхон Андижонда Саид Муҳаммад мирзони қолдириб, ўзи Аҳси шаҳрига жўнаганлигини таъкидлаган.[16] Кўп ўтмай Бобур мирзо томонидан Ҳисорда шайбоний султонлар лашкарининг мағлуб этилганлиги ҳақидаги хабар етиб келади. Ушбу хабар таъсирида

водийдаги шайбонийлар қўшини ҳам ортга қайтиб кетишга қарор қилади. Натижада Фарғона водийсида шайбонийлар ҳукмронлигига вақтинчалик чек қўйилиб, ҳокимят 1511 йилнинг ёзига келиб тўлиқ Султон Саидхон қўлига ўтади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Шайбонийхоннинг ҳалок бўлиши натижасида юз берган воқеалар Фарғона водийсида шайбоний султонлар ҳукмронлиги ҳали мустаҳкам эмаслигини кўрсатди. Чунки, шайбонийларнинг Фарғона водийсини забт этиш чоғидаги талон-тарождар ҳали ҳалқнинг ёдидан кўтарилмаган бўлиб, ҳалқ орасида темурийлар сулоласининг тарафдорлари кўпчиликни ташкил этарди. Шайбонийлар ҳукмронлигини маҳаллий туб аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмаганлигидан фойдаланган мўғул ҳарбийлари шайбоний султонларга қарши ҳаракатда етакчиликни ўз қўлларига олдилар. Улар бу

ҳаракатдан Шайбонийхон томонидан тугатилган Тошкент ва Шохруҳиядаги ўз давлатларини Фарғона водийсида қайта тиклашда самарали фойдаландилар. Султон Саидхоннинг Фарғона водийсига келиши эса бу давлатни расмий ташкил топишини якунига етказди, дейиш мумкин.

Фарғона водийсидаги шайбоний султонларга қарши кураш Шайбонийхоннинг вафоти ва Бобур мирзонинг Мовароуннахрни қайтариб олиш мақсадидаги юришларининг бошланиши таъсирида жонланди. Бобур мирзонинг ғалабалари ва Самарқанд тахтини қўлга киритиши эса шайбонийларни Мовароуннахр каби, унинг шарқий чеккасида жойлашган Фарғона водийсини ҳам тарқ этишларига олиб келди. Султон Саидхон эса ўз навбатида Самарқанд ҳукмдори Бобур мирзонинг Фарғона водийсидаги ноиб сифатида фаолият олиб борди.

АДАБИЁТЛАР

1. Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья – Фрунзе: Киргизгосиздат. 1943. С.79.
2. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод /Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Исмоил Бекжонов, Дилором Сангилова – Т.: Янги аср авлоди. 2009. Б. 91.
3. Мирзо Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой, примечания и указатели Р.П. Джалиловой и Л.М. Епифановой – Т.: Фан. 1996.С. 318-319; Муҳаммад Хайдар Мирзо Тарихи Рашидий/ Сўз боши ва изоҳлар муаллифи ҳамда таржимонлар В. Раҳмонов ва Я. Эгамова – Т.: Шарқ. 2010. Б. 357.
4. Мирзо Муҳаммад Хайдар. Ўша асар. С. 317; Муҳаммад Хайдар Мирзо. Ўша асар. Б. 355.
5. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. / Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Т.: Юлдузча. 1989. Б.180.
6. Мирзо Муҳаммад Хайдар. Ўша асар. С. 319; Муҳаммад Хайдар Мирзо. Ўша асар. Б. 358.
7. Бартольд В.В. Сочинения. Том. 2. Часть.1. – М.: Издательство восточной литературы. 1963.С. 512-513.
8. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Ўша асар. Б. 126.
9. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Ўша жойда; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома/ Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси, илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи академик Б. Аҳмедов –Т.: Шарқ. 1999. Б. 60.
10. Мирзо Муҳаммад Хайдар. Ўша асар. С. 316; Муҳаммад Хайдар Мирзо. Ўша асар. Б. 354.
11. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Ўша асар. Б. 91; Мирзо Муҳаммад Хайдар. Ўша асар. С. 294-298; Муҳаммад Хайдар Мирзо. Ўша асар. Б. 332-336.
12. Мирзо Муҳаммад Хайдар. Ўша асар. С. 324; Муҳаммад Хайдар Мирзо. Ўша асар. Б. 364.
13. Захириддин Муҳаммад Бобур. Ўша асар. Б.19.
14. Мирзо Муҳаммад Хайдар. Ўша жойда; Муҳаммад Хайдар Мирзо. Ўша жойда.
15. Мирзо Муҳаммад Хайдар. Ўша жойда; Муҳаммад Хайдар Мирзо. Ўша жойда.
16. Мирзо Муҳаммад Хайдар. Ўша асар. Б. 341; Муҳаммад Хайдар Мирзо. Ўша асар. Б. 383.

РЕЗЮМЕ

Автор статьи исследовал проблему политических, и военной трудностей в период после смерти Шайбанийханав Ферганской долине и власть перешла в руки одного из монгольских принцев Султан Саидхану. На основе исторических источников освещено большое влияние политического положения в Ферганской долине.

Ключевые слова: Ферганская долина, государство темуридов, государство шайбанидов, монголы, Захириддин Муҳаммад Бобур мирза, Султан Саидхан, Саид Муҳаммад, Тутлукская битва, административный центр, Андижан, Ахси.

RESUME

In this article author researched problem of political, military hardness in the in Ferghana valley period after die Shaybaniy Khan and state get on hand to one of the Mongols prince Sultan Saidkhan.

Key words: Ferghana valley, temurids state, sheybanids state, Mongols, Zakhiriddin Mukhammad Babur mirza, Sultan Saidkhan, Said Mukhammad, Tutluk battle, administrative center, Andijan, Axsi.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ЁНИЛҒИ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Холмуродов Д.Р. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш босқичлари ёритилган. Жумладан: икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларда ёнилғи энергетика соҳасидаги ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда "Ўзбекнефтгаз" миллий ҳолдинг компанияси билан "Газпром" ўртасидаги газ саноатини ривожлантириши борасидаги изчил муносабатлар ҳар томонлама очиб берилган.

Калит сўзлар: ёқилғи, энергетика, Ўзбекнефтгаз, газпром, Лукойл, табиий газ, саноат, лойиҳа, маҳсулот, иқтисодий муносабатлар, акционерлик жамияти.

Ёқилғи-энергетика мажмуи Ўзбекистон билан Россия ўртасида изчил ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим бўғинини ташкил этади.

2002 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов Оқсарой қароргоҳида Россиянинг «Газпром» очик турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди[1]. Сухбат чоғида "Ўзбекнефтгаз" миллий ҳолдинг компанияси билан "Газпром" очик турдаги акционерлик жамияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мамлакатимиз газ саноатини ривожлантиришда катта аҳамият касб этиши таъкидланган. Бу борада истиқболли қўшма режалар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга жорий қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

"Газпром" дунёдаги йирик компаниялардан бири ҳисобланиб, жаҳондаги қазиб олинаётган табиий газнинг 20, Россияга эса 94 фоиз ушбу компания улушига тўғри келади. "Газпром"нинг муассиси Россия Федерацияси ҳукумати ҳисобланади. Компаниянинг 38,5 фоиз акцияси давлатга тегишли. Шунингдек, ярим миллиондан ортиқ жисмоний шахс компаниянинг акционеридир. Мазкур компания бутун бошли технологик жараёни, ўнлаб корхона ва компанияларни бирлаштирган. Шунингдек, "Газпром" экспорт қилаётган табиий газ Фарбий Европанинг 33, Шарқий Европанинг 80% эҳтиёжини таъминлаган. "Газпром" "Ўзбекнефтгаз" миллий ҳолдинг компанияси билан ҳам анчадан буён ҳамкорликни йўлга қўйиб келмоқда.

Мамлакатимизда газ қазиб олиш, сотиш ҳажмини ошириш, газ транспорти тизимини ривожлантириш, ушбу соҳага сармоя жалб қилиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг газ саноати соҳасида кечаётган хусусийлаштириш жараёнида "Газпром"нинг фаол иштироки ана шундай ҳамкорлик сирасига киради.

2003 йил 22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов Оқсарой қароргоҳида Россиянинг «Газпром» очик турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни яна қабул қилди. 2002 йил декабрда "Ўзбекнефтгаз" миллий ҳолдинг компанияси билан "Газпром" ўртасида "Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим" имзоланган эди. Шу келишув доирасида 2003 йил май ойидан Ўзбекистон табиий газининг экспорти бошланган эди. Мазкур учрашувда Ислон Каримов:

"Ушбу ҳужжат "Газпром" билан янгича муносабатларимизга тамал тошини қўйди", – деб таъкидлаган эди.

2004 йилнинг 14 апрелида Ўзбекнефтгаз" миллий ҳолдинг компанияси билан "Газпром" га қарашли "Зарубежнефтгаз" ёпиқ акционерлик жамияти ўртасида Шохпахта конини ўзлаштиришнинг якунига етказиш лойиҳаси бўйича маҳсулот тақсимоли тўғрисидаги битимга имзо чекилди. 2004 йилнинг иккинчи ярмида кондан газ олиш қайта йўлга қўйилди, компрессор станцияларининг қурилиши ва инфратузилмани янгилаш ишлари тугалланди. Бунинг натижасида 2004 йилда 200 миллион куб метр газ қазиб олинди.

2003 йилнинг сентябридан 2004 йилнинг июлигача бўлган муддатда "Газпром" ўқув марказида 9000 нафар ўзбекистонлик мутахассислар малака оширишлари хусусида келишиб олинди[2]."

2004 йил 24 ноябрь куни Ислон Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг «Газпром» очик турдаги акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди. Учрашувда ҳамкорликда амалга оширилажак янги лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди[3].

2005 йил 26 сентябрь мамлакатимизга Россиянинг "Газпром" очик турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллер яна ташриф буюрди[4]. Учрашувда "Ўзбекнефтгаз" билан "Газпром" ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон газ саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди ва газнинг 2006 йилдаги нархи ва экспорт ҳажми, Устюрт минтақасидаги конларни топиш ва конларни геологик-қидирув ишларини олиб бориш юзасидан Маҳсулот тақсимоли тўғрисидаги битимнинг ижроси ва газ транзити каби масалалар юзасидан келишиб олинди. 2006 йил 20 январь кунидаги Алексей Миллернинг мамлакатимизга навбатдаги ташрифида эса "Ўзбекнефтгаз" билан "Газпром" ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон газ саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётгани таъкидланиб, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Алексей Миллер мамлакатимизга 2006 йил 7 декабрда ҳам бўлди.

Икки мамлакат ўртасида 2002 йил декабрда "Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим" имзоланган эди. Унда 2012 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон газини харид қилиш, юртимиздаги газ конларини ўзлаштиришда

* Холмуродов Д.Р. – ЖДПИ ўқитувчиси.

иштирок этиш белгиланди. Марказий Осиё газини мамлакатимиз худуди орқали ташишни назарга тутди. Шоҳпахта конини ўзлаштиришни якунига етказиш лойиҳаси бўйича Маҳсулот тақсимоли тўғрисида битимга имзо чекилган эди. 15 йилга мўлжалланган бу ҳужжатга биноан, 2007 йилгача ана шу мақсадларда 15 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри сармоя йўналтирилган эди.

2004 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб кондан газ олиш қайта йўлга қўйилди. Натижада 2004 йилда 200 миллион, 2005 йилда қарийб 500 миллион куб метр газ қазиб олинган бўлса, Ўзбекистондан Россияга 2004 йилда 7,114 миллиард, 2005 йилда 8,15 миллиард, 2006 йилда 10 миллиард куб метр газ экспорт қилинди[5].

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов 2001 йил 4 июнь куни Оксарой қароргоҳида Россиянинг "ЛУКОЙЛ" нефть компанияси раҳбари Вагит Алекперовни қабул қилган эди[6]. Учрашувда Ўзбекистондаги нефть ва газ конларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш борасида "ЛУКОЙЛ" билан ҳамкорлик истиқболлари, ўзаро алоқаларнинг асосий тамойиллари ва шакллари хусусида, шунингдек, Ўзбекистон нефть-газ саноатини зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида ҳамкорлик имкониятлари, катта конларда нефть қазиб олиш, янги нефть ва газ конларни топиш бўйича геологик қидирув, "Ўзбекнефтьгаз" миллий акционерлик компаниясини хусусийлаштириш бўйича лойиҳаларда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилганди.

Бу компания 1991 йил 25 ноябрь Ғарбий Сибирдаги "Лангенаснефтьгаз", "Уралнефтьгаз", "Коголимнефтьгаз" корхоналарнинг бирлашуви натижасида ташкил этилганди. Бугун дунёдаги обрўйли нефть компаниялардан бири ҳисобланади. Компания 2001 йилги малумотларга кўра Россия Федерациясининг 40 минтақасида, дунёнинг 25 мамлакатада фаолият кўрсатиб келмоқда. Россияда қазиб олинаётган нефтьнинг 24 фоизи, ишлаб чиқарилаётган умумий нефть маҳсулотларнинг 12 фоизи "Лукойл" ҳиссасига тўғри келади.

2004 йил 16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ўткир Султонов ва "Лукойл нефть компанияси" очик акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперов Ўзбекистон Республикаси билан "Лукойл нефть компанияси" ОАЖ ҳамда "Ўзбекнефтьгаз" миллий холдинг компаниялари таркибидаги сармоядорлар консорсуми ўртасидаги маҳсулот тақсимолига оид битимни имзоладилар. Битим Ўзбекистон нефть-газ тармоғига "Лукойл" томонидан бир миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ киритилишини кўзга тутган эди. Келишувга биноан, биргаликда нефть конлари разветка қилиниши, ўзлаштирилиши ва "Лукол" техника воситалари таъиноти билан шуғулланиши келишиб олинганди.

2006 йил 16 май куни Тошкентда "Лукойл Оверсиз Ўзбекистон Лтд" офиси биноси пой-деворига дастлабки тош қўйиш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизда маҳсулотни тақсимлашга оид битимга биноан, қадим газ конларни ўзлаштириш

учун "Лукойл" Ўзбекистон Оперейтинг Компани" операция компанияси ташкил этилди. Янги тузилма Ўзбекистоннинг жануби-ғарбидаги Қандим газ конларини ўзлаштириш бўйича қиймати қарийб бир миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳа ижроси билан шуғулланади. Томонлар лойиҳани амалга ошириш учун инвестиция консорсуми ташкил этилди.

Унда Россия компаниясининг улуши 90 фоиз, Ўзбекистон томонининг улуши эса 10 фоиздан иборат. 35 йилга мўлжалланган битим шартномага кўра Россия компанияси бирламчи босқичда қазиб олинган маҳсулотнинг 49,8 фоизига эгалик қилади, Ўзбекистоннинг улуши эса 50,2 фоизни ташкил этган. Ушбу конда табиий газни саноат йўли билан қазиб олиш 2007 йилдан бошланиши режалаштирилди[7]. 2007 йил ноябрда "Лукойл" компанияси билан Бухоро вилояти худудидаги "Хавзак" конини ўзлаштиришни йўлга қўйиш борасида ҳамкорликни амалга оширмоқда[8].

2008 йил апрел ойининг охирида Тошкентда "ЛУКОЙЛ" очик акционерлик жамияти (Россия) директорлар кенгашининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди[9]. Унда қатор вазирликлар ва идоралар, "Ўзбекнефтьгаз" Миллий холдинг компанияси раҳбарлари иштирок етдилар. "Лукойл" компанияси Қандим-Хаузак-Шоди-Қўнғирот йўналишидан ташқари яна бир йирик ва мутлақо янги "Орол" лойиҳасини амалга ошириш, яни Орол денгизининг Ўзбекистондаги қисмига Маҳсулотни тақсимлаш битими асосида углерод конларини қидириш ҳамда ўзлаштиришда иштирок этмоқда. Орол денгизи акваториясида геологик қидирув ишларини ўтказиш бўйича лойиҳани амалга ошириш 2006 йилнинг 30 сентябрда бошланган эди. Бунинг учун инвесторлар халқаро консорсуми ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов 2009 йил 21 январь куни "ЛУКОЙЛ" ОАЖ президенти Вагит Алекперовни қабул қилди[10]. Мулоқот чоғида Ўзбекистон компаниялари билан "ЛУКОЙЛ" ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

"Лукойл" компанияси Ўзбекистон ёқилғи-энергетика тармоғидаги йирик инвесторлардан бири бўлиб келмоқда. Компания раҳбарияти ҳамкорлик муваффақиятларини, аввало мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити, иқтисодий барқарорлик қафолатлари ва асосий тармоқларнинг катта имкониятларидан деб билади.

Компания Ўзбекистон нефть-газ комплексига тўғридан-тўғри инвестициялари 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларини, 2013 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича эса қарийб 500 миллион долларни ташкил этди.

Қандим конлар гуруҳини ўзлаштириш ва газни қайта ишлаш заводини қуриш консорсумини ташкил этишга тайёргарлик кўриш ҳамкорликнинг энг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, учрашув чоғида Бухоро вилоятида газни қайта ишловчи замонавий заводни лойиҳалаштириш

жараёни ва барпо этиш масалалари муҳокама этилди. Устюртдаги конларда ҳамкорликни фаоллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Айни пайтда “Лукойл” компанияси Ўзбекистонда учта истиқболли лойиҳани амалга оширмоқда. Хусусан, Маҳсулот тақсимоли тўғрисидаги битим доирасида Хавзак, Шоди, Қўнғирот участкалари ҳамда Қандим конлар гуруҳида геология-қидирув ишлари ўтказилди ва натижада 18.5 миллиард куб метр газ казиб олинди. Ҳисор ҳудуди конларида олиб борилган ишлар натижасида 368.5 минг тонна нефть ва 2 миллиард куб метр тиббий газ казиб олинди. “Лукойл” Инвесторлар консорсиуми таркибида Орол блоки ҳудудида геологик-қидирув ишларини олиб бормоқда. Бу ишлар самарадорлиги қимматбаҳо хом ашё казиб олиш ҳажмининг ўсиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Учрашувда 2014-2020 йилларда Бухоро – Хива ва бошқа ҳудудлардаги конларда қатор йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши узоқ муддатли шерикликка янги суръат бағишлаши таъкидланди. Компаниянинг яқин 5 йилдаги инвестиция дастури қарийб 5 миллиард долларни ташкил этади[11].

Шунингдек, “Лукойл” компанияси И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга катта эътибор қаратаётгани таъкидланди. Ушбу олий ўқув юрти битирувчилари юқори малакали ёш мутахассисларга жаҳон углеводородлар бозоридаги етакчи компанияларда талаб катта.

2013 йилда Россия “Лукойл нефть компанияси” раҳбари Вагит Алекперов Президентимиз билан

учрашув пайтида давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун ва “Лукойл нефть компанияси” очик акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон нефтьгаз тармоғидаги фаолияти натижаларини юксак баҳолагани, шунингдек, ўзаро манфаатли ва кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишда яратилган қулай шароитлар учун миннатдорлик билдирди. Меҳмон ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан узоқ муддатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ҳам Россия ҳам ёнилғи-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишда ҳамкорликнинг ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда. Россиянинг “Лукойл” ва “Газпром” нефтьгаз компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. 2016 йил 19 апрель куни Бухор вилоятида “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси билан “Лукойл” компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди[12].

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий алоқалар ўз самарасини бермоқда. Халқимизнинг мустақиллик йилларида соҳада эришаётган ютуқлари чет эл сармоядорларини юртимизга келишини ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятларини очиб бермоқда. Жумладан, Россия Россиянинг “Лукойл” компаниясининг мамлакатимизда олиб бораётган ўзаро ҳамкорлиги билан яққол далилдир. Кейинг йилларда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорли икки дўст Халқнинг манфаатларини ифодаловчи жараёнга айланиб бораёпти.

АДАБИЁТЛАР

1. Оқсаройда қабул. //Халқ сўзи; 2002 йил, 18 декабрь.
2. Оқсаройда қабул. //Халқ сўзи; 2003 йил, 23 июль .
3. Оқсаройда қабул. //Халқ сўзи; 2004 йил, 25 ноябрь.
4. Оқсаройда қабул. //Халқ сўзи; 2005 йил, 27 сентябрь.
5. Ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. //Халқ сўзи; 2006 йил, 8 декабрь.
6. Оқсаройда қабул. //Халқ сўзи; 2001 йил, 5 июнь.
7. В.Николаев.Н.Ўлжабоев.Ҳамкорлигимиз самараси. //Халқ сўзи; 2006 йил, 17 май.
8. Оқсаройда қабул. //Халқ сўзи; 2008 йил, 26 ноябрь.
9. В.Николаев. Қулай инвестиция муҳити-самарали ҳамкорлик омили. //Халқ сўзи; 2008, 25 апрель.
10. Оқсаройда қабул. //Халқ сўзи; 2009 йил, 22 январь.
11. “Халқ сўзи”, 2013 йил 4 декабрь.
12. “Халқ сўзи”, 2016 йил 27 апрель.

РЕЗЮМЕ

В статье показаны экономические торговые связи между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией. В частности, большое внимание уделено экономическим, торговым связям, в энергетической и нефтяной промышленности. А также отношения между “Ўзбек-нефтгаз” и “Газпром”.

Ключевые слова: топливо, энергия, Узбекистан, Газпром, Лукойл, природный газ, производственные, проектные, экономические отношения, акционерное общество.

RESUME

In this scientific article, the author investigates the development stages of economic relations between the Republic of Uzbekistan and Russia Federation.

More attention was paid to the oil energy sphere in business economic relations of two countries. The increasing relations of gaz industry between “Uzbekneftgaz” national holding company and Russian company “Gazprom” was studied as a part of connection.

Key words: fuel, energy, Uzbekistan, Gazprom, Lukoil, natural gas, industrial, design, production, economic relations, joint stock company.

ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИДА Б.Н.ЗАСЫПКИННИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Хамидова М.С. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола машҳур архитектор Б.Н.Засыпкиннинг Ўзбекистоннинг бир қатор тарихий шаҳарлари, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Фарғона, Қўқон, Андижонда жойлашган меъморий ёдгорликларини ўрганиш борасидаги илмий фаолиятини ёритиб беришга бағишланган. Унда Б.Н.Засыпкиннинг Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини ўрганиш, таъмирлаш, тиклаш ва уларни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти акс этган ЎЗРМДАдаги шахсий архив фонди ҳужжатларига тавсиф берилган ҳамда мазкур муаллиф томонидан нашр этирилган илмий асарлари таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон меъморий ёдгорликларининг ўрганилиши, масжид, мадраса, мақбара, сарой, маҳаллий аҳоли турар жойлари, савдо мажмуалари, карвонсаройлар.

Ўзбекистоннинг ноёб меъморий ёдгорликларини ўрганиш турли даврларда кўплаб муаллифларни ўзига жалб этган қизиқарли мавзулардан бири ҳисобланган. Шу жумладан, Ўзбекистон меъморий ёдгорликлари тарихи ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш масаласига ХХ асрнинг биринчи ярмида фаолият олиб борган архитектура соҳаси мутахассис олимлари ҳам катта қизиқиш билан эътибор қаратишган. Шу ўринда Ўзбекистон миллий меъморчилиги тарихини ўрганиш ва уларни тиклашда салмоқли ҳисса қўшган архитектор Б.Н.Засыпкиннинг хизматларини эътироф этиш ўринлидир.

Борис Николаевич Засыпкин (1891-1955) ўз соҳасининг етук матахассисларидан бири бўлиб, Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини ўрганишга оид илмий тадқиқотлар муаллифи ҳамда уларни тиклаш борасида жонбозлик кўрсатган машҳур архитекторлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида мазкур олим томонидан амалга оширилган тадқиқот ишлари натижаларига оид архив ҳужжатлари жамланмаси мавжуд бўлиб, уларни Ўзбекистон меъморий ёдгорликларининг ўрганилиш тарихига оид қимматли манбалар сирасига киритиш мумкин. Б.Н.Засыпкиннинг ЎЗРМДАдаги шахсий архив фонди 1668 та сақлов бирлигига эга архив жамланмасидан иборат. Уларнинг аксарият қисми айнан Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини тадқиқ этишга бағишланганлиги билан эътиборга моликдир[1].

Маълумки, Б.Н.Засыпкин дастлаб ХХ аср бошларида Бухоро шаҳрига Москва Давлат университети профессори Б.П.Денике раҳбарлигида уюштирилган санъатшунослик экспедицияларида фаол иштирок этган. Кейинчалик унинг Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини ўрганиш ва тиклаш борасида кўзга кўринган олимлардан бири бўлиб етишишига ҳам айнан мана шу экспедицияларнинг аҳамияти катта бўлган. Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини тадқиқ этган совет даври санъатшунос олимларидан бири, архитектор Л.И.Ремпельнинг таъкидлашича, “машҳур шарқшунос олим Б.П.Деникенинг Шарқ халқлари маданиятига бўлган муҳаббати унинг шогирдлари В.Н.Чепелев, Б.В.Веймарн, Б.Н.Засыпкин ва менинг руҳимда Ўрта Осиё халқлари моддий маданиятига бўлган ҳурмат ҳамда эътиборни чуқур сингиб кетишишга сабаб бўлган”[2].

Ўрта Осиёга уюштирилган санъатшунослик экспедициялари натижасида Б.П.Деникенинг масъул муҳаррирлигида нашр этилган “Искусство Средней Азии” номли илмий тўпламда СССР Археология ва Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтлари жамоаларининг 1923-1927 йиллардаги илмий фаолиятига оид материаллар эълон қилинган. Мазкур тўпламда берилган мақолаларда асосан, Ўрта Осиё миллий меъморчилиги таҳлили мисолида маҳаллий халқлар моддий маданиятининг ривожланиш даражасига баҳо берилган. Ушбу тўпламдан жой олган Б.Н.Засыпкиннинг “Архитектурные памятники Ферганы” номли мақоласи ҳам ўша даврда деярли тадқиқ этилмаган Фарғона водийси меъморий ёдгорликларини ўрганиш масаласига бағишланган [3].

Кейинчалик, ХХ асрнинг 30-йилларидан Б.Н.Засыпкин Ўзбекистон моддий маданияти ёдгорликларини муҳофаза қилиш кўмитаси (Узкомстарис) илмий экспедицияларида ҳам фаол иштирок этган. У Узкомстариснинг Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз ва Фарғона водийси меъморчилиги тарихини тадқиқ этишга бағишланган тадқиқотларида етакчи ўрин тутган. Б.Н.Засыпкиннинг ЎЗРМДАдаги шахсий архив фондида муаллиф томонидан Ўзбекистоннинг бир қатор марказий шаҳарлари, хусусан, Самарқандда жойлашган меъморий ёдгорликларни ўрганиш ва тиклаш борасида амалга оширган тадқиқот ишларига оид қуйидаги ҳужжатларни учратиш мумкин:

– Самарқанддаги Гўри-Амир мақбарасини ўрганиш ва таъмирлашга оид ҳужжатлар – бинонинг умумий қурилиш режаси ва чизмалари, мақбаранинг сақланиб қолган қисми, шу жумладан, жануби-ғарбий минораси ва унинг сиртки коплама безаклари фото-суратлари, ички хоналари режаси, ички безаклари чизмалари ва фото-суратлар жамланмаси, жанубий айвоннинг сақланганлик ҳолати тўғрисида маълумот, унинг режаси, чизмалари ва бошқалар [4]. 1947-1948 йилларда Гўри-Амир мақбараси гумбазида тиклаш ишлари якунига етказилган. Бунда XIX асрнинг 70-йилларида амалга оширилган юзаки тиклаш ва таъмирлаш ишлари натижасида йўл қўйилган хатоликлар бартараф этилган. Ички гумбазнинг тепасида қурилган ғишт устун ва бошқа эскириб қолган мосламалар янги замонавий конструкциялар билан алмаштирилган. Архив ҳужжатларида

* Хамидова М.С. – ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси, т.ф.н.

келтирилишича, мазкур меъморий ёдгорликнинг интерьерлари машҳур рассом Г.Н.Никитин ва Б.Н.Засыпкин ҳамкорлигида илмий асосда таъмирдан чиқарилган. Муаллиф томонидан мазкур тарихий бинони тиклаш ишлари юзасидан фото-альбомлар яратилган [5].

– Биби-Хоним жомъе масжиди меъморий безаклари хусусидаги маълумотлар, масжиднинг таъмирланмасдан олдинги ва 1950 йилларгача бўлган даврда бир неча бор таъмирлангандан кейинги ҳолатлари акс этган фото-суратлар жамланмаси [6];

– Мирзо Улуғбек расадхонасининг ўрганилишига оид ҳужжатлар ичида Б.Н.Засыпкиннинг мазкур иншоотни қайта тиклаш борасида 1943-1944 йилларда амалга оширган ишлари диққатга сазовордир [7].

– Регистон майдонидаги Шердор, Тиллакори ва Улуғбек мадрасаларининг безаклари, уларни ўрганиш ва тиклаш борасидаги маълумотлар жамланган [8]. Маълумки, Самарқанднинг Регистон майдонида жойлашган Улуғбек мадрасаси XX аср бошларида аянчли аҳволда қолган бўлиб, унинг оғирлиги 800 тонна, баландлиги 36 метр бўлган икки минораси ёнга оғиб қолган эди. Ушбу минораларни тиклаш ишларига оид лойиҳалар дастлаб 1916 йилда В.Л.Вяткин томонидан тузилган. Лекин ушбу мадрасани чуқур ўрганиш, минораларни тиклаш ва таъмирлаш ишлари совет даврида амалга оширилган. Самарқанд меъморий ёдгорликлари тақдирига безътибор бўлмаган В.Л.Вяткин бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи 1918 йилда Мирзо Улуғбек мадрасасининг мадраса пештоқидан 2 метрча оғиб қолган шимоли-шарқий минорасини тиклаш мақсадида архитектор М.Ф.Мауэрни ёрдамга чақиришган. Мутахассисларнинг кўпчилиги, хусусан Б.Н.Кастальскийнинг фикрига кўра минорани бутунлигича тиклаб бўлмайди, деб ҳисобланган ва уни қайта қуриш таклиф этилган. Аммо М.Ф.Мауэрнинг қатъият билан таъкидлаган сўзига кўра, мазкур минорани бутунлигича тиклаш мумкин, деган ғоя илгари сурилган. М.Ф.Мауэр ва профессор Н.А.Кузнецовларнинг лойиҳаларига кўра, 1919 йилда Улуғбек мадрасасининг шимолий-шарқий минорасини тиклаш ишлари бошланган. Мутахассис олимлар, хусусан, археологлардан М.Е.Массон ва В.Л.Вяткин, архитекторлардан Б.Н.Засыпкин, маҳаллий уста-меъморлардан Абдуқодир Бокиев ва инженерлардан В.Г.Шухов ва М.Е.Кноррелар иштирокида минора бир неча йиллар давомида чуқур ўрганилган. Мазкур меъморий ёдгорликка жиддий талофат етказмаслик мақсадида мутахассислар, тиклаш ишларини бошқичма-бошқич амалга оширишган. Яъни 1926 йилда уни тутиб туриш учун вақтинча ўрнатилган эски лангарлар ўрнига янгилари ўрнатилган. 1927 йилда миноранинг тозаланган пойдевори атрофида темир-бетон халка ўрнатилган, ўрта қисмига В.Г.Шухов таклифига асосан винт конструкцияси жойлаштирилган. Миноранинг юқори ва ўрта қисмида ўрнатилган сунъий пойдеворга қўш рельслар жойлаштирилган. 1932 йил январь ойида

эса минора тикланган ва унинг сиртки қисмини таъмирлаш ишлари бошланган. Улуғбек мадрасасининг вертикал ҳолатдан 1,78 метр оғиб қолган жануби-шарқий минорасини тиклаш ишлари эса узоқ муддатли тадқиқотлардан сўнг 1965 йил январда бошланган ва шу йилнинг март ойида тугатилган.

Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Б.Н.Засыпкин Регистон майдонида жойлашган Мирзо Улуғбек ҳамда Тиллакори мадрасаларининг ички ва сиртки безакларини, мадраса пештоқи ва бундаги жомъе масжидини таъмирлаш ишларида ҳам фаол иштирок этган. Муаллиф томонидан ушбу меъморий ёдгорликда амалга оширилган ишлар юзасидан бир нечта фото-альбомлар тайёрланган [9].

– Шохи-Зинда меъморий мажмуасидаги Қусам ибн Аббос мақбараси (гўрхона, зиёратгоҳ, масжид ва чиллахонадан иборат), Туман оқа мақбараси, Ширинбека оқа мақбараси, Қозизода Румий мақбараси (зиёратгоҳ ва гўрхона), Сафий-Бунёд масжиди, Амирзода мақбараси ва бошқалар [10];

– Самарқанддаги Амир Темур қароргоҳи – Оксарой хусусида [11], Ишратхона мақбараси [12], Ҳазрати Хизр масжидини [13] ўрганиш натижасида ушбу ёдгорликлар тўғрисидаги тарихий маълумотномалар тузилган, уларнинг тавсифи келтирилган ҳамда ҳар бир меъморий ёдгорлик тўғрисида батафсил маълумотларни ўзида акс эттирган дастлабки альбомлар тайёрланган.

1930-1955 йиллар давомида Б.Н.Засыпкин томонидан Самарқандда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида “Архитектурные памятники Самарканд”, “Архитектурный облик Самарканды времени Алишера Навои” номли илмий мақолаларининг барчасида тадқиқ этилган меъморий ёдгорликларнинг фото-суратлари жамланмаси илова қилинган. Шунингдек, Совет архитекторлари иттифоқининг Самарқанд гуруҳи аъзолари ҳисоботларида мунтазам равишда Самарқанд шаҳрида жойлашган меъморий ёдгорликларнинг ўрганилиши ҳамда таъмирлаш ишларининг натижалари хусусидаги ҳисоботлари жамлаб борилган.

Бундан ташқари, архив ҳужжатларида келтирилишича, 1944-1946 йилларда иккинчи жаҳон уруши йилларидаги оғир шароитларга қарамасдан, Самарқанд меъморий ёдгорликларини ўрганиш ва тиклаш бўйича бир қанча илмий маълумотномалар тайёрланган. Буларга мисол тариқасида “Краткий путеводитель по архитектурным памятникам Самарканды” [14], “Историческая справка по архитектурному заповеднику “Шах-и-Зинда” в Самарканде” [15] номли илмий маълумотномалар ҳамда Совет архитекторлари иттифоқининг Самарқанд бўлими ходимлари ҳисоботларини кўрсатиб ўтиш мумкин [16].

Мазкур фонд ҳужжатлари орасида муаллифнинг 1946 йилда тайёрланган “Архитектурные памятники Самарканды” ва унга илова қилинган фото-альбом, “Архитектурный облик Самарканды времени Алишера Навои”, “Архитектура мусуль-

манского Востока” номли илмий мақолалари сақланмоқда. Улар Ўзбекистон меъморий ёдгорликларининг мусулмон архитектураси ёрқин намунаси сифатидаги аҳамиятини очиб беришга бағишланганлиги билан аҳамиятлидир [17]. Шунингдек, бунда 1950 йилда Улуғбек даври меъморчилиги тарихини ўрганишга бағишлаб ўтказилган “Архитектурные памятники времени Улугбека и их изучений” номли илмий анжуман материаллари, 1953 йилда Б.Н.Засыпкин раҳбарлигида тайёрланган Самарқанднинг асосий меъморий мажмуалари тарихи ва тавсифи келтирилган маълумотнома киритилган “Сокровища архитектуры Узбекистана” номли илмий тўплам материаллари билан танишиш мумкин [18].

ЎзРМДАда архив ҳужжатлари асосида Б.Н.Засыпкиннинг Бухоро шаҳри меъморий ёдгорликларини ўрганиш борасида амалга оширган ишлари хусусида ҳам кўплаб қизиқарли маълумотларни учратиш мумкин. Хусусан, муаллиф томонидан Бухородаги Исмоил Сомоний, Чашмаи Аюб мақбараси, Ситораи Моҳи-Хоса саройи, Мир Араб ва Абудуллахон, Абулғозихон мадрасалари, Ёрмуҳаммад оталиқ ва Баҳовуддин Нақшбандий хонақолари, Мағоки-Атторон, Чор-Бақр, Работи Малик, Хазара, Баланд, Калон, Файзобод Хўжа Зайниддин каби масжидлар, Бухоро арки ва бошқа тарихий ёдгорликларда олиб борилган илмий тадқиқотлари ҳамда уларни тиклаш ишларидаги иштироки масаласи ёритилган [19].

Узкомстариснинг Хоразм вилояти шаҳарларида жойлашган миллий меъморий ёдгорликларини ўрганиш борасидаги тадқиқотлари давомида Б.Н.Засыпкин ва бошқа бир қатор совет архитекторлари ҳамда маҳаллий уста меъморлар томонидан Хива ва Кўхна Урганчдаги бир қатор меъморий ёдгорликларда таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Хусусан, Кўхна Урганчдаги Нажмиддин Кубро, Амирхон, Тўрабек Хоним мақбаралари, Хивадаги Муҳаммад Аминхон, Шерғозихон ва Полвон Махмуд мадрасалар, Хива шаҳрида жойлашган савдо мажмуалари ва карвонсаройлар, маҳаллий аҳоли турар-жойлари тадқиқ этилган. Шунингдек, муаллиф томонидан Хоразм воҳаси меъморий ёдгорликлари меъморий безаклари, хусусан, миллий меъморчиликда ёғоч ўймакорлиги амалий санъат турининг қўлланиши масаласига алоҳида эътибор қаратилган [20].

Б.Н.Засыпкин Ўзбекистон тарихий-меъморий ёдгорликларини ўрганиш ва уларни таъмирлашда етакчи ўрин тутган совет даври архитекторларидан бири бўлиб, у республикамизнинг машҳур тарихий шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Хивадан ташқари Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз ва Фарғона водийсининг бир қатор шаҳарларида жойлашган меъморий ёдгорликлар ва маҳаллий аҳоли турар-жойларини ўрганишга катта ҳисса қўшган. Хусусан, муаллифнинг ЎзРМДАдаги шахсий архив фонди ҳужжатлари орасида қуйидагиларни учратиш мумкин:

– Фарғона водийсидаги Қўқон хонлари саройининг XX аср 30-йилларидаги кўринишига оид фото ҳужжатлар ва уни ўрганиш билан боғлиқ қўлёзмалар, Наманган шаҳрида жойлашган масжид ва мақбаралар, Марғилондаги масжидлар ва ўрта аср ҳаммоми, Андижон масжидлари ва бошқа меъморий ёдгорликларни ўрганишга оид архив ҳужжатлари [21];

– Тошкентдаги Занги ота мақбараси, Қаффоли Шоший мақбараси ва шаҳар кўчалари, масжидлари ҳамда маҳаллий аҳоли турар-жойларини ўрганишга оид ҳужжатлар [22];

– қадимий Термизнинг X-XII асрларга оид меъморий ёдгорликлари тарихига оид ҳужжатлар;

– Шаҳрисабздаги тарихий-меъморий ёдгорликлар, хусусан, Кўк Гумбаз, Гумбази Саидон, Ҳазрати Имом мақбаралари, Оксарой ва шаҳар маҳаллий аҳолиси турар-жойларининг ўзига хосликлари акс этган фото ҳужжатлар ва бошқалар [23].

Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Б.Н.Засыпкин ўзбек халқи миллий меъморчилик мактаблари тарихи ва уларнинг ўзига хос томонларини тадқиқ этишга ҳам катта қизиқиш билан қараган. Муаллиф томонидан нашр этирилган илмий асарларда ҳам мазкур масалага оид қизиқарли маълумотлар мавжуд. Б.Н.Засыпкин Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида жойлашган меъморий ёдгорликлар ҳамда маҳаллий аҳоли турар-жойларида умумий ўхшашликлардан ташқари, ўзига хос кўплаб фарқлар мавжудлиги ва бу аҳолининг яшаш тарзи ҳамда ҳар бир ҳудуднинг табиий-географик ўрни билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган [24].

Умуман олганда, Б.Н.Засыпкиннинг Ўрта Осиё меъморий ёдгорликларини сақлаш ва тиклаш борасида амалга оширган ишлари ҳамда нашр этирган илмий асарлари меъморий ёдгорликларни тўғридан тўғри ўрганиш асосида ёзилганлиги билан эътиборга моликдир. Муаллиф томонидан ёзилган илмий мақолалар ва архив ҳужжатларининг деярли ҳаммасида ўрганилган меъморий ёдгорлик тўғрисида қисқача тарихий маълумотнома, уларнинг тавсифи, қурилиш режаси, чизмалари, фотосуратлари илова қилинган. Бу келтириб ўтилган маълумотларни жонли тасаввур этиш имкониятини ошириши билан қимматлидир [25].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Б.Н.Засыпкиннинг сермахсул илмий фаолияти натижасида Ўзбекистоннинг кўплаб ноёб меъморий мажмуалари, шу жумладан, қадимий Самарқанд шаҳрининг асосий меъморий обидалари ҳар томонлама ўрганилган ва уларни тиклаш ҳамда таъмирлаш ишлари жадаллик билан амалга оширилган. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, муаллиф томонидан олиб борилган ҳар бир тадқиқот иши ижобий амалий натижаларга эга бўлган.

АДАБИЁТЛАР

1. ЎзРМДА ф.Р-2406. 1898-1955 гг. р.1. й.ж.1-1668.
2. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записи: страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. – Ташкент. Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1981. – С.14.
3. Искусство Средней Азии /Отв.ред. Б.Денике. – Москва. Центр издательство народов СССР, 1927. – С.35.
4. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж. 54. – 10 варақ; й.ж. 58. – 3 варақ; й.ж. 59-61. – 21 варақдан.
5. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж. 1344-1345 – 20 тадан фото-суратлар.
6. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж. 133. – 13 варақ; 1394, – 40 фото-суратлар.
7. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж. 67 – 6 варақ;
8. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж.120 – 15 варақ; й.ж.156 – 11 варақ; й.ж.226 – 14 варақ.
9. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж.1393 – 23 фото-сурат; й.ж.1387-1388 – 25 тадан фото-суратлар.
10. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж. 66 – 1 варақ; й.ж. 70 – 6 варақ; й.ж.1380 – 20 фото-суратлар; й.ж. 56 – 30 варақ; й.ж.239 – 13 варақ; й.ж. 68 – 1 варақ; й.ж.69 – 2 варақ.
11. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж.1373–1374 – 14 тадан фото-суратлар;
12. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж. 1375 – 20 фото-суратлар.
13. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж.1401 – 12 фото-суратлар;
14. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж. 229 – 35 варақ.
15. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж.241– 26 варақ.
16. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж. 255 – 5 варақ.
17. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж. 214 – 25 варақ; й.ж. 103. – 65 фото-сурат; й.ж. 210 – 26 варақ; й.ж. 370 – 17 варақ.
18. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж. 292 – 46 варақ; й.ж. 329 – 26 варақ.
19. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж. 410. – 24 варақ; й.ж.1240. – 8 варақ; й.ж.392. – 4 варақ; й.ж. 399. – 4 варақ; й.ж.1246. – 20 варақ; й.ж.1210-1219. – 25 варақ; й.ж.1251. – 12 варақ; й.ж. 1209. – 25 варақ.
20. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж.1471. – 10 варақ; й.ж. 1472. – 25 варақ; й.ж.1486. – 25 варақ; й.ж.1487. – 6 варақ; й.ж.1495-1499. – 21 варақ; й.ж. 1490-1491. – 20 варақ.
21. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж.1295-1298. – 12-20 варақдан; й.ж. 1338. – 8 варақ;
22. й.ж.1332. – 21 варақ; й.ж.1193. – 16 варақ; й.ж.1432-1436. I-V китоблар – 20-26 варақдан; ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж.1437. – 4 варақ.
23. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж.1439-1442. I-IV китоблар – 23-24 варақдан; й.ж. 1443-1449. I-VI китоблар – 21 варақдан. VII-китоб – 40 варақ; й.ж.1522. – 20 варақ.
24. ЎзРМДА. ф.Р-2406. р. 1., й.ж.256. – 30 варақ; й.ж. 373. – 75 варақ.
25. Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. – Москва. Издательство Академии архитектуры СССР, 1948. – С.137-140; Засыпкин Б.Н. Памятники монументального искусства советского Востока //Художественная культура советского Востока. – Москва, 1931. – С.21-53; Ўша муаллиф. Реставрация мавзолея Исмаила Саманида // Правда Востока, 1940. – №286.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена научной деятельности известного архитектора Б.Н.Засыпкина и изучению архитектурных памятников исторических городов Узбекистана, в частности, Самарканда, Бухары, Хивы, Шахрисабза, Термеза, Ферганы и Андижана. В ней дается описание документов личного архивного фонда Б.Н. Засыпкина в ЦГАРУз об изучении, реставрации, восстановлении и охраны памятников архитектуры Узбекистана, а также представлен анализ опубликованных автором научных трудов.

Ключевые слова: изучение архитектурных памятников Узбекистана, мечети, медресе, мавзолеи, дворцы, жилие дома, торговые центры, каравансарай.

RESUME

This article is devoted to the illumination of the scientific work of famous architect B.N.Zasyepkin on the study of architectural monuments of historical cities of Uzbekistan, such as Samarkand, Bukhara, Khiva, Shakhrisyabz, Termez, Fergana and Andidjan. In this article it is provided a scientific analysis of documents of a personal archive fund of B.N. Zasyepkin on study, restoration and protection of monuments, in Central State Archive of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: The study of architectural monuments of Uzbekistan, mosques, madrassas, mausoleums, palaces, local residentials, shopping centers, caravanseraes.

КЎКАЁЗ 1-8 ИХТИСОСЛАШГАН ТОШГА ИШЛОВ БЕРИШ УСТАХОНАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИБТИДОЙ ДАВР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ

Эргашев О.Т. *

РЕЗЮМЕ

Тош даври устахоналарининг пайдо бўлиши ибтидоий одамнинг узоқ ва секин давом этган минерологик билим ва кўникмалари ривожидан келиб чиққан заруратдир. Ушбу мақола Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Кўкаёз тошга ишлов бериш устахоналарининг даврий санасини аниқлашга бағишланади. Муаллиф Кўкаёз устахоналарини техник-типологик таҳлил қилиб, мазкур устахоналарни сўнгги палеолит даври билан саналаштирлиги таҳлиллари учрайди.

Калит сўзлар: бифаслар, Кўкаёз, устахона, леваллуа, палеолит даври, Есен, сўнгги палеолит, хом-ашё, тош буюмлар.

Кўкаёз устахоналарининг очилиши Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудлар палеолитшунослигига мутлақо янги типдаги ёдгорликларни ҳаётига этди. Юртимиз ҳудудларида сўнгги палеолит даврига оид Кўлбулокнинг юқори қатламлари, Тўдахотин, Самарқанд сўнгги палеолит маданиятлари қаторига ноёб Кўкаёз сўнгги палеолит даври ихтисослашган устахоналари ҳам қўшилди.

Юртимиз ҳудудлари палеолит даври устахоналарига бой ўлкалардан биридир. Бундай устахоналар қадимги тош даврининг турли босқичларига оид бўлиб, Тошкент воҳасининг Оҳангарон дарёси бўйларида (Қизилолма 1, 2, Жарсой, Гиштсой), Зарафшон дарёси водийсидан (Учтут, Ижонт, Вауш) ҳамда Қизилқум ҳудудларидан (Кўкча, Султон-Увайстоғдаги №23 ва 24 пунктлар) топилган.

Аммо, юқорида тилга олинган устахоналар асосан тошларга бирламчи ишлов бериш, ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва фақат айрим ҳоллардагина тайёр тош қуроллар ясаиб, маконларга олиб кетишга мўлжалланган эди. Кўкаёз 1-8 пунктлари эса тош даврининг ажойиб тош қуроллари – бифас-санчкиларни (бифасы-наконечники) ишлаб чиқаришга ихтисослашган устахоналардир. Шу маънода, Кўкаёз устахоналарининг топиллиши юртимизда қадимги тош даври устахоналарининг эволюциясини кузатиш имконини беради ва сўнгги тош даврига келиб Учтут тош қуролларининг пайдо бўлиши бежизга эмаслигини кўрсатади.

Кўкаёз 1-8 пунктлари индустрияларидаги чакмоқлаш техникаси ҳам ўзига хошлиги билан ажралиб туради. Бу жойдан топилган сўнгги палеолит даврига оид бир ёки икки зарб майдонли, ортогонал, призмасимон, понасимон энсиз (торцовый) нуклеуслардан ташқари, ҳозирда палеолитшуносликда номаълум бўлган «Кўкаёз типдаги леваллуа ўзаклари» топилди ва илмий муомиллага киритилдики, улар Кўкаёз индустриялари тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди[1]. Маълумки, тошларни чакмоқлаш техникаси тараққиётида илк палеолитнинг бошларидан қадимги аجدодларимиз маълум бир тизимга эришганлар. Масалан: гардишсимон, елпигичсимон, призматик чакмоқлаш тизимлари ва х.к. Уларни биз оддий чакмоқлаш усуллари деб юритамиз. Бироқ, бундан 300 минг йиллар муқаддам яшаган қарши одамлар тошларни чакмоқлашнинг

концептуал усуллари кашф қиладилар. Бунга авваламбор, леваллуа техникасини киритиш мумкин. Леваллуа техникасида бир нечта учириндилар чакмоқлаб олинганидан кейин тиғи уриб, учирлиб ўткирланади. Синдириб олинган ўткир тиғли йўнилғи ибтидоий устанинг миясида олдиндан проекция қилинади ва бундай леваллуа учириндига эришиш учун бир нечта йўнилғи чикитга чиқариб юборилиши ҳам мумкин [2].

Мутахассислар инсоният тафаккурининг ўсиши леваллуа техникасининг пайдо бўлишига олиб келган[3]. Ўрта палеолит даврига келиб неандертал одамлар томонидан леваллуанинг яна бир усули – леваллуа типдаги пайконларни (леваллуазский остроконечник) ясашни кашф қилганлар. Леваллуа типдаги пластиналар ишлаб чиқариш эса, сўнгги палеолитнинг бошланиши, яъни замонавий одамнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир[4]. Кўкаёз мажмуалари чакмоқлаш техникасининг асосини ташкил қиладиган “леваллуа техникаси” леваллуа пластиналар ишлаб чиқариш техникасидан фарқ қилади ва умуман, ушбу техниканинг кейинги тараққиёт босқичини кўрсатади. Кўкаёздаги “леваллуа” чакмоқлаш техникаси ўзакнинг иш юзасидаги йўнишлар қоплама бўлишини таъминлаш учун унинг орқа тарафидан нуклеуснинг атрофи бўйлаб зарб майдонлар ҳосил қилинади. Бундан ташқари, Кўкаёз “леваллуа” нуклеусларининг пастки учи қўшимча равишда йўнилиб, ўзакнинг ўзидаёқ учли тиғ ҳосил қилинади. Умуман, Кўкаёздаги “леваллуа” чакмоқлаш техникаси тайёр унифаслар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Сўнгра, чакмоқлаб олинган тайёр унифаснинг орқа тарафи йўнилиб бифас-санчкиларга айлантирилади. Шундай қилиб, “Кўкаёз типдаги леваллуа” чакмоқлаш техникаси бифас-санчкилар ишлаб чиқаришнинг махсус технологик усули бўлиб, палеолит даврида леваллуа техникасининг юқори даражада тараққий топганлигидан гувоҳлик беради. Кўкаёз мажмуаларидан топилган махсус леваллуа техникаси дунёнинг бирорта ёдгорликларида учрамайди ва шунинг учун ҳам ушбу ишда уларни “Кўкаёз типдаги леваллуа нуклеуслари”, деб номладик. Демак, Кўкаёз устахоналари дунё палеолитшунослиги учун ҳозиргача номаълум бўлган, янги нуклеус типини берганлиги ҳам ёдгорликнинг аҳамиятини оширади.

* Эргашев О.Т. – СамДУ мустақил тадқиқотчиси.

Бундан ташқари, Кўкаёз мажмуалари йўнил-гилари орасида крестлашган техника (скрещиваю-щийся техника расщепления) ёрдамида чакмоқ-ланганлари ҳам учрайди. Ушбу техника сўнгги палеолит давридагина онда-сонда пайдо бўлиб, тош даврининг кейинги босқичларида ва айниқса, неолит даврида кенг тарқалади. Ушбу техниканинг мавжудлиги ҳам Кўкаёз индустрияларини сўнгги палеолит даврининг юқори даражада тараққий топган шакли эканлигини кўрсатади.

Кўкаёз мажмуаларининг тош қуроллари асосан ўйиб-кертиб ишланган тишсимон қуроллар, кирғиччалар, айрим кесгичлар ҳамда тош болталардан иборат. Юқорида таъкидланганидек, Селет маданиятининг очиқ типдаги кварцитли устахоналарида ҳам айнан шунга ўхшаш тош қуроллар топилган. Кўкаёз 1-8 пунктларининг кирғиччалари учириндиларнинг дистал (учиринди-нинг пастки уч қисми) ёки бурчак қисмларида ишланган. Шундай бўлса-да, улар микро-пластинкасимон ретушлаш ёрдамида шаклан-тирилганлиги ушбу қуролларни сўнгги палеолит даври билан саналаш имконини беради.

Юқорида таъкидланганидек, Кўкаёз индуст-рияларининг Марказий Осиё ҳудудларида ўхшаши йўқдир. Уларга қисман ўхшаш индустриялар Борса-Келмас ботиғининг Есен 2 тепалигида ва Марказий Овропа ҳудудларида ва Молдавиядаги Брензини маданияти мажмуаларида учрайди[4]. Бироқ, узок ҳудудий бўшлиқларнинг мавжудлиги Кўкаёз мажмуаларини ушбу маданиятлар билан қандайдир алоқалари бўлганлиги ҳақида гапириш имконини бермайди. Бундан Кўкаёзликлар билан Марказий Овропадаги Селет маданияти вакиллари ўртасида қандайдир маданий алоқалар бўлган эмас (чунки, улар орасида катта ҳудудий бўшлиқ мавжуд), балки ибтидоий одамлар палеолит даврида деярли бир хил техник билимларга эга бўлганликлари ва бир-бирларидан мустақил равишда бир хил техник натижаларга эришганликлари ёки Овропада тош даврида тарқалган маданиятларга ўхшаш шарқий вариантлар ҳукм сурганликлари (масалан, Осиёча ашел ёки Шарқий граветти маданиятлари) ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Кўкаёз индустрияларининг санаси масаласида фақат техник-типологик кўрсаткичлар ёрдамида нисбий фикрларни айтиш мумкин. Ушбу технокомплексларда юқори даражада тараққий этган ва дунёда аналогий йўқ леваллуа техникасининг, сўнгги палеолит даври учун хос кирғиччаларнинг ва ниҳоят, эзиш (отжимная техника) техникаси ёрдамида ишлов берилган жуда юпка бифас-санчқиларнинг борлиги уларни сўнгги палеолит даври билан саналаш имконини беради.

Кўкаёз тошқурилма мажмуаларидаги бифасларнинг Есен 2 ва Селет маданиятидаги шундай типдаги қуролларга нисбатан анча тараққий этганлигини ҳисобга олиб, уларни сўнгги палеолит

даврининг ўрталари билан саналаш мумкин. Бироқ, Кўкаёз мажмуасининг аниқ санаси ҳамда уларнинг келиб чиқиши масалалари ҳозирда очиқ қолмоқда ва бу ёдгорликларда олиб бориладиган кейинги тадқиқотларнинг истиқболларини белгилайди.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқот-лар Ўзбекистоннинг сўнгги палеолит даври ёдгорликлари маданий ҳослиги масаласига қатор ойдинликлар киритмоқда. Масалан, Ўзбекистон-Россия-Белгия халқаро экспедицияси ҳамда ЎзР ФА археология институти палеолитчилар гуруҳининг Тошкент воҳасида олиб борган тадқиқотлари натижасида Обираҳмат ғор макони ва Қизилолма 2 устахонаси материаллари сўнгги палеолитнинг бошларига, яъни Европанинг ориняк маданиятига синхрон ёдгорликлар эканлигини аниқланди. Чирчиқ дарёси бўйларида аниқланган Тўдахотин 1 ва 2 маконлари эса, мутахассислар томонидан радиокарбон саналаш ҳамда техник-типологик ўрганишлар натижасида сўнгги палеолитнинг граветти босқичига (мил. авв. 28-22 минг йилликлар) оидлиги аниқланди. Тошкент воҳаси-даги Кўлбулоқ макони юқори (I-III) қатламлари материаллари санаси масаласи икки хил талқин қилинмоқда. Россиялик мутахассислар радиоканбон саналарга (мил.авв. 24-21 минг йилликлар) асосланиб, уни сўнгги палеолитнинг ўрталари билан саналаса, бу борада махсус тадқиқот олиб борган Б.Қ.Сайфуллаев ва Н.О.Хушвақтовлар техник-типологик маълумотларга асосланиб, Кўлбулоқнинг юқори (I-III) қатламлари индустриясини сўнгги палеолитнинг охирилари, яъни мадлен даври билан (эр. ав. 13 минг йилликлар) даврлаштирганлар.

Зарафшон воҳаси сўнгги палеолит даври ёдгорликлари асосан Самарқанд макони асосида талқин қилинади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу ёдгорлик индустрияси сўнгги палеолитнинг иккинчи ярми (эр.ав. 20-15 минг йилликлар) билан саналанган. Бироқ, ёдгорликнинг сўнгги палеолит даври охирилари билан белгиланган санаси ҳақидаги фикрлар ҳам мавжуд.

Кўкаёз пунктларининг очилиши нафақат Марказий, балки бутун Қизилқумда очилган дастлабки сўнгги палеолит даври ёдгорлигидир, чунки ҳозиргача ушбу чўл зоналарида сўнгги плейстоцен даврида одам яшамаган деган ғоя ҳукмрон эди. Бундай дейиш учун плейстоцен даври билан шуғулланадиган мутахассислар асосан археологик далилларга асосланар эдилар. Демак, Кўкаёз пунктларининг очилиши Қизилқум ҳудудларининг палеоэкологияси масалаларини ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Шундай қилиб, Кўкаёз 1-8 пунктлари Ўрта Осиё ҳудудларидан топилган бифас-тиғлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган устахоналар бўлиб, маданий жиҳатдан бошқа ёдгорликлардан фарқ қиладиган алоҳида маданиятга хос ёдгорликлардир.

АДАБИЁТЛАР

1. Эргашев.О.Т.Кўкаёз ботиғининг тошга ишлов бериш устахоналари. Самарқанд-2014. Б.135. “Зарафшон” нашриёти ДК.
2. Kelley (H.). Contribution a l’etude de la technique de la taille levalloisienne. B.S.P.F., t. 51, p. 149-169, 13 fig., 1954,Р.- 14..
3. Нехорошев П.Е. К методике изучения нижнепалеолитической техники и технологии расщепления камня // РА, №3. М., 1993. С. -18.
4. Bordes (F.). Stratigraphie du loess et evolution des industries paleolithiques dans l’ouest du bassin de Paris. 2. Evolution des industriespaléolithiques. L,A., t. 56, p. 405-402, 23 fig., 1952.
5. Бижанов Е. Палеолитические местонахождения впадины Шахпахты на Устюрте // Вестник КФАН Узб.ССР, № 2, Ташкент, 1983. С.89.

РЕЗЮМЕ

Данная статья, посвящается хронологии и датировке Кукаязских кремнеобрабатывающие мастерских, известных на территории Узбекистана. Автор, основываясь на изучении техники обработки материалов датирует комплексы эпохой позднего палеолита.

Ключевые слова: Листовидные бифасы, Кукаяз, мастерские, леваллуа, эпоха палеолита, Есен, поздний палеолит, каменные изделия.

RESUME

Given article is devoted to chronology and dating Kukayaz flint-processing workshops known on the territory of Uzbekistan. The author being based technicians of processing of materials these techno complex dates an epoch of an late paleolith.

Key words: Leaf-shaped bifaces, Kukayaz, workshops, levallua, paleolith, Esen, late paleolith, Karatau, Chakmaktepa, stone tools, Gran-Pressini.

ТАРИХИЙ РОМАНЛАРДА ЙЎЛ ХРОНОТОПИ

Ўраева Д., Тўраева Б. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада тарихий романларда йўл хронотопининг ифодаланиши, асар композициясидаги ўрни, хронотопнинг ахборот майдонини тарихий, маданий, фалсафий-эстетик, диний-мифологик ва географик кодлар орқали аниқлаштирилиши таҳлил қилинган. Хронотоп ёзувчи методи ва услубнинг ўзига хос томонларини белгилаши, сўз санъаткорининг миллий ва умумбашарий фикрлаш тарзини очиб беришга хизмат қилиши ХХ асрнинг 70–80-йилларида яратилган тарихий романлар мисолида изоҳланган.

Калим сўзлар: хронотоп, бадиий замон, бадиий макон, сюжет, тарихий роман структураси, прототип, композиция, услуб, ёзувчининг ижодий нияти, фольклор.

Йирик ҳажмли эпик асарлардаги бош хусусият, аввало, инсоннинг умр йўлини, унинг ҳаётида юз берган муҳим бурилиш нукталарини тасвирлашдан иборат. Бунда инсоннинг реал макон бўйлаб сафари, босиб ўтган йўлига алоҳида урғу берилади.

Инсон туғилганидан бошлаб то улғайиб кексайгунича бўлган замонда чақалоқлик – гўдақлик – болалик – ўсмирлик – ўспиринлик – етуклик – ўрта ёшлик – кексаликдан иборат “ҳаёт йўли”ни босиб ўтади. Мана шу сабаб бош тасвир предмети инсон ва инсон ҳаёти бўлган адабиётда “йўл хоронотопи” алоҳида мавкени эгаллайди.

Тарихий романлар сюжетида “йўл хронотопи”ни замон ва маконни бирлаштирувчи адабий унсур сифатида баҳолаш мумкин. Қаҳрамонларнинг сафарга чиқиши муайян вақт оралиғида кечиб, йўл эпик қаҳрамонлар ҳаётидаги муҳим ва туб бурилишларни ифодаловчи сюжет воқеаларини боғлаб турувчи халқ сифатида юзага чиқади. Йўл хронотопини ёрқин кўрсатиб турувчи аломатлардан бири асардаги йўл образидир. Йўл образи яна шуниси билан ҳам эътиборлики, у инсоннинг туғилиб ўсган, кадрдон юртини бошқа маконлар, теварак-атроф билан, ўзини бошқа тақдир соҳиблари билан узвий боғлаб туради. Унинг ўзлигига қайтиши учун маёқ вазифасини ўтайди.

Бадиий асарларда йўл хронотопи инсоннинг ё бир бутун ҳаёт йўлини, ё ҳаёт йўлининг муайян қисмини ифодалаб келади. Мумтоз тасаввуф адабиётида эса покляниш йўли, ўз тариқат йўлини танлаган солиқ образи алоҳида тараннум этилади.

Маълумки, фольклорда ҳам йўл образи кўп учрайди. Йўл образи айни пайтда узун-қискалиги, тор-кенглиги, кесишуви жиҳатидан ички бўлинишларга эга. Ўзбек халқ эртақларида йўл машаққатлари жиҳатидан “борса келар”, “борса келар ё келмас”, “борса келмас” шаклида уч хилда кўрсатилади.

Чорраха – тўрт йўл туташган жой бўлиб, у халқ назарида йўлнинг мажик қудратга эга марказий нуктаси саналади.

Умуман айтганда, бадиий асарларда йўл – инсон ҳаётининг бурилиш нуктаси рамзи. Асар қаҳрамонининг туғилган уйдан йўлга чиқиши ва яна ортга, юртига, кадрдонлари ёнига қайтиши, одатда, башариятнинг туғилиш ва ўлимдан иборат ҳаёт йўлини, албатта, босиб ўтишига ишорадир. Бунда қиска ёки узун, мазмунли ёки мазмунсиз умр

йўлининг узун-қискалиги, воқеа-саргузаштлар миқдорига тенглаштирилиб тасвирланади. Йўл орқали инсоннинг улғайиши ҳам кўрсатиб берилади.

Тарихий асарларда йўлда учраган аломатлар тақдир аломатларини билдириб, йўл хронотопи ўта аниқ, чегараланган мотивларни камраб олади.

Хронотоп асарнинг ахборот майдонини тарихий, маданий, фалсафий-эстетик, диний-мифологик ва географик кодлар[3] орқали аниқлаштиради. Географик код асар бадиий хронотопи ҳақидаги маълумотларни, яъни асар воқеалари рўй берган аниқ макон ва вақт орқали китобхонни асар сюжети танланган макон ва вақт сари элтади.

Ёзувчи бу ҳаққонийликка эришиш учун тарихни ўрганиш билан бирга қаҳрамонлар босиб ўтган йўллар, улар истиқомат қилган шаҳарлар, сарой ва уйларга боришади. Одил Ёқубов “Мирзо Улуғбек фожеаси”ни яратишда Мирзо Улуғбек расадхонасида тунаб қолганлигини хотирлайди: “Самарқандга бориб, Улуғбекнинг изи қолган жойларни зиёрат қилдим. Кечалари қадим расадхонада юлдузларга термулиб ётиб, ҳасратли ўйларга гарқ бўлдим...”. Пиримқул Қодиров ҳам “Юлдузи тунлар” ва “Авлодлар довони” романларини ёзаётганда, Бобур ва унинг авлодлари юрган йўллар ва улар яшаган маконларга борди, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилди: “Бобурнинг қадам-жоларини бориб кўришга интилдим, Ҳиндистон, Покистон бўйлаб сайр қилдим...” [7].

Йўл ва жойларни ёзувчи мукамал ўрганиши кераклигини Абдулла Қодирий ҳам “Ижод машаққати” рисоласида бадиий ижод тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларида эътироф этади: “Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмақчи бўлсам, ўша жойни аввал неча мартаба кўрган эсам-да, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман” [5].

Инсоннинг маконлараро кўчиб юриши, у бошидан кечирган саргардонлик, воқеа-ҳодисалар орқали замон ва хронотопни ифодалаш ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам ижодкорлар томонидан қўлланиб келаётган энг қулай ва кенг тарқалган бадиий шакллардан биридир. Фольклордан бошланган бу анъана замонавий адабиётда янада муваффақиятли давом этмоқда.

Ҳатто бунда жаҳон адабиётида эришилган ютуқларнинг миллий адабиётимизда синтезлаштирилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, ўзбек романчилиги отаси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида бош қаҳрамон Отабек тақдири

* Ўраева Д. – БухДУ профессори, ф.ф.д.
Тўраева Б. – ЎзДЖТУ ўқитувчиси.

мисолида ўзбек миллатига мансуб бир инсоннинг ҳаёт йўли қаламга олинар экан, унда замон муаммоларининг инсон ҳаёт йўлига нечоғлик таъсири ёрқин очиб берилган. Бунда Тошкент ва Марғилон йўлида сарсон бўлган Отабек ва Кумушнинг фожиали тақдири таъсири баён этилган.

“Ўткан кунлар” романида макон (Туркистон ўлкасидаги Тошкент ва Марғилон, Россия ўлкасидаги Шамай, яъни Семипалат шаҳри. Бу шаҳар хон замонларида Туркистон савдогарларининг ўрис билан олиш-бериш – савдо шаҳри бўлган), замон (XIX аср охири, XX аср бошлари – 1264 ҳижрия, далв ойининг 17-кечаси, қишки кунларнинг бири, мозий ва бугун) аниқ белгиланган. Тошкент ва Марғилон ўртаси от билан бориш мумкин бўлган унча яқин ҳам, узоқ ҳам бўлмаган йўл эканлиги таъкидланган.

Кумуш ўз ота-онаси билан узоқ айрилиқдан сўнг Тошкентга, суюкли ёри Отабек хонадонига ташриф буюриш ниятида от-арава билан йўлга чиқишганида 10 кунлик йўлни 12 кунда босиб ўтишади. Бу Офтобойим томонидан шундай таъкидлаб ўтилади: *“Ўзи Марғилондан Тошкандгача арава йўли ўн кунлик экан, биз чарчамайлик, деб секин-секин ўн икки кунда келдик. – Йўл лойдир? – деб сўради Маҳинабону. – Лой эмас, – деди Офтоб ойм, – йўл жуда яхши экан – икки ёқда кўм-кўк майса, қирларда лолалар, йўлнинг жуда ҳам томоша вақти экан”* [6].

Айнизамонда ёзувчи айризамонга, яъни ўзи яшаб турган замонда мозийга қайтиб иш кўрмоқлик нияти билан асарни ёзганлигини билдириб ўтган. Буларнинг натижасида, М.Бахтин таъбири билан айтганда, “макон ва замон табиатини белгилашнинг абстракт-техник табиати йўқотилган”[1].

Романда макон тасвирида реал ҳаётлик кучли. Масалан, ёзувчи бунда Юсуфбек хожи, Мирзакарим Қутидор ҳовлисининг ичкари ва ташқари кўринишда бўлганлигига алоҳида урғу қаратади. Дарҳақиқат, ўша даврларда ўзбек ҳовлилари, албатта, шундай икки қисм қилиб қурилган. Ичкарида аёллар, ташқарида эркаклар ҳаракатланишган. Бу чегара деярли бузилмаган. Шундан бўлса керак, Кумуш ичкари ҳовлидан ташқари ҳовли чеккасидаги ариқ лабига бети очик ҳолда чиқиб қолгани сабаб тақдири ўзгариб кетади. Бунда ариқ (сув) икки оламини (аввало, ичкари ва ташқарини, ундан сўнг, этнофольклористик тушунчалар билан айтганда, Кумушнинг қизлик оламиндан аёллик оламига кўчиш чегарасини) туташтирувчи рамзий макон бўлиб кўринади.

Одатда, макон тасвири асарнинг бош қаҳрамонлари тақдирига ҳамиша жиддий тарзда боғланиши поэтик қонуният даражасига кўтарилгани инobatга олинса, ушбу романда ҳам шу макон тасвири икки омилнинг юзага чиқишини таъминлаган:

1) ташқи ҳовли ўша даврда эркакларнинг ташқари ҳаёт билан бевосита боғлиқлигини англатса, Кумушнинг ички ҳовлидан чиқиб келиши ўша замонда аёлларнинг биқик ҳаётга гирифтор этилганлигининг рамзини ҳам бера олади.

2) шу ички ва ташқи ҳовлилар орасидаги қиска учрашув, қутилмаган тўқнашув, ариқ бўйидаги илк висол они, икки инсоннинг ҳаёти тубдан ўзгариб кетишига сабаб бўлади. Шу нуқтадан роман тугуни шаклланади ва у кейинги воқеалар ривожига ўтиш нуқтаси бўлиб қолади.

Қаҳрамонларнинг йўл бўйидаги бу учрашуви йўл хронотопига ҳам хосдир. Бундай аниқлик ўзида ҳаёт кенгликларини ёйиш имконини бера олган. Лекин бу воқеа бор-йўғи қаҳрамонларнинг ҳаётидаги биргина воқеа холос. Аммо муҳим, сира унутилмас, қалб ва онгда умр якунига қадар ширин хотира бўлиб сақланадиган ҳодисадир.

Ўзбек тарихий романчилиги XX асрнинг 70-йилларига келиб гўё янги бир тўлқин таъсири билан ривожлана бошлади [4]. XX асрнинг 70-80-йилларида Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё” тарихий-фалсафий романлари, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” тарихий-биографик романлари, Мирмуҳсиннинг “Меъмор”, “Темур Малик”, Мақсуд Қориевнинг “Спитамен”, Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” тарихий романлари майдонга келди. Мазкур тарихий романларда замон ва макон категорияси асосида узоқ ўтмиш жонлантирилди, тарих ҳақиқати ғоявий-бадий гавдалантирилди. Жумладан, йўл хронотопи ўз ва кўчма маъноларда қўлланиб, ромanning мазмун-моҳиятини очишда муҳим адабий-эстетик вазифа бажарди.

Бадий маконнинг бўлак-бўлак “парчаланган-лиги” қисман бадий вақтнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, қисман эса мустақил характерга эга бўлади. Зеро, бадий адабиёт учун вақт ва макон координаталарининг оний лаҳзада ўзгариб, алмашилиб туриши табиий бўлиб (масалан, “Ўткан кунлар” романида воқеаларнинг Марғилондан Тошкентга, Тошкентдан Марғилонга “кўчиб” юриши), романда оралик масофадаги маконларнинг, йўлнинг атай тасвирланишига эҳтиёж қолдирмайди. Роман воқеаларининг драматик ҳамда психологик таранглиги (бу Отабек аҳвол-руҳияси) ўлароқ, оралик масофа – йўлни, йўл билан боғлиқ вақтни китобхон тасаввур қилиб бораверади.

Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” ва “Авлодлар довони” романларидаги йўл хронотопи ҳам вақт каби чексиздир. Туркистон, Афғонистон ва Ҳиндистон юртлири орасидаги масофа бобурийлар империясининг шаклланиши ва 330 йил давомида қарор топишида бадий макон вазифасини ўтабгина қолмай, йўлни босиб ўтиш муайян вақт оралиғида кечиши тушунчаси билан ҳам боғлиқ. “Юлдузли тунлар” тарихий романидаги воқеалар Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон оралиғидаги ҳудудларда юз бериб, бунинг тасвири асарнинг композицион қурилишини таъминлаган ва воқеалар спиралсимон вақтда ҳалқаланган. Икки асрдан сўнг Бобурнинг бобкалони Амир Темур мулки – Ҳиндистонга ворисийлик тўртинчи авлодга насиб этади.

Бобур ўзини Даҳқатнинг кунчиқош томонидан уч минг газ баландликдаги Осмон Яйлов тоғининг учидан отилиб чиқиб турган мўъжизавий булоққа қиёслайди, бирдан ўз ҳаёти ҳам шундай юксак тоғнинг энг баланд бир нуқтасидан ёриб

чиққан бундай ғалати чашма – кўчки босган булоққа ўхшаб кўринди. Романнинг сюжет чизиқларини шу кичик ҳалқа боғлаб туради. Асарнинг композицион курилишида колипловчи сюжет вазифасини бажаради. Романдаги воқеа-ходисалар силсиласида кўчки босган булоқнинг ҳинд тупроғида қайта кўз очиши билан Бобур Мирзонинг Ҳиндистонда Буюк бобурийлар империясига асос солишидаги мажозий боғлиқликни муаллиф маромига етказиб уйғунлаштира олган. Бобуршоҳ булоқ сингари ҳамон туғилган заминининг бошқа жойларига бош уриб, унга етиштирадиган янги йўللарни излайди. Эҳтимол, унинг толеи ҳам мана шу булоққа ўхшаб, баланд бир нуқтадан қайта кўз очгандир. Балки бу баланд нуқта шеърятдадир?

– Фақир ҳозир тахмин қилдимки, Мовароуннаҳрда кўчки босган булоқ, балки шу ерга келиб қайта кўз очгандир?

– Ақл бовар қилмайдир. Орада шунча узоқ масофалар бор.

– Лекин чинакам зўр истеъодлар – ўлмас булоқларга ўхшар эканлар. Уларнинг кўзини ўн жойдан бекитсалар, ўн биринчи жойдан яна ёриб чиқар эканлар![8].

Бобуршоҳ шахсияти замон ва маконда чегара билмас; зоҳиран она юртига қайтолмаса-да, ботинан асарлари орқали ватандошлари қалбида абадий макон топди: “Ота юртим Туркистонга ўзим қайтолмасам ҳам, асарларим қайтиши мумкин.

– Иншооллоҳ, сиз ота юртингизга зафар билан қайтурсиз. Тошкентда, Самарқанду Ҳиротдасизнинг қайтишингизни кутиб юрган ихлосмандларингиз кўп.

– Аммо ганиларимиз улардан кўпроқдир, мавлоно. Улар билан жанг қилиб ватанга қайтгунча яна қон дарёсида сузмақ керак... Мен бундан жуда безганмен... Қилич билан олинган элар вафо қилмас эканлар. Фақат маънавий зафарлар умрбоқий бўлишини кейинги даврлар бизга кўрсатди”[8].

Шайбонийхонга қарши салтанатни бирлаштирмақ учун Хусайн Бойқаро ўғиллари ва бошқа темурийзодаларни бирдамликка даъват этган Бобур Мирзонинг орзуси Ҳиндистонда марказий давлат барпо этиш билан амалга ошди. Романдаги йўл хронотопи Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон ораллигида Бобурнинг ҳаёт йўли билан замон ва макон уйғунлигида мукамал ифода этган: “Туркий тилда ёзганимда руҳим яна Андижону Самарқандга қайтгандек таскин топур. Маънавият оҳанрабоши билан туркий эларни руҳан яқину иноқ қилиши менинг эзу ниятимдир. Бу ниятга биз етолмасак, шояд келгуси авлодлар етса! Бобур кўндан бери уйқусиз юрганиданми ёки соғинч ҳиссининг зўриданми, кўзлари беихтиёр ёшга тўлди. – Мен ҳам Ҳиротни беҳад соғиниб юрибмен, ҳазратим. Лекин... ўзингиз айтган эдингизки, Ҳинд ҳам энди биз учун ватан. Ёзган асарларингиз Ҳинднинг шавкатига ҳам шавкат қўшиғусидир. Ҳиндда барпо қилган улуг давлатингиз эса сизни вояга етказган Мовароуннаҳрга ҳам шуҳрат келтирғусидир” [8].

Бу даврда яратилган тарихий романларда ўша пайтдаги ҳукмрон мафкура тазйиқи сезилиб туради. Бу эса муаллифлардан кучли жасорат талаб қилган.

Романларда тахтдан мосуво қилинган шохларни ҳажга юбориш баҳонасида йўлда хундор душманлари томонидан ўлдирилиши каби воқеалар тасвирланган. Бу аянчли ҳолатлар тарихда ҳам мавжуд. Бухорода ҳукмронлик қилган аштархонийлардан Нодирмуҳаммад (1642–1645) ва унинг ўғли Абдулазиз (1645–1681)нинг ҳаж зиёрати йўлида вафот этганлиги тарихдан маълум. Ёки Мирзо Улуғбекни ўғли Абдулатиф мажбуран ҳаж зиёратига юбориши ва Мовароуннаҳр сарҳадидан чикмай туриб, ҳазрат Хомуш фатвоси билан йўлда хундор душмани Сайид Аббос кўлига тутқазилиши аини тарихий ҳақиқат: “– Сенга айтадургон ёлғиз тилагим бор. Сўнги тилагимдур бу... Ўз падарингни Мовароуннаҳр сарҳадидан ҳайдамоқни ният қилибсен... Мени бу маскандин ҳайдагандин қатл қилганинг аълодур! Қатл! – Мирзо Улуғбек томоғи гип бўзилганини сезиб, лабини тишлаганча жим қолди.

– Маъзур тутгайсиз, бузруквор! – деди шаҳзода узоқ сукутдан кейин. – Мен уламоларнинг фатвосига қарши боролмасмен...

– Уламолар йиғилган бўлса, қани улар орасида шайхулислом Бурхониддин, қани қозиул-қуззор Хожа Мискин ҳазратлари?” [2].

Мирзо Улуғбекнинг ҳаёт йўли ўғли Абдулатифда давом этади, падаркуш олти ойда тожу тахтдан, ҳаётдан мосуво бўлади, қасос ўзига қайтади.

Пиримқул Қодировнинг “Авлодлар довони” романида Ганга бўйида Ҳумоюн Шерхондан энгилганида, Карамнаса дарёсининг ўпқонларидан эшакчи Низом сақлаб қолгани учун Ҳумоюн уни тахтга чиқаради. Бу олийжаноблик Комронга маъкул бўлмай, акаси Ҳумоюнни Маккатуллога ҳажга юбориш кераклигини аммаси Хонзодабегимга киноя қилади: “Ахир Бобурдай подшоҳнинг яна учта ўғли турганда унинг тахтига қаяқдаги эшакчи ҳиндини чиқариши – отамизнинг хотирасига-ю бизнинг ҳаммамизга беҳурматлик бўлмагайми?

– Сақчо жуда пок, авлиёсифат йигит эмиш, Ҳумоюн унинг яхшилигига жавобан шу ишни қилиб, ўз гуноҳларидан покланмоқчи.

– Оғамиз чиндан ҳам кўп гуноҳлар қилган, агар ўзларини астойдил покламоқчи бўлсалар, Маккатуллога ҳажга борсинлар!

– Подшони тахтдан тушириб ҳажга жўнатиши – уни ўлимга буюришининг пардали бир тури саналади, чунки ҳаж йўлида ҳимоясиз қолган тождорни ўлдирадиган қасоскорлар, албатта, топилади” [9].

Шерхондан энгилган, укалари туфайли ота мерос мулкидан айрилган ва дарбадар юрган кезлари Ҳумоюнни Комронмирзо ҳибс қилдириб, хундор душманларига кўшиб, мажбуран ҳажга жўнатмоқчи бўлиши, Маккаи Мадинага кетган Мирзо Аскарининг ҳаж йўлида вафот этиши, Адҳамхон ҳажга кетаётган Акбарнинг оталиғи Байрамхонни хоинларча ўлдириши, ҳатто Акбарнинг укаси Муҳаммад Ҳаким “Сулҳи кулл”га қарши бориб, исёнчиларга ён босганида тарафдорлари “Сизни ҳажга юбориб ўлдиргайлар” [9; 293-б.] деб кўркитишлари билан боғлиқ воқеа-

ходисаларга кенг ўрин ажратилиши асар яратилган вақтнинг мафкуравий сиёсати билан боғлиқ.

Тарихий романлар сюжетида йўлнинг магия хусусияти, йўлда чекилган заҳмат туфайли инсоннинг покланиши, ислом динида ҳажга ва муқаддас зиёратгоҳларга пиёда борилиши ёки азиз ва кадрли инсонлар истиқболга пешвоз чиқилиши каби мотивлардан фойдаланилган: *“Кексайганда изҳори дил қилмоқда деб ўйламанг, бегим, – деди. – Сиз ҳам Мирзо Хумоюн ҳам мен кўрган инсонлар орасида энг соҳибидил сиймолардансиз. Икковларингиз ҳам менга азиз бўлганингиз учун Секридан шу ергача пиёда юриб зиёратга келдим. Мўйсафид одам юз милдан ортиқ масофани пиёда юриб ўтиши Ҳамида бегимни ҳангу манг қилиб қўйди: – Ахир билганимизда от юборар эдик-ку, соҳиб Низом! – Отлиқ юриш ҳозирги эътиқодимга хилоф, менинг фақирпарвар устозларим Кабир ҳам, Мўйниддин Чешти ҳам доим пиёда юрганлар”*[9].

Жодҳа Бай қайнонаси Ҳамида бегимга Сарасвати дарёси ҳақида айтиб берган ривоятда ер юзида нопокликлар кўпайиб кетгани учун бу дарё суюклиси Гангага пок етиб келиш мақсадида ер тагига тушиб оқибди ва Оллоҳободда яна юзага чиқиб, севгилсига қўшилибди. Ҳиндлар таълимотига кўра, икки дарё қўшилган жой муқаддас зиёратгоҳга айлантирилиб, Ҳиндистоннинг турли вилоятларидан пиёда келишган, чунки шу муқаддас дарёлар қўшилган жойда бир марта чўмилиб кетсалар, бутун гуноҳларидан покланишларига ишонишган.

Тарихий романлар сюжетида сафар мотивининг ҳам бадиий-эстетик ўрни мавжуд бўлиб, қаҳрамонларнинг бир жойдан бошқа жойга қилган сафарлари асосида ёзувчи сюжет линияларини бири-бирига боғлайди. Мирмуҳсиннинг “Меъмор” романида Нажмиддин Бухорийнинг ўғли Низомиддин Шоҳруҳ Мирзога суиқасд қилишда айблаб, ўлимга ҳукм қилингандан сўнг меъмор Хуросондан Бухорога қайтади. Амирзода Бойсункур Мирзо меъморга Хуросонда вазият нотинчлиги ва ўғлининг ўлимидан сўнг фитначилар подшога ёлғон хабарлар етказишаётгани ҳамда орқасидан

Қораилон тушгани ҳақида огоҳлантириб, меъморни ҳажга боришга ундайди. Аммо меъмор Бойсункур Мирзонинг таклифини рад этиб, она юрти Бухорога қайтишини маълум қилади. Сафар линияси романда қолипловчи сюжет вазифасини ўтаган.

Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” романи самарқандлик Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бақр Калавийнинг хижрий 764 йил шаввол ойининг 18-куни Сабзавордан Самарқандга қайтиш воқеаси билан бошланади. Ёзувчи роман сюжетида асосан икки макон сарбадорлар юрти Сабзавор ва Самарқандда рўй берган воқеа-ҳодисаларни танлагани учун асарнинг бошидаёқ ғоявий ниятини китобхонга ошкор этган.

Йўл хронотопи ҳақида юқорида келтирилган фикрлар адабий асарда вақт ва макон муаммоси мураккаб масала эканлигини, у ўз ичига турли хил аспектиларни камраб олишини кўрсатади. Тарихий романларда хронотоп шакллари умумий хусусиятларини тўлиқ тушуниш учун тарих ва бадиий адабиётни таққослаб ўрганиш керак бўлади. Чунки таққослаш, солиштириш билишнинг асосидир. Тарихий романлар сюжетида бадиий вақт ва маконни ҳис қилиш ва тасвирлаш қисман йўл хронотопи асосида юзага чиқади. Йўл маконни билдирибгина қолмай, замонлар оша доволарни ҳам ифодалайди.

Хронотоп – ёзувчининг ўзига хос ижод олами ташкил этувчи ажралмас таркибий қисм. У ёзувчининг методи ва услубининг ўзига хос томонларини белгилайди, сўз санъаткорининг миллий ва умумбашарий фикрлаш тарзини очиб беришга хизмат қилади. Хронотоп категорияси инсон ва уни ўраб турган муҳит, борлиқ орасидаги ўзаро муносабатлар системасини намоён этади.

Йўл хронотопи ҳам кўп сонли шакллarga эга бўлиб, ёзувчи ундан ижодий ниятига кўра фойдаланади. Бадиий хронотоп шакллари, жумладан, йўл хронотопини ўрганиш тарихий роман структураси ва моҳиятига чуқур кириб бориб, уни тушуниш, изоҳлаш ва таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан Узок Жўракулов таржимаси. – Т.: Академнашр, 2015. – Б. 87.
2. Ёкубов О. Улуғбек хазинаси. (Тўлдирилган қайта нашри) – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. – Б.102.
3. Темирболат А. Категория хронотопа в свете современных научных концепций литературоведения // Филологические науки в России и за рубежом: материалы междунар. науч. конф. – Санкт-Петербург, февраль 2012 г. – СПб.: Реноме, 2012. – С. 6–9.
4. Ўзбек адабий танқиди:[антология]/ тузувчи ва нашрга тайёрловчи Б.Каримов. – Тошкент: TURON-IQBOL, 2011. – Б. 544.
5. Қодирий А. Ижод машаққати бадиий ижод тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар. Тўплаб нашрга тайёрловчи Н.Каримов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.16.
6. Qodiriy A. O'tkan kunlar. – Toshkent: Sharq, 2004. – B. 172.
7. Қодиров П. Тил, тарих, муҳаббат// Ёшлик. – 1989. №5.
8. Қодиров П. Юлдузли тунлар. (Бобур). Тарихий роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989. – Б. 264.
9. Қодиров П. Авлодлар довои. (Хумоюн ва Акбар). Тарихий роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 47.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется отражение хронотопа путь в исторических романах, его роль в композиции литературного произведения, выяснение информационного поля хронотопа посредством исторических, культурных, философско-эстетических, религиозно-мифологических и географических кодов. То, что хронотоп идентифицирует специфические особенности метода и стиля писателя и служит для раскрытия национального и межнационального мышления мастера слова проясняется на примере исторических романов написанных в 70-е и 80-е годы.

Ключевые слова: хронотоп, литературное время, художественное пространство, сюжет, структура исторических романов, прототип, композиция, стиль, творческий замысел писателя, фольклор.

RESUME

In this article, the following items are analyzed: the expression of the chronotop of the way in the historical novels, its role in the composition of the literary work, clarifying the informational field of the chronotop by means of historical, cultural, philosophical- esthetic, religious - mythological and geographic codes. It is elucidated from the point of the historical novels written in the 70s and 80s that chronotop identifies the specific features of the writer's method and style, writers as the sculptures of words introduce the style of national and international thinking way.

Key words: chronotop, literary time, literary place, plot, the structure of the historical novels, prototype, composition, style, writer's creative intention, folklore.